

**ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ
МАРКАЗИ**

Нодиржон Абдулаҳатов

**ТАРИХДАН ОЛГАН
САБОҚЛАРИМ**

Фарғона – 2025

Нодиржон Абдулаҳатов. Тарихдан олган сабоқларим Фарғона - “Classic”- нашриёти-2025. 364-бет.

Мазкур нашрда 55 ёшни қаршилаган тарих фанлари доктори, Фарғона вилояти педагогик маҳорат марказининг профессори Нодиржон Урайимович Абдулаҳатовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида сўз юритилиши баробарида олимнинг кундалик хотиралари, илмий ишларининг библиографияси келтирилган. Мазкур нашрда шунингдек, ўқув қўлланма сифатида фойдаланишлари учун илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган изланувчиларга, олий ўқув юрти талабаларига, умумтаълим мактаблари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган тарих тўғрисида ҳикматли сўзлар берилган.

Масъул муҳаррирлар:
АШИРБЕК МЎМИНОВ

Тарих фанлари доктори, профессор
ШОВОСИЛ ЗИЁДОВ

Тарих фанлари доктори, профессор
Тақризчилар:
ТОҲИРЖОН ҚОЗОҚОВ

Тарих фанлари номзоди, доцент
ИНОМЖОН ТЕШАБОЕВ

Психология фанлари фалсафа доктори (PhD)
АЛИШЕРБЕК ТОШҚУЛОВ

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази методик кенгашининг **30.06.2025** йилдаги №4 сонли қарорига асосан чоп этишига тавсия этилган.

© Н. Абдулаҳатов
“Classic” нашриёти - 2025

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
Ўзим ҳақимда.....	7
Ота авлодим ҳақида.....	18
Она авлодим ҳақида.....	50
Устозларим ҳақида.....	76
Меҳнат фаолиятим ҳақида.....	87
1990-2002 йилдаги кундалик хотираларимдан.....	159
Нодиржон Абдулаҳатовнинг 55 йиллиги муносабати билин ёзилган табрик хатлари.....	254
Нодиржон Абдулаҳатовнинг 1998-2025 йилларда чоп этилган китоб ва мақолалари рўйхати.....	279
Тарих тўғрисидаги ҳикматли сўзлар.....	329

МУҚАДДИМА

Кундалик турмуш ташвишлари ва кутилмаган турли ҳаёт зарбалари одамларнинг хотирасини заифлашувига олиб келади. Инсон баъзан қанча уринмасин яқин ўтмишида юз берган воқеаларни ҳам эслай олмай қолади. Шу сабабдан “Яхши хотирадан ёмон ёзув яхши”, дейдилар. Аллома Маҳмуд Ҳаким Яйфоний Ҳўқандий: “Агар сиз дунёда иккинчи марта яшашни истасангиз, билганингизни ёзиб қолдиринг”, дея бежиз айтмаган. Агар мушоҳада қилсак, бу сўзлар замирида нақадар теран маънолар бор.

Қадимги Хитой донишмандларига кўра “Фикр товушсиздир, у хат-ҳарфлар, яъни ёзув таъсирида товушли бўлиши ва келажак авлодга ўн минг марта, ўн минг йилларда етказилиши мумкин. Ҳудди шунга ўхшаш ҳикмат япон халқида ҳам мавжуд бўлган: “Ёзув сукунатли фикрларни ўз танаси ва овози билан умидвор қила олади, оддийгина оқ қоғоз эса уни минг йиллар давомида асрайди ва келажак авлодга етказади”.

Бу пурмаъно сўзлар таъсирида ҳам ушбу қораламага қўл урдик. Ўйлаб кўрсак, фарзандларим ва яқинларимга ҳам айтмоқчи бўлган фикр-мулоҳазаларимизни китоб орқали етказиш қайсиdir жиҳатдан қулайроқ экан. Чунки эртаю кеч биз улар билан бирга бўла олмас эканмиз, демак китоб уларнинг доимий ҳамроҳи бўлсин.

Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний” асарида қизиқ ҳикоятни келтиради:

“Келтирибдурларки, бир подшоҳнинг мажлисида бир бузрукнинг фасоҳат ва балоғатини чунон таърифладиларки, подшоҳда у бузрукни кўришга иштиёқ пайдо бўлди. Бир кишини олиб келгани юборди. У бузрук мажлисга келиб, аввал саломлашди, сўнгра: “Подшоҳнинг умри минг йил бокий бўлсин”, деди. Подшоҳ: “Ҳануз ўтирмай туриб ақл бовар

қилмайдиган сўзни айтдингиз. Сиздек бузрукка бунингдек беҳуда такаллум ярашмайди”, деди.

Бузрук дедиларки: “Инсоннинг умри мана шу жасаднинг боқийлиги билан эмас. Ҳамма билурки инсон минг йил умр кўрмайди. Аммо вафотидан кейинги яхши номи яна бир умрдур. Менинг мақсадим шу эдики, подшоҳимизни яхшилик билан ёдга олинишлари минг йилгача чўзилсин”.

Қитъа:

Кишиким бўлди яхши оти машхур,
Вафотидин кейин они зинда дерлар.
Вале ониким олмишдур ёмон от,
Агарчанди тирикдур мурда дерлар.

Бу маънода айтибдурларки, кимки яхши ном қолдирибдур, у киши ўлмабдур. Кимки яхши ном қолдирмас, ана ўша ўлиқдур”.

Қиссадан ҳисса шулки, инсон жисман узок яшамасада, аммо шарафли ишлари билан номи боқий қолади. Оқил кишилар шу сабабдан гўзал амалларни кўпайтирганлар. Хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратганлар.

Ушбу ҳикояни ўқиганимдан сўнг йиллар ўтиб Тошкент шаҳридаги Чифатой қабристонига бордим. Бу ердаги машхурларнинг қабрларини зиёрат қилаётib, Ўзбекистон халқ артисти, актёр Жавлон Ҳамроевнинг (1934-1997) қабри олдида бир муддат тўхтадим. Мен ушбу актёр бош ролда ўйнаган “Фарҳоднинг жасорати” номли бадиий фильмни севиб томоша қилганигим учун, унга алоҳида ҳурмат кўрсатгим келганди. Унинг қабридаги битикларни ўқир эканман, қуидаги сўзлар менга жуда таъсир қилди: “Ўлимдан қўрқмайман. Унутилиб кетишдан қўрқаман”. Таниқли актёрнинг қабридаги бу сўзлардан холоса қилдимки, инсоннинг қанча яшагани муҳим эмас, балки қандай яшагани муҳим.

Киши агар юз, агар минг яшаса хам охири ўлмак керак. Эслайсизми, “Бобурнома”да шоир:

“Агар сад сол мони автар яке рўз,
Бибояд рафт аз ин коҳи дилафрўз...”

– деган эди. Яъниким, агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур. Биз учун ҳам бу қасрдан кетмоқ вақти яқинлашмоқда. Чунки тенгдошларимизнинг вафот этишлари бизга катта сабоқ бўлмоқда. Бундай пайтларда Абулқосим Фирдавсийнинг қуидаги мисралари тез-тез ёдимизга тушади:

Яхшилик қилиб қол то тирик кўзинг,
Кўзинг тириклиқда айтиб қол сўзинг.

Стивен Хокинг “Инсон эрта ўлим топишини билса, у ўз умри тугашига қадар жуда кўп нарсалар қилиб қолмоқчи эканини англаб етади” деган эди.

“Ҳаёт – йўқотишлиар занжиридир. Ёшлигинги, отонангни, дўстларингни, соғлиғингни ва охирида ҳаётнинг ўзини ҳам йўқотасан”, дейди ёзувчи Айзек Азимов

Олим ва адабнинг бу сўзларини таҳлил қиласканман баъзи бир хотираларни қоғозга туширишга жазм қилдим.

Мирзо Бобур “Бобурнома”даги тавсифлари тамойилини изоҳлагандек:

“Мен бор ҳақиқатни ёздим... Мен нима содир бўлганини борича ёздим. Менинг ҳикоямда ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини ёзишни ва ҳар бир ҳодисани айнан қандай содир бўлганини тушунтиришни вазифасини қўйдим. Мен ўз қариндошларим орасида кўрган ҳар қандай яхшилик ва ёмонликни белгилаб қўйганимдан сўнг, ўз ватандошларим ва мусоффиларимнинг барча фазилатларини ва камчиликларини аниқладим”.

ЎЗИМ ҲАҚИДА

Мен Нодиржон Урайимжон ўғли 1970 йилнинг 24 январ куни Фарғона вилояти Қува шаҳрида зиёли хонадонда таваллуд топдим. 1977 йилда Қува шаҳридаги Юрий Гагарин номидаги 43-сонли мактабга ўқишига кирдим. У вақтда дадам Урайимжон Абдулаҳатов Қува мебель фабрикасида, онам Сабохон Аҳмедова Қува тумани Чилон қишлоғидаги Муқимий номли 18-мактабда она тили ва адабиёт фанида дарс берган.



**Камина Нодиржон Абдулаҳатов бир ёшда.
1971 йилнинг апрел ойида олинган сурати.**

Биз шаҳар истироҳат боғи олдида қурилган икки қаватли аҳоли турар жойларидан бирида иккинчи қаватда яшардик.

Қўни-қўшниларимизнинг барчаси ўқимишли, меҳр-оқибатли инсонлар эди. Мана шу уйимизда мен ва укам Фарҳоджон ҳамда сингилларим Дилафуз, Муаттархон, Камолаҳон дунёга келишган. Биз яшаган уй олдидаги болалар боғчасида тарбияланиб, уйимизнинг қаршисида жойлашган

истироҳат боғида болалик кунларимизни ўтказдик. Шу сабабдан ўзимиз истамаган ҳолда қўп воқеаларга гувоҳ бўлдик, турли саргузаштларни бошимиздан ўтказдик.



Камина Нодиржон Абдулаҳатовнинг 5 ёшда олинган сурати.

Бир подъездаги қўшниларимиздан Султонов Турғун ака ва унинг аёли Таваккалхон аянинг Эркин, Равшан, Азизило, Раъно ва Барно исмли қизлари бор эди. Улар билан худди яқин қариндошлардек эдик. Деярли ҳар куни уларнинг хона-донида кунимиз ўтарди.

Таваккалхон ая яна бир қўшнимиз Офтобхон ая билан туғруқхона ошхонасида ишлашарди. Қачонки аяжоним туғруқхонада ётгудек бўлса, мана шу икки қўшни унга худди туғишгандек меҳрибонлик кўрсатишарди. Уларнинг бу меҳрибонликларини онажоним умрини охиргига қадар унумади. Ҳар вақт уларнинг ҳақларига дуода бўлдилар.

Қўшниларимиз Топиволдиев Абдураҳим аканинг ўғли Нодирбек, Усмонжон аканинг қизи Зулфия, биз уни Зуля деб атардик ва Тамара холанинг Руслан исмли ўғли билан тенгдош эдик. Зуля ва Руслан ёлғиз фарзанд бўлганликлари учун

улар яқинлари томонидан ғоят ардоқланиб, ўйинчоқлари ҳам кўп эди. Айниқса, Зуля оғриқчанлиги туфайли унга ота-онаси алоҳида ғамхўрлик қиласадилар. Шундай бўлсада, Зуля ўта самимий ва беғубор эди. Афсус Зуля тугма дард билан тугилганидан узоқ яшамай мактаб юзини кўрмай вафот этди. Руслан ҳам мактаб ёшига етмай онаси билан ис газидан нобуд бўлдилар.



Камина Нодиржон Абдулаҳатовнинг
7 ёшда олинган сурати.

Мактабга илк борган кунларим ҳамон ёдимда. Дадам менга яшил сумка олиб берганди. Мен шу сумкамни қўтарганимча мактабга борганман. Биринчи синфдаги синфдошлирим аксарияти аслида болалар боғчасида бирга ўсиб улғайган болалар бўлган.

Биринчи ўқитувчимнинг исми Тўхтахон опа эди. Мактабни биринчи қунларидаёқ менга “Сен мактабга келмагин” дейишиган. Бунинг сабабини шу вақтга қадар била олмадим. Эҳтимол синфда болалар сони ортиб кетганмиди? Қисқаси мактабга бир муддат бормай турганлигим сабабидан дадам менга илк устозим бўлди. Менга ёзишни, ўқиши ўргатди. Қачонки мактабга яна қатнай бошлаганимда шу нарса маълум бўлдики, мен ўқиши ва ёзишда синфдошларимдан ўзиб кетган эканман. Бунинг учун дадажонимга бир умр таъзимдаман. Дадам менга нафақат ота, балки илк устоз, кейинчалик қадрдон акадек, вақти келиб яқин содик дўстимдек бўлиб қолганди. Шунинг учун отажоним вафот этган куни мен бир вақтнинг ўзида ҳам отадан, ҳам акадан, ҳам дўстимдан жудо бўлдим...

Олти-етти ёшимга қадар ҳар куни кечки вақт ётишдан олдин дадам ёки онажонимдан қизиқарли эртак ёхуд ибратли ҳикоятларни тинглаб сўнг уйқуга кетардим. Айниқса, улар менга кечалари ўқиб берган Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” шеърий достонидаги мисралар хотирамда бир умрга муҳрланиб қолган.

Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,
Ойни уялтирган қош.
Ўт боғлаган қанотлар,
Беқанот учган отлар.
Бахтиёр билан Ойгул,
Қиз бўлиб очилган гул.

Хозир ҳам “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” номли китобнинг муқоваси кўз олдимда туради.

Дадам шу китобдан ҳикоялар ўқирди. Хотираларим унучилмаслиги учун эски китобларни сотувчилардан шу китобни излаб топиб сотиб олдим.



**Камина Нодиржон Абдулаҳатов ва Фарҳоджон укам.
1977 йилда олинган сурат.**

Китобни қўлимга олган пайт гўё болаликка қайтгандек бўлдим. Мана шу нарса соғинч бўлса керак...

1978 йилда оиласизга катта мусибатга йўлиқди. Укажоним Фарҳоджондан айрилиб қолдик. Фарҳод укам саводсиз докторларнинг нотўғри қўйган ташхиси туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Ўша машъум воқеани юз берганига салкам яrim аср бўлганига қарамай мен асло ота-онамнинг ҳолатини унута олмайман. Айниқса, укамдан сўнг унинг bemорлик вақтида кийган уст-бошларини бағрига босиб йиғлаганликлари кечагидек кўз олдимда.



Фарҳоджон укам. 1977 йилда олинган сурат.

Халқимизда “Ота-она ўлими мерос, фарзанднинг ўлими тиги олмос” деган нақл мавжуд. Дарҳақиқат, фарзандидан айрилиш, уни доғида куйиш ота-она учун энг оғир мусибатдир. Ахир не-не умид, орзу ҳаваслар билан ўстирган фарзандини ўз бағридан юлиб олиб қора ерга топширишга қайси ота-онани юраги чидайди.

Фарҳоджон укамнинг ўлими ота-онамга қаттиқ таъсир қилди. Шунга қадар дадам Қува шаҳар мебел фабрикасида малакали етук мутахассис сифатида фаолият олиб борсада, айрим сабаблар билан ишдан бўшаб, Фарғона селекция

мева-узум станциясига лаборант сифатигда ишга кирганди. Дадам иш сўраб ариза билан станция директори Убайдулло Сайдалиевни қабулига борган ва у киши дадамни нафақат ишга қабул қилибгина қолмай, давлат томонидан қурилган катта бир уйни ҳам берган. Укамнинг ўлимидан сўнг шаҳарда ота-онам сира шаҳарда тургиси келмай қолди ва биз Шредер тажриба станциясига оиласиз билан қўчиб келдик. Шу ерда Фотимахон ва Зухрахон синглим дунёга келдилар ва ҳозирга қадар шу масканда яшаб келмоқдамиз.



Алишер Навоий номидаги 6-ўрта мактабнинг устоз педагоглари.

Мактабдаги ўқиш фаолиятим Қува тумани Бўзахўр қишлоғида жойлашган Алишер Навоий номидаги 6-ўрта мактабда давом эттиридим.

1981 йилдан то 1987 йилга қадар 6-ўрта мактабда таълим олдим. Менинг айнинг ўсмирилик кезларимдаги хотиралар шу қишлоқ билан чамбарчас боғлиқ. Мактаб бизнинг уйдан деярли уч чақирим узокда жойлашган эди. Аммо деярли ҳар куни дарсларга пиёда бўлса-да, кечикиб борганимизни эслай

олмайман. Бунга сабаб мактабга ва устозларимизга бўлган меҳримизда деб ўйлайман.

Бу қишлоқда яшаб ўтган устозларимиздан Муқимжон, Мўминов, Эрали Аҳмадалиев, Бобожон Холиков ва қадрдан устозим Обиджон Холиковларни ҳозир ҳам кўп эслайман. Чунки уларни “Олим бўлмасанглар ҳам одам бўлинглар”, деган насиҳатлари ҳали ҳануз ёдимиизда.



**Алишер Навоий номли 6-ўрта мактабнинг 6 “б”-синф
ўқувчилари. Чапдан ўтирганлардан иккинчи
Нодиржон Абдулаҳатов. 1983 йил.**


Айниқса 6-ўрта мактабда тарих фанидан сабоқ берган мархум устозимиз, Сойибжон Рустамов (1936-2009) бизни ўтилган мавзулар бўйича бир неча бетдан иборат конспект (мухтасар баён) ёзиб келишимизни доим вазифа қилиб берар эди. Аллоҳ охиратини обод қилсин, устоз Сойибжон Рустамов деярли ярим асрга яқин вақт мобайнида мактабда дарс берди. Каерда ким билан кўришмасин ҳар доим илмнинг афзаллиги хусусида сўз очиб, барчани илм олишга ундан келди. Бунинг учун ундан бир умр миннатдормиз.

Баъзан устозимизнинг бу топшириқлари малол ҳам келарди. Аммо кейинчалик унинг бу вазифалари бизни олийгоҳга киришимизда катта ёрдам берди. Тарих бўйича берилиган имтиҳон саволларида мактабда ёзган қайдларимиз

кўз олдимииздан бирма-бир ўтди ва ҳеч қийналмай аъло баҳо-
ларга жавоб бердик.

Аҳли донишлар айтганидек:
Ким зеҳнига ишониб ёд олибди,
Ёд олгани тезда ундан қочибди.
Ким ёзиб, қайд айлади,
Кетмас қилиб уни боғлади.

Устозларимизнинг мазкур насиҳатларини маъносини
вақти келиб, Ғолиб Марғилонийнинг қуидаги фикрларидан
англаб етдик.



Алишер Навоий номидаги 6-ўрта мактабнинг 8-синф
битириувчилари. 1985 йил.

“Маълум бўлсинки, уламо бўлиш ҳам осон, эшон бўлиш
ҳам осон, аммо одам бўлиш қийин. Ўн, ўн беш йил илм
ўқиса, дикқат қиласа, олим бўлади. Яна шунча йил риёзат
чекса, пир хизматини қиласа иршод тегади, эшон бўлади.
Аммо одам бўлиш учун ҳам олимнинг илмини ўқиши керак,
ҳам эшоннинг тақвосини тутишлик керак. Яна бундан таш-
қари, доимо ўз нафси билан жанг қилиши ва кўп нарса-
лардан воз кечиши керак бўлади.

Тараққиёт – олим илмига амал қилса, вориси анбиё бўлади. Эшон халқни ҳидоятга бошласа, халифайи Расулуллоҳ бўлади. Одамга одамлик мұяссар бўлса, Аллоҳ таолонинг ердаги халифаси бўлади. Демак, одам бўлишилик барча мартабалардан олий экан.

Таназзул – олим агар илмига амал қилмаса, нафси니 домига илинади ва бора-бора нафс учун ҳийла йўлига ўтади. Мавжуд масалаларнинг моҳиятига эмас, ҳарфига қарайдиган бўлади. Доимо шунга мудовамат қилса, Аллоҳ таоло уни маънавий жиҳатдан ит суратига киргизади. “Дунё нажас, унинг толиблари эса итдир”, мазмунидаги ҳадиси шариф шунга далолат қилади.

Эшон агар зоҳидликнинг эҳтиётини қилмаса дили қорайиб, маърифати хиралашади, фикрини тамаъ хаёли босади. Дида хотиржамлиқ, яъни охиратдан бегамлик келади. Бу эса юзаки ор ва қалбаки номус келтиради. Шу даражада пастлагани учун шайтон бўлади. Аммо одам одам даражасига кўтарилидими энди уни яна қайтиб тубанлашиши жуда қийин, балки мумкин эмас, чунки у одамлик даражасига ўзидағи барча қабоҳатларни енгиб, барча пасткашликлардан нафратланиб етган. Шунинг учун у таназзулга учрамайди, аммо хатога кетиши мумкин.

Маълум бўладики, одам бўлишилик агарчи қийин, аммо мұяссар бўлса саботлик бўлади. Одам бўлдими комил мусулмон бўлди, мусулмон бўлмасдан одам бўлолмайди. Комил одам бўлмасдан мусулмон бўлолмайди”.

Адіб Жаноб Шаҳобиддин (1870-1931) “Синфдошлар тасбех доналарига ўхшатишингиз мумкин: мактаб тугагач ип узилиб ҳаммаси ҳар тарафга сочилиб кетади” деган фикри нақадар ҳақиқат эканлиги вақт ўтган сари ўз тасдиғини топиб бормоқда.

Ҳар бир инсон туғилган кунини қачон эканлигини яхши билади. Бироқ нима учун дунёга келганлигини англаш имконияти барчага ҳам берилавермайди.

Икки ёшли чоғимда Қува шаҳар Қалинпўстин қишлоғида истиқомат қилган Мамадали бобомизни хонадони олдидан оқиб ўтувчи катта ариққа тушиб кетиб анча жойгача оқиб кетган эканман. Албатта бу воқеадан хонадондагилардан ҳеч ким воқиф бўлмаган. Сувда оқиб катта труба олдида тўпланиб қолган шох-шаббаларга қадалиб қолган чоғимда шу ердан ўтиб кетаёган Фотимахон исмли қизни қўзи менга тушади ва шартта ариқдан юлқиб олиб “Кимни боласи” деб дод солади...

Орадан деярли яrim аср ўтиб мен бу воқеани тафсилотидан хабар топдим.

Маълум бўлишича, 1955 йилда таваллуд топган Чилон қишлоқлик тандирчи хонадонидаги ўн бир фарзанднинг бири Фотимахон Қодирова¹ исмли қиз далада гўза чопик қилаётуб бирдан қаттиқ истималай бошлайди. У бригадирдан жавоб сўраб истимадан юраги беҳаловат бўлиб уйга йўл олади. Ариқдан ўтиш учун катта қувур олдига келганида тасодифан қўзи ариқдан гоҳ чиқиб гоҳ сув ичига кириб кетаётган ёш болани танасига қўзи тушади ва ўлим остонасида турган гўдакни ҳаётини сақлаб қолади.

Ушбу воқеанинг тафсилотларини ҳикоя қилар эканман узоқ муддат сувда чўкиб туриб ўлмай қолишими, устига-устак айни ўша вақтда Фотимахон опани истималаб уйга қайтиши ҳам Аллоҳ таолонинг ҳикматларидан бири эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

¹ Фотимахон (Қодирова) Ҳасанова узоқ йиллар Қува тумани Чилон қишлоғидаги 18-мактабда фаррошлик, ошпазлик қилиб меҳнат нафақасига чиққан.

ОТА АВЛОДИМ ҲАҚИДА

Туркий халқларда ўғил бола етти ота-бобоси ким бўлганини билиши, яхши ишларини эслаб юриши зарур одатлардан бири бўлган.



Бобом Мулла Абдулаҳад охунд

Оқсоқоллар кўчада нотаниш болани қўриб қолишса: "Қани, ботир бола, кимнинг ўғлисан, отангнинг отаси ким, бобонгнинг бобоси ким?" деб сўрашган. Бола ўзининг сулоласини билмаса: "Ўғлига боболари кимлигини ўргатмаган қандай ота бўлди-а", дея афсусланишган.

Фарғона вилоятининг Қува туманида жойлашган Янгичек қишлоғи ота-боболарим таваллуд топган муқаддас маскан-дир. Шу боис болалик давримиз ҳам шу қишлоқда ўтган. Кўплаб ширин хотираларим ҳам шу қишлоқ билан боғлик.

Дадам Урайимжон ҳожи 1946 йилнинг 2 май куни Қува туманидаги Янгичек қишлоғида таваллуд топган. Дадамизнинг отаси Абдулаҳад охунд (1895-1949) бўлиб, унинг отасини Исройлбой деб аташган. Исройлбойнинг отаси Муҳаммаднақиббой бўлган. Исройлбой бўзахўрлик Марямбону исмли қизига уйланган ва Абдулаҳад ҳамда Абдусамад исмли ўғил ва Ойимбону исмли бир қиз фарзанд кўрган.

Шу ўринда Муҳаммаднақиббойдек бобокалонимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсам. Зеро, ушбу китобнинг муаллифи бўлмиш камина Муҳаммаднақиббойга бешинчи авлод бўламан.

- 1.Муҳаммаднақиббой.
2. Исройлбой.
3. Абдулаҳад охунд.
4. Урайимжон.
5. Нодиржон.
6. Ҳожиакбар.

Кимё аммамнинг ҳикоя қилишларича, Муҳаммаднақиббой Қува депарасидаги йирик бойлардан бўлиб, ҳар иили Ўш ва Олай томонлардан юзлаб қўй-молларни олиб келиб, Фарғона водийсидаги йирик бозорларда сотиш билан машғул бўлган. Унинг ҳамкорларидан бири маҳаллий сармоядор Маржонқизбай бўлиб, у ҳақда “Тарихи Азизий” муаллифи қуидагиларни келтиради:

“Яна Эски Марғilonда Маржонқизбай (аслида Маржон қирғиз бўлса керак) отлиқ катта тужжор маъруф киши бор экан. Ўз аслида кўп яхши шижаотпеша, садақаи жория ишларга саъйлик ва масжиду мадраса бино одам бино қилган экан. Марҳум бўлиб, ўрнида икки ўғиллари жой-нишин (ўринбосар) қолибдур. Катта ўғиллари – Мулло Мўсожон бойвачча кўп олийҳимат, хайру эҳсонлик ва закотни ўз вақтида берувчи ва муллоларни дўст тутувчи сахий эми-

шлар”². Муҳаммаднақиббой тахминан 1910/11 йилларда оламдан ўтган.

Энди Муҳаммаднақиббойнинг набираси, яъни Абдулаҳад бобом ҳақида. Бобомиз Абдулаҳад охунд Ҳосиятхон (1909-1958) исмли қизга уйланиб, Набижон, Алижон, Комилжон³, Олимжон⁴, Урайимжон⁵ исмли беш ўғил ва Иноятхон, Кимёхон⁶ исмли икки қиз фарзанд кўрган. Бироқ Алижон,

² Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. -Т.: “Маънавият”, 1999 -Б.89.

³ Комилжон (1932-1955) 1954 йилда Турсурхон Сўфи Охун қизига уйланиб, 1955 йилда Исҳоқжон исмли бир ўғил фарзанд кўрган. Исоқжон Чўлпонойга уйланиб, Истроилжон (1977 й.т.), Одинахон (1978 й.т.), Иродахон (1980 й.т.), Ҳомиджон (1989 й.т.) исмли тўрт нафар фарзанд кўрган.

⁴ Олимжон ҳожи Абдулаҳатов 1933 йилда туғилган. Турмуш ўртоғи Мушаррафхон (1933-2000) 7 нафар фарзанд кўрган. Булардан қизи Малоҳатхон ўқувчилик вақтида барвақт оламдан ўтган. Ҳали ҳануз ёдимда. Малоҳатхон опам дунёдан ўтган кечаси камина ушбу китобни муаллифи видолашиб учун марҳума ётган хонага кирдим. Малоҳатхон опам худди ухлаётгандай. Ҳусни ўн тўрт кунлик ойдай. Бегуноҳ маъсума қиз худди фариштага ўҳшайди деганлари нақадар тўғри эканлигига ўшанда яна бир бор амин бўлган эдим. Қизлари: Мавжудаҳон, Ойشاҳон, Манзураҳон. Мавжудаҳон (1962 й.т.) Раҳматжон Шариповга (1958.й.т.) турмушга чиқиб Фанишер, Файратжон, Фаррухжон, Диљшоджон исмли тўрт ўғил ва Лобархон исмли бир қиз кўрган. Ойшаҳон (1964 й.т.) Фаҳридин Эгамбердиевга (1964 й.т.) турмушга чиқиб Авазжон, Азизжон исмли икки ўғил ва Мафтунаҳон исмли бир қиз фарзанд кўрган. Манзураҳон (1974 й.т.) Абдулазиз Азимовга (1973 й.т.) турмушга чиқиб Асадбек, Аброрбек исмли икки ўғил ва Диљдора исмли бир қиз фарзанд кўрган. Ўғиллари: Ҳамиджон, Ҳакимжон, Набижон. Ҳамиджон (1966). Турмуш ўртоғи Раҳимахон Абдулаҳатова (1970 й.т.). Мирзоҳид, Миркомил, Жавоҳир исмли уч ўғил ва Ферузабона исмли бир қиз фарзанд кўрган. Ҳакимжон (1968 й.т.) рафиқаси Фотимахон Абдулаҳатова (1970 й.т.). Санжарбек ва Сардорбек исмли икки ўғил кўришган. Набижон (1971 й.т.) рафиқаси Зухраҳон Абдулаҳатова (1970 й.т.) Шуҳратжон, Ойбек исмли икки ўғил ва Динорабону исмли бир қиз фарзанд кўрган. Олимжон ҳожининг набираси Баҳтиёржон Абдуллаев (1977 й.т) Марғубаҳон Абдуллаевага(1981) уйланиб, Хушнудбек исмли бир ўғил ва Диљёра исмли бир қиз фарзанд кўрган.

⁵ Урайимжон ҳожи Абдулаҳатов (1946-2025.) яъни падари бузрукворимиз онамиз Сабоҳон Аҳмедовага (1946-2022.) уйланиб, етти фарзанд кўришган. Булардан укамиз Фарҳоджон болалик чоғида дунёдан бевақт кўз юмган. Қолган фарзандлари: Нодиржон, Дилафрўзхон, Муаттархон, Камолаҳон, Фотима-Зухраҳонлар. Нодиржон яъни ушбу китобни муаллифи бўлмиш камина Зулфияҳон Абдулаҳатовага - қизлик фамилияси Мамировага (1977 й.т.) уйланиб, Муштарийбегим, Фарангисхон, Турконабегим исмли уч қиз ва Ҳожиакбар исмли бир ўғил фарзанд кўрдик. Дилафрўзхон (1972 й.т.) Диљшоджон Ҳакимовга (1969 й.т.) турмушга чиқиб, Бунёджон, Тоҳиржон исмли икки ўғил ва Диљнамо исмли бир қиз фарзанд кўрган. Муаттархон (1974 й.т.) Давронбек Мадалиевга (1974 й.т.) турмушга чиқиб, Муаззамхон, Минавархон, Шукронабегим исмли уч қиз Бекмурод исмли бир ўғил фарзанд кўрган. Камолаҳон (1979 й.т.) Умижон Абдураимовга (1977 й.т.) турмушга чиқиб, Омонжон, Шохжаҳон, Ёдгор, Муҳаммадазиз исмли тўрт ўғил фарзанд кўришган. Фотимахон (1981 й.т.) Саъдулло Фаниевга (1980 й.т.) турмушга чиқиб, Оғабек, Шаҳинбек, Абдуллоҳ исмли уч ўғил кўришган. Зухраҳон (1981 й.т.) Илҳомжон Сотволдиевга (1978 й.т.) турмушга чиқиб, Исломжон, Илёсбек исмли икки ўғил ва Ойдиной исмли бир қиз фарзанд кўрган.

⁶ Кимё аммам 1938 йилда туғилган. У Ақбарали Зокирбой ўғлига турмушга (1922-2004) чиқиб Ҳайдарали, Ботирави, Ибронали, Нурмуҳаммад исмли тўрт ўғил ва Саноатхон, Ҳикоятхон, Ҳидоятхон, Зоҳидаҳон исмли тўрт қиз, жами саккиз нафар фарзанд кўрган. Саноатхон (1958-2021) Райимжонга турмушга чиқиб уч нафар фарзанд кўрган: Марҳабоҳон, Шаҳлоҳон, Абдуррашиджон. Иккинчи қизи Ҳикоятхон (1962 -2018) Орифжонга турмушга чиқиб тўрт нафар

Набижон ва Иноятхон фарзандлари дунёдан эрта ўтиб кетишган.

Кимёхон аммамизнинг сўзларига қараганда Хосиятхон энамизнинг оналари Тиллохон табоатдан дурустгина хабари бўлган. Шу сабабдан теварак-атрофдан шифо излаб келувчилик кўп бўлган. Унинг эри Темирбой Юнусбой ўғли баззозлик (газлама сотиш) билан шуғулланган. Уларнинг уч қиз фарзанди бўлиб, Темирбой ота ўз маблағини Исроилбой билан бирга қишлоқдаги масжид қурилишига сарафлайди. Ўша вақтда уларнинг қизларидан бири Нуқрахон турмушга чиқиб, эгизак фарзанд кўради. Бироқ эгизаклар туғилган чоғида нобуд бўладилар. Ўша вақтда Нуқрахон аҳволи оғирлашиб эрта тонга қадар ўзини ҳам дунёдан кўз юмишини англаб онасига қуийдагича васият қиласди. Васиятга кўра синглиси Хосиятхонни қишлоқни имоми бўлган Исроилбойнинг ўғли Абдулаҳад охундга турмушга беришлари кераклигини айтади. Чунки Нуқрахон ўзидан кейин онаси ва сингилларини қийналиб қолмасликларини истаган. Натижада ўша куни никоҳ ўқиласди. Эртаси жума куни Нуқрахон оламдан ўтиб икки норасида гўдаклари билан қабристондаги катта ўрик дарахтининг тагига дафн этиласди. Кейинчалик бу ўрикни ўша эгизаклар номи билан “Ҳасан-Ҳусан ўриги” деб аташган.


Бобомиз Абдулаҳад охунд ўз даврида Марғилондаги Хонақоҳ мадрасасида таҳсил олган.

Бу маълумотни изланишлар давомида аниқлашга муяс-сар бўлдик. Маълум бўлишича бобомиз мадрасада марғилонлик Аъзамжон махсим билан бирга ўқиган. Аъзамжон

ўғил кўрган: Жамшиджон, Жавлонбек, Давронбек, Мавлонбек. Учинчи қизлари Ҳидоятхон (1964 й.т.) Асқаралига турмушга чиқиб уч нафар фарзанд кўрган: Алишер, Валишер, Ферузахон. Тўртинчи қизлари Зоҳидахон (1977 й.т.) турмушга чиқкан Исломбек исмли бир нафар фарзанди бор. Кимё аммамнинг ўтиллари. Катта ўғли Ҳайдарали (1965 й.т.) Матлубаҳонга уйланиб уч нафар фарзанд кўрган: Ҳасанбой, Ҳусанбой, Мавлудаҳон. Иккинчи ўғли Ботирали (1968 й.т.) Мухлисаҳонга уйланиб уч нафар фарзанди бор: Азизаҳон, Ҳалимаҳон, Абдулаҳад. Учинчи ўғли Ибронали (1971 й.т.) Мехринисога уйланиб уч нафар фарзанд кўрган: Хосиятхон, Раҳнамоҳон, Муҳаммаджон. Тўртинчи ўғли Нурмаҳаммад (1973 й.т.) Нодираҳонга уйланиб беш нафар фарзанд кўрган: Нилуфархон, Зулфияхон, Шукроҳон, Умидахон, Акбарали.

махсумни (1886-1967) отаси замонасининг таниқли уламоларидан машҳур қироат устози Муҳаммад Амин (90 ёшдан ўтиб 1917 йилда вафот этган) бўлган⁷. Айтишларича, Абдулаҳад охунд ва Аъзамжон махсумлар ўтган асрнинг 30-йилларида мустабид тузумнинг қулоқлаштириш сиёсати туфайли уч йил Тожикистанда оиласлари билан бирга ертўлаларда яшашга мажбур бўлишган.

Абдулаҳад охунд рус, араб ва форс тилларини яхши билганилиги боис унинг исмига охунд⁸ сўзини қўшиб айтишган. Улуғлар таъбири билан айтганда Абдулаҳад охунд “Дўзах оловидан қўрққани учун эмас, жаннат боғларига кириши учун эмас одам бўлиш учун яшади”.



**Ота ва онам. Урайимжон ҳамда Сабоҳон.
1965 йилда олинган сурат.**

⁷ Дала тадқиқотлари. 2014 йил. Фарғона вилояти Марғилон шаҳри Туттаги маҳалласида яшовчи. Турсуной Аъзамовадан (1942 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁸ “Охунд” диний уламолар пешвоси, мулло, устоз маъноларини англатиб, кўпинчча илмли кишилар номига қўшиб ишлатилган. (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Учинчи жилд. – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нацириёти, 2007. – Б. 161.)

Олимжон ҳожи амакимизнинг ҳикоя қилишларича, бобомиз Абдулаҳад Охунд Марғилон шаҳридаги Ҳонақоҳ мадрасасини тамомлаган, илми пухта мулло зотлардан бўлганлиги учун бир уй тўла шундай китоблари бор экан. Ўша пайтларда бобомизга танишларидан бири келиб, “Агар бу эскича китобларингизни йўқотиб юбормасангиз, ўзингиз қамоқда, оиласангиз эса сургун бўлиб, кетади”, деб айтибди.



Олимжон Абдулаҳад охунд ўғли
1955 йилда олинганд сурат.

Шундан сўнг бобомиз кутубхонасига кириб, ичидан беркитиб олиб бир кун ташқарига чиқмабди. Фақатгина унинг ўқтин-ўқтин “Астағфуриллоҳ” деганча, мунгли йиғисини эши-тибдилар.



Урайимжон Абдулаҳатов. 1961 йил.

Бу ҳақда Олимжон ҳожи амакимиз шундай хотиралайди: “Отамиз кечаси билан қоп кўтариб нима сабабдан қабристон томонга қатнаганилигини қўриб аввалига болалигим учунми кўп ҳам тушунмадим. Қачонки кутубхона токчалари китобларсиз бўшаб, хувиллаб қолганлигига қўзим тушгач, унда отамизни қабристонга нима учун бораётганлигини англадим.

Китоб ҳам одамизодга худди фарзандидек ардоқли бўлиб, қолар экан. Отамиз шундан сўнг, худди болаларидан

жудо бўлганидек, бир неча кун ҳеч ким билан сўзлашмади. Кейин билсам, отамиз қабристонга қўмиб келган китоблари учун шу тарзда аза тутган экан”.

Тақво Аллоҳ таолодан қўрқиши, гуноҳлардан тийилиш ва ҳарому-шубҳалардан сақланиш экани ҳаммага маълум. Бобомиз Абдулаҳад Охунд ҳам бир умр Қуръони каримдаги “Эй мўминлар, сизлар ўзингиз ва аҳлларингизни ўтини одамлар ва тошлардан иборат дўзах ўтидан сақланг”, мазмунидаги оятига амал қилиб кун кечирган. Шу сабабдан дунё молига мутлақо муҳаббатсиз киши бўлганлар.




Комиљон Абдулаҳад охунд ўғли.

Кимёхон аммамизнинг айтишларича, бобомиз Абдуллаҳад Охунд 1946 йилдан 1949 йилга қадар “Пятилетка” номли

жамоа хўжалигига раислик ҳам қилган. Ўша кезлар қишлоқ аҳлининг барчасининг биринчи марта урушдан кейин уйларидаги сандиқлари донга тўлиб, одамлар тўқчиликка эришган эканлар.

Чунки бобомиз Абдулаҳад Охунд колхоз ерларидан олинган ҳосилни давлатга топширгандан сўнг ортган қисмини хўжалик аъзоларига бўлиб берган.



Исоқжон Комилжон ўғли.

Афсуски, унинг диний билими ва ҳалоллиги айrim жоҳил кимсаларга тинчлик бермай доим унинг устидан бўхтонлар уюшти-рилишига сабаб бўлган. Айнан мана шундай туҳматлар туфайли бобомиз бевақт дунёдан ўтган. Бобомиздан сўнг колхоз мулки ўша туҳматчилар қўлига ўтади, охир оқибат яна аҳолининг сандиқлари яна аввалариdek, донсиз қолиб, қишлоқ аҳли бир мунча вақт очлиқдан кўп азият чекканлар.

Хосиятхон энамиз тўнғич ўғли Комилжоннинг барвақт вафотидан сўнг узоқ яшамай фарзанд доғида оламдан ўтган.

Хосият энамиз вафотидан олдин келинини ўзи турмушга берган. Комилжондан ёдгорлик бўлган Исоқжон исмли ўғлини эса ўзи билан олиб қолган.



Урайимжон Абдулаҳатов.1966 йил.

Бу ҳақда дадамиз шундай ҳикоя қилган эди:

“1955 йилда Комилжон акам вафот этгандан сўнг онам орият кучидан келинни ўзи турмушга берди. Куёв навкарлар ёр-ёр айтиб келишган вақтда онамга икки дунё тор бўлди.

Аммо ноилож. Келини Турсунхонни⁹ биринчи рўзғоридан фарзанд кўрмагани учун ажрашган Бойистон қишлоғидан бўлган Ҳусанжон Ҳусайиновга (1929 йилда туғилган) турмушга беришга мажбур бўлди. Ўғлимнинг фарзандини сиғдирмаса нима бўлади?", деб икки ёшли ҳали қўкрак сутида ажралмаган Исоқжон жиянимни онам ўзи билан олиб қолди. Ўша вақтда ўн бир ёшда эдим. Шу ёшда мен ҳар куни Исоқжонни эмиздриб келиш учун Янгичек қишлоғидан Бойистон қишлоғида пиёда кўтариб бориб келардим".

Хосият энамиз шундан сўнг бир неча ойдан сўнг вафот этган. Шу тариқа отамиз эндиғина ўн бир ёшга кирган чоғида етимликни бўйнига олган. Аммо Аллоҳ бандасини ҳеч қачон ташлаб хор қилиб қўймас экан. Отамиз ҳам яхши инсонлар, аввало туғишганларининг қўмагида ўсиб улғайиб, эл-юрт орасида ҳурмат топди. Бунда биринчи галда меҳрибон Кимё аммам ва Олимжон амакимнинг хизматлари катта. Кимё аммам вақти келса, ўзи оч қолса ҳам укасини тўйдирди. Ўзи эски кийса ҳам укасини уст-бошини бут қилди.

Бир умр ўзининг ҳолига эмас укасининг аҳволига қайғурди. Ҳар доим қўлига олган бир бурда нонни ҳам фарзандларидан кўра укасига илиниб яшади. Бу ҳақда у шундай деган эди: "Дадамиз Абдулаҳад охунд bemor бўлиб ётиб қолган вақтида укам Райимжонни бағрига олиб эркалади-да, мени олдига чақириб, "укангга ўзинг қарагин хўпми?", деди. Мен бу сўзлар дадамнинг васияти эканлигини билдим. Ўшандан буён дадамнинг васиятига амал қилдим".

"Маснавий" айтилган

Одамий ишга басе машғул бўлур,
Боқмагай ўз ҳолига, ғофил эрур

⁹ Турсунхон Сўфи Охунжон қизи (1932 йилда туғилган).

деган ушбу сатрлар худди Олимжон ҳожи амаким, Кимё аммам ва отамиз Урайимжон ҳожи сингари инсонларга бағишлиб айтилган бўлса керак. Чунки улар ўз ишларига шундай берилган эдиларки, ҳар нарсадан юрт манфаатини устун қўяр эдилар. Шу сабабдан ўз ҳолларига ғофил эдилар. Масалан, отамиз 80-90 йилларда Шрейдер совхозида мактаб, идора, боғча, консерва цехи, мебель цехи, қишлоқ врачлик амбулаторияси, лимонария қурилишида қаттиқ меҳнат қилиди. Вақти келса шу ишларни бажариш учун ўз соғлиғига ҳам эътибор бермаган вақтлар кўп бўлган.



Миришкор боғбон Урайимжон ҳожи Абдулаҳатов

Бу жойлардан бошқалар беҳисоб даромад олдилар. Бироқ отамиз бу ишлардан бирон марта шахсий манфаати йўлида фойдаланмади. Элнинг мулкига хиёнат қилмади.

Одамийга фақру ожизлик – омон,
Нафс балоси ҳирси ғамларга макон.

Кексалик нафақасига чиққач янада қўпроқ савобли ишларни қилишга бел боғлади. Ҳатто Ҳоразмда Нажмиддин Кубронинг онаси Биби Ҳожарга атаб боғлар яратди.

Аммо ўз қишлоғида кўкартирган бοғини ҳам кўролмаганлар бўлди. Эккан ниҳолларини суғуриб ташлашиб, гуллаб турган экинларини ҳайдаб юборсалар-да, улардан гина қилмади. Ҳаммасини Аллоҳ таолонинг ҳикмати деб билди ва меҳнат қилишдан чарчамади. Жалолиддин Румий айтганидек:

Сен йўқотсанг гар бирор бир нарсани,
Бир фалокатдан халос этмиш сани...

Ҳар нарсага Қодир Эгам отамиз ва Олимжон амакимизни ҳам бобомиз Абдулаҳад охундга берган илмдан қисмаган экан. Чунки ака-укалар хотирасининг ўткирлиги айнан бобомиздан ўтган бўлса керак. Иккаласи ҳам Қуръони каримнинг узун сураларини ҳам бир ўқишидаёқ хотирасида сақлаб қолардилар, кундузлари элнинг хизматида ва кечаларни Аллоҳнинг каломини ўқиш билан ўтказар әдилар. Саъдий

Шерозий айтганидек:

Ибодат дегани халққа хизматдир,
Тасбеҳу жойнамоз қуруқ савлатдур.

Олимжон ҳожи амакимиз бошидан ўтган воқеаларни сўзлар бўлса, уни тундан тонгта қадар тинглаган одам ҳам ҳеч зерикмас әди. Чунки мазмундор ва ибратли ҳикояларида ҳикмат мужассам әди. Қуйида улардан бирини келтириб ўтмоқчимиз.

“Ўтган асрнинг 50 йиллари оғир касалликка чалиниб умрим узоқ вақт касалхоналарда ўтди. Бир гал Наманганинг Пахтали қўл мавзесидаги шифохонада даволандим. Шу ерга келган кунимнинг эртаси олдимга йигирма ёшлардаги бир қиз келиб: “Амаки сиз қуваликмисиз?” деб сўраб қолди. “Ҳа” деб жавоб бердим. У “Мен ҳам Қуванинг Отбозори яқини-

даги маҳалласиданман”, деди-ю жимиб қолди. Қарасам қизнинг қўзи жиққа ёш. У “Эртага мени операция қилишади. Ҳамхонамнинг айтишича операциядан сўнг товуқ шўрва ичиб туришим керак экан. Кекса онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Онам бу томонларга кела олмайди. Агар имкон бўлса, сиз шу яқин ўртадан бирон бир товуқ олиб келиб берсангиз” деб қўлимга уч сўм пул берди. Эрталаб Мухтасархонни операцияга олиб кириб кетишгач, қишлоққа бориб, ўша пулга товуқ сотиб олдим.



**Олимжон ва Урайимжон Абдулаҳад охунд ўғиллари.
2018 йил.**

Товуқни Мухтасархоннинг ҳамхонасига топширдим. Операция узоқ давом этди. Бояқишига товуқ шўрва ичиш насиб қилмаган экан. Операциядан сўнг бир кун ҳам яшамай вафот этди. Қувалик бўлганим учун уни жасадини олиб боришини бурчим деб билдим. Аммо ўша ердан унинг яшаш жойига қадар масофага олиб борувчи машина топиш учун

бир оз маблағ керак эди. Бу маблағни менга ким ҳам берарди. Ўйлай, ўйлай шифохона эшиги олдида туриб ўтган кетгандардан савобли ишга ёрдам беришларини сўраб илтимос қиласкердим. Кечга бориб саховатли ҳамюртларимизнинг ёрдамида керакли маблағ тўпланди.

Машина юкхонасига майитни олиб, унинг ёнида ўзим йўлга тушдик. Машина кабинасига ҳамроҳ бўлиши учун Имин ака деган бир одамни чиқариб олдик. Тун ярмида Мухтасархонни уйига олиб келдик. Чиндан ҳам уйда кекса онасидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Ёнимдаги пулларни барчасини онасининг қўлига бердим ва эртасига марҳумани дағн қилишда ўзим бош-қош бўлдим. Қабристонда турганимизда ёши улуғ отахон йиғилган жамоага қараб "Халойик, мана шу Олим-жон укамиз ҳам оғир бемор бўлишига қарамай, кўп хайрли ишга қўл урди. Келинглар дуо қилайлик, Худойим ўзи дардига шифо берсин" деди. Барча кишилар ҳаққимга узун-дан узоқ дуо қилдилар. Назаримда ўша қилинган дуолар туфайли дардан форик бўлдим. Чунки, айрим докторлар менинг дардимга ташхис қўйганларида умрим оз қолган-лигини яқинларимга айтишган экан".

Дарҳақиқат ушбу дуолар ижобат бўлиб Олимжон ҳожи амакимиз 87 ёшида 2019 йилнинг 11 март куни соат 21⁴⁰ да фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилдилар. Жон таслим қилишидан бир неча дақиқа олдин "Мен ҳаж сафарига кетмоқдаман" дея хурсандлик билан дунёдан кўз юмди. Сўнгги нафасигача калимайи шаҳодатни айтиб, қўлида тасбех билан жон берди. Эртаси куни соат 11 да жанозаси ўқилди. Янгичек қабристонига қадар амакимни тобутини кўтариб олиб боришни иложи бўлмай тумонат одам кўплигидан тобутни қабристонга қадар қўлдан қўлга узатиб беришга тўғри келди.

Аллоҳ раҳмат қилсин Олимжон ҳожи амакимизни вафоти нечоғлиқ бизга оғир бўлганлигини тил билан таъ-

рифлашга ожизлик қиласман. Шу сабабдан Ғурбатийни устозларига бағищланган ушбу марсиясини баайни амакимиздек ҳазрати инсонларга айтилган марсия сифатида келтириб ўтишдан ўзга чорамиз йўқдир.

Оҳким найлай бугун устоди даврон кеттилар,
Аҳли мўминлар танидан, гўёки жон кеттилар,
Гулшани оламда биттан, сарви райхон кеттилар,
Ғунча янглиғ бағримизни айлабон қон кеттилар,
Зулмати дунёга ташлаб бизни Эшон кеттилар...

Хозини жаннат аро ризвон муборакдур санга,
Жаннат ичра ҳур ила, ғилмон муборакдур санга,
Қасри олийлар билан, вилдон муборакдур санга,
Тахти жаннат тожлик султон муборакдур санга,
Боҳабар бўлгил бу кун, сизларга меҳмон кеттилар.

Ҳур ғилмонлар бу кун, сиз ҳам муборакбод этинг,
Барча булбул сарви жанат устида фарёд этинг,
Ушбу зиндандан қутулган бандани дилшод этинг,
Сайри жаннат бирла қўнглин қайғудан озод этинг,
Авлиёлар вориси, шохбози тойрон кеттилар.

“Мавту олим мавту олам,” дедилар ҳақ Мустафо,
Бу сабабдин қўнглимизда, қолмади завқу сафо,
Биз каби жоҳил билан, нодонга эрди муттако,
Муттакодин айрилиб аҳволимизга ҳасрато,
Водийи ҳасратга ташлаб, бизни ҳайрон кеттилар.

Мавти олим ҳасратида арзигай қон йиғласак,
Икки кўздин қон оқиб, монанди тўфон йиғласак,
Бошимиз тошга уриб, биз дийда гўён йиғласак,
Чун самандар оташи, ҳижронда сўзон йиғласак,
Кулбайи аҳзонимиздин, моҳи Кањон кеттилар.

Эрдилар афуским, оламда гўйиё бир шери нар,
Мубтадеъ муфсид элидин қилдилар доим ҳазар,

Иншооллоҳ вақти ҳижрат, Ҳақ ўзи бергай зафар,
Йўқ ажаб охир дамида, марҳамат бирла назар,
Боамал устоди олам, ҳифзу Қуръон кеттилар.

Зулмати оламга эрди, ҳар сўзи мисли чироғ,
Уқдайи мушкил масоил ёзгучи жонга фароғ,
Тегди сарсар бўлди вайрон, ҳам чироғу боғуроғ,
Лола янглиғ сийнамизга бости доғ устига доғ,
Сарви япроғи тўзиб гулғунча хандон кеттилар.

Олимжон ҳожи амакимиз вафотидан бир йил ўтгач Кимё амам ҳам ҳаётдан кўз юмди. Уни тобутини елкамиизда кўтариб қабристонга олиб борган вақтимизда унга тайёрланган қабрни кўриб барчамиз ҳайратга тушдик.



**Онажоним, дадам, Олимжон ҳожи амаким ва ўғлим
Ҳожиакбар билан. 2014 йилда олинган сурат.**

Чунки унинг қабри Олимжон амакимиз билан ёнман-ён қилиб кавланган эди. Бу атайн қилинмаган эди. Чунки бир йил ичида қишлоқда қанча одам вафот этган бўлсалар, улар

кетма кетлиқда юқоридан қараб дағн әтиб келинган ва натижада Кимё амамнинг қабри айнан акасининг қабри ёнидан кавланган. Буни тасодиф деб бўлмасди. Чунки Кимё амам акасини ғоят ҳурмат қиласр эди. Шу сабабдан Аллоҳ таборак таолонинг ўзи ака-сингилни қабрини ҳам ёнма-ён қилиб қўйди.



Акбар опоқим ва Кимё аммам оиласи даврасида.

Янгичек қабристонида бобомиз Абдулаҳад охунд ва Хосиятхон бувимиз ҳам сокин топғанлар. Кейинчалик 1978 йилда Фарҳоджон укамиз ҳам дағн әтилган. Бу қабристонда шунингдек, Олимжон ҳожи амакимизнинг аёли Мушаррафхон Абильжон қизи ва уларнинг кенжা қизлари Малоҳат опам, уруш ва меҳнат фахрийси опоқимиз Акбарали Зокиров ҳам қабристонга дағн әтилган. Барчасини Аллоҳ охиратини обод қилсин.

2004 йили Фарғона вилояти Қува тумани Янгичек қишлоғида 82 ёшида уруш ва меҳнат фахрийси Акбарали Зокиров вафот этди. Бу киши дадамнинг ягона опаси бўлмиш Кимёхон аммамнинг турмуш ўртоғи эди. Биз бу табаррук инсонни “Акбар опоқи” дер әдик. Акбар опоқим узоқ йиллар Янгичек қишлоқда пахтачилик бригадасида

бригадирлик қилиб, умри пахта даласида ўтганди. Қачон қарасангиз “Урал” русумли мотоциклида далаларни кезиб юрган бўларди. Кечаси уйга келганида уни тонгга қадар йўталиб, урушда олган жароҳатларининг оғриқлардан инграб чиққанини эшитардик. У йўталини урушдан ортириб келганлигини билсак-да, сабабини сўрашга журъат қилмаганмиз. Бир гал уни яна қаттиқ йўтал тутиб қолди. Шунда бир оз хижолат тортгандек бўлиб узоқ йиллик йўтали тарихини сўзлаб берди.



**Олимжон ҳожи, Урайимжон ҳожи, Кимёхон ҳожи она ва
Ҳикоятхон Акбарали қизи. 2014 йил.**

1943 йилда Акбар опоқим хизмат қилаётган взвод командирига душман ортига ўтиб, бўлажак ҳужум учун янги маълумотларни олиб келиш топширилади. Яхши қуролланган аскарлар ярим кечаси ўта эҳтиёткорлик билан душман ортига ўтиб оладилар. Улар қулай жойга яширинишиб бир неча кун давомида душманинг хатти-ҳаракатини обдон кузатадилар. Тегишли маълумотлар қўлга киритилгач яна ортга қайтадилар. Маълум бўлишича, улар сув йўли орқали душман томонига ўтганлар ва кузатувни ҳам айнан сув ичида давом эттирганлар. Воқеа кеч кузда юз берган. Бир неча кун совуқ сув ичида қолиб бўлса-да, қўмондонлик топширифи бажарилган. Акбар опоқим мана шу тарзда ўзига йўтални ортириб олган экан.

Ҳар гал айни саратонда ҳам сув совуқ экан деб чўмилишдан бош тортганларни қўрсам Акбар опоқимни ҳикояси ёдимга тушади “Бир неча кун совуқ сувда туришга мажбур бўлдик”.



Ҳикоятхон Акбарали қизи.

1985 йилда оёғидан операция бўлиб, ўқ парчасини олдирганини эшийтдик. Бу ўқ парчаси унга қирқ йилдан зиёд вақт давомида азоб бериб келган бўлсада, у қандай ярадор бўлганини айтмаган.

Акбар опоқимдан уруш тўғрисида, олган жароҳатлари ҳақида бундан кейин бошқа хотираларни эшиitmадик. Чунки у биз ёшларга уруш мавзусидан сўз очишни ёқтирмасди. Кўксида порлаб турган орден-медалларни қайси хизмати учун берилганлигини ҳам айтмаган.

Агар мана шундай камтар инсон кўрган-кечирганларини астойдил ҳикоя қилиб берганда, эҳтимол у ҳақда алоҳида китоб ёзган бўлармидим. Кейин билсам аксарият уруш майдонларидан омон қайтган ҳамюртларимиз ҳам Акбар опоқимдек уруш тўғрисида оғиз очишдан ўзларини тийган эканлар. Улар наздида шунчаки йигитлик бурчларини бажариб қайтганлар, холос.



**Мулла Абдулаҳад охунд фарзандлари. Чапдан ўнгга.
Урайимжон ҳожи, Кимёхон ҳожи она, Олимжон ҳожи.**

Падари бузрукворим Урайимжон ҳожи Абдулаҳад охунд ўғли бир неча йил саратон касали билан олишиб, кечалари оғриқ азобидан ухлай олмай қийналган вақтлар “Акбарали поччамнинг дарди олдида менинг дардим нима бўпти?!” деб ўзига тасалли берарди.

2018 йилнинг 24 октябрь куни Янгичек қабристонига Акбар опоқим ва Кимёхон аммамнинг катта қизи Ҳикоятхон опам ҳам дафн этилди. Ҳикоятхон опам бор йўғи 58 йил умр кўрди. Уни бедаво дард олиб кетди. Янгичек аҳли шу куни

кимдан жудо бўлганларини ҳаёлига ҳам келтирмадилар. Ваҳоланки, улар бир оддий муслимани эмас гўёки замонасининг пешқадам обидасини тупроққа топширдилар.



Отажоним Урайимжон ҳожи Абдулаҳад охунд ўғли.

Қани энди жанозага келганларга бу сўзларни айта олсак.

Аслида Ҳикоятхон опам мен учун устозимдек эди.

Номи яшар, яхши ўлса ҳам,

Уни азиз тутади олам.

У даврада мисоли чироқ,

Шам ўчса ҳам, ёруғдир ҳар ёқ.

Гарчанд оиласи шароити туфайли олий ўқув юртида ўқимаган бўлса-да, ундаги илмга бўлган қизиқиш ва тиришқоқликни кўриб унга ҳавасим келарди. Ҳожажон Қози Рожий ўз даврида шундай аёлларнинг бири вафот этганида қўйидаги мисраларни битган экан.

Қанча хотун илм билган лек андоқ билмаган –

Дину миллат бобидин, илму адаб девонидин.

Қанча китоблар ёзган бўлсам, уларнинг барчасини астойдил ўқиган инсонлардан бири Ҳикоят опам эди. Қишининг изғирин чилласида ҳам, ёзниң айни саратонида ҳам турмуш ташвишлари билан сира тин олмаган бўлса-да, бироқ қаерга бормасин, ким билан сухбат қурмасин албатта завқ шавқ билан китобдан, маърифатдан сўз айтар эди.

Дард бутун танасини қамраб олиб, қанчалик оғриқдан азоб чекмасин, умрининг сўнги вақтига қадар ибодатда бўлди. Бир умр Ҳақ амри-фармонидан чиқмади. Бу дунё дастурхонидан лаззат қўрмаган, Ҳикоят опамга энди жаннат неъматларидан тотиш насиб қиласин.

Хожажон Қози Рожий ҳазратлари айтганидек:

Хони дунёдин риёзат бирла лазат тотмади,

Завқ топсин эмди жаннат неъмати алвонидин.

Аммамиз Кимёхон ҳожи она Мулла Абдулаҳад Охунд қизининг Ҳикоятхон ва Ҳидоятхон исмли қизларининг китобга бўлган меҳри шу қадар кучли эдики, қачонки оиласизга меҳмон бўлиб келсалар, турмуш ташвишларидан гаплашмай янги ўқиган китобларидан баҳс юритардилар. Бундай пайларда Кимё аммамиз: “Агар ҳозир Олимжон акам қизлари Мавжуда, Оишаҳонлар билан давримизда бўлсалар, уларнинг китоблар ҳақидаги мароқли сухбатларини эшитиб, кунни тунга, тунни кунга уланиб кетганингини ҳам пайқамай қолсак керак”, дер эди.

Доим мени болалигидан “Профессор болам” деб эркалатиб келган Кимё аммам 2020 йилда вафот этди. Уни ҳам Янгичек қабристонига Олимжон амакимни ёнига дағн этдилар. Шу ўринда ҳаммани ҳайратга солган бир ҳолат тўғрисида айтмасам бўлмайди.

Бир йил давомида бу қабристонга кетма-кетликда қанча одам дағн этиб келинган ва айнан Олимжон амакимни ёнига кавланган охирги қабр Кимё аммамга насиб қилди. Бу

тасодифми? Менинг назаримда Аллоҳ таборак таолони ака-сингилни бир-бирига бўлган меҳрибончилигини кўриб уларни ҳатто қабрда ҳам ёнма-ён бўлишларини истади. Чунки Кимё аммам вафотига олдин бир неча йил давомида гапирмай қўйган эди.



**Отажоним ва онажоним.
2020 йилда олинган сурат.**

Шундай экан у ўз тили билан ёки имо-ишора билан бўлса-да, “Мен вафот этсам Олимжон акамни ёнига дафн этинглар”, деб аввалдан қабр кавлатиб ҳам қўймаган эди. Бироқ Кимё аммам шу қадар ака-укасига меҳрибон эдики, умрининг сўнгти кунларига қадар туғишигандаридан меҳрини сира аямади. Умрининг охиригача акага сингил ёки укага опа эмас балки уларга оналариdek муносабатда бўлди.

Кетма-кет шундай яқинларимдан жудо бўлган кезларим юрагимда доимий оғриқни ҳис қилдим. Абдулқодир Самар-

қандий айтганидек: "Иш севган кишингта боғлиқ бўлганида қалбинг чарчайди, қадамларинг оғир бўлиб қолади". Шу сабабдан қирқ киши кўтара олмаган Ҳайбар дарвозасини кўтаришга қодир бўлган буюк баҳодир, Аллоҳнинг шери ҳазрат Али розияллоҳу анҳу Фотима розияллоҳу анҳонинг тобутини кўтарганда "Менга ёрдам беринглар!", деган эканлар.

Абдулаҳад охунднинг кенжা фарзанди, яъни отажоним Урайимжон ҳожи Абдулаҳад охунд ўғли 2025 йилнинг 8 апрел куни соат 18⁴⁰ да 79 ёшида омонатини топширдилар. Эртага соат 9⁰⁰ да жаноза тайин бўлди. Дадажоним ўзи васият қилганидек онажонимнинг ёнига дафн этдик.

Отажоним дунёдан ўтгач ўзимни чалғитиш учун Нажиб Кийлонийнинг "Туркистон кечалари" китобини варақлар эканман қўйидаги жумлаларга қўзим тушди:

"Ўликнинг баҳори қайта кўз очмайди. Инсон жон берар онида боласининг кўзларига қарайди ва унинг қароғида ёқимли шеър мисраларини ўқиёди. Аёли ва яқинларига назар ташлайди. Сўнг ҳеч қандай меҳр бўлмаган ҳамда борганидан кейин ахволи ҳақида ортга бирор хабар йўллаб бўлмайдиган зулмат чоҳ сўнгти манзили бўлишини тасаввур қиласи. У ерда охиратгача бир ўзи қолади, ёлғиз ухлайди. Ловуллаб ёнаётган олам борасида бирор ким билан сухбатлаша олмайди. Болаларнинг ширин табассуми атрофни яшнатади. Улар кулса, замин бўстонга айланади. Боғлардаги дарахтлар барг ёзади, гуллайди. Киши вафот этгач буларнинг барчасини кўришдан маҳрум бўлади".

Ҳамма она меҳри ҳақида сўз қотади. Аммо, отанинг қурбонликлари ва фидоийликларини эса камдан кам шахс кўра оларкан. Мен ҳам отажонимни йўқотганимдан сўнг буни чуқур ҳис қилдим.

Сўнгти йилларда саратон касаллигининг охирги босқичида отажоним кўзлари кўрмай қолди. Мана шундай ҳолатда марҳума онажонимни кийимларини деворга илиб

қўйишимиз кераклигини айтди. Биз шундай қилдик. Отажоним онамизни қўйлакларини ушлаб аста-секинлик билан ташқарига чиқадиган бўлди. Дадамиз ташқарига чиқсан пайтида “Онажонининг ҳозир ҳам менга йўл кўрсатмоқда”, деб кулиб қўярди.



**Отажоним яқин қардонларининг даврасида.
Чапдан. Баҳтиёржон Қорабоев, Маруф ҳожи
Насридинов, отажоним, мен ва Аблжон Ҳайдаров.
2022 йилда олинган сурат.**

Отажонимнинг бу сўзларидан шуни англаб етдим-ки, инсоннинг энг яхши йўлдоши уни севган эмас балки тушунган йўлдошидир. Чунки йўллар тушуниш билан бошланади ва охиригача боради.

Низор Қаббонийга кўра қалбдаги ҳамма нарсани айтиб бўлмайди. Шунинг учун Худо хўрсиниш, кўз ёшлар, унутиш ва узоқ уйқуни яратган экан. Мен ҳам ота-онам ҳақида баъзи бир хотираларни айта олдим ва баъзиларини қоғозга тушира олдим холос.

Андижоннинг Балиқчи туманидан дадамнинг вафотидан сўнг энг яқин қадрдени Маруф ҳожи Насриддинов бир неча марта уйимизга келиб кетди. Бу инсон сўнгги ўн икки йил давомида отажоним учун худди ҳазрати Хизр каби бўлиб қолганди. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эҳтиромини кўриб, Жалолиддин Румий билан Шамсиддин Табризий ҳамда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ўртасидаги дўстона муносабатларга ўхшатардим.



**Отажоним ва онажонимнинг қабрлари.
2025 йил.**

Маруф ҳожи Насриддиновнинг отажоним ҳақидаги айтган самимий хотиралари мен қандай улуғ инсонга фарзанд бўлганимни яқиндан тушунишимга ёрдам берди.

Инсон зоти фақат ўз хотиралари воситасидагина ёшлигига, ўтмишига қайта олади... Ўтган кунларни қўмсайди, соғинади, эслайди. Улуғ ёшга етиб, орқасига бир қайрилиб қараб, шиддаткор умрнинг чорраҳаларида ҳамроҳ, тақдирдош, йўлдош дўстларни хотирлайди. Йиллар оша эскирган, йиртиқ альбомни титкилаб, сарғайган фотосуратларни кўриб, узоқ хаёлларга чўмади.

“Ота-онангиз билан суратга тушиб қўйинг. Соғингандада кўриб турасиз”, деб бежиз айтмаган эканлар.



**Ота-онам билан тушган энг баҳтиёр дамларимни
эслатувчи суратларимдан бири. 2016 йил.**

Шуни унумтманг. Одамзоднинг энг баҳтли дамлари ҳам фарзандлари ва ҳам ота-онасининг ҳаёт бўлган кунларга тўғри келади.

Буюк рус ёзувчиси Фёдор Достоевский шундай ёзган Эди:

Онам доимо бизга: "Отанг уйга келганда юзига кулиб қаранглар, сабаби уйдан ташқаридаги дунё мешаққат, оталарни хароб қиласи", -дерди.

Она билан отанинг фарқи:

Она сени 9 ой қорнида кўтаради.

Отанг сени умрбўйи кўтариб юради... (сен уни сезмайсан).

Она сенга оч юрма деб ғамхўрлик қиласи.

Отанг оч қолма деб ўргатади... (сен уни тушунмайсан).

Она сени бағрида кўтариб юради.

Отанг сени орқасида кўтариб юради (сен уни кўрмайсан).

Оналик муҳаббати туғилгандинга бошланади.

Отанинг муҳаббатини ота бўлгандан кейингина биласан.

Она...бебаҳо зот.

Ота бўлса...уни замон қайта бермайди!¹⁰

Мен ҳар гал компьютеримдаги фотосуратлар архивимни кўздан кечирганимда қабристонларда сокин топган яқинларимни эслайман ва беихтиёр кўзда ёшларим билан уларнинг ҳаққига дуога қўл очаман...

“Хотира шундай туйғуки сукут билан ҳам кўзингни ёшлатади”, дейдилар. Сабаби ҳар гал қабристонга келсам отажоним ва онажоним қабрлари олдида бир муддат сукут сақлайман. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганидек, “Қабристонга бориб, у ерда бир муддат сукут сақлаб ўтири. У ердаги овозсиз сұхбатлардан баҳраманд бўл”. Шу онларда кўзларимда ёш пайдо бўлади. Чунки уларни жуда кўргим келади. Минг афсус...

Ота-онанинг қадри ва меҳрибончилиги ҳамда беғубор самимий оккўнгил тиргак әканлигини биз фарзандлар йўқотгандан кейин ҳис қиласиз. Айниқса, ота фарзанди учун барча нарсасини бергувчи буюк зот әканлигини биз фарзандлар отадан жудо бўлгандагина тушунар әканмиз. Ота меҳри онаникидан кам эмас, фақат яширин бўларкан. Она меҳри сўзга кўчса, отанини юракка кўчаркан. Чин ота ўзи қурбон бўлса-да, фарзандини асло қурбон қиласиз әкан.

“Кишининг ҳақиқий баҳосини устига тупроқ тортилгандан кейин берадилар”, дейдилар. Отажонимни қабристонга қўйиб келганимиздан сўнг ўзимга-ўзим чуқур изтироб ва армон билан дедим:

- Тонг саҳарда уйғонганимда “Яхши турдингми ўғлим!” деган отажонимнинг ҳар кунги сўзини сира энди эшитмайман.

¹⁰ <https://t.me/NodirbekAbulaxatov/2992>

- Ишга кетар чоғимда “Ишга яхши бориб келгин. Сени Ҳудойимни паноҳига топширдим!”, дея отажоним энди менга қўлин очиб дуолар қилмайди.
- Ишдан келганимда “Яхши келдингми. Соғинтириб юбординку!”, дея отажоним қўлларимни ушлаб энди юзига суртмайди.
- Ҳар куни менга “Доим яхши овқатлангин”, “Ўзингни қўпам қийнамагин”, деган отажонимни сўзларини энди айтмайди.
- Ҳаёт ташвишларидан сиқилган чоғимда “Кўп сиқилма. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Сенга ишонаман”, дея отажоним менга энди далда бермайди
- “Йўлкиранг борми ишқилиб. Бўлмаса костюмим чўнтағидаги пулдан олгин”, дея мени отажоним энди эркалатмайди.
- “Ётиб дамини олгин. Кўп ишлайвермаган”, деб отамдек энди бирор менга ачинмайди.
- Муввафакиятларимни айтганимда “Кел бағримга босиб қўяй”, деб менга энди қучоқ очиб келмайди.
- Қаерда бўлмай келишимни кутиб ўзи таом емасдан “Сенга илиндим” деб энди менга айтмайди.

Шу ерга келганда томоғимга нимадир тиқилгандек бўлади. Беихтиёр кўзимдаги ёш билан дуога қўл очаман:

“Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (Қиёмат) Куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгил” (Иброҳим сураси, 41- оят.).

Оиламиизда отажонимни, онажонимни эсламаган ва ё бирорта гапларини гапирилмаган кунимиз йўқ. Аллоҳ ўтганларимиз билан бирга бизларни Жаннатида дийдорига мушарраф қилсин омийн! Ота ва ё Онаси ҳаёт бўлган инсонлар! Уларни қадрига еting!

Чинорнинг илдизлари бақувват бўлгани сабабли, узоқ яшайди, ёмғир ва қор-бўронларни писанд қилмайди.

шамоллардан қўрқмайди. Ота-онангиз - илдизларингиз, узоқ ва хотиржамлиқда яшайман десангиз, уларни эҳтиёт қилинг.

“Биз ота-онамиздан улуг ва бебаҳо тортиқ — ҳаётни олганмиз. Улар бизни оқ ювиб-оқ тараб, кучу қувватларини, меҳру муҳаббатларини аямай улғайтирдилар. Вақт ўтиб, улар қарилик ва хасталик фаслига кирдилар. Ана энди уларга хасталиқда дармон, кулфатда қувват бўлиш бизнинг вазифамиздир”. Бу сўзлар менга эмас, олти асар муқаддам яшаб ўттан буюк рассом Леонардо Да Винчига тегишлидир.

Муҳаммад Ротиб Нобулсий айтади: “Ота-онага яхшилик қилиш - бу бир қисса. Уни сен ёзасан, фарзандларинг сенга ўқиб беришади”.

Бугун уларга қўнғироқ қилинг. Ишларингиз ва ташвишларингизни бир муддатга унутиб, ёнларига боринг. Қўлларини ушлаб, кўзларига меҳр билан боқинг. Улар билан чой ичилиб ўтган бир соат, умрингиздаги энг муборак соат бўлиши мумкин. Бинобарин, ота-онага яхшилик - ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида навбат билан қилинадиган вазифа эмас, балки жаннат эшиги олдида жой талашишдир.

Мисрлик ёзувчи Анис Мансурнинг ота-она ҳақида ёзган энг гўзал сўзлари қандай эди биласизми. Агар билмасангиз Эшитинг:

“Ота-онанг сени ташлаб кетганларидан сўнг афсусланасан. Чунки сен уларга бирор ёрдам ёки бирор нарса таклиф қилганингда, улар “ҳожати йўқ”, “керак эмас қўявер” дейишарди, сен эса уларга ишонардинг, виждонингни тинчлантирасин – ҳақиқатан отамга керак эмас, онам ҳеч нарса истамаяпти, деб ўйлардинг.

Оталарингиз ва оналарингиз “ҳеч нарса керак эмас” деганларида уларга ишонманг. Улар буни сизни ўйлаб, сизни ҳолатингизни инобатга олиб ёки сиздан ҳижолат бўлиб айтишади... Сиз улардан сўрамасдан, уларга такаллуфлик қилмасдан, улардан рухсат олмасдан беринг, ҳадя қилинг.

Кўпчилик одамлар алдангани каби сиз ҳам отангизнинг қарилигига алданманг. Онангизнинг ёши улуғлиги, ожизлиги ёки соддалиги сизни алдаб қўймасин. Чунки уларнинг ҳар бирининг ичида эркалатишга ва эътиборга муҳтож бўлган бир бола яшайди”.¹¹

Ота-онангиз сизга бера олмаган нарсалар ҳақида ҳеч қачон шикоят қилманг. Улар сизга борларини берган бўлиши мумкин. Фурсатингиз борида ота-онангизни овозини шунчаки ёзиб олинг, ишонинг бу учун ҳеч қачон афус қилмайсиз, ҳеч қачон!

Унутманг! Отасини йўқотган одам, бирданига улғаяди. Онасини йўқотган одам эса, ёш болага ўхшаб қолади. Ота-онангизни дуосини олинг. Икром Шарифнинг бу сўзларини ёдингизда туting: “Ота-онанинг дуоларини “яроқлилик муддати” бўлмайди. Улар бу ҳаётдан кетишсада, уларнинг дуоларининг баракоти бутун умр давомида сенга ҳамроҳлик қилиб қолади”.

Бизнинг дунёга келишимиз учун:

2 нафар ота-она,
4 нафар бобо ва буви,
8 нафар каттабобо ва каттабуви
16 нафар бобокалон ва бувикалонлар
32 нафар тетрабобо ва тетрабуви
64 нафар пентабобо ва пентабуви
128 нафар гексабобо ва гексабуви
256 нафар гептабобо ва гептабуви
512 нафар октабобо ва октабуви
1024 нафар улардан катта бобо ва бувилар
2048 нафар улардан ҳам катта бобо ва бувилар керак бўлади.

Фақат охирги 11 - авлод учун бизга 4094 бобо ва бувилар керак бўлиб, буларнинг барчаси биз туғилишимиздан олдинги тахминан 300 йил ичида яшаб ўтишган!

¹¹ <https://t.me/NodirbekAbulaxatov/5202>

Бир ўйлаб кўринг ... бу аждодларимиз тақдирларида қанчадан-қанча қувончу-қайғулар, ғалаба ва мағлубиятлар бўлиб ўтган. Биз бу аждодларимиздан чексиз миннатдор бўлган ҳолда, уларга нисбатан улкан меҳр-муҳаббатда бўлишимиз керак, чунки уларнинг ҳар бири ҳар биримизнинг қонимиз, генимиз, жонимизда яшашаяпти!¹²

ОНА АВЛОДИМ ҲАҚИДА

Дунёning ишларини қилишда маслаҳатлашса бўлар экану, аммо ўлим ишида маслаҳатга ўрин йўқ экан. Ажал фариштаси кутилмагандага, сиздан bemaslaҳat эшикни ҳам қоқмасдан бир онда кириб келиб, ширин ошингизни аччиқ қилиб, бир он ҳам нафас олишга имкону фурсат бермасдан, тану жисмингизни бир парчаси бўлган энг яқин кишингизни жонини сўрамасдан олиб кетаркан. Бундай шиддатли дамлар ҳамманинг бошига келиши бор ва қочиб қутулиб бўлмас экан. “Куллу нафсин зоиқатул мавфти”, яъни ҳар бир киши ўлимни татиб кўрувчиidur. Чунончи Қуръони карим шундай дейди: “Ҳар қаерда бўлмагил, агарчи баланду мустаҳкам чўққиларда бўлсанг ҳам ўлим сенга етиб келса, ўлим чангалидан қутулолмайсан. Пулу нарсаларингиз, фарзанду дўстларингиз, табибу насли насабингиз ва мансабингиз заррача ёрдам беролмайди. Фақат улуғ ва мутаол Парвардигордан бошқа барча ожизу нотавондир.

Гар пўлатдан қалъада бўлсанг ҳам сенсиз қолгай бу жаҳон, Кулли нафсин зоиқатул мавт ва кулли ман алайҳо фон”.

2022 йилнинг ўн тўртинчи июнь куни соат ўн тўққиз-у йигирма беш дақиқада дуогўйим ва меҳробоним онажоним Сабохон Муҳаммадали қизи 76 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Бир фурсат дунё кўзимга остин-устин бўлиб кетгандек туюлди.

¹² <https://t.me/NodirbekAbulaxatov/3957>

Волидамнинг жонсиз танасини бағримга босганимча ўкириб йиғлагим келади-ю, бироқ овозим чиқмайди.



**Отажоним ва онажоним яқинлари даврасида.
2012 йил.**

Бир томондан ҳали совуб улгурмаган бармоқларини силар эканман “Онажоним тирик. У қаттиқ уйқуга кетган холос. Уйғонса барчаси қўрқинчлик тушдек ўтиб кетади”, деган ёлғон билан ўзимни ишонтиришга уринаман... Аммо ўйлаганларимнинг барчаси саробга айланди. Онажонимга эртасига куни соат 10⁰⁰ да жаноза тайин бўлди. “Инна лилаҳи ва инна илайҳи рожиъун - Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Аллоҳга қайтгувчимиз”.

Қарими, ёшгами етгани маҳал,
Барин битта билгай аёвсиз ажал.

Жанозани Фарғона водийсининг пешқадам уламолари-дан бири Асиљхон тўра Суярхон тўра ўғли ўқиди ва етмиш минг бора ўзи айтган “Ла илаҳа иллаллоҳ” – тавҳид калимасининг савобини марҳума онажонимга баҳшида қилганлигини йиғилган жамоага маълум қилди.



**Икки курсдош дугона.
Чапдан. Ўлмас холам ва онажоним. 1967 йил.**

Зеро, дунёдан ўтган киши сувда чўкаётган киши каби ёрдамга муҳтождир, у яқинлари ва дўстларидан мадад кутади. Ле-кин бу — моддий мадад эмас, балки маънавий мададдир. Унинг ортида қолганлардан мархум учун кўрсата оладиган биргина ёрдами, Аллоҳ таолога илтижо қилиб, қабр ва оташ азобидан уни асранини сўраб, дуо қилишдир.

Ҳакимлардан бирига:

- Қандай аёлни яхши кўрасиз?; - деб савол беришганда.

Шунда у зот:

Мени тўққиз ой кутган, туғилганимда хурсанд бўлиб, кўз ёшлари или қарши олган, менга гўзал тарбия берган ҳамда bemor бўлиб қолсам, ҳамма ухласа ҳам у ухламаган аёл - онамни яхши кўраман.

У аёл ҳамиша қалбимда энг муҳаббатли аёл бўлиб қолади, - деб жавоб берган экан.

Инсон омонатини топширишдан олдин сезади деган гапларни қўп эшийтганмиз. Кўп ҳолларда тушларига яқинлари кириб аён қилади дейишади. Онажоним ҳам ўтишидан икки-уч кун олдин тушларида яқинларини кўрганини сўзлаб берганди. Ўшанда мен бу тушларни таъбирини ўзимча яхшиликка йўйганман. Ҳолбуки юрагимда безовталик бошланган эди...

Инсон ўлганидан кейин қаёққа боришини юзидан билса бўлади. Ҳатто юзини кўрмаган бўлсангиз ҳам тобутни кўтариб кетаётганда билинади қаёққа бориши! Яхши одамни тобути росса енгил бўлади. Ҳатто ҳеч ким кўтармаётгандай ҳавода енгил кетади. Ёмон одамнинг тобути шунақанги зилзамбил бўладики, тезроқ ўрнингизга кимдир елка тутишини кутасиз..

Айтишларича, инсон ҳаётдан кўз юмганда 21 грамм вазнини йўқотар экан. Бизнинг ҳамма қувончу шодлигимиз ва орзу-умидларимиз, бор хотира, фикр ва режаларимиз, биз таниган муҳаббат ва бизни чулғаган чирой, ҳар бир кўз ёш ва ҳар бир табассум сабаби, дўстларимиз, оиласиз, фарзандларимиз ва невараларимизнинг суврату сийрати, буларнинг ҳамма-ҳаммаси ана шу 21 граммда мужассам экан!

Онажон сизни тобутга олганимизда шундек енгил эдингизки, гўё бир қушнинг пати янглиқ бўлиб қолдингиз.

Онажон! Отажоним Урайимжон ҳожи Мулла Абдулаҳад охунд ўғли билан 1969 йилда турмуш қурган бўлсангизлар 53 йиллик бирга ўтган умрларингиз давомида ҳамиша соҳибингизни улуғлаб келдингиз.



**Онажоним Сабохон Мамадали қизи келини Зулфияхон
ва набиралари Муштарийбегим, Фарангисхон ва
Турконабегим билан. 2011 йил.**

Мұхаббатнинг ҳақиқий гўзаллигини фақат садоқатли аёлгина ҳис қиласкан. Онажоним шу садоқатни отажонимга хурматингиз мисолида кўрсатдингиз.

Отажонимга сира овозингизни баланд қўтартмадингиз, умрингизнинг сўнгти лаҳзасигача соҳибингизга итоатда бўлдингиз. Жаннатни соҳибингизнинг пойида деб билдингиз.

Қўлингиз дуода, дилингиз зикрда, тилингиз шукрда, бошингиз саждада, ибодатда тонг отдирдингиз. Ҳар доим қалбингизни фисқу фасоддан холи этдингиз.



Чапдан: Озодахон Жўраева ва онажоним Сабохон Аҳмедова. 1966 йил.

Қирқ йилдан ортиқ давомида шамдек ёниб ўқувчилар кўнгиларни илм нуридан баҳраманд этдингиз ва касбингизга сира доғ туширмадингиз.

Бошқалардек зеб-зийнатларга кўнгил бермай одми кийиндингиз, оддий ҳаётингиздан уялмадингиз. Уст-бошингиз ахлоқ бўлди. Тангри таоло берганига қаноат қилдингиз.


Кимлардир мол-дунёни сандигига тўплаш билан овора бўлганларида, сиз гўзал амалларингиз билан охират сандигини тўлдириш тараддуудида машғул эдингиз.

Дилозорлик қилмадингиз ва ғийбат сўзлар айтмадингиз. Таъмадан ва ёлғондан йироқ бўлдингиз. Тўғрилиқдан ҳеч айрилмадингиз. Бир умр нажотни ростликда деб билдингиз.

Китобга меҳр қўйдингиз ва қўлингиздан сира китоб тушмади. Бизни ҳам шу тарзда маърифатга ошно этдингиз.

Бир ўғил, беш қиз - олти нафар фарзандингизни отажоним билан баҳамжиҳатлиқда бекаму-кўст тарбия қилдингиз. Улардан меҳрингизни асло дариф тутмадингиз.

Кудаларингизни қариндош деб билдингиз. Куёвларингизни ўғил ўрнида қўрдингиз. Ўзингизни ҳамиша тупроқдек хокисор тутдингиз.



**Курсдошлар пахта теримида. 1966 йил.
Чапдан учинчиси онажоним Сабохон Аҳмедова.**

Келинингизга оналик қилдингиз. Қариндошлар ва қўшиларга нописанд бўлмадингиз.

Адҳам Шарқовийдан ўқиган эдим: “Отаси йўқ — етим, онаси йўқ — етимлар уйи” деб. Онажон сиз йўқ ўзимни худди етимлар уйига ташлаб кетган боладек хис қилмоқдаман. Онажон энди сизни асло қайтиб келмаслигингизни билсамда, ҳар куни деразам олдида туриб барибир сизни кутавераман. Сизни жуда соғиндим.

Онажон ҳозир ҳар куни менга қилган дуонгизни бир бор эшишиб сўнг ишга йўл оламан. Фақат қанчалик истамайин энди дуодан сўнг қўлларини юзимга қўя олмайман.

Онажон энди ёнимда бўлмасангиз ҳам меҳрингизни хис этиб яшайман. Ўтинаман тез-тез тушларимга кириб турсангиз...

Она тўхтанг, кетяпсиз нечун?

Яна бир зум мен билан қолинг.

Бир сония умрингиз учун,
Майли хамма умримни олинг!
Она тўхтанг, шошилманг Она,
Қарзларимни қайтарай ахир.
Сиз давлатим, яшай шоҳона,
Шу давлатдан айрма тақдир.
Она тўхтанг, деманг алвидо!
Мана сизга келтирдим дармон.
Ерни бир зум тўхтатгин, Худо,
Эшигимни қоқмай тур, армон!
Она тўхтанг, чанқадингизми?
Мана кўзим ёшлирин ичинг.
Майли ухланг, чарчадингизми?
Фақат кетмоқ шаштидан кечинг.
Она тўхтанг! Тўхтанг, Онажон!!!
Рух ортидан кўзим эргашди.
Хайр... Хайр... Эй, азиз инсон!
Қон ёшимдан кўзлар қамашди.
Қалбим таги тешилган кема,
Ғамни ғамга чўмганлар айтсин.
Бу дунёда баҳтсизлик нима?
Ўз Онасин кўмганлар айтсин.
Онажонимнинг қабртошига шу сўзлар битилди.

АҲМЕДОВА САБОХОН МАМАДАЛИ ҚИЗИ
1946.05.02. – 2022.14.06.

Софинсак келамиз қабрингиз томон,
Аlam изтиробла йиғлаб онажон.
Бағримиз чоқдир ғамдан ногаҳон
Оҳимиз ўртайди бизни жовидон.
Худойимдан сизга сўраймиз раҳмат,
Охирингиз обод қилиб этсин мағфират,

Насиб қилсин ва яна кавсари жаннат.

Онажонимнинг аждодлари тўғрисида сўзни таниқли ёзувчимиз Иброҳим Раҳим томонидан битилган ушбу парчадан бошламоқчиман:

“Дунё фақат бағритошлардан” иборат эмас экан. Раҳмдиллар ҳам бор экан. Худо менга бир раҳмдил одамни учратди.

Қуванинг биқинида Қалинпўстин деган маҳалла бор. Шу жойда Мамадали кулолчи исмли бир одам яшарди. У раҳматлик дадамни танир эди. Айтишларича, дадам билан борди келдилар ҳам бўлмаган, улфатчилик ҳам қилган эмас, аммо бир вақтлар кулолчиларга қандайдир яхшилиги билан ёқиб қолган экан. Яхшилик биридан қайтмаса биридан қайтади, деганлари шул бўлса керак.

Мамадали кулолчининг уйимизга кириб келишидан биз Хизр кириб келгандай қувониб кетдик.

– Одимга туш, бўтам, қўлимдаги ишимни сенга бераман, ўрнимга самовар қўясан. Нонинг бутун бўлади – деди Мамадали кулолчи.

Бутун нон ҳақидаги хабар кўзимни ўйнатди. Одига тушиб Қалинпўстинга бордим. Жулдирвоқи кийим билан самовар қўйиб бўлармиди. Энг аввал насияга яктак-лозим олиб беришди. Ҳафсала билан иш бошладим. Оёғимни оқсоқлиги ҳам сезилмаётгандай, гўё оёғим олтита бўлиб кетгандай югуриб-елиб ишладим.



Бобом Мамадали кулол ва Қумри энам набиралари билан.

Қалинпўстин баҳаво, сўлим жой эмасми, унинг чойхонаси ҳамиша гавжум бўларди. Чунки Фарғона-ю, Марғилон, ҳатто Бағдоду Олтиариқ томондан Қува бозорига келувчилар ёки Андижондан Ўшга ўтувчи йўловчилар шу чойхонадан тўхтаб ўтардилар. Баъзи кунлари чой ташиб қўлим-қўлимга, оёғим ерга тегмасди.

Мамадали кулолчи – самоварнинг хўжайини чойхўрлар билан муомала маданиятини ўргатиб қўйди. Ўзим ҳам Қува самоварчиларининг санъатини кузатиб юргандим, чойхона остонасига қадам қўйган ҳар бир инсонни қадрдон кишимдай, азиз меҳмондай қутлаб ва қувнаб кута бошладим. Дарҳол тагига кўрпача солиб, олдига иссиқ нон, мева-чева тузатилган патнис қўйиб, айтса-айтмаса қайноқ чой келтириб қўяман-да, хуш кўрдик, меҳмон, қани, марҳамат, дея такаллуф қиласман.

От-аравали йўловчилар тунайдиган бўлдилар. Отларга хизмат қилиш учун беда туширадиган ҳам бўлдик. Қовунтарвузни ҳам ўзимиз сотадиган бўлдик.



Қумри энам набиралари билан. 1978 йил.

Чойхонамиз бора-бора карvonсаройга айланиб кетди. От-араваликларга кечаси тунаши учун ўриндиқ тайёраш, овқатланишлари учун харажат, қозон-товоқ ҳам зimmамга туша бошлади. Мехнати қанча оғир бўлса ҳам хизматимда нолимадим, одамларга тобора яхши ва беминнат хизмат қилишга уриндим”.

Мазкур қисса Ўзбекистон халқ ёзувчisi Иброҳим Раҳимнинг қаламига мансуб бўлиб, унда узоқ йиллар Қува туман матлубот савдо жамиятлари уюшмасига раҳбарлик қилиб келган ишбилармон, тадбиркор инсон Иброҳимжон Каримовнинг (1927-1999) меҳнат фаолияти ҳикоя қилинади¹³.

Ана шу қиссада номлари келтирилган хизрсифат инсон Мамадали кулол она тарафимдан бобомиз бўлади. Кўрганларнинг сўзларига қараганда бобомиз Мамадали Аҳмаджон ўғли (1898-1973) доим хушчақчак, тартибли киши экан-

¹³ Иброҳим Раҳим. Ишбилармон қисмати// Қуёш фасли:Қиссалар ва ҳикоялар (Тўпловчи: З.Аъзам). – Т.: “Ёзувчи”, 1995. -Б.11-12.

лигидан “Мамадали Тартиб”, “Мамадали Кулол” деган ном билан эл-юрт орасида ном қозонган.



**Мамадали кулол фарзандлари. Чапдан ўнгга.
Саддихон холам ва онажоним Сабохон.**

Бобомиз ҳаётда тирикчилик пайтида нафақат кулолчилик билан ҳатто қандолатчилик билан ҳам шуғулланган. Кези келганда Оқ-суқон (Қорасуқон) конидан туз олиб келиб сотган¹⁴.

¹⁴ Шу ўринда Оқсуқон туз кони хусусида икки оғиз сўз. Сабаби мазқур туз кони машҳурлиги туфайли унинг тўғрисида бундан минг йил аввалги муаррихларнинг асрларида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, басралий олим Абулфараж Кудама (922-948 йиллар ўргасида вафот этган) ўзининг «Китоб ул –хирож ва санъат ал-китоба» («Хирож ундириш ва мактублар ёзиш санъати ҳақида китоб») номли асарида келтирган маълумотларга кўра, Сомғар (Хўжанддан 20-25 чақиримча шарқдаги қишлоқ) ва Поп ўргасида Хожистон деб аталувчи мустаҳкам қалъя мавжуд бўлган. Ушбу Хожистон яқинида катта сув ҳавзаси (Оқсуқон кўли) бўлиб, унда чўкиб қолувчи тузлардан Шош, Хўжанд ва бошқа худудларнинг аҳолиси кенг фойдаланиб келганлар

Айтишларича Мамадали бобомизнинг отаси Аҳмадбойнинг Қалинпўстин қишлоғида учта тегирмони бўлиб, ўз ҳисобидан икки масжид бино қилган экан.



**Чапдан. Раҳимахон ва Сабохон Мамадали қизи.
1958 йил.**

Аҳмадбойнинг Мамадали, Ҳатамжон ва Қодиржон исмли уч ўғил фарзанди ва бир неча қиз фарзанди бўлган. Ўтган асрнинг 20 йилларида Аҳмадбойнинг қиз фарзандлари Хўжандга турмушга чиқиб кетишиган. Мамадали бобомизнинг советлар даврида Ленинобод деб номланган Хўжандга тез-тез бориб туришига ўша томонларда яшаган сингиллари сабабидан бўлса керак.

Қумри энамни айтишларича, Мамадали бобомизга турмушга чиқиб, тўнгич фарзанди бўлмиш Саддихон

холамизни кўрган пайтларда, яъни 30-йилларда бобом тумандаги жамоа хўжаликларидан бирига раислик ҳам қилган ва ўша машъум қатағон даврида ҳибсга олинган. Бахти тасодиф туфай-лигина жазодан қутулиб қолган.

Мамадали кулолнинг кенжа фарзанди онам Сабохон Аҳмедова 1946 йилда туғилган бўлиб, Йўлдошли, Йигитали сингари икки акаси ва Саддихон исмли бир опаси бор эди. Онамизнинг айтишларича, бошқа икки акаси ва икки опаси болалик чоғларида дунёдан ўтишган экан. Мен бу ҳақда кейинчалик Саддихон холамиздан эшигтан эдим. Холам бу ҳақда шундай ҳикоя қилиб берган: “Мен оиланинг тўнғич қизи эдим. Бироқ мендан кейинги тўрт укамнинг умри қисқа бўлди. Айниқса, Норқўзи исмли кенжа укамнинг бир ёшга етмай ўлганидан сўнг онам бир куни маросим ўтказа туриб, бошимни ун турган қопга тиқди ва мендан “Унни ейсанми ёки укангни ейсанми?”, деб қайта-қайта сўради.

Мен “укамни эмас, унни ейман” деб уч марта қайтардим.

Шундан кейин онам яна уч фарзанд кўрди ва уларнинг барчасининг умри олдинги укаларимнинг тақдирига ўхшамади. Уларнинг учаласи ҳозир ҳам соғ-саломатдир. Кейин билсам, фарзанд кўп нобуд бўлаверган аёллар шундай ирим қилар эканлар”¹⁵.

Ҳозирги замон бувилари билан Қумри энам феълатворини таққослайдиган бўлсам, уни худди эртаклардаги инсонларга қўмак берувчи фаришталарга қиёслагим келади. Чунки Қумри энам ҳар доим биз набиралари қолиб бошқа болаларга ҳам меҳрини улашар, ҳеч эринмай достонлардан сўзлаб берар эди. Қумри энамнинг болалиги тўғрисидаги хотиралари ҳали-ҳануз ёнимда. Унинг айтишича, онаси Турдихон Тожикқишлоққа Ҳасанбой исмли йигитта турмушга чиқади.

Бироқ қишлоққа вабо тарқалиб, Ҳасанбой оламдан ўтади. Турдихон ўша вақтда эндиғина беш ёшга кирган қизи, яъни

¹⁵ Холамиз Саддихон Холматова (1927-2007) Қува тумани, Мозортаги қишлоғида яшаб ўтган.

Қумри энамни олиб Қалинпўстин қишлоғига қайтиб келади ва бу ерда Шерали исмли кишига турмушга чиқиб яна, Зокиржон исмли бир ўғил ва Маликахон, ҳамда Фотима-Зухра қиз фарзандлар кўради. Аммо очарчилик йилларида Фотима-Зухра қизлари нобуд бўладилар. Турмушни ғоят қийинчиликларига бардош берган ўша Турдихон катта энамиз 1972 йилда оламдан ўтган.



Садди холам ўғли Тўлқинжон ва набираси Бобуржон билан.

Қалинпўстин маҳалласи қадимги Қува шаҳристонига туташ эмасми, қачон бу тепалик орқали шаҳардан Мамадали опоқимизнинг уйларига келар эканмиз, тепаликнинг кўриниши мени ўзига жалб этар эди. Қалинпўстинга келганимизда албатта афсонавий шаҳар тўғрисида Қумри энамдан нималарнидир билгим келар эди. Менга Қайқубод подшоҳ тўғрисидаги афсоналарни ҳам айнан Қумри энам айтиб берган.

1957 йилда Қубо шаҳристонида археологик қазишма ишлари бошланган пайтларда қадимшунос олимларнинг

бир нечаси жумладан Инқилоб Аҳоров ҳам Мамадали бобомизнинг хонадонларида яшаб туришган. Билмадим ўша вақтларда бобомиз тарихчи олимларимиз билан кўп ҳамсұхбат бўлганми, ёки уларга ҳавас қилганми йиллар ўтиб мен ҳам тарихга бўлган қизиқишим тасодиф бўлмаса керак.

Қалинпўстин маҳалласи мазкур китоб муаллифининг она авлоди таваллуд топган муқаддас маскандир. Шу боис болалик давримизни кўп вақти шу маҳаллада ўтган. Онамиз Қува марказидан Қалинпўстинга қўшни Чилон қишлоғидаги 18-мактабда дарс берган кезлари йўл-йўлакай биз фарзандларини Қалинпўстинга ота уйига қўйиб, сўнгра мактабга йўл олар эди.

Ҳар кун шу ҳолатда 7-8 км.га ишга пиёда қатнар эди. Йўл давомида бизга қизиқ эртак ва ҳикояларни айтиб кетар эди.



**Мамадали кулол фарзандлари. Чапдан ўнгга.
Саддихон холам ва онажоним Сабохон.**

Шу сабабдан адабиётга бўлган меҳрим айнан онамиздан ўтган. Қолаверса кўплаб ширин хотиралар ҳам Қалинпўстин билан боғлиқ. Гарчанд ўша вақтда бобомизнинг уйлари

шиферсиз, поллари тахтасиз ва гиламсиз бўлса-да, лекин жуда файзли бўлганлигини йиллар ўтган сари тобора ҳис қилмоқдамиз. Чунки сандал атрофида биз набираларига Қумри энам ажабтовур қизиқарли саргузаштили қиссалардан сўзлаб берар ва барчамизни бирдек кўриб эркалар эди.



Кўчкорали Холматов

Кунда бу файзли хонадондан меҳмонларнинг қадами узил-мас, турли мавзудаги сухбатлар тўхтамас, биз эшишиб чарчамас эдик. Ўша болалик кунларни соғинсам оиласиз альбомини эринмасдан кўздан кечираман. Садди холам ва онажонимнинг ёшлиқ йилларида тушган суратининг ортига битилган ушбу сўзларини қайта-қайта ўқийман:

Дўстим Гулчехрага!

Умрбод эсталик учун.

Қадрли дўстим сендан илтимос, бу расмимни умрбод сақла, негаки бу расмим менинг учун ёшликтининг гўзал йилларини эслатади. Салом билан дўстинг Сани.

Гулчехра, яна хунук чиқибдику деб расмимдан ўпкалама. “Қозонга бори чўмичга чиқади” деганлариdek борини чиқарибди”.

Бу сұхбатлар туфайли кейинчалик Қумри энамнинг набираларидан бири бўлмиш Қалинпўстинда ўсиб улғайган жияним Ёнғин шоир бўлиб етишди.

Бу қарангки, “Набирам Ёнғин мирзодек шоир бўлсин”, деб чақалоққа исм қўйган бобомиз Муҳаммадали кулолнинг дуолар йиллар ўтиб ижобат бўлди. Муҳаммадали кулолнинг ўғли Йўлдошалининг олтинчи фарзанди Ёнғиннинг ilk шеърий китobi 2015 йили “Тамаддун” нашриётида дунё юзини кўрди. Чунки боболар дуоси ижобатлиги неча замонлардан буён ўз исботини топиб келган. Ёнғиннинг аммаси узоқ йиллар ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси бўлган Сабохон Аҳмедова, яъни менинг онажоним жиянига алоҳида меҳр қўйганилигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Аслида ўша биринчи китобга қадар ва бундан ўн йилча муқаддам Ёнғиннинг бир неча китоблари чоп этилиши мумкин эди. Ахир ўзини шоир деб билган не-не қаламкашлар тезроқ китобини нашрдан чиқариб машҳур бўлиб кетиш орзузи билан яшайди. Аммо Ёнғин бундай бўлишини истамади. Шеърият ихлосманларига дастхатлар беришдек ҳавас ҳам унда пайдо бўлмади. Аниқроғи ундаги шоирларга хос фазилат бунга йўл қўймади, эҳтимол. У бошқалардек қўлида даста шеърларини бағрига босганича эртадан кеч нашриётлар эшиги олдидан кетмай, чоп этилишини жони халак бўлиб кутмади. Чунки чинакам шоирнинг китobi асли юзи сарғайиб кетган ён дафтари ёхуд икки буқлоқлиғ қофоз...



**Йўлдош тоғам фарзандлари. Чапдан Давлатбек, Ёнғин,
Баҳодиржон, Улуғбек ва келини Замирахон.**

Ёнғин шеърларининг тили содда, услуби лўнда, халқона
сўзлар ва образли ифодаларга бой. У шеърларида ташбеҳу
тимсолларни маҳорат билан қўллайди.

Ҳаммаси жойида. Тирикмиз ҳали,
Худойим хоҳласа, яшаймиз узок.
Бирма-бир узилар келганда гали,
Серсалом ҳийла-ю, гуллаган тузок.

Кетса қиз кетар-да, кетса дўст кетар,
Биз лаззат топамиз кулиб ўтишдан.
Ўлим на даҳшатдир, на катта хатар,
Қўрқ фақат шунчаки ўлиб кетишдан

Қачонки ҳар сафар Қалинпўстин қабристонига зиёрат қилгани келар эканман, таниш ва нотаниш қабрларни кўриб ўша мисраларни ёдга оламан “Қўрқ фақат шунчаки ўлиб кетишдан”.



Махфиратхон Қўчқорали қизи.

Ёнғиннинг бу сатрлари менга доим таниқли артист Жавлон Ҳамроевнинг қабртошида битилган мазкур сўзларни эслатади: “Ўлимдан қўрқмайман, унутилиб кетишдан қўрқаман”. Дарҳақиқат инсон ҳеч кимга керак бўлмасликтан, унутилиб кетишдан қўрқиш керак экан. Чунки одамларнинг баҳти ҳамиша ўзини керак эканлигини хис қилиб яшшидадир.

Онамизнинг тўнғич опаси, яъни Саддихон холам ҳам Мозортаги қишлоғида яшаган. Унинг турмуш ўртоғи бўлган Қўчкор оғоқим (биз у кишини шундай деб атар эдик. Икка-

ласини ҳам Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) ўта саховатпеша, қўли очиқ ва яқинларига жуда меҳрибон ҳазрати инсон эди. Эрта саҳар ишга кетиб, яrim кечада уйга қайтса-да, тунларни китоб ўқиш билан ўтказган.

Шу сабабдан уйларида мени қизиқтирган китоблар жуда кўп эди. Қўчқор оғоқимни тенгилари чойхонадан келмай улфатчиликка берилган кезлари у бўш вақт топса албатта тинмай бадиий асарлар ўқир эди. Гарчанд ўзи узоқ йиллар ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият қўрсатган бўлса-да, аммо китоб унинг жону дили бўлиб келган. Мен чинакам ўзбекнинг асл зиёлисини дастлаб шу инсон сиймосида кўрган эдим.



**Чапдан ўнгга. Махфират холам, синглим Камолаҳон,
Машрабо холам ва онажоним Сабоҳон.**

2007 йилда олинган сурат.

Қачонки холамларнинг уйига келгудек бўлсақ, Қўчқор оғоқимнинг хонасидағи юзлаб китобларга қараб, ўша жойда қолиб кетишини орзу қилас әдим. Мозортаги қишлоғида шу тариқа менинг болалигимнинг ширин дамлари ўтган ва

бунинг учун Садди холам ва Қўчқор оғоқимдан бир умр миннатдорман¹⁶. Ҳозир ҳам уларнинг қизлари Махфиратхон ва Машрабхон холамлар онажонимга жиян эмас худди туғишиган сингиллари бўлиб қолганлар. Агар онамиз ҳам уларни бир оз кўрмай қолсалар, соғинчдан бетоқат бўлиб қоладилар. Онажонимизнинг айтишларича Садди холам бир муддат қаттиқ оғриб қолган вақтида фарзандларига онамиз қараб, улардан сира ажралмаган эканлар.

2017 йилнинг 19 ноябр куни Садди холамнинг катта қизи Махфират опам¹⁷ 66 ёшида оламдан ўтди. Уни Қалинпўстиндаги Хўжа Киприк ота қабристонига дафн этдилар. Бояқиши бедаво дардга йўлиққан бўлса ҳам бирорвга дардини билдирамади. Умрини охиригача худди отаси сингари қариндош-уруғларга қўлидан келганича ёрдамини аямади.



Отажоним ва онажоним фарзандлари ва набиралари даврасида. 2014 йил.

Улуғлар айтганидек: “Билгилки, саховат мақтовга лойик феълдир. У инсонга сайқал берувчи безакдир. Сахийликнинг

¹⁶ Садди холам ва Қўчқор Ҳолматовнинг фарзандлари: Тўлқинжон, Махфиратхон, Муроджон, Машрабохон.

¹⁷ Махфират опам Қалинпўстин қишлоғидаги Мамадали оғоқимга қариндош бўлган Раҳматилло Ҳасановга турмушга чиқиб, Ёрқин, Тоҳир исмли икки ўғил ва Нилуфар, Хуршида исмли икки нафар қиз фарзанд кўрган.

натижаси яхши номлилиқ, эзгулик берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси дўстларнинг кўпайишидир. Одамзот учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ ёқимли сифат йўқ!”
Байт:

Кимда гар сахийлик одати йўқдир,
Яхшилик кутмоқнинг ҳожати йўқдир.

Қўчкор оғоқимни нафақат қариндош-уруғларига балки етти ёт бегона кишиларга ҳам бирдек кўрсатган меҳри-бончиликларини ёдга олар эканман, бу борада улуғларнинг фикрларини келтириб ўтмоқчиман.



**Йўлдошли тоғам ва аёли Раҳимахон аямиз.
Яқинлари даврасида.**

Фузайл ибн Иёз айтадилар: “Бизнинг назаримизда юксак мақомга эришганлар кўп намоз ўқиш, ёхуд доим рўза тутиш билан бу даражага чиқмаганлар. Балки, улар қалблар саховати, кўнгиллар мусаффолиги ва умматга яхшилик соғиниш билан шу даражага етганлар”.

Фузайл ибн Иёзниң ҳузурида бир одамни мақтаб гапиришади. Шунда у: “Бу мақтовга аризигулик иш эмас, уни суриштирингчи қариндошига борди-келди қиласмикан,

ғазаби келганида ўзини босиб олармикан, биродарига яхши муомала қиласмикан, агар шундай бўлса, уни яхши деса бўлади", – дедилар.



Сингилларим. Чапдан. Муаттархон, Фотимахон, Зухрахон, Камолаҳон. 1994 йилда олинган сурат.

Мұхаммад ибн Восеъ: "Киши сұхбатдошига яхшиликни илинмагунича әхсон мақомига әриша олмайди", – деганлар. Ҳатто баъзи салафлар қўйларини сотиб олаётган харидорга, бунга яхши муомала қилинг, чунки у бизницида бир муддат турган", – деб тайинлашлари ҳам шундан.

Абу Бакр Музаний: "Абу Бакр Сиддик (розияллоҳу анху) бошқа сахобалардан намози ёки рўзаси билан эмас, балки қалбидаи нарсаси или устун бўлган эди. Унинг қалбида Аллоҳга муҳаббат ва бандаларига хайриҳоҳлик бор эди", – деган. У зотнинг ўzlари: "Аллоҳ таоло дўзах ўтидан сақлашини истаган кимса мўминларга дилдан меҳрибон бўлсин", – деганлар.

Буни қарангки, вақти келиб, айнан шу Мозортаги қишлоғига куёв бўлдим.

Қалинпўстиннинг Ҳўжа Киприк ота деб аталувчи қабристонида бобомиз Мамадали қулол ва Қумрихон энамиз, онамизнинг холаси Маликахон ва тоғаси Зокиржон ҳамда тоғаларимиз Йўлдошли ва Йигитали ҳофиз ҳам сокин топганлар. Йўлдошли тоғамизнинг тўртинчи ўғли, қадрдон Давлат акамиз ҳам шу қабристонда Қумри энамнинг қабри ёнида сокин топган. Кейинчалик Йўлдошли тоғамнинг аёли Раҳимахон аямиз ҳам шу қабристонга дафн этилган.

Йўлдошли тоғам аёли Раҳимахоннинг вафотидан сўнг уч ой ўтиб 2017 йилнинг 20 ноябр куни 80 ёшида вафот этди. Уни 19 ноябр куни вафот этган холамнинг қизи Махфират опамнинг қабри ёнига дафн этдилар.

Абдураҳмон Жомий ҳазратлари “Ҳар кишини уч отаси бўлади. Биринчиси ўз отаси, иккинчиси қайнотаси, учинчиси илм берган устоз муаллими” деган эдилар. Аслида биринчи устозим ҳам юқорида айтиб ўтганимдек отамизнинг ўзи бўлган.

Ўзимга келсак, юқорида айтиб ўтганимдек болалигим Қубо тепалигидан ўтганилиги боис тарихга бўлган кучли қизикишим илк ўқувчилик кезларимдаёқ бошланган эди.

Айниқса, ўрта мактабни юқори синфларида ўқиётган вақтим менда қўхна Қубо тепалиги ҳақида мақолалар ёзиш истаги пайдо бўлди. Бироқ фақаттина қизиқиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан.

Ҳозирги кунимизга қадар фақат тепалик кўринишида етиб келган Қубо шаҳристони тўғрисида ёши улуғ, нуроний отахон ва онахонлардан турли афсонаю ривоятларни мароқ билан тинглаганмиз. Шу сабабдан болалик кезларимдаёқ сирсиноатта бой қўхна шаҳар харобалари дикқат-эътиборимни ўзига жалб этиб келган. Билмадим, балким бу менинг тақдиримизга битилганлигиданми, айнан шу тепаликка бўлган қизиқишм туфайли келгусида тарихчи бўлиб етишдим. Натижада Қува шаҳристонини ўрганиш фақат оддий ҳавас эмас, балки ҳаётимнинг мазмунига айланди. Зоро, Қува

шаҳристонининг сирли тарихи ҳар доим мен сингари кўплаб тарихчиларнинг фикру хаёлини ўғирлаб олган.

Қайси бир тадқиқотчи Қува тепалигини ўрганишга киришар экан, тобора руҳан ўзини шу ёдгорлик билан боғланиб қолаётганлигини англай бошлиди. Ҳар бир мутахассис олим Қува шаҳристонида тадқиқот олиб борар экан, оддий тепаликдек кўринган бу қадим ёдгорликда не-не улуғ зотларнинг хоки ётганлигини қалбан хис қиласди. Қадимда бу шаҳристонни ўз онасидек мукаррам ва мўътабар деб билган ёшу қари бир тану бир жон бўлиб ёвдан ҳимоя қилганлар. Ёвий тифидан жон берсаларда, асло бўйин этмаганлар. Уларнинг муборак қонлари шу тепалик бағрида сизиб оқсан. Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”да айтганидек:

Жанг, бошланди бошлар тўкилар дўлдек,
Танг жойда ўликлар, қон мавжи кўлдек.

Кимга жанговарлик рухи бўлса ёр,
Деворда, томларда шаҳр аҳли бисёр...

Кўчаларда ўткир қилич кесар бош,
Томлардан ёғилар ёвга кесак – тош.

Ёғилар мисоли баҳордаги дўл,
Ёғилади бермай ҳеч кишига йўл.

Шаҳарда неча ёш барнолар бўлса,
Жангни билган кекса донолар бўлса...

Бошда қаро булут гард-чанг қуюни,
Хатто тош дилларда найза ўйини¹⁸.

Мен ҳам ҳар гал шаҳристонда қазишмаларда иштирок этган кезларим, ҳар бир сопол ёхуд ғишт парчасини қўлга олар

¹⁸ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий ўйи, 2011. 60-б.

эканм, уларда улуғ аждодларимизнинг нафасини хис қилгандек бўлардим. Шу боис ўша чоғларда таниқли олим Файбулла ас-Саломнинг қуидаги сўзлари ёдимга тушарди:

“Юртимиз шундай муқаддас маконки, қаерида юрмагин, қадамингни эҳтиёт бўлиб ташлашинг керак: чунки унинг ҳар бир тоши ё кесаги бир буюк зотнинг хоки бўлиши мумкин!”.

Шоир айттанидек:

Уларнинг саноғи юлдуздан ҳам қўп,
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп,
Фидоларинг бўлган фарзандларингдир,
Номдору номсизин хоки пойин ўп!..

Дарҳақиқат, бу ўгитлар киши зиммасига шу заминда яшаб ўтган буюк-буюк зотларнинг қадрига етиш, уларнинг ўлмас рухи олдида қарздорлик масъулиятини юклайди.

УСТОЗЛАРИМ ҲАҚИДА

“Устоз отангдан улуғ, деганлари бежиз эмас, Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғилишдан кўра яшаш қийинроқ”, деган эди севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов.

Аллоҳ таборак таолога устозлар бобида менга ғоят меҳрибонлик қилганилиги учун беадад шукрлар айтаман. Чунки ҳаётим давомида уч буюк олим менга устозлик қилди. Чунончи қадимшунос, фарғонашунос археолог Генаддий Петрович Иванов менга археология сирларини ўргатди.

Таниқли адабиётшунос, фольклоршунос олим марҳум Баҳодир Саримсоқов менга халқ оғзаки ижодидан яхши сабоқ берди.



1997 йилда Қубо шаҳристонида олинган сурат. Чапдан ўнгта. Камина Нодиржон Абдулаҳатов, Баҳодиржон Ҳошимов, учинчи шаҳс вазирликдан келган меҳмон, Аъзамжон Ҳасанов Фарғона вилоят ўлкашунослиқ музейи дирек-тори ва қадимшунос олим Г.П. Иванов.

Ҳозирги вақтда шарқшунослар орасида фундаментал тадқиқотлари билан танилган, йирик исломшунос тарихчи олим Аширбек Мўминов менга манбалар билан ишлаш йўлларини қўрсатиб берди. Бунинг учун мен улардан бир умр қарздорман.

Куваликлар орасида “Гена ака”, “Устоз Генаддий Петрович” номи билан ҳурмат қозонган самимий инсон, қадимги Фарғона тарихининг билимдони, Фарғона вилоят ўлкашунослиқ музейининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди, қадимшунос Генаддий Петрович Иванов (1950 йилда туғилган) илк ўқувчилик давридан бошлиб, Қува шаҳристонидаги қазилмаларининг бевосита иштирокчисига айланган эди.

Чунки, унинг хонадонида археолог олимлар кўп вақт истиқомат қилишган ва ҳар доим ёш Генаддийни ўzlари

билин Қубо шаҳристонига олиб боришини одат қилган эдилар.



Қадимшунос устозим Г.П.Иванов.

Натижада Г.П.Иванов болалигидан Қува тарихига қизиққанлиги туфайли йиллар ўтиши билан ўрта мактабни тамомлагач, ҳарбий хизматдан сўнг Санкт-Петербургдаги (собиқ Ленинград) олийгоҳнинг тарих факультетига ўқишига кирган.

Г.П.Иванов ўзининг вилоят ўлкашунослик музейидаги қирқ йиллик илмий фаолияти мобайнида дикқат-эътиборини айнан Қува тарихини ўрганишга қаратиб, йиллар давомида Қува шаҳристонидаги қазилма ишларига раҳбарлик қилиб келди. У турли халқаро анжуманларда Қува та-

рихи юзасидан маърузалар ўқиб, ўнлаб илмий мақола ва китобларни чоп эттирди.



**Устозим Баҳодир Саримсоқовнинг қабрини зиёратида.
2018 йил.**

Ўтган асрнинг 80-йилларида олиб борилган қазишма ишларидан сўнг Қубо шаҳристонида археологик қидирув ишлари тўхтаб қолган эди. Фақат 1996 йилга келиб устозимиз Г.П.Иванов бошчилигида археологик қазишма ишларини мен ва дўстим Баҳодиржон Ҳошимов жами уч киши яна бошлаб юбордик.

Кечагидек ёдимда. Қачонки шаҳристон олдидан ўтар эканман, ўша кунларни қайта-қайта эслагим келади. Чунки устозим ва қадрдон дўстим билан ҳар куни бирга қадим шаҳар харобаларида тадқиқот ишларини олиб борищдек орзуимиз ваниҳоят рӯёбга чиққанлигидан қувончимиз ичимизга сифмасди. Ёзнинг айни саратон кунларида одамлар соя салқин жойларда дам олаётганларида ҳам тепаликда сира қазилма ишларни тўхтаттимиз келмасди.



Адабиётшунос устозим Баҳодир Саримсоқов.

Ўша вақтда биз орадан икки йил ўтиб шаҳристондаги ишлар Республика миқёсида олиб борилиши хаёлимизга ҳам келмаган эди. Мана орадан салкам йигирма йил вақт ўтди. Бу вақт ичида Кубо шаҳристонида бир неча йил давомида мунтазам археологик қазиашма ишлари олиб борилди.

Ўйлайманки, биздан кейинги авлодларимиз ҳам Кубо тарихини ўрганиш давомида шаҳристон бағрида кўмилиб ётган тарихимизнинг номаълум сахифаларини очишга муяссар бўладилар. Чунки ҳали тепалик остида биз билмаган сир-саноат қанча эканлиги факт Яратганинг ўзига аён.

Мен музейда илмий фаолиятимни бошлаганимдан сўнг кўп ўтмай 1996 йилда адабиётшунос олим Баҳодир Саримсоқов билан учрашдим.



**Чапдан ўнгга. Россиялик машхур шарқшунос олим
Станислав Прозерев, Нодиржон Абдулаҳатов ва устоз
Аширбек Мўминов. 2012 йил.**

Учрашув чоғида сухбатимиз халқ оғзаки ижоди мавзусига кўчди ва у менга “фольклор қўринишларидан бири халқ йиғилари бўлиб, фольклорнинг бундай жанри бошқаларга нисбатан аниқ адресатга эгалиги, ижрочининг индивидуаллиги ўй-фикри ички кечинмаларини ифодалай олиши, ҳамда ўзаро муносабатларнинг боғловчи томонлари билан ажралиб туради.

Бироқ бу жанр вақтга қадар ўзбек фольклор илмида кам ўрганилган. Агар истасангиз шу йўналишда тадқиқот ишларини бошлишингиз мумкин. Мен сизга илмий раҳбар бўлишга розиман” деди.

Натижада астойдил бу мавзуни ўрганишга киришдим. Бир қанча илмий мақолаларим чоп этилди. Диссертацияни дастлабки қораламаси ҳам тайёр бўлди. Аммо бир муддат

уй-рўзғор ташвишлари мени чалғитиб қўйди. Бу орада шу мавзуда бошқа бир тадқиқотчи диссертация ҳимоя қилганлигини эшитганимдан сўнг, қўнглим буткул илмий ишлардан совуб кетди.

Баҳодир Саримсоқовдек улуғ олимни ишончини оқлай олмаганимдан қаттиқ хижолат бўлдим. Гарчанд фольклор-шунос бўлиб етишмаган бўлсамда, Баҳодир Саримсоқов туфайли фольклор бўйича маълум бир пойdevорга эга бўлдим. Бу эса келгусидаги тадқиқотларимга катта ёрдам берди. Ҳозир Тошкентга боргудек бўлсам Яланғоч ота қабристонига устозим Баҳодир Саримсоқовнинг қабрини зиёрат қилиш учун кириб ўтишга ҳаракат қиласман.

Мен ҳам устозим Баҳодир Саримсоқовга бўлган эҳтиромимнинг рамзи сифатида гарчанд бу ишларим арзимас бўлса-да, “Мотам маросими фольклори” мавзусидаги китобимни нашрга тайёрладим. Ушбу китоб 2022 йилда “Classic” нашриётида “Онам деб йиғлагим келди (Мотам маросим фольклори)” номи билан чоп этилди.

Бани башар орасида шундай одамлар бўладики, улар гарчанд шухратдан, одамларнинг зоҳирий (кўпинча риёга айланиб етадиган) тавозуъ-таъзимидан ҳарчанд ўзларини четга олмасинлар, эл эҳтироми уларни излаб топаверади. Атрофини кўпчилик ўраб олаверади, қавм назари бамисоли илоҳий назар каби мудом таъқиб этади. Одамлар уларга билиб-бilmай, ҳавас ва ақлид қиласидилар, суратда ва сийратда уларга ўхшашни, Тангри зурриётларини ҳам уларга ўхшатишни орзулааб яшайдилар. Зоро, тиник булоқ атрофида ҳамма одамлар тўпланишади. Мухтарам устоз Аширбек Мўминов ҳам шундай улуғлар жумласидандир.

Устозимиз билан илк бор 2004 йили Япониянинг “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигида “Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳасида иштирок этган вақтимда танишганмиз.

Ўша вақтда боши берк кўчага кириб қолган инсон каби илмий-тадқиқот ишларидан ҳам узоқлашиб кетган эдик. Илк сұхбатларимизнинг биридаёқ бизга мазкур бошланаётган лойиҳани илмий иш мавзусига боғлаш кераклигини обдон тушунтириб берди. Кутилмаган таклифдан сўнган умидларимиз яна қайта жонланди. Бу бизга Аллоҳ таолонинг меҳрибонлиги ва улуғ инояти бўлди. Ҳали ҳануз ўзимизга савол берамиз. “Агар ўша кезлар Аширбек aka билан қўришмаганимизда, ҳаётимиз қандай бўлар эди?”.

Китобларда “Устозлар само ёритгичи каби ёғду сочаверадилар. эзгулик йўлини кўрсатувчи юлдузларга мисол ҳамиша ва мангу чараклаб тураверадилар”, дейилади. Дарҳақиқат, айнан устозимиз туфайли “Фарғона аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари материаллари асосида)” мавзусида 2008 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдик. Келгусидаги тадқиқотларимизни ҳам зиёратгоҳлар мавзусига қаратдик. Ўндан ортиқ китобларимиз устоз Аширбек Мўминов муҳаррирлигига чоп этилди.¹⁹ Япония, Хитой, Германия давлатларида ўtkazилган халқаро анжуманларда бирга иштирок этиб, “Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари” тўпламини нашр қилдик.²⁰

Бузургмехрдан:

-Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласан? - деб сўрадилар.


Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади, - деб жавоб берди. Ҳақиқатан ҳам

¹⁹ Бу ҳақда каранг: Абдулаҳатов Н., Ҳайдарова З, Азимов О. Биби Убайдада тарихи. - Фарғона: Фарғона, 2002. - 80 б.; Абдулаҳатов Н., Эшонбобо-ев Н. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. Фарғона: “Фарғона”, 2006. - 304 б.; Абдулаҳатов Н., Фозиев Т. Шоҳимардон. — Тошкент: «Янги аср авлоди», 2010. — 568 б.; Абдулаҳатов Н., Фозиев Т. Бурҳониддин Марғиноний: тарихий ҳақиқат ва асотирлар. - Тошкент: «Янги аср авлоди», 2010. - 488 б.; Файзуллаев Р, Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин(Хонакоҳий Ҳазрат Марғино-ний). - Тошкент: “Байагд”, 2013. - 544 б.

²⁰ Бу ҳақда каранг: Мўминов А., Абдулаҳатов Н., Кавахара Я. Синъцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимиле). Токио: Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти, 2007. №3.-232 6.

устоз илм бериши билан кишининг номини улуғлаб, авлодлар ёдида колдиради ва иккинчи ҳаёт бағишлайди.

Адабиётшунос Муфаззал Махсум Марғилоний (1895-1970) мактубларининг бирида шундай ёзади: “Яқинда мен бир йигитдан: “Нечта отангиз бор? - деб сўрадим”. Йигит хайрон бўлиб: “Битта. Наҳотки, ўзингиз билмасангиз?” - деб жавоб берди.




**Профессор Аширбек Мўминов ва Нодиржон
Абдулаҳатов. Берлин. Мустафо Чўқай қабри олдида.
2014 йил.**

Мен унга: “Йўқ, ўғлим. адашманг. Қулоқ солинг. Ҳазрат Жомий нима дебтилар бу ҳақда: “Ал-абоу салосатун: абун валладака ва завважака ва абунман алламака”. Яъни ҳар бир кишининг уч отаси бўлади. Биринчиси, ўз отаси, иккин-чиси, қайнотаси, учинчиси, илм берган устози-муаллими. Биз ўз отамизни қандай ҳурмат қилсак, қайнотамизни, айниқса, илм берган муаллим-устозни ҳам шундай эъзозлашимиз

лозим. Бу бизнинг асосий инсоний бурчимиздир, деб жавоб бердим".

Муфаззал Махсумнинг айтган ушбу сўзларини устозимиз Аширбек Мўминов мисолида бошқаларга ибрат тариқасида ҳар доим келтириб ўтамиз. Йиллар давомида ҳаётда ва илмда тўғри йўлдан боришимиз учун маслаҳатлар берибгина қолмай, ёрдамини ҳам аямай келмоқда. "Шогирд бўлмаган киши устоз бўла олмайди," - деган эди донишмандлардан бири. Бинобарин, айнан Аширбек Мўминовнинг шогирдлари бўлганимиз туфайли бугунги кунга келиб бошқалар бизни ҳам устоз деб билмоқдалар²¹.



Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда.

**Чапдан. Шовосил Зиёдов, Аширбек Мўминов,
Нодиржон Абдулаҳатов. 2019 йил.**

2002 йили мени япониялик тадқиқотчи олима Яёи Кавахара Япониянинг "Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази" ва "Тойота" фондининг ҳомийлигида "Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш" (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳасида ҳамкорлик қилишга таклиф қилди. Бунинг учун мен муҳтаррама Яёи Кавахара хонимдан бир умр миннатдорман. Зеро, бу лойиҳа туфайли

²¹ Абдулаҳатов Н. Устоз қаҳри ота меридан афзал.// Аширебек Курбанович Муминов (библиографический указатель). – Ташкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – Б.63-65.

келгусида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Хитой бўйлаб олиб борилган экспедицияларда иштирок этдим. Ўнлаб улуғ мозорларни зиёрат қилдим.

Шу лойиҳани дастлабки босқичларида юқорида айтиб ўтганимдек, таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, бўлғуси устозим Аширбек Мўминов билан яқиндан танишдим. Айнан шу устозим туфайли “Фарғона аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари материаллари асосида)” мавзусида 2008 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Келгусидаги тадқиқотларимни ҳам зиёратгоҳлар мавзусига қаратдим. Ҳаётим давомида кўплаб устозларни қўрдим. Айримларини ҳатто устоз дейишига ҳам тилинг бормайди. Чунки бундайлардан шогирдлари қочиб кетгиси келади ёки ҳатто устозини номини айтишдан уялади. Лекин Аширбек Мўминов мен учун бағоят улуғ устоз. Шу сабабдан мен унга бўлган хурматимни тил билан таъриф қилишга ожизман. Чунки ҳозир ҳам менга имкони борича ўз ёрдамини аямайди. Ҳаётда ва илмда тўғри йўлдан боришим учун маслаҳатлар беради.

Камтарин, хокисор инсон устоз Икромиддин Остонақуловнинг докторлик диссертациямни ҳимоя қилиш даврди менга берган ёрдами ҳам алоҳида эътирофга сазовордир.

2016 йили юрак оғриғи хуруж қилган чоғи мана шу нарсалар кўз олдимдан ўтди ва шоирнинг қўйидаги мисралари ёдимга тушди:

Ғаним, шошма менга очгани аза,
Шошма гўримга ғишт уймоқлик учун,
Мен узоқ яшайман, Худо хоҳласа,
Дўстлар дийдорига тўймоқлик учун.

Буни қарангки касалликни енгдим ва ҳозирда Фарғона вилояти педагогик маҳорат марказида Фарғона водийсида яшаб ўтган улуғ алломалар ва муқаддас қадамжолар мавзу-

сида илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Шу кунгача 70 дан ортиқ тарихий китоблар ва юз элликдан ортиқ илмий ва оммабоп мақолаларим Республика, вилоят ва хорижий нашрларда чоп этилди.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИМ ҲАҚИДА

Мактабдан кейинги фаолиятим

1987 йилнинг 7 июл куни Фарғона вилоятининг Қува тумани Бўзахўр қишлоғида жойлашган Алишер Навоий номидаги 6-ўрта мактабни тамомлаб, Р.Р. Шредер номидаги тажриба станцияси Қува туманида жойлашган филиалининг 4-бригадасига ишчи сифатида қабул қилинди. Синфдошлиаримнинг айримлари олий ўқув юртларига имтиҳон топширган бўлсаларда, мен ҳарбий хизматга кетгунга қадар ишчи бўлиб ишлашни маъқул кўрдим. Ҳолбуки, аттестатимдаги баҳоларнинг барчаси беш эди.Faқат астрономия фанидан тўрт баҳо бўлган. Бу фандан мактаб директори Ҳ.Турғунов дарсга кирган ва унинг дарсида тўрт баҳо олгандим. Назаримда агар бу фандан ҳам баҳоим аъло бўлса, мен олтин медалга давогар бўлишим керак эди. Директор шу баҳо билан мени даъвогарлар рўйхатидан осонгина ўчириб қўйган кўринади.

Ўша вақтларда ҳарбий хизматга бормаган, ёки меҳнат стажига эга бўлмаганларни олий ўқув юртига киришида муаммолар бўларди. Айнан имтиҳонлардан сўнг ўтказилган мандат вақтида “балли етарли әмас” деган важ-карсон билан талаба ўқишига қабул қилинмасди.

Учта имтиҳондан юқори балл олиш эса ҳар кимга ҳам насиб қиласкермасди. Шу сабабдан айрим билими паст ўқувчининг ота-онаси фарзандини ўқишига кириши учун кат-

тагина маблағни “керакли жойларга” икки қўллаб топшириб қўярди.



**Дадажоним Урайимжон Абдулаҳад охунд ўғли.
1988 йилда олинган сурат.**

Ота-онам зиёли инсонлар бўлгани учун бундай қинғир йўл билан мени олий ўқув юртига киришимни истагамадилар. Мен ҳам уларга сира юк бўлишни хоҳламасдим. Ўқишига киришимни бирдан бир йўли ҳарбий хизматга бориб келишим керак эди.

Мактабдан аттестатни олиб уйга қайтмоқчи бўлганимда йўл бўйида дадам москвич машинасида мени кутиб ўтирган экан. Уйга келдик.

Онажоним мактабни тамомлашим муносабати билан шу куни ош дамлаб қўйганди. Ошдан сўнг дадам аризамга совхоз директори қўл қўйишганини айтди. Шу билан эртаси кундан қўлимда кетмон билан 4-бригадага ишга жўнадим.

Бу бригадани Неъматжон Олимов бошқарарди. Бригада кўчачилик бригадаси эди. Ушбу бригадада бир йил меҳнат қилдим. 1988 йилнинг 3 июл куни ҳарбий хизматга чақирилдим.

Ҳарбий хизматдаги фаолиятим

Ҳарбий хизматни ўзим орзу қилган чегара қўшинларида Тожикистон Республикасининг Тоғлиқ Бадаҳшон автоном вилояти (ГБАО)да, яъни Помирда хизмат қилишдан бошладим. Ушбу вилоят Афғонистон Республикаси билан чегарадош эди.

Шу ўринда айтиб ўтишим керакки Чегара қўшинларида ўша вақтда хизмат қилаётган ўзбекистонликлардан биринчилардан бўлдик. Сабаби шу вақтга қадар собиқ СССРда маҳсус хизматларда ўзбек йигитлари хизмат қилмас экан. 1986 йилда мактабдан ҳарбий комисариатда тиббий кўрикдан ўтаётган вақтимизда туман ҳарбий комиссари подполковник Мухаммаджонов “Қандай ҳарбий қисмда хизмат қилишни хоҳлайсан?”, деб сўраб қолди. Мен “болалиқдан азалий орзуим чегарачи бўлиш” деб жавоб бердим.

Шунда у “Бунда қисмлардан бизга буюртма келмайди. Нима бўлса ҳам сени деленгга бу истагингни ёзиб қўяман” деди. Буни қарангки орадан кўп ўтмай мени яна Қува туман ҳарбий комисариатига чақиришди. Етиб борсам бир хонага киритишди. У хонада яшил формада, ёши қирқлардан ошган

майор ўтирганди. Ўшанда биринчи марта ҳаётимда чегарачи зобитни кўрдим.



Нодиржон Абдулаҳатов.
1988 йил.

У мен билан рус тилида деярли ўн беш минут гаплашди. Соғлиғим билан, қайси спорт тури билан шуғулланишимга қизиқди. Қўлидаги “Правда” газетасини бериб шундан ўқиб беришимни сўради. Қисқаси у мени шу тарзда имтиҳон қилганди. Сухбатимиз сўнгтида у менга “Сени Чегара қўшинларига хизматга юборамиз” деб делам-нинг устига қора туш билан ПВ КГБ СССР деган ёзувни ёзиб қўйди.

Бундай имтиҳон қилинишимга сабаб чегара қўшинларига ўзбек йигитлари қанчалик муносиб эканлигини аниқлаш бўлган.



**Нодиржон Абдулаҳатов. Помир. Лангар заставасида.
1989 йил.**

Сабаби ўша вақтда ўзбекистонлик депутатларимиз Москвадаги йиғилишларда минбарга чиқиб “Қачонгача бизнинг фарзандларимиз ҳарбий хизматга чақирилса, қурилишларда хизмат қиласди. Нега улар маҳсус хизматларга чақирилмайди. Бу бизга нисбатан камситилишдир” деган фикрларни айтганликларини эшитгандим.

Шундай бир жараёнда мен болалиқдаги орзуимга эришгандим. Болалар боғчасида тарбияланётган вақтимда “Чегарачи тураг постида” номли шеърни ёд олгандим ва ҳар доим “катта бўлсан чегарачи бўламан” дердим. Қўриқчи ит

билин чегара бўйлаб чопиб кетаётган чегарачилар ва улар чегарани бузиб ўтган кимсаларни қандай қилиб қўлга олишлари билан боғлиқ кинофильмларни қўрган вақтимда телевизор қаршисидан кетгим келмасди.

Қолаверса, мактабда ўқиб юрган кезларим Қува туманидаги марказий кутубхонада чегарачилар ҳақидаги барча бадиий асарларни ўқиб чиққандим. Одам астойдил истаса орзусига эриша олишини ана ўшанда ишонганман.

Бизни 1988 йилнинг 3 июл куни Фарғона вилоят ҳарбий комиссариатидан автобусда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига олиб келдилар. Шу ердан юк машинасида Олай орқали Тоғлиқ Бадахшонга олиб кетдилар. Бир неча кундан кейин Хорог шаҳридаги ҳарбий қисмга келиб тушдик. Бу ерда ҳаммомдан сўнг бизга чегарачиларнинг ҳарбий формасини беришди. Шу тарзда икки йиллик хизматим бошланди.

Мен учун хизмат давридаги ёрқин унутилмас хотиралардан бири бу уйимиздан илк мактуб олган куним бўлган эди. Чунки уйимиздагиларни шу қадар соғинган эдимки, ҳар куни тушимда яқинларимни кўрадим. Биринчи хат албатта онажоним томонидан ёзилган бўлиб, унда куйидаги шеър битилганди:

Тожикистон тоғлари
Тошини қаттиқ ушла!
Ёлғизгинам ундадир
Еллари кўнглин хушла!

Сўқмоқлари йўл бергин,
Ўғлим ўтсин бемалол.
Чегаралар бўлсин тинч
Уйга қайтсин соғ омон!

Хизматни дастлабки кунидан қаттиқ ҳарбий машғулотларни бошлаб юбордик. Ҳар куни бир неча километрга

югуриш, сафда туриш, юриш, қуроллар билан ишлаш одат тусига кирди.



**Харбий хизматдаги вақтимда олинган суратим.
1989 йил.**

Тоғ ҳавоси тоза. Аммо тоғда югуриб машқ қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Чунки баландликда ҳаво босими бошқача бўлади. Юрганинг сари ҳаво етишмаётган ўхшайди. Айниқса, елкамиздаги юк халтаю автомат ҳамда этик билан югуриш осон бўлмайди. Югуриб кетаётган вақтимда ҳам кўз олдимга яқинларимни сиймоси келарди. Худди улар менга қараб туришгандек. Шундай пайтларда уялиб кетаман ва яна ўзимни қўлга оламан.

Кўп ўтмай бир муддат Афғонистон заминида ҳам хизмат бурчимни ўташга тўғри келди. Мен Афғонистон ҳақида китобларда ўқиганлигим учун хизматга келгунимга қадар Абу Райҳон Беруний, ҳазрат Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби улуғ аждодларимиз осуда топган диёрни бир бор кўришни, имкон бўлса, уларнинг серфайз мозорларни зиёрат қилишни жуда орзу қиласа эдим. Афсуски, юртдаги нотинчлик, доимий қонли урушлар шундай афсонавий ўлкани хароб қилаётган экан. Бундай даҳшатли манзараларни кўриб, кўнглим афтода бўлган бир вақтда мусофириликда яшашга умидларим ҳам сўнаёзди. Қадрдон уйимга соғ-омон қайтиб, меҳрибон ота-онамни, Дилафрӯзхон, Муаттархон, Камолаҳон, Фотима-Зухра исмли сингилларимни ҳам кўриш энди қиёматга қоладиган бўлди деган ўй-хаёллар мени чулғаб олган эди.

Ҳаётимнинг шундай таҳликали дамларида хизматдошларимдан бирининг қўлидаги улуғ шоирнинг китоби эътиборимни торти. Тирик қолиш учун ўзимиз ковлаган окопда шу китобни ўқий бошладим. Ундаги ушбу шеърий сатрлар менга умид бағишилади:

Агар сени алдаса ҳаёт,
Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
Ғамили кунда қилгин итоат,
Хушнуд кунлар келади инон.

Ушбу сатрлар гўёки атайлаб мендек умидсизликка тушганлар учун битилган эди. Ўша ондаёқ ушбу мисраларни ёд олдим. Сўнган умидларим яна қайта жонланди. Ҳали ҳануз ўз-ўзимга савол бераман. “Агар ўша китоб қўлимга тушиб қолмаганида, менинг ҳаётим қандай бўлар эди?”. Мана китобнинг қудрати.

Педагоглик фаолиятим

1990 йилнинг 25 май куни ҳарбий хизматни тутатиб уйга қайтиб келдим. Ҳарбий хизматга қадар шифокор ёки юрист бўлишни орзу қилган эдим.



**Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон хонадонида.
2017 йил.**

Аммо ҳарбий хизматдан сўнг мен журналистика соҳасига ўқишга кирмоқчи бўлдим. Шу сабабдан Фарғонада бу соҳага яқинроқ факультет, ўзбек тили ва адабиёти факультетини танладим. Чунки тарих мавзусида асарлар ёзгим келарди. Ўша вақтда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг тарихий мавзуидаги асарларига қизиқиб қолгандим. Шу сабабдан мен ҳам Хуршид Даврондек тарихий мавзуда китоблар ёзишни истардим.

Хуршид Давроннинг ушбу сўзлари мен учун тарих илмига қизиқишим учун калит вазифасини ўтаган эди:

“Боболар тарихи, улар қолдирган мерос қуёшга ўхшайди.
Уларга пешвоз юрсанг, пешонанг ёруғ, йўлинг порлоқ,

умринг ибратли, кўзларинг нурли бўлади. Агар улардан орқа ўгирсанг, фақат қора соянгни кўрасан холос”.

Хужжатларимни кундузги бўлимга топширдим. Имтиҳонларни мудафақиятли топшириб, ўзбек тили ва адабиёти факультетини талабасига айландим.

Биринчи сентябр куни ўқишига борсам, мени сиртқи бўлимга ўтказиб қўйишибди. Бундан роса жаҳлим чиқди. Ахир астойдил ўқиши ниятим бор эди. Шундай қилиб тарвузим қўлтиғимдан тушди. Қишлоғимиздаги 31-мактабга каашшофлар етакчиси лавозимига ишга кирдим. Бир йил ишлаганимдан сўнг 37-ўрта мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида ишлай бошладим. Шу ўринда келгусида тарихчи бўлиб етишишимда айнан мана шу мактабдаги устоз ўқитувчиларнинг ўрни катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Зеро, шу мактабга келишимга сабабчи бўлган мактаб директори серғайрат Обиджон ака Фофуров туфайли эндиғина иш бошлаган вақтимда ижодкор устозлар, Одилжон Фофуров, Аҳаджон Полвонов, Одилжон Усмоналиевлар мени тарихга бўлган қизиқишимни пайқаб шу соҳа мутахассисларидан айримларига билан учрашим кераклигини ва улардан зарур сабоқларни олишим лозимлигини уқтиришган эди. Буни қарангки, устозларнинг далласи ва маънавий қўллаб-куватлашлари натижасида кўп ўтмай вилоят ўлкашунослик музейига ишга кирдим. Қачонки тарихчи бўлиб етишишимда менга ёрдам берган инсонларни эслар эканман, албатта 37-мактаб жамоасини хурмат билан тилга оламан. Ўша пайтларда шоир Баҳодир Исонинг қуидаги мисралари ёдимга тушади:

Бу бешафқат дунёда
Яхшилар бор яхшиям.
Мехр қаҳат дунёда
Яхшилар бор яхшиям...

Мактабдан бўш пайтларимда кутубхоналарда Қува тарихига доир адабиётларни излай бошладим. Одилжон ака Фофуров мени Қува тарихига қизиқишимни қўриб “Сиз Смельянский билан қўришинг” деди ва бу одамни телефон рақамини берди.

Маълум бўлишича, Киргили мавзесида яшовчи Давид Моисеевич Семельянский исмли яҳудий бир киши “Билим” жамиятида тарихий мавзуларда маъруза қилиб тураркан. Бир гал унинг уйига дадам билан бирга бордик. Қисқаси у менга Фарғона тарихига доир турли ривоятларни сўзлаб берди ва Фарғона ўлкашунослик музейида Г.П.Иванов исмли археолог таниши ишлашини айтди. Мен баҳорги сессия вақтида мактабдан университетга ўқишига келган вақтимда фурсатдан фойдаланиб музейга кирдим. Шу ерда Г.П.Иванов билан учрашдим. Унга “Мен Қувадан келдим. Қува тарихига доир китобларни қандай топсам бўлади”, деб рус тилида савол билан мурожаат қилдим. У бўлса, ўзбек тилида “Сиз В.Булатованинг “Древняя Куба” номли китобини ўқиб чиқинг”, деб маслаҳат берди. Мен университет кутубхонасида ушбу китобни олиб, диққат билан ўқишига киришдим. Ёзги сессия вақтида яна музейга кириб, Г.П.Ивановдан В. Булатованинг китобидаги айрим маълумотлар юзасидан саволларим борлигини айтдим. Генаддий Петрович Иванов ўша кезлар музейда директор ўринбосари вазифасида фаолият юритарди. Менинг саволларимни тинглаб бўлгач, кутилмаганда “Музейда ишлашни истайсизми?” деб сўраб қолди. Мен сира бундай таклифни кутмагандим. Бироқ ҳеч иккиланмай “Ҳа” деб жавоб бердим. У “Мен билан юринг”, деб мени тўғри вилоят ўлкашунослик музейининг директори Аъзамжон Абдубаннопович Ҳасановнинг ҳузурига олиб кирди. У директорга “Шу йигитни тарих бўлимига ишга олсак”, деди. Музей директори ҳам ўша онда “Буйруқ тайёрланг” деса бўладими. Ҳолбуки мен бу вақтда 37-мактабда ишлаётган эдим.

Ўлкашунослик музейидаги фаолиятим

1992 йилнинг 1 июл куни шу тарзда Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг тарих бўлимига илмий ходим лавозимига ишга тайинландим. Генаддий Петрович Иванов мени музей кутубхонаси га олиб кирди-да, “Сиз бу ердаги тарихий адабиётлар билан чуқурроқ танишинг. Мана шу сизга асосий иш бўлади”, деди.



**Вилоят ўлкашунослик музейи жамоаси.
1994 йил.**

Алалоқибат мен бир йил давомида музей кутубхонасида эртадан то кечга қадар китоблар орасида кўмилиб, мutoала билан машғул бўлдим. Қанчалик ўқиганим сари тарих билан боғлиқ билимларим шу қадар саёз эканлигин англай бошладим. Айниқса, Фарғона археологияси га доир илмий адабиётлар мени жуда қизиқтириб кўйди.

Мен бу мозийгоҳда ишлабгина тарих тўғрисида тушунчаларим нақадар саёз эканлигини англаб етдим. Шу сабабдан устозим Г.П.Иванов юқорида айтганимдек менга деярли бир

йил мобайнида бошқа ишлардан озод қилиб фақат кутубхонада ишлашим учун шароит яратиб берди.



Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари. Чапдан ўнгга. Нодиржон Абдулаҳатов, Сайёра Мирзаева ва Баҳодиржон Ҳошимов. 1994 йилда олинган сурат.

Авваллари бундай устозларни мен фақат китобларда бўлади деб ўйлар эдим. Шукрлар бўлсинки менга мана шундай устоз учраб қолди. Мен 1992 йилнинг июлидан тики 2006 йилнинг январига қадар музейда илмий ходим, бўлим бошлиғи, директор ўринbosари лавозимларида меҳнат қилдим.

Музейда ишлаш давомида шуни англаб етдимки, 1991 йилга қадар илмий ходимларнинг аксари рус миллатига мансуб бўлиб, мустақиллик даврида уларнинг бир қанчаси Россияга кўчиб кетишган. Натижада музейда илмий ходимлар камайиб кетган. Айниқса, араб ёзувини ўқий оладиган мутахассисга эҳтиёж катта бўлган. Мени бу борада бир оз малакам борлиги учун музейга ишга киришим жуда осон кечган.

1992 йилда дастлаб музейнинг тарих бўлимида мен ва Сайёра опа Мирзаева фаолият юритган бўлсак, 1993 йилда Қуванинг Гумхона қишлоғидан бўлган қадрдон дўстим Баҳодиржон Ҳошимов шу бўлимнинг ходими сифатида иш бошлади.

2000 йили менга худди туғишган опадек бўлиб қолган Сайёрахон Мирзаева барвақт дунёдан ўтди. Фариштадек қизни фаришталар олиб кетиши. Ўша вақтда у 33 ёшга кирган ва ҳали турмушга чиқмаган эди. Жаноза куни уни худди келинчакдек кузатдилар. Шу ўринда мархума ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтсам.

Сайёра Мирзаева Фарғона водийси халқларининг урфодатлари ва маросимлари тўғрисида китоб ёзиш орзуси билан яшади. Ҳар доим унинг иш столида ушбу мавзуга даҳлдор ўнлаб илмий асарларни кўриш мумкин эди.

Фарғона ўлкашунослик музейининг илмий ходими Сайёра Мирзаева мана салкам 25 йилдирки орамизда йўқ. Аммо ҳар гал музей остонасига қадам қўяр эканман унинг кулиб турган чехраси кўз олдимга келади. Чунки ҳозирга қадар музейни усиз сира тасаввур қила олмайман. Сайёра опа музейнинг тарих бўлимидан ўн йилдан зиёд вақт мобайнида иш олиб борди. У Фарғона халқларининг турмуш маданиятига қизиққанлиги боис мазкур соҳани астойдил тадқиқ этишга киришган эди. Шу сабабдан Сайёра опанинг ҳар бир ёзилган мақола ва маъruzаси ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмаган.

Кези келганда Сайёра опанинг инсоний фазилатларидан бири ҳақида ёзмасам бўлмайди. У одамлардаги камчилик ва салбий хислатларга урғу бермас, ҳеч қачон ҳеч кимни ғийбат қилмас, энг бадхулқ кимсанинг ижобий томонларини ўзича бўрттириб кўрсатарди. “Одамнинг ёмони бўлмайди, - дерди у, - фақат уни тушуниш керак, холос”.



Чапдан: Нодиржон Абдулаҳатов, Ҳамдамжон Сулеймонов, Муртазаҳон Сайдалиев. 1994 йил.

Ўтган йиллар сурони мени раҳматлиқ ҳамкасбим билан узоқлаштириш ўрнига тобора яқинлаштиради, гўё. Ҳар бир ёзган китобимда, илмий тадқиқотларимда Сайёра опа бошлаган ишни давом эттиришга ҳаракат қилдим. Шунинг учун бўлса керақ, уларда Фарғона халқларининг урфодатлари, маросимлари доимо акс этиб келади. Уларни ёзиш чоғида гўёки Сайёра опани руҳлари ёнимда тургандек. Ўзича кўмак бераётгандек, ёзилганлардан эса хурсанд бўлаётгандек туюлади.

Музейда салкам ўн беш йиллик фаолиятим давомида менга қадрдон бўлиб қолган инсонлардан бири бу Шоҳимардонлик Муртазоҳон Сайдалиев бўлади. Биз уни Сайджон ака дер эдик. Муртазаҳон ака ўлкамиз тарихини

пухта билган замонамизнинг зиёли кишиларидан. Вилоят музейига янги ишга келган пайтим шоҳимардонлик Муртазахон ака билан бирга ишлашимизни эшитиб, жуда хурсанд бўлган эдим. Буни қаранг, орадан 32 йил ўтибди. Шу вақт мобайнида у бизга Шоҳимардон ҳақида кўп тарихий воқеаларни сўзлаб берди. Унинг ҳар бир ҳикоясининг ўзи битта китобга етарли материал бўлади.

Музейда ишлаш давомида мен ўзим учун улуғ инсонларни кашф этдим. Шу сабабдан улар ҳақида икки оғиз сўз айтмасам бўлмайди.



**Ҳабибулло Раҳматов. Алишербек Тошқулов, Нодиржон
Абдулаҳатов. 2024 йил**

Ёзёвонлик журналист Алишербек Тошқулов билан 1998 йилда танишдик. Шундан буён жуда қадрдан бўлиб қолдик. Алишербек ака билан бир нечта китобларни бирга тайёрладик. Хориж сафарларида ҳам бирга бўлдик. Яна бир ёзёвонлик шифокор Ҳабибулло Раҳматов ҳам мени энг яқин қадрдонларимдан бўлиб қолди. Қисқаси бошимдан ўтган кўп иссиқ-совуқларни Алишербек ва Ҳабибулло акам билан бирга баҳам қўрдик. Шу саабдан бу икки ҳазрати инсонларга

хурматим ўзгача. Шундай яқинларим туфайли мен Ёзёвонда кўп маротаба файзли даврларнинг меҳмони бўлдим.



Катта кенагас аҳллари, Бузрукхон тўра авлодлари ва япониялик олимлар. Сурат 2022 йилда олинган.

Учкўприк тумани Катта кенагас қишлоғи ҳам менга худди иккинчи уйимдек бўлиб қолди. 1994-1996 йиллар давомида бу ерда шоир Зиёвуддин Ҳазинийга бағишилаб музей қилган эдик. Шу музей баҳонасида кенагаслик ҳазрати инсонлар Насрулла ота Раҳматуллаев, Собирхон Мастонов ва саййидлар хонадони вакиллари И smoилхон ва Юсуфхон Маҳмудовлар билан яқиндан танишдим. Мана қарийиб 30 йилдан буён мен Катта кенагасга фарзанд бўлиб қолдим. Шу сабабдан Катта кенагас тарихига доир “Ҳазиний юрти” номли китобим шу қишлоқ аҳлига бўлган юксак хурматимнинг ифодаси сифатида дунёга келди.

Айтиш жоизки, хорижлик тадқиқотчиларнинг Катта кенагас тўғрисидаги тадқиқотларнинг хуносаларида умумий ўхшашлик мавжуд. Чунончи, уларнинг келтирилган хуносаларига кўра, бир қарашда бошқа қишлоқлардан деярли

фарқ қилмайдиган Катта кенагас қишлоғи аслида ўзининг бой тарихга эга эканлиги билан дикқатга сазовордир.



**Собирхон Мастонов, Нодиржон Абдулаҳатов, Насруллоҳ
ота ва унинг фарзанди Баҳромжон (Чапдан ўнгга).
2008 йилда олинган сурат.**

Сайидларни уларнинг хулқи-одобидан билса бўлади.
Акс ҳолда Абдураҳмон Жомий айтганидек

*Онроқи бувад нури Наби дар башара,
Ҳожат Набивад бу тувлу арзи шажара.
Вонро ки зи руҳ натобод ин нури сара,
Шажара надидаҳ багайри лаънат самара.*

Мазмуни: Юзида пайғамбарлик нури бўлмаса, узундан-узун шажаранинг ҳожати бўлмайди. Бундай тоза нур унинг юзидан тобланиб турмас экан, бундай шажара лаънатдан бошқа самара бермайди.

Дарҳақиқат, Катта кенагасда истиқомат қилувчи сайидлар яъни, Бузрукхон тўра авлодлари шу кунга қадар элу

юрт олдида ўзларини ахлоқи ҳамидалари билан барчага ибрат бўлиб келганлар.

2008 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун оилам билан Тошкентга жўнаб кетдик. Йўл-йўлакай Насруллоҳ отадан дуойи фотиҳа олиш учун Катта кенагас қишлоғига кириб ўтишга тўғри келди. Насруллоҳ ота бу пайтда оғир операциядан чиққан бўлса ҳам руҳан жуда тетик, қўксига тушиб турган оппоқ соқоли унга янада улуғворлик бахш этиб турарди. У киши бизни узундан-узоқ дуолар қилди. Насруллоҳ отанинг олдидан худди қушдек енгил бўлиб, машинага ўтирас эканмиз шофёр йигит ўз ҳаяжонини яшира олмай: “Нодирбек ака биз қўришган бу инсон менинг назаримда худди авлиёлардан бўлиб қўринди” деди. Ўшанда унга “Мен учун Насруллоҳ ота доим шундай туюлиб келган” дедим. Шофёр йигит жавобимдан қониқиши ҳосил қилди шекили бошқа савол ҳам бермади. Йўл давомида ҳар ким ўз ҳаёлининг оғушига чўмди...

Қамчик довонидан ўтиб борар эканмиз Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз-авлиёлар сиймосини хаёлан кўз олдимга келтирдим ва Насруллоҳ отанинг бутун ҳаёт йўли, турмуштарзи авлиёларга хос тарзда кечганилигини англай бошладим. Ўша пайтдаёқ юрагимизда у кишига бўлган юксак ҳурматимиз ифодаси сифатида ва келажак ёшларимизга ибрат ва намуна бўлишлари учун китоб ёзиш истаги пайдо бўлган эди.

Агар ёзувчи ёки шоирларимиз ўз даврида Насруллоҳ ота Раҳматулло ўғлининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида ёзиш учун қўлларига қалам олганларида йирик бир роман ёхуд достон битган бўлар эдилар. Кино усталари ҳам яхши бир фильм яратишлари тайин эди. Буларнинг барчасига ўз вақтида Насруллоҳ отанинг имконияти ва шароитлари ҳам мавжуд бўлган. Қолаверса, ишлаб турган вазифаси ҳам шуни тақозо этарди. Аммо Насруллоҳ ота бундай таклифларни

ўйлаб ўтирмай шубҳасиз рад этарди. Зеро, ундаги камтарлик фазилати бу ишларга йўл қўймаган. Инчунун бирон-бир инсон Насруллоҳ отадан “бу ишни мен қилганман” деган сўзни эшиитган эмас. Шу сабабдан ўзини бошқалар олдида кўз-кўз қилиб обрў олишдек манманлик хислати мутлақо Насруллоҳ отага бегона бўлиб келган.



**Насрулло ота Раҳматуллаев япониялик олима Яёи
Кавахара ва унинг фарзанди Самандар ҳамда Собирхон
Мастоновлар билан. 2009 йил.**

Мана шундай олийжаноб инсон ҳақидаги ушбу сўзларимизни Насруллоҳ отанинг ҳаётлик вақтида ёза олмаганимиз учун минг афсусдамиз. Наилож жудолик аъламини фақат айрилиқдан сўнгтина тушуниб етар эканмиз. Бу сафар ҳам худди шундай ҳиссиётни бошимиздан кечиришга мажбур бўлдик. Ўша куни Кенагасдан “Насруллоҳ ота вафот этди” деган аччиқ хабардан сўнг юрагимиздан жой олган қадрдон инсон билан видолашиш онлари нақадар оғир бўлишини аста-секин англаб етдик.

Ҳаётимиз давомида не-не инсонлар билан видолашмадик. Уларни жонсиз танасини қўрганимизда, қандай ҳолатга тушганимиз фақат Яратганга аён. Нима бўлганда ҳам одамизот ўз яқини билан видолашиш нақадар оғир эканлигини мусибат билан юз-юзма бўлгандагина теран ҳис қилар экан. Насруллоҳ ота билан видолашиш учун у ётган хонага кирап эканмиз ажойиб насим муаттар ҳидни туйгандек бўлдик. Одатда мархум ётган хонага кирган киши бундай ҳидни сезмайди. Унинг нурли юзларидаги хотиржамликни кўриб, Насруллоҳ ота худди ухлаб қолгану бир оздан сўнг уйғониб кетадигандек. Аммо аччиқ ҳақиқат шу эдики у чиндан ҳам мангу уйқуга кетган, узоқ йиллардан бери тиним билмаган муборак жисми ва ниҳоят тин олган эди.

Табиатда ажойиб ҳикмат бор. Яхши инсонлар дунёдан ўтган куни ҳатто еру осмон ҳам йиғлар экан. Бу ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигини Насруллоҳ отани қабристонга дафн этаётиб шоҳиди бўлдик. Чарақлаб турган Қуёш юзини бирдан булут қоплаб ёмғир ёға бошлади. Шу дамда беихтиёр машҳур шоирлардан бирининг қуидаги тўртлиги ёдимизга тушди.

Қайғу дами йиғла қаҳрамон,
Йиғламаслик мумкинмас тўйиб,
Булутлар тунд пайтида инон,
Қоялар ҳам йиғлар ўкиниб.

Чиндан ҳам ўша мусибатли кунда нафақат Кенагас аҳли балки осмон ҳам йиғлади дейиш мумкин. Назаримизда бундай айрилиқ аъламини Кенагас аҳли Зиёвуддин Ҳазинийдан жудо бўлган куни бошидан ўтказган бўлса керак.

Бинобарин, Насруллоҳ ота эса ўша эл эъзозлаган валий зот Ҳазиний тўрани ҳурматини жойига қўйишида, унинг номини элга қайтаришида улкан ҳисса қўша олган ҳазрати инсон эди. Буни нафақат фарғоналиклар балки олис кунчиқар юрти Япониянинг дунёга таниқли олимлари ҳам бир

неча бор таъкидлаб ўтган эдилар. Насруллоҳ отанинг дунёдан ўтганилигидан воқиғ бўлган япониялик бир гурӯҳ тарихчилар, қуидаги дил сўзларини бизга ёзиб жўнатган эдилар:

“Биз бир неча йил давомида Ўзбекистон олимлари билан ҳамкорликда Ўрта Осиёни, жумладан Фаргонада водийсининг тарихига қизиқиб, илмий тадқиқотлар олиб бордик. Мазкур тадқиқотлар чогида бир неча марта Катта кенагас қишилогига боришига мұяссар бўлдик. Ўша пайтларда Насруллоҳ ота Раҳматулло ўғли бизга жуда катта ёрдам берганлар.

Бузрукхожа, Набирахожа ҳамда Зиёвуддин Ҳазинийнинг мақбаралари, уларга таълуқли нарсалар ва авлодларига тегишли ҳужжатларнинг бугунга қадар нодир манба сифатида сакланиб қолиниши Катта кенагас қишилогининг нақадар тарихий воқеаларга бой ҳудуд эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Катта кенагас қишилоги тарихини ўрганиш биз сингари тадқиқотчиларга нихоятда қизиқарли бўлиши муқаррар. Масалан, Бузрукхожа билан bogliқ тарихий манбалар Фаргонада водийси ва Қошгар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар тўгрисида қиммматли маълумотлар берувчи манбалар ҳисобланади. Набирахожа ва Ҳазиний тўгрисидаги маълумотлар бўлса, XIX ва XX аср бошларидаги Фаргонада водийсида мавжуд бўлган масаввуф тариқатлар фаолиятини яқиндан ўрганишда мухим аҳамият касб этади.

Биз япон олимлари Катта кенагасга қилган илмий экспедицияларимиз давомида ушбу ёдгорликлар тарихини ўрганибгина қолмай, балки қишлоқ аҳлини Насруллоҳ ота сингари жонкуяр инсонлар бошчилигига ўз тарихий обидаларини кўзқорачигидек аввайлаб, эъзозлаб келаётганликларини гувоҳи бўлдик. Ва бундан бениҳоят таъсирландик.

Катта кенагас қишилогини чин юракдан севган, жонажон юрти тарихининг аҳамиятини чуқур фахмлай билган Насруллоҳ ота бизнинг қизиқишимиз ва мақсадимизни яхши англаб, имкони борича ёрдам қилди. 2004 йилги ташрифимиз чогида Катта

кенагаснинг ўзига хос анъана ва удумларини кўрсатиб бериш учун алоҳида маросимларни ташкилашда бош-қош бўлиб турдилар. Айниқса, жонажон қишилоги тарихини самимият билан сўзлаб, бошдан охиригача пиёда юриб қишилогининг тарихи шу қадар батофсил тушунтириб бердики, унинг тўлқинланиб сўзлашларидан катта таъсуротларга эга бўлдик. Ўша кезларда биз кўрган Насруллоҳ отанинг меҳрга йўғрилган нурли сиймоси бир умр ёдимизда муҳрланиб қолади.



Япониялик олимлар Қўқон шаҳридаги адабиёт музейида. 2004 йил.

Бизнинг тушунишимизча Насруллоҳ ота Катта кенагас қишилогини ўзига хос тарихини, ундаги ёдгорликларни меъморий ва тарихий аҳамиятни қадрига етганлигидан кенгроқ доирадаги одамларни ҳам булардан хабардор қилишини истаган бўлсалар керак.

Умид қиласизки Насруллоҳ ота орзу қилган ниятларини ҳам қишилоклари рўёбга чиқаради. Ўз навбатида биз ҳам Насрулло отадан кўрган илтифоларимизга муносиб тарзда жавоб беришга ҳаракат қиласиз”.

Шимен Ясуши Чую университетининг профессори.

Минори Савада Тояма университетининг профессори.

Яёи Каваҳара Чую университетининг профессори.

Аксарият одамлар кексалик нафақасига чиққач “Тўйлар қилсам, дам олиш сиҳатгоҳларига борсам, имкон топсам Ҳаж зиёратини адо этсам” дея қарилик гаштини суриш орзусида яшайди.



“Шинжонг ва Фарғона мозорлари” халқаро анжуманида. Токио (Япония). 2004 йил.

Аммо нафақага қадар бирор кун тиним билмаган Насруллоҳ ота нафақага чиққач ҳаётининг энг азиз дамларини Ҳазиний хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ хайрли ишларга сарфлади. Шу сабабдан Ҳазиний тўғрисида тадқиқот олиб борган ҳар бир тадқиқотчи ўзининг мақоласи ёки китобининг кириш қисмида албатта Насруллоҳ ота Раҳматуллаев номини тилга олади.

Ҳар гал Катта кенагас қишлоғи қабристонига келсан мен учун қадрдон бўлган инсонларни қабри олдида бир муддат сукут сақлайман. Катта кенагаслик Насруллоҳ ота Раҳматуллаев ва Собирхон Мастоновларни ёдга оламан.

2016 йилнинг марта ойида Умра зиёратидан қайтганимдан сўнг Япониядан тарихчи олима, қадрдоним Яёи Кавахара хоним қўнғироқ қилди. Мен у билан салом-алик қилганим заҳоти “Нодир ака Собирхон ака вафот этибди. Мен бу хабарни эшитиб чуқур қайғуда қолдим”, деди. Шу пайт томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди. Ахир мен бундан бехабар эдим. Ҳар ҳафтада телефон қилиб ҳол-аҳвол сўраб тургувчи Собирхон акамни нимага мени йўқламай қўйганининг сабабини энди тушундим. Зиёратга кетган вақтимда қадрдоним дорулбақога сафар қилибди.



**“Шинжонг ва Фарғона мозорлари” халқаро анжумани иштирокчилари. Токио (Япония).
2004 йил.**

Тўғри Катта кенагас қишлоғига йўл олдим келдим. Қабристонга келиб Собирхон акамни қабрини зиёрат қилдим ва “Йўл давомида Собирхон ака нимага индамай кетиб қолдингиз?”, деган саволни ўзимга бериб келдим.

Во ҳасрато дунёning ишларини қилишда маслаҳатлашса бўлар экану, аммо ўлим ишида маслаҳатта ўрин йўқ экан. Ажал фариштаси қутилмагандা, сиздан bemaslaҳat әшикни

ҳам қоқмасдан бир онда кириб келиб, ширин ошингизни аччиқ қилиб, бир он ҳам нафас олишга имкону фурсат бермасдан, тану жисмингизни бир парчаси бўлган энг яқин кишингизни жонини сўрамасдан олиб кетаркан. Бундай шиддатли дамлар ҳамманинг бошига келиши бор ва қочиб қутулиб бўлмас экан. “Куллу нафсин зоиқатул мавфти”, яъни ҳар бир киши ўлимни татиб кўрувчиidur. Чунончи Қуръони карим шундай дейди: “Ҳар қаерда бўлмагил, агарчи баланду мустаҳкам чўққиларда бўлсанг ҳам ўлим сенга етиб келса, ўлим чангалидан қутулолмайсан.

Пулу нарсаларингиз, фарзанду дўстларингиз, табибу насли насабингиз ва мансабингиз заррача ёрдам беролмайди. Фақат улуғ ва мутаол Парвардигордан бошқа барча ожизу нотавондир.

Гар пўлатдан қалъада бўлсанг ҳам сенсиз қолгай бу жаҳон,

Кулли нафсин зоиқатул мавт ва кулли ман алайҳо фон”.²²

Орадан мана ўн йил йил ўтди. Баъзан Катта кенагас аҳли билан кўришиб қолсам улар мендан “Нега камнамо бўлиб кетдингиз?”, деб сўрашади. Мен эса уларга “Ишлар кўп”, дея баҳона қиласман. Аслида ҳар ойда Фарғонадан Қўқонга боргудек бўлсам албатта бир неча дақиқа фурсат топиб Катта кенагас қабристонга зиёрат қилгани кириб кетишимни айтгим келмайди.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейидаги фаолиятимнинг ўзим учун энг муҳим жиҳатларидан бири япониялик олимлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйганим бўлди.

1998 йилда музейга Япониянинг Ўзбекистондаги элчихона ходимаси Чико Обия хоним ташриф буюрди. Унинг ташрифидан мақсад Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатит тарихи, яъни узоқ вақтга қадар “Босмачилик ҳаракати” деб аталган мавзуда тадқиқот ишларини олиб бориш эди. Дўстим Баҳодиржон Ҳошимов билан иккимиз-

²² Ҳожи Мирзо Абдулло Мирзо Калонзода Ҳўжандий. Охират озиғи. Ҳўжанд, 1994. -Б. 10.

нинг ҳамроҳлигимизда Чико Обия хоним Фарғона водийси бўйлаб сафар қилди. Сафар натижалари япониялик тадқиқотчини жуда хурсанд қилди. Айниқса, устозимиз Г.П. Ивановнинг оиласи билан Чико Обия хоним дўстлашиб қолди. Ҳатто унинг оиласини Японияга ҳам таклиф қилди. Чико Обия хонимнинг ушбу сафарлари келгусида япониялик олимлар билан ҳамкорлиқдаги тадқиқотларимиз учун қўприк бўлиб хизмат қилди.



Чико Обия хоним билан илмий сафарда.

Дарҳақиқат, тез орада бир гуруҳ япон олимлар Фарғона вилоят ўлкашунослик музейига ташриф буюрдилар. Ушбу ташриф чоғида камина Нодиржон Абдулаҳатов салкам икки ҳафта давомида улар билан бирга Фарғона водийси тарихи билан боғлиқ худудларга сафар қилдим. Сафар ниҳоясида улар менга миннатдорчилик рамзи сифатида конвертда пул совға қилмоқчи бўлдилар. Бироқ бунга қадар устозим Генаддий Петрович Иванов “Нодирбек агар сизга япониялик дўстларимиз сафарда бирга бўлиб, улар берган ёрдамнингизни тақдирлаш учун пул бергудек бўлсалар, асло ола кўрманг. Чунки дўстликни пул билан ўлчаб бўлмайди” деган эди. Мен уларнинг ҳадясини устозим айтганидек рад этдим

ва “Дўстлигимиз пул билан ўлчанмайди”, дедим. Улар менинг бундай сўзларимдан анча хижолатда қолдилар. Лекин устозим жуда тўғри гапни айтган экан. Чунки ўша вақтда япон олимлари орасида мен ҳақимда яхши таассурот қолган экан. Кўп ўтмай улар менга илмий ҳамкорлик қилишни, яъни илмий лойиҳада иштирок этишимни таклиф этишди. Уларнинг бу таклифи менга катта имкониятлар эшигини очиб берди.



Халқаро экспедиция иштирокчилари. 2006 йил

2002–2007 йилларда Япониянинг “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигига “Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотларда иштифор этдим. Чунончи бир неча йиллар давомида муентазам равишда “Буюк Ипак йўлидаги исломий зиёратгоҳлар” мавзусида ташкил этилган экспецияда иштирок этиб Фарғона водийсидаги ҳамда Хитойнинг Шарқий Туркистон худудидаги зиёратгоҳларни тадқиқ этишга мұяссар бўлдим.

Бу тадқиқот менинг илмий ишим учун нодир манбаларни йиғишимга асос бўлиб хизмат қилди.




Нодиржон Абдулаҳатов насабномаларни ўрганиш вақтида.

Айниқса, экспедиция натижалари юзасидан ўтказилган Япония ва Хитойдаги халқаро анжуманларда чоғида қўплаб таниқли тарихчи олимлар билан яқиндан танишдим. Улар билан яқиндан илмий ҳамкорликни йўлга қўйдим.

Бу ўринда М.Савада (Тойама университети), Ш.Ясуши (Чую университети), Я.Кавахара (Япония илмий тариққиёти жамияти) ва Ж.Сугавара (Токио университети) сингари бир

гурух япон олимларининг Ўш, Жалалобод (Қирғизистон), Сўғд (Тожикистон) Фарғона, Андижон, Наманган (Ўзбекистон) сингари вилоятлардаги юздан ортиқ муқаддас зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ мозор хужжатларига доир тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.



“Шинжонг ва Фарғона мозорлари” халқаро анжумани иштирокчилари. Урумчи (Хитой). 2008 йил.

Япониялик тадқиқотчиларнинг мазкур соҳада Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи билан олиб борган тадқиқотлари натижасида “Ўрта Осиёдаги ислом оид муқаддас жойларни тадқиқ қилиш: Фарғона ва Қашғар” номли Фарғона водийсидаги зиёратгоҳларга доир мақолалар тўплами, ҳамда уч жилдик “Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари (факсимеле)” нашри чоп этилди²³.

²³Бу ҳақда қаранг: “Ўрта Осиёдаги ислом оид муқаддас жойларни тадқиқ қилиш: Фарғона ва Қашғар”, Ипак йўлишунослик тадқиқот тўплам, 28 Нара. Нара Ипак йўли кўргазмасини хотиралаш ҳалқаро алмаштириш фонди. Ипак йўлишунослик тадқиқот маркази, 2007 (япон тилида); Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари (факсимеле). Тузувчилар: Сугавара Ж, Каваҳара Я. Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқоти институти. 2006.№1; Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари (факсимеле). Тузувчилар: Аблиз Ўрхун, Сугавара Ж. Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқоти институти. 2007. №2; Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Каваҳара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқот институти. 2007. №3.

Маълумки, Марказий Осиёning оммавий ва шахсий кутубхоналарида мавжуд кўлётма асалар асосан хон саройлари, мадраса коллекцияларидан жамланган бўлиб, дин масалаларида аксарият ҳолларда “назарий”, “китобий ислом” ҳақида маълумот беради. Бошқа муҳит – “оммавий”, “халқ исломи” ҳақидаги материаллар эса муқаддас жойлар (қадамжолар, зиёратгоҳлар) атрофида марказлашган. Улар орасида ёзма манбалар алоҳида ўрин тутади²⁴.



**Нодиржон Абдулаҳатов ва адабиётшунос олим
Абдулатиф Турдиалиев. 2024 йил.**

Кейинги йилларда Фарғона водийсида зиёратгоҳлар билан боғлиқ кўплаб насабномалар ва шажаралар топилмоқда. Бу аввало ҳалқимизнинг миллий маданий меросларига бўлган эътиборида яққол кўзга ташланади. Бир неча ўн йиллар мобайнида яшириб сақлаб келган мазкур ҳужжатларни мустақиллик туфайли кенг жамотчиликка ҳавола этишининг имконияти туғилди. Шу пайтга қадар йўқолган деб қаралган насабнома ва шажарларни нафақат кўриш балки

²⁴Abdulahatov N.The Importance of Studying the Mazar Dokuments of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang, p. 14.

улардан фойдаланиш учун ҳам шарт-шароитлар вужудга келди.



Нодиржон Абдулаҳатов Қутайбай ибн Муслим насабномасини тадқиқ этиш жараёнида. 2006 йил.

Япон тарихчи олимларининг Фарғона водийсидаги мавжуд зиёратгоҳлар ва уларнинг тарихига доир ёзма манбалар (шажара, вакфнома, васиқа, маноқиблар)ни тадқиқ этишлари биринчи навбатда шу билан долзарбки, улар таниқли тасаввуф шайхларининг биографияси, Марказий Осиё ва унга қўшни минтақаларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, географик муҳит ва у ёки бу мамлакат халқининг урфодатлари бўйича қимматли маълумотлар беради. Бинобарин муқаддас зиёратгоҳлар ўлкамиз тарихида ўчмас из қолдирган машҳур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ бўлиб, тадқиқот материаллари уларнинг биографияси ва фаолияти бўйича маълумотларни янада тўлдиради.

Шу ўринда тарих фанлари доктори Яёи Кавахаранинг Фарғона зиёратгоҳлари билан боғлиқ ёзма манбалар бўйича олиб бораётган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш

лозим. Унинг Хожа Ҳасан, Қутайба ибн Муслим, Қораёзи бобо, Кўшки Туркон азиз номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тўғрисидаги тадқиқотларида қимматли маълумотлар келтирилган²⁵.

Я. Кавахаранинг қошғарлик Офоқхожа ва ўғли Хожа Ҳасан тўғрисидаги олиб борган изланишлари Фарғона вилоятининг Қува, Фарғона, Бешарик туманлари ҳамда Марғилон шаҳридаги Хожам подшоҳ зиёратоҳларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга²⁶. Чунки бу вақтга қадар мазкур зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиш сабаблари ёритилмай келинган эди²⁷.

Шу сабабдан япониялик олимларнинг Фарғона водийсида олиб борган ҳамкорликдаги тадқиқотлари зиёратгоҳлар билан боғлиқ муаммоларни комплекс фундаментал илмий муаммо тарзида ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Музейдаги иш фаолиятим ҳақида сўз юритар эканман оиласам ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ота-онам бир синфда ўқиган кезлари уларга устозлик қилган Маъмиржон Ботировнинг кенжака фарзанди Зулфияхон билан 1995 йили 26 майда тўйимиз бўлди. Қайинонамиз Лолаҳон ая эрта оғир касалликдан барвақт дунёдан ўтган экан. Шу сабабдан унга ҳам ота ҳам оналик меҳрини қайинотамиз бериб катта қилган экан (Аллоҳ иккисини ҳам охиратини обод қилсин).

²⁵Бу ҳақда қаранг: Кавахара Я. Офоқ хожанинг ўғли Хожа Ҳасан шажараси ҳақида // Шарқшунослик, № 12. Т., 2004.-Б.89–103; Mazar documents from Hinjayg and Fergana (fakcsimile). Edited bu Sugawara Jun Kawahara Yayoi. Tokyo University of Foreign Studies 2006; Kawahara Y. The Mazar of Qutayba ibn Muslim: A Studu of the Oral Tradition and Historical Documents // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region. Silk roadology 28.Tokyo University of Foreign Studies 2007.P. 79–103.

²⁶Kawahara Y. Tadhkira of Khwaja Hasan Sahibqiran: Study on Private Manuscript in Ferghana Valley // Journal of Asian and African Studies. No. 71. 2006. P. 205–257.

²⁷Абдулаҳатов Н., Алишер Бек. Хожам Подшоҳ зиёратгоҳи. Ф.:Фарғона, 2009. –Б. 32.



Қайин отамиз Маъмиржон Ботиров фарзандлари Равшанбек ва Дониёржон билан.

Қайин отамиз Маъмиржон Ботиров (2013 йилнинг 5 феврал кунида вафот этган) 40 йилдан ортиқ бир даргоҳда – Қува туманидаги Мозортаги қишлоғида жойлашган 21 – мактабда тарих фанидан дарс берган. Шунинг учунми, қишлоқ аҳли ўз қувончини ҳам, дардини ҳам у билан бўлишга ошиқар эди. Чунки жўяли маслаҳат беришдан ташқари, чўрткесар – бирорнинг гапини шунчаки эшитиш учун тингламаган ва ўрнида хulosса бериб келган. 6 нафар фарзандини²⁸

²⁸ Мамиржон Ботиров билан Лолаҳон Ботированинг турмушидан олтин нафар фарзанд туғилган. Баҳодиржон (1960 й.), Ғуломжон (1964 й.т.), Равшанбек (1996 й.т.), Исломбек (1970 й.т.). Дониёрбек (1973 т.й.), Зулфияхон (1977 й.т.) Баҳодиржон Қурбонойга уйланиб, Азизбек, Шуҳрат, Зулхумор, Моҳидил исмли тўрт нафар фарзанд кўрган. Ғуломжон Мухаббатхонга уйланиб Сайёрахон, Зулайҳо, Диљрабо, Жаҳонгир исмли исмли тўрт нафар фарзанд кўрган. Равшанбек Раҳнамохонга уйланиб, Раъноҳон, Барноҳон, Шоҳруҳбек, Шаҳриёрбек исмли тўрт нафар фарзанд кўрган.

ҳам жуда қаттиққўллик билан тарбиялаган. Қайинотам ҳар доим фарзандларига “Атрофингдаги одамлардан пўрим кийинмагин, меҳнатдан бўйин эгмагин, камтар ва ҳалол бўлгин, элнинг назари ёмон – деб уқтиарди эди.



**Нодиржон ва Зулфияхон.
Қува. 1995 йил 26 май.**

Ўша вақтлар унинг сухбатларини тинглаб, эл қатори, эл-юрт орасида юриб, бу оқсоқол, ҳеч қачон эл назаридан қолмагани шун-данмикин”, деган фикрга келган эдим.

Исломбек Зубайдахонга уйланиб, Умаржон, Бунёджон, Одинахон исмли уч нафар фарзанд кўрган. Дониёрбек Махбубахонга уйланиб, Мафтұнахон, Мадинахон, Диішодахон, Диёрбек, Бобуржон исмли беш нафар фарзанд кўрган.

1998 йилнинг 14 декабр куни тўнғич қизим Муштарийбегим²⁹ дунёга келди. Шу кунни дадажоним “Оиласизга Аллоҳнинг раҳмати ёқсан кун бўлди”, деб эсларди. Сабаби дадам ўша кунлари Хоразмдан бир неча тонна гуруч келишини кутаётган эди.

Бу қарангки, йўлда машинада тўлғоги бошланган аёлимни олиб туғруғонага кетаётганларида катта юк машинасини шофёри дадамни тўхтатиб “Биз Хоразмдан бўламиз. Райимбой оғани уйини биласизми?” деб дадамни ўзидан сўрашган.

Хуллас аёлим кўзи ёриган онларда, мен уйимизда гуруч тушириш билан овора бўлгандим. Бир неча хоналар гуруч билан тўлган эди.

Қизимни Муштарий исмини беришни анча йиллар оддин ният қилган эдим. Ўзбекино томонидан суратган олиган “Муҳаббат ва нафрат” номли кинофильмидаги бош қаҳрамон Муштарийбегим образини кўриб, “Агар қиз кўрсам, исмини Муштарийбегим исмии билан атайман”, деб ният қилгандим.

2001 йилнинг 6 октябр куни иккинчи қизим Фарангисхон³⁰ туғилди. Ўша вақтда мен устозим Г.П. Иванов билан Қува шахристонида қазилма ишларини олиб бораётган эдим.

Фарангис исмни қизимга онажоним иккимиз қўйган эдик. Онажоним бу исм “Шоҳнома”да бор деган эди. Мен ҳам Абдулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари билан яқиндан танишган вақтимда қадимги Турон мамлакатининг ҳукмдори Афросиёбнинг қизи соҳибжамол малика Фарангис ҳақидаги сатрлардан ғоят таъсиранган эдим. Достонда

²⁹ Муштарийбегим 1997 йилнинг 27 август куни қишлоғимизда истиқомат қилувчи синдоғи бўлмиш Лазизбек Зулфиқор ўғлига турмушга чиқди. Ҳозирда Фарзонахон (2000 й.т.) ва Фаризахон (2024 й.т.) исмли қиз фарзанд кўришган. Муштарийбегим дастлаб Фарғона шаҳар тиббиёт коллежини тамомлади. 2025 йилда Фарғона Давлат университетининг Бошланғич таълим факультетини тамомлади. Қува тумани 31-мактабда дарс бермоқда.

³⁰ Фарангисхон 2024 йилнинг 7 январ куни Марғilonlik Асадилло Файратжон ўғлига турмушга чиқди. Шу йилнинг сентябр ойида Фирдавсбек исмли ўғли фарзанд кўришди. Фарангисхон дастлаб Фарғона шаҳар тиббиёт коллежини тамомлади. 2025 йилда Қўқон университетининг Психология факультетини тамомлади.

айтилишича, Фарангис Кайковуснинг фарзанди Сиёвушга турмушга чиққан. Фарангис ҳақидаги ҳикоялардан руҳланиб, агар иккинчи марта қиз кўрсам фарзандимни Фарангис деб атайман деб ният қилгандим.



**Нодиржон Абдулаҳатов.
Нодир қўлёзмаларни ўрганиш вақтида.**

Учинчи қизим Турконабегим³¹ 2005 йилнинг 5 май куни таваллуд топган. Ўша куни мен Фарғона ўлкашунослик музейида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига

³¹ Турконабегим 2023 йилда Фарғона санъат мактабини хореография бўлимини тамомлади. Ҳозирда Қува тумани мусиқа мактабида хореограф сифатида ишлаш билан бирга Наманган университетининг тарих факультетида сиртдан таҳсил олмоқда.

бағишланган күргазмани очилишига тайёргарлик қўраётган эдим. Телефонимга қўнфироқ бўлди. Маълум бўлдики, аёлим Зулфияхонни онажоним туғруқхонага олиб кетибди. Тўғри Қувага туғруқхонага қараб йўл олдим. Мен етиб борганимдан сўнг бир-икки соат ўтиб учинчи қиз фарзандли бўлдик. Кимдир кетма-кет уч марта қиз кўрса, “Нега ўғил кўрмадим”, деб хафа бўлиши мумкин. Аммо мен жуда хурсанд эдим. Чунки “Агар қиз қўрсам унга Амир Темурнинг жасоратли аёли Ўлжой Туркон оғани исмини кўяман”, деб ният қилгандим.

Зулфияхон аёлим “Сизга ўғил туғиб бера олмадим”, дея бир оз ўксинган вақтида унга далда берар эканман, “Биз кимизки, “Аллоҳдан бизга ўғил бермадинг” дейишига журъат қилсак”, дея Ҳазрати Алидек буюк зотни ўзига нисбатан берган баҳосини қайта-қайта такрорлардим.

Ёзма манбаларда Ҳазрати Алиниг гўзал ахлоқи тўғрисида баён этилган ҳикоятлар орасида унинг ғоят камтар бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Бу борада Имом Зарнужий қуидагича нақл қиласди.

“Ривоят қилишларича, ҳазрати Али (к.в.) халифалик даврларида катта жамоат ичида бир масалани ечиб берган эканлар. Шунда бир араб ўз одатларига кўра, Ҳазрати Алини мақтаб, наслу насабларини ифтихор билан тилга олди. Ҳазрати Али бу муҳтарам зотни мақтовдан тўхтатиб:

- Азизим! Сиз мени аввалимни, охиримни биласизми? - деб сўрадилар. Ҳалиги киши жавобга қийналиб қолди. Шунда ҳазрати Али ўзлари жавоб бердилар.

- Менинг аввалим бадан ёки бирон жойга тегса бенамоз қиласдиган, нуфта, оби манийдир. Ажиirim эса, сасик, чириқ, қурт-қумурсқалар еб битказадиган жийфа ўлимтиқдир. Бунинг орасида эса, бу жасад аҳлат ташувчи ҳаммолдир. Мана менинг бор ҳақиқатим, сен эса нималар деяпсан?!”³².

³²Имом Зарнужий. Илм олиш сирлари / Таржимон: Зокиржон Шарифов. Т.: Мовароуннахр, 2004. -Б. 60.

Мен бежиз Ҳазрат Али ҳақида сўз очмадим. Чунки 2011 йилда Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи вассалламнинг амакиваччаси ва куёви, чаҳорёrlардан бири Ҳазрати Али бин Абу Толиб (600–661) каррамаллоҳу важҳаҳу (ул зотнинг юзини Аллоҳ мукаррам қилисин) билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар ва халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган турфа хил расм-руслар ва урф-одатлар ҳақида хикоя қилувчи номли китобим “Янги аср” нашриётида чоп этилди.



**Қўқонлик тарихчи Яёҳxon Дадабоев ва Нодиржон
Абдулаҳатов. 2019 йил.**

Шу китобим чиққан йили синглим Фотимахон Оғабек ва Шаҳин исмли ўғилларига суннат тўйи қилдилар. Тўйда дорбозлар учун дор тикилиб икки кун давомида дор ўйини намойиш этилди. Улар ҳар сафар “Ҳазрат Али пиrimiz бўлади”, дея дорга устига чиқардилар.

Маълумотларга қўра, Ҳазрати Али дорбозларнинг пири ҳисобланган. Айтишларича, Али Муртазо шахри Ҳайбарни атрофи ўтиб бўлмас сув тўла хандақлар билан ўралаганлиги

учун дор тикиб, дор устида шаҳри Ҳайбарга кириб, уни фатҳ қилган экан. Ўша даврдан бери дор ўйини халқ орасида мавжуд экан. Дорбозлар шу туфайли Ҳазрати Алини ўзларига пир ҳисоблаганлар. Олдинги даврларда бефарзанд аёллар дорбозларга пул эҳсон қилаётib, улардан Аллоҳ таоллодан фарзанд сўраб, дуо қилишларини илтимос қилгандар. Дорбоз дор устида туриб, уларни дуо қилган. Бундай вақтда бефарзанд аёл дор атрофини етти марта ният айтиб айланган³³.



Дадажоним менинг ҳақимга дорбозлардан дуо олмоқда.
2011 йил.

Дадам ҳам дорбозларнинг устасини олдиган бориб “Ўғлим Нодирбек Ҳазрат Али ҳақида китоб ёздилар. Шу дор остида дуо қилиб, Аллоҳдан ўғил фарзанд сўраб берсанглар”, деб илтимос қилди. Дорбозлар устаси шундай гўзал дуо қилдики, барчанинг кўзига ёш келди:

“Эшитдим ширин фарзанд ўстирибсиз. Ширин фарзандигиз бизни пири устозимиз Ҳазрати Али ҳақида китоб

³³Боровков. А. Дорвуз // Известия Средне-Азиатского комитета. Выпуск третий. Т., Средазкомстарис, 1928. С. 172.

ёзибди. Аллоҳга шукрки, Ҳазрат Али тўғрисида олим бўлиб, эл-юртнинг олдига чиқиб, бизга бир достон китоб ёзибди. Дор тагида Худодан сўраймиз “Нодирбекка Аллоҳим ўғил фарзанд берсин. Укажоним албатта ўғил фарзандга ота бўласиз. Отанинг дуоси Аллоҳнинг дуосига тенг. Илойим Ё Раббим деб, Яратгандан сўраймиз. Дор таги жаннатхона деб, дор таги чиллахона деб Ё Раббим Аллоҳдан сўраймиз. Омийн!“.



Менинг оила аъзоларим.

**Турконабеким, Муштарийбегим ва унинг қўлида ўғлим
Хожиакбар, Фарангис ва турмуш ўртоғим Зулфияхон.
2013 йилда олинган сурат.**

Мен ҳам кўзимда ёшим билан дуога қўл очдим. Буни қарангки, ўша дуоларнинг файзи барокатидан бир йил ўтиб ўғил фарзанд кўрдим.

Чақалоқ 5 кг вазн билан дунёга келди. Исмини Ҳожиакбар қўйдик. Чунки дадажоним шу йили Ҳажга боришни ният қилган эди ва нияти ҳам ижобат бўлди. Мен эса Марғилон тарихини ўрганиш борасидаги лойиҳам туфайли “Герда Хенкел” фондининг грантини ютдим ва стипендияга сазовор бўлдим.

Тасодифни қарангки, Олтиариқ туманидага қатағон қурбонлари тарихини ўрганиш юзасидан дала тадқиқотларини ўтказаётган вақтдима “Герда Хенкел” фондидан мени ҳисобимга стипендия ўтказилганлиги ҳақидаги хабарни олдим.

Стипендияни олиб бир олам қувонч билан уйга келсам, дадам хомуш ҳолатда ўтирган экан. Онажоним бу ҳолатни менга тушунтириди. Маълум бўлишича, дадамга туман ҳокимилигидан телефон қилишган. Белгиланган қатъий рўйхат бўйича дадамнинг ҳажга бориши аниқ бўлибди.

Шу сабабдан эртаси кунга ҳаж пулинини бориб кассага топшириши керак экан.

Ушбу кутилмаган хушхабардан дадам беҳад хурсанд бўлган. Аммо маблағни бир кун ичида йиғиб топширишга боши қотиб ўтирган экан. Мен сти-пендиямни дадамга бердим. Ҳисоблаб чиқсак ҳаж пули миқдорига тўппа-тўғри келди. Ота-онам йиғлаб дуо қил-дилар. Фарзанд бўлиб ота-онамни корига ярай олганимдан ўзимни жуда баҳтиёр ҳис қилдим.

“Герда Хенкел” фондига берган лойиҳамга кўра мен 2012 йилнинг октябрнинг бошида бир ойга Россиянинг Санк Петербург шаҳридаги қўлёзмалар институтига хизмат сафарига, дадажоним эса уч кун ўтиб Ҳаж зиёратига жўнаб кетди.

Малака оширишнинг ўша вақтдаги ректори Муҳаммаджон Аҳмедов (Аллоҳ раҳмат қиласин) илмий ишларимни Эмин-Эркин амалга оширишим учун икки ойлик ижодий таътилга рухсат берди.

Хизмат сафарим чоғида Санк-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалар институти фондида № 1392. С 831рақами остида сақланаётган “Шоҳи Жарир” қўлёзмасини ўзимдаги мавжуд қўлёзмалар билан солиштириб чиқдим.



Онажоним билан Умра зиёратида. 2016 йил.

Шоҳ Ҳаким Холиснинг “Шоҳ Жарир жангномаси” қиссаси ўз аталишидан кўриниб турибдики, асар Фарғона водийсига исломни тарғиб қилиш учун келган дастлабки ислом лашкарлари тарихи ҳақидадир. Қўлёзмаларни қиёсий

ўрганишим туфайли мен матнлардаги айрим камчиликларни аниқладим. Ушбу изланишларим келгусида “Бувайда зиёратгоҳлари: “Биби убайда ёхуд Сафед булон қиссаси” асосида” номли китобимни нашрга таёrlаш учун асос бўлиб хизмат қилди.



Тарихчилар анжуманида. Чапдан:
Файзулла Отахонов, Шерали Қўлдошев,
Шодмон Воҳидов, Аширбек Мўминов,
Нодиржон Абдулаҳатов.

2016 йили умра зиёратини онажоним билан бирга адо этдик. Беадад шукрлар бўлсинким, Мадинаи мунаавварада Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) равзаларини зиёрат қилиш ва Маккаи муаззамада Байтуллоҳни тавоғ этиш бизга ҳам насиб қилди. Паҳлавон Муҳаммад айтганидек:

Каъба қора тоши дардларим дармони,
Йўқ Каъбага борган кишининг армони,

Гар қора тошингдан ўпич олсам, ёр,
Айб этма, шудир, ахир, Ҳудо фармони

Умра зиёратидан сўнг иншооллоҳ ҳаж билан боғлиқ хотиралар асосида “Ҳажнома”, китобини ҳамда “Фарғона зиёратгоҳлари”, “Фарғона валийлари”, “Фарғоналиқ қатағон қурбонлари”, “Фарғона масжид ва мадрасалари”, “Фарғона асотирлари”, “Фарғона жой номлари”, “Фарғона Сайидлари” “Туркистон муҳожирлари” мавзусида туркум китоблар ёзиш ниятларим бор.

Чунки бу борада йиллар давомида қўлимизда тўпланган маълумотлар бизни бу ишларни амалга оширишимизга имкон яратди. Аммо бундан олдин вилоятимиздаги барча туманларнинг зиёратгоҳлари ва тарихини ўрганиб чиқиш ниятидаман. Шу сабабдан бошқа ишларга вақтни қизғаниб қолиб, яқинларимиздан вақтида хабар ололмай, ёру оғайниларимнинг тўй-тўйчиқлари ва маросимларига бора олмай қолган кунларим кўп бўлди. Бунинг учун улардан узр сўрайман. Айниқса, оиласдан, аввало ота-онам, аҳли аёл ва фарзандларимдан хижолатдаманким, уларга шу ишларим туфайли керакли эҳтиром ва ғамхўрликни қўрсата олмаганимга.

“Олтин мерос” фондидағи фаолиятим

2006 йилнинг 13 январ куни Фарғона вилоят ўлка-шунослик музейидаги фаолиятим ўз ниҳоясига етди. Мени ҳеч ким ишдан бўшатмади. Аксинча музей директори бўлмиш дўстим Баҳодиржон Ҳошимов аризамга узоқ вақтгагача қўл қўймай юрди. Қистовларим туфайли охир ноиложликдан менга ишдан бўшатилганлигим ҳақидаги буйруқقا имзо чекди.

Мен энди асосий эътиборимни илмий ишга қаратмоқчи бўлдим. Шу билан бирга янги ташкил қилинган Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш давлат инспекциясида ҳамда “Олтин мерос” халқаро хайрия фондида мутахассис сифатида фаолият юрита бошладим.



Исломда толерантлик мавзусида ўтказилган халқаро анжумандада. Москва. 2007 йил.

Шу вақтдан бошлаб мен илмий тадқиқот ишларига астойдил киришиб кетдим. Менга илмий тадқиқот учун эркинлик керак эди ва мен бу имкониятга эга бўлдим. Илмий экспедицияларда ва халқаро анжуманларда иштирок этиш учун ҳеч кимдан рухсат сўрашни истамасдим. Энди ихтиёrim ўз қўлимда бўлди. Натижада кетма-кет халқаро анжуманларда иштирок этдим.

Янги иш жойимда обидаларни таъмирлаш, қадимги қўлёзмаларни топиш ва уларни нашр этиш, хуллас айнан аждодларимиз тафаккурининг маҳсули бўлган осори атиқалар тарихини ўрганиш ва халқимиз орасида изчил тарғиб этишдек хайрли ва масъулиятли вазифани бажаришга киришдим. Вилоятдаги барча археологик ва тарихий меъморий ёдгорликларни ҳолатини бориб ўргандим. Қадимий

масжид, мадраса ва зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотларни тўплай бошладим. Гарчанд ойлик маошим жуда оз бўлишига қарамай, ўз ишимдан қониқиши ҳосил қилдим.



**Янги китобларимнинг тақдимотида.
2012 йил Фарғона шаҳри.**

Вилоят “Олтин мерос” халқаро хайрия фондининг раиси Исмоилжон Тўхтабоев ишлашим учун кичкина бир хонани ажратиб берди. Хонада бир дона эски стол ва бир дона стул бор эди, холос. Шундай бўлсада мен шу кўримсиз хонада қисқа вақт ичида ўндан ортиқ китобларни нашрга тайёрладим. Энг муҳими бу хонадан ҳеч ким менга ишлаш учун халақит бермасди. Қисқаси ўзимни чинакам хилватда ўтиргандек ҳис қиласдим. Аллома Абдуллоҳ Ансорий “Ўтган алломаларнинг ҳар бирларидан бир сўз ёд олинглар, гар сўзларидан ёд билмасангизлар, уларнинг табаррук номларини ёд олинглар, мунинг бирла баҳра олурсизлар”, деган ҳикматли сўзларини шу ҳилватда ўтириб ишлаш жараёнида теран ҳис қила бошладим.

“Олтин мерос” халқаро хайрия фондида беш йил ишладим. Шу вақт ичида “Марғилон ҳақида сўз”, “Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари”, “Эл ва ер фарзанди”, “Садқак ота зиёратгоҳи”, “Шоҳимардон зиёратгоҳи”, “Хожам Подшоҳ зиёратгоҳи”, Биби Убайда зиёратгоҳи”, “Йигит пиrim – Эрхубби зиёратгоҳи”, “Шоҳимардон”, “Ҳазиний юрти”, “Бурҳониддин Марғиноний: тарихий ҳақиқат ва асотирлар”, “Тошлоқ тарихидан лавҳалар” номли олтида монография, олтида рисолам нашр этилди. Бир неча марта бу китобларнинг тақдимоти ўтказилди.

2006 йилда ажойиб инсон ҳозирда менга туғишганимдан зиёда бўлган Толибжон Ғозиев билан кўришдим. Бизни кўришимиз ҳам жуда қизиқ бўлган. Синглим Дилафрўз икки ўғлига суннат тўй қиласидан бўлди. Ота-онам тўйни қандай ўтказиш борасида кўп ўйга чўмдилар. Чунки қўлимиз анча калта аммо тўйга қилинадиган харажатлар катта эди.

Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси Фарғона вилоят бўлими раҳбари Нуриддин Усмонов билан Тошкентта сафарга бордик. Сафар чоғида Нуриддин aka “Курсдошим бор. Исми Толибжон. Таниқли рассом. Асли Бешариқдан. У ҳам сизга ўхшаб тарих деса ётиб олиб гаплашадиганлар хилидан. Кечга яқин у билан кўришамиз”, деди. Айтилган жойда Толиб aka билан кўришдик. Сухбатимиз жуда қизиди. Сухбатимиз ўртасида Толиб aka “Бешариқ тарихи” китобини ёзиш керак”, деди. Унинг бу сўзига қўшилган Нуриддин aka “Мана шу Нодирбек ёзади. Фақат уни моддий қўллаб-қувватлаш керак”, деди. Толибжон Ғозиевга бу таклиф маъқул келди. У менга эҳтиёжимга яраша маблағ берди. Шу маблағ билан биз тўй ҳаражатларига ўз ҳиссамизни қўшдик. Ана шу вақтдан бери ота-онам умрларини охиригача валинеъматимиз бўлган Толибжон акамни дуо қилиб ўтдилар. Чунки мушкул вазиятларга дуч келиб қолган вақтимда Толибжон aka ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди.

2007 йил жуда баракали йил бўлди. Шу йил “Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари” китобим чоп этилди. Китобнинг нашр қилинган вақти Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига тўғри келди.

Маълум бўлишича, Марғилон шаҳри юбилей комиссиясининг навбатдаги йиғилишида Марғилон тарихига доир қандай китоблар чоп этилмоқда? деган савол ўртага чиққан. Ўша вақтда Марғилон шаҳар ҳокимлигидан Фарғона вилоят ҳокими лавозимига тайинланган Ҳошимжон Абдуллаев “Бир йигит Марғилон зиёратгоҳлари ҳақида китоб тайёрламоқда эди”, деган фикрни билдирган. Шундан сўнг уйимизга одам юборишган. Бунга қадар телефонимга бир неча маротаба шахсан давлат маслаҳатчисининг ёрдамчиси томонидан қўнғироқ бўлган. Мен қўнғироқларга эътибор қаратмаган эканман. Уйимизга келган ҳокимят вакили зудлик билан телефонга жавоб беришм кераклигини айтгач, мен учун нотаниш бўлган номер билан боғландим. Давлат маслаҳатчиси Марғилон зиёратгоҳлари ҳақидаги китобимни электрон вариантини бугуноқ нашриётга топширишим кераклигини айтди. Мен шу куниёқ “Фарғона” нашриёти директори Тиллаволди Жўраев билан кўришдим. Китобни кечаси билан нашриёт ходимлари Сотоволди Ҳасанов ва Умиджон Жабборов томонидан чоп этиш ҳолатига келтирилди. Натижада икки ҳафтага қолмай “Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари” китобим минг нусхада чоп этилди.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳу (ул зотнинг юзини Аллоҳ мукаррам қилсин) “Авлиёларни эслаш—илоҳий раҳмат ёғдиради” деган ҳикматини қанчалик ҳақиқат эканлигин мана шу китобни чоп этилганида англаб етдим. Мушоҳада қилиб кўрилса, икки ҳафтага қолмай китобни чоп этилиши ўз-ўзидан бўлмайди.

Марғилон зиёратгоҳлари ҳақида ҳикоя қилувчи китобим туфайли ҳукумат вакиллари мени мамлакат раҳбари билан кўришишга муносиб кўрдилар. Натижада 2007 йилнинг 7

сентябр куни Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов билан кўришдим. Пур Сиддиқ мажмуасини очи-лишида Марғилондаги Хонақоҳ масжида узоқ вақт имомлик қилган Собиржон қори Эминов билан бирга юртбошини кутиб олган сафида бўлдик.

Гарчанд китобларим чоп этилаётган бўлса ўша вақтларда тайинли маошим йўқ эди. “Олтин мерос” жамғармаси хайрия эвазига кун кечирувчи ташкилот эди.

Ушбу воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Қўлимда “Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари” китобим билан китоб дўконига кирдим. Дўкон эгаси Зафаржон Мадғозиев (машҳур профессор Акбар Мадғозиевнинг ўғли) китобимни кўриб, шу китобдан олиб келсангиз нақд пулини бераман деб қолди. “Олтин мерос” фонида китобдан ўн- ўн бешта бор эди. Бориб олиб келдим. Зафар ака китоблар учун яхши маблағ берди. Мен биринчи марта китобимни пули эвазига уйимизга харажат қилиб бордим.

2009 йилнинг август ойини сўнгги кунлари эди. Эртаниндин янги ўқув мавсуми бошланаётган бир вақтда фарзандларимга учун ўқув қуроллари ва мактаб формасини сотиб олиш учун чўнтағимда бир тиййин ҳам йўқлигини оилас-дагиларга билдирамай гўёки иш жойимга ойлик иш ҳақини олгани кетаётгандек ўзимни кўрсатиб шаҳарга йўл олдим. Аслида мақсадим уйдан қочиб чиқиш бўлганди. Чунки фарзандларимни кўзига қарашга уялардим. Ўзимни жуда ҳам хўрлангандек ҳис қилдим. Бошим қотганди...

“Олтин мерос” хайрия жамғармасининг нураб турган биносидағи зах босган бир хонани ўзимга жой қилиб дарвишнамо тарзда илмий изланишлар билан овора бўлган эдим. Шаҳарга келгач ўша зах босган хонага қамалиб олиб кунни ўтказмоқчи бўлдим. Бино эшигига яқинлашган пайтимда чинорлар остида турган бир кишига кўзим тушди.

Бу арсифлик истеъфодаги ҳарбий учувчи Ўктаамжон Абдураҳмонов эди. Билдимки, у мени кутаётганди. Салом-

лашгач ундан “Ўқтам ака тинчликми, биз томонларга сизни қайси шамол учирди”, дедим. У менга “Арсифнинг шамоли” дея қулиб жавоб берди.

Ўқтамжон Абдураҳмонов билан илк бор вилоят кутубхонасида кўришганимиздаёқ у мени тарихчи эканлигимни билиб, Арсиф тарихи ҳақида сўз очган эди. Ўша-ўша қаерда кўришмайлик сухбатимиз мавзу Арсиф қишлоғи тарихи тўғрисида кечарди. Эгнидаги уст-бошидан уни бирор сабиқ зобит деб тасаввур қилолмасди. Бироқ фикрларни теран бу одам билан бир марта бўлса ҳам сухбатлашган кишида яна у билан сухбатлашиш истаги туғиларди.

Афсуски, бу гал мен Ўқтам ака билан сухбатлашиш кайфиятида эмасдим. Чунки фикри-хаёлим қандай бўлмасин эртанги кун учун пул топиш эди. Шундай бўлса-да, хонага таклиф қилдим. У ҳам мендан даб-дурустдан Арсиф тарихини ўрганишга жиддий киришим учун нималар кераклигини сўради. Унинг бу саволига “150 минг сўм керак” дедим. Ахир менга айнан ҳисоб-китобим бўйича шунча миқдордаги маблағ зарур бўлаётганди.

Ўқтам ака менга кулимсираб қаради-да, “2 соаттагача ҳеч қаерга кетмай туринг”, деб хонадан чиқиб кетди. Мени ниятим 2 соат эмас балки 24 соат шу хонадан чиқмай ўтириш эди. Хаёлимда шу вақт давомида бир воқеа юз бериши керакдек. 2 соат ўтди. Бир пайт Ўқтам ака хонамга кириб келди-да, столга бир даста пулни қўйди ва менга қараб “Мана айтган пулингиз. Ишни бошланг”, деб стулга ўтирмай ортига қайтиб кетди.

Столдаги пулларга қарап эканман кўзимдан ёшлар оқа бошлади. Мен йиғлаётган эдим. Нима қилай эртанги кунги бозорлик учун маблағ топилганди. Аллоҳ таборак таоло менинг оҳимни эшитганлигини англадим. Жалолиддин Румийнинг ушбу ҳикматлари ёдимга тушди: Бир инсон сиздан ёрдам истаса сиз уни шундай тушунинг: “У Аллоҳдан ёрдам сўради, Аллоҳ таоло эса сизни манзилингизни берди”.

Ўқтам ака мен учун ўша куни худди ҳазрати Хизрдек йўлимда пайдо бўлди ва шу тарзда мушкулим ечишганди.

Ҳар гал ўша воқеа ёдимга тушса, Ўқтам аканинг ҳақларига дуо қиласман. Орадан йиллар ўтди. 2021 йилда 76 ёшида Ўқтам ака оламдан ўтди. Мен Ўқтам акага берган ваъдамни кечиб бўлса-да, бажармоқдаман. Аллоҳ таоло у кишини охиратини обод қилсин.

Малака оширишдаги меҳнат фаолиятим

2011 йилда Фарғона вилояти ўқитувчиларни малакасини ошириш институтига ишга кирдим. Бу ишга киришимга сабаб нафақага чиқсан ўқитувчилар ишдан бўшатилганлиги туфайли янги кадрларга эҳтиёж туғилган. Шу сабабдан мени ҳам ишга олишган эди. Ишга ариза ёзиб кирган кунимнинг эртасигаёқ мени Тошкент шаҳридаги Абдулла Авлонийномидаги малака ошириш институтига бир ойлик ўқув курсига жўнатдилар. Бир ойлик ўқув курси мен учун Ўзбекистон Марказий Давлат архивида ишлашим учун қулай имконият яратди. Ҳар куни дарслардан сўнг архивга қатнай бошладим. Чунки ўша вақт Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўлимида айбланиб қатағон қилинган марғилонлик Ҳожа тахаллуси билан ижод қилган Иброҳимхўжа Шомуҳаммадхўжа тўғрисида изланишлар олиб бораётган эдим.

Кун кеч бўлиб қолган бир пайтда телефонда Иброҳимхўжанинг келини бўлмиш Матлуба аянинг ҳаяжонли овози бизни тўлқинлантириб юборди: “Сиз китобни ёза бошланган кунларнинг бирида тушимга қайнотамиз Иброҳимхўжа эшон кирдилар. Буни қарангки ул зотни саксон йил бурун қандай кўрган бўлсам худди шундай бир ҳолатдалар фақат чопонлари ўрнига оппоқ кийим кийганлар. Атрофида барча қариндошлари давра қурган. У кишининг юзида шодлик аломатлари шундоққина билиниб турибди. Қилаётган ишимиз хайрли эканликларини айтиб барчамизни дуо қилдилар

ва кўздан ғойиб бўлдилар. Одам ёши тўқсонга яқинлашган сари ўрнидан далил туролмай қолар экан. Ўша қунги хосиятли тушдан сўнг эса мен ўзимни жуда енгил ҳис қила бошладим”.

Матлуба аянинг ўша қунги телефон қўнфириғидан сўнг янада астойдил архив ҳужжатлари устида ишлай бошладим.

Бир ойлик ўқув курси тугаб Фарғонага қайтиб келдим. Дастреб кафедра мудири, сўнгра кафедра доценти лавозимларида ишладим.



**2017 йил. Ёзёвон. Чапдан: Урайимжон Абдулаҳатов,
Раҳматилло қори Файзуллаев,
Муҳаммадали қори Узақов**

2015 йилдан 2016 йилгача институтнинг ректори сифатида фаолият юритишинга ҳам тўғри келди. Малака ошириш институти мен учун илмий тадқиқот ишларимни олиб бориш учун энг қулай маскан сифатида маъқул келди. Чунки институтда дарсим бўлмаган кунлари архивга бориб келишим ёхуд бирон бир туманга бориб ўзимни қизиқтирган мавзу бўйича изланиш қилишим мумкин эди. Шу сабабдан бу иш масканимда ижодий ишларимнинг натижаси жуда

самарали бўлди. Айниқса, Марғилон шаҳар Робия она масжидининг имоми, ўз даврининг пешқадам уламоларидан бири қадрдоним Раҳматилло Файзуллаев билан ҳамкорликда “Марғилон алломалари” туркумидан бешта та китобни чоп этдик.



Курсдошлар даврасида. 1994 йил.

2016 йилда Малака ошириш институтидан ўз аризам билан ишдан бўшадим. Чунки кўп ишлардан ҳафсалам пир бўлганди. Паҳлавон Маҳмуд айтанидек:

Неча йил зар зевар пайида бўлдик,
Неча йил илм-ҳунар пайида бўлдик,
Оlam сирларидан бўлганда огоҳ
Барисидан кечиб қаландар бўлдик.

Мен ишдан бўшаганим учун сира афсусланмадим. Чунки тадқиқот ишларим учун бўш вақт топгандим. Масалан, Ўзбекистон Марказий Давлат архивидан Табобат илмининг билимдони буюк ҳаким Ўзбекистонда хизмат қўрсатган врач, тиббиёт фанлари номзоди Бухоро амири Олимхоннинг хос

табиби “Ҳаким” тахаллуси билан ижод қилган Мўминжон Алиев – Мўминжон Ҳаким Марғилоний ал Ҳамракийнинг (1894-1973) хотираларини топиб, мазкур хотираларни кўчириш билан машғул бўлдим.



**Нодиржон Абдулаҳатов ва сиёsatшунос
Ҳамид Содик. Тошкент. 2023 йил.**

Мен бу зотнинг тарихига шу қадар қизиқиб қолган әдимки, унинг хотираларини эски ўзбек ёзувидан табдил қиласар чоғимда ҳатто кўзимга икки-уч кун уйқу ҳам келмади. Бунга қадар, “Тошлоқ тарихидан лавҳалар”, “Хожа Марғилоний”, “Ёзёвонлик Суярхон тўра” китоблари бўйича материал тўплаш чоғимда Мўминжон Ҳаким шахси масаласига дуч келавердим. Чунки учала китобимнинг мавзуси ҳам Мўминжон Ҳаким билан боғлиқ бўлиб чиқди. Бу эса мени “Мўминжон Ҳаким ўзи ким?” деган саволимга аниқ жавоб излашга ундади. Аслида ўша вақтгача мен табибларнинг фирибгар кимсаларга ўхшатар әдим. Аммо Мўминжон Ҳаким ҳаётини ўрганишга киришганимдан сўнг фикрларим ўзгарди. Чунки Мўминжон Ҳаким мен учун буюк феномен шахсга айланганди.

“Ахсикент” дирекциясидаги фаолиятим

2018 йилда Наманган вилоятида “Ахсикент” археология мероси обьектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси ташкил этиди. Ушбу дирекцияга раҳбар этиб тайиланган жонкуяр тарихчи Тоҳиржон Қозоқов мени ишга таклиф қилди.



**Академик Наим Каримов ва Нодиржон Абдулаҳатов.
Тўрақўрғон тумани. 2018 йил.**

Мен бу дирекцияда бир йил фаолият олиб бордим. Шу фаолиятим давомида салмоқли ишлар амалга оширилди.

“НОШИР” нашриётида “Комиллик сари” номли 374 бет, жами 23 босма табоқдан иборат китобим чоп этилди.



Академик Аҳмадали Асқаров билан Нодиржон Абдулаҳатов Имом Бухорий зиёратгоҳида. 2011 йил.

2018 йилда Москвада “Восточная литература” нашриётида “Ислам на территории бывшей Российской империи” номи билан нашр қилинган энциклопедик тўпламда Фарғона водийсининг машҳур алломалари ва қадимий зиёратгоҳлари тўғрисида маълумот берувчи “Хонақойи Ҳазрат”, “Суяюрхон тўра”, “Хожа Марғиноний”, “Рожий Марғиноний”, “Абдуллоҳ Боҳир”, “Бўстон бува”, “Биби Убайда”, “Пошшо пиrim” номли мақолаларим чоп этилди.

Япониянинг Токио университети профессори, тарих фанлари доктори шарқунос Яёи Кавахара билан ҳамкорликда Фарғона водийсида сақланиб қолган нодир қўлёмзалар жумладан насабномалар, иршодлар, вақфлар ва бошқа тарихий қўлёзма асарларни ўрганиш юзасидан Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Косон, Чуст, Поп туманларига, Андижон вилоятининг Марҳамат, Шаҳрихон, Балиқчи туманларига, Фарғона вилоятининг Учқўприқ, Риштон, Марғилон, Қўқон шаҳарларига илмий экспедициялар уюштирилди.



Қўқон шаҳрида ўтказилган “Фарғона водийси жаҳон цивилизацияси тарихида: янги илмий натижалар” номли анжуман иштирокчилари. 2019 йил.

Экспедиция натижасида “Бурҳониддин Қилич насабномаси”, “Мажзуб Намангоний иршодномаси”, Шавқий Намангоний қўлёзмаси, Абдураҳим Марғиноний иршодномаси мавжудлиги аниқланди ва мазкур қўлёзмалардан нусхалар олинди.

Наманган Давлат университетида ўтказилган “Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсикент шаҳрининг ўрни” мавзу-

сидаги халқаро илмий-амалий конференциясини ташкил этдик.



Татаристоннинг Булғор ислом академиясида ўтказилган халқаро форумда. 2019 йил.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивидан Ахсикентнинг қадимги манзилгоҳи Мозори кўҳна қишлоғида ўтмишда фаолият кўрсатган мадраса, қорихона масжидлар билан боғлиқ 11 дона нодир вақфлар тўпламини аниқланди ва улардан нусха олишга муяссар бўлинди.

Натижада Наманган вилояти Тўракўрғон туманидаги Файзиобод, Мо-зори кўҳна қишлоқлари тарихига доир китобларна нашрга тайёрланди.

“Байъат ур-ризвон” (Ҳаким Ҳалифа Ҳўқандий силслиаси” номли 27 босма табоқдан иборат китобим нашрга тайёрланди. Китоб тариқати Муҳаммадия пиронларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган бўлиб, Ҳалифа Ҳаким Ҳўқандийнинг (р.а.) набиралари Муҳаммаджон ўғли Ҳафизхон Махдумнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган

ҳозиргача ўрганилмаган қўлёзма манбалар асосида тадқиқ этилган.

Халқаро Ислом академиясидаги фаолиятим

2018 йилда малака оширишда бирга ишлайдиган ҳамкасбим Иномжон Тешабоев докторонтурага кирмоқчи эканлигини айтиб қолди. Унинг сўзларини мулоҳаза қилиб кўриб мен ҳам докторонтурага киришга қарор қилдим.



Булғор ислом академиясининг кутубхонасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Қардоним Шовосил Зиёдовга телефон қилдим ва ундан қаерда докторонтура борлигини сўрадим.

У халқаро ислом академиясида докторонтурага танлов бўлаётганлигини айтди. Мен хужжатларимни тайёрлаб танловга топширдим ва куз ойининг охирларида халқаро академиясининг проректори, профессор Зоҳиджон Исломов бошчилигидағи комиссия аъзоларининг сұхбатдан ўтдим. Шундай қилиб 2019 йилнинг 3 январ куни Ўзбекистон

халқаро ислом академияси 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги бўйича докторантурасига докторант сифатида қабул қилинди. “Ислом тарихи ва манбашунослиги” кафедрасига бириткирилдим.



Устозлар даврасида. 2009 йил.

Шу тарзда 2019 йилдан 2021 йилнинг охирига қадар уч йил давомида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида докторант сифатида фаолият юритдим.

Уч йиллик докторонтура мен учун ҳаётимдаги энг унутилмас воқеаларга бой бўлди. Чунки ўзим орзу қилган мавзуларда тадқиқотлар қилдим.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида XIX асрда Марғилон шаҳридаги мавжуд мадрсалар, масжидлар, қориҳона ва зиёратгоҳлари билан боғлиқ вақфномаларни тадқиқ этдим. Ўзбекистон Марказий кутубхонасида 1876-1916 йилларда чоп этилган “Туркистон вилоятининг газети” даги Марғилон шаҳрининг ижтимоий ва маънавий ҳаётига доир мақола ва хабарлар юзасидан изланишлар олиб бордим.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидағи Туркистон маданий муҳити юзасидан олиб борган илмий тадқиқотларим баробарида буюк саркарда, давлат арбоби, биринчи ўзбек генерали Жўрабек додхоҳ Қаландарбек ўғли (1840-1906) ҳамда фавқулодда қобилият соҳиби, буюк қомусий олим, Туркистон Мухториятининг Маориф вазири, Туркистон озодлиги йўлида шаҳид кетган Сайид Носирхон тўра Косоний (1873-1930) хаёти ва фаолиятларини ўргандим.

Бир неча марта Халқаро илмий-амалий анжуманларда, жумладан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом халқаро ташкилоти “ИРСИКА” билан ҳамкорлигида ўtkazилган халқаро илмий-амалий ўқув семинарларида иштирок этдим.

Татаристоннинг Булғор ислом академиясида ўtkazилган ўtkazилган халқаро форумда иштирок этдим. Форумдан сўнг бир муддат қолиб мазкур академиянинг кутубхонасидағи китоблар билан танишдим.

Фарғона водийси зиёратгоҳларига “Файзиобод файзлари”, “Мозори кўҳна” “Шоҳ Мансур зиёратгоҳи”, Жуфт терак зиёратгоҳи” сингари китобларим номли чоп чоп этилди.

Асрлар давомида “Султонул-авлиё”, “Мушоҳидаллоҳ”, “Амруллоҳ”, “Фазлуллоҳ”, “Омонуллоҳ”, “Нуруллоҳ”, “Қутбуллоҳ”, “Сайфуллоҳ”, “Фармонуллоҳ”, “Бурҳонуллоҳ”, “Оятуллоҳ”, “Ғавсуллоҳ”, “Ғавси Самадоний”, “Ғавсул-Аъзам” каби улуғ сифатлар билан ёдга олиниб, ислом дунёсида машҳур бўлган Сайид Абдулқодир Жилоний ҳазратлари -Муҳиддин Абдулқодир ибн Аби Солих Жангийдўст (1077-1166) ва у асос соглан Қодирия тариқатининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни тўғрисида китобни нашрга тайёрладим. Шунингдек, Марғилондаги машҳур Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи ҳақида ҳам китоб ёздим. Китобни ёзар эканман Подшоҳ Искандар билан хаёлан гаплашдим.

“2020 йилнинг Рамазон ойининг биринчи куни. Саҳарликдан сўнг бомдод намозига қадар бир оз мутоалла қилмоқчи бўлдим. Одатдагидек яна Шоҳ Ҳаким Холиснинг “Ибратнома” китобини қўлимга олдим. Мана бир неча йилдирки, ҳар йили рамазон ойи кириб келиши билан “Подшоҳ Искандар” номли китобни ёзишга киришмоқчи бўламан ва яна ҳар галгидек ул зоти барокотнинг руҳониятлари билан ҳаёлан сухбатта бериламан.

-Ассалому алайкум Бобо Искандар!

- Ваалайкум Нодиржон болам.

- Муборак рамазон ойида мусулмон кишини қарзи бўлмаслиги керак дейдилар. Аммо сизга берган ваъдамни бажармадим, яна бўйнимда қарз бўлиб қолди. Сиз ҳақингизда ёзмоқчи бўлган китобимни ҳали ҳануз бошлий олмадим.

- Ҳа болам, ваъдаларинг кўпайиб кетди. Сен дастлаб мени мозоримни зиёрат қилган кунинг ваъда берган эдинг.

- Бобо Искандар! Яна шу ваъдамни эслатдингиз. Ўша кезлар музейда мозорингизни суратини қўриб, астойдил Марғилонга зиёрат қилгани борган эдим. Аммо қабрингизни ўтган асрни қирқинчи йилларидаёқ бузиб ташлашганини эшитиб, ўпкам тўлиб кетди. Ҳиссиётларимни тута олмай бир кун келиб сиз ҳақингизда китоб ёзаман деб юборган эканман.

- Начора. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас деб, айтган сўзларингга ишонгандим. Мени йўқлаб келганлар бор ҳали деб хурсанд бўлгандим. Аммо ўшандан кейин узоқ вақт қорангни кўрсатмадинг ҳам. Болам, бир оз сендан ранжиридим.

- Бобо Искандар! Мендан ранжиманг. Сизни тарихингизни ўрганиш учун Тошкентдан оёғим узилмай қолди. Архив ҳужжатларини ўрганиш билан овораман. Мозорингиз тарихи тўғрисидаги айни ҳақиқатни излайман. Нотўғри сўз айтишдан қўрқаман. Улуғ олим Алихонтўра Соғуний ҳазратлари: “Сўзлар бўлсанг далилларинг келтиргил, Ё бўлмаса оғзинг очмай ўлтиргил”, деб бежиз айтмаган ахир.



Чапдан. Нодиржон Абдулаҳатов, Сирожиддин Аҳмедов, Отабек Жўрабоев. 2018 йил

- Болам. Бу юртда ҳукм сурган хоқонлар, сultonлар мозорим учун мулк ажратиб вақф бердилар, ўлпонлардан озод этиб ёрлиқлар битдилар. Не-не шоирлар мозорим шаънида сўз айтдилар. Шулар сенга далил эмасми?!

- Бобо Искандар! Сиз шундоқ дейсиз. Аммо бугунга қадар мозорингиз тарихига доир ёзилган мақолалар ва китобларда айтилган фикрлар бутунлай бошқа. Уларни ёзганларни олдида менинг ёзганларимни хасчалик ҳам қадри йўқдек. “Шоҳнома”да айтилганидек:

Беҳуда гапларни айтмай энди ҳеч,
Ақл дер, беҳуда лоғ урмоқдан кеч!
Бу гапларнинг бари қип-қизил ёлғон,
Бир сиқим тупроққа арзимас чунон.

- Болам анча руҳинг тушиб кетибди. Аввалги шиҷоатинг қани?

- Бобо Искандар! Мана ўттиз йилдирки, ўтган улуғларимизни, сизнинг тарихингизни ўрганмоқ ниятида оиласми, бемор ота-онамни, фарзандларимни ташлаб дарбадар қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма шаҳар кезаман. Бироқ бундай хайрли ишимни кимлардир хушламайди. Кимларгадир

Эрмакка ўхшайди. Баъзан уйимдан олисда эканлигимда, кечаси қаёққа боришни, қаерда тунаб қолишни билмай хунобим ортиб, қорнимга эмас қадримга йифлагим, барчалидан воз кечиб, Девонаи Машрабдек даҳри дундан этак қоқиб кетгим келади. Муносиб фарзанд, меҳрибон ота, оқибатли ака бўла олмаганимдан кўп афсусдаман. Уйга қайтиб келсам доимгидек майда-чуйда гаплар, жавобсиз қолган саволлар...

Бундай саволлар комида қолиб кетиб беихтиёр сизга берган ваъдам ҳам ёдимдан қўтарилади. Яна ўзимга келсам файзли мозорингиз тарихни ўрганиш учун Марғилон сари юз боқаман.

- Хўш болам, натижа қандай?

- Бобо Искандар! Одамлардан мозорингиз тарихини суриштирсам “Билмаймиз” деб елкаларини қисишиади. Менга бежо қарай бошлишади. “Бу кимса Подшоҳ Искандарни хазинасини излаётган бўлса керак” деб ўйладилар чамамда. Сизнинг мозорингиз кўчасида валюташурунларни учратаман холос. Долларнинг курсидан бошқа нарсани улар учун ҳеч қизифи бўлмас экан. Бир сафар мозорингиз ҳақида сўраб хижолатга қолдим. Қўлларидағи даста пулларни кўриб, ўзимдан уялиб кетдим. Мен қилмоқчи бўлган ишнинг бундай кимсаларга нима нафи бор экан деб ўйланиб қолдим.

- Болам уларнинг қўлларидағи пуллар хаёлини олдими?

- Бобо Искандар! Нимасини айтасиз. Хабарингиз бор. Ёлғиз ўғилман. Ўтган йили тўй қилдим. Тўплаган мол мулк бўлмагач. Қарз қўтаришга тўғри келди. Олган қарзларимни думиузун экан. Бу йилга ҳам етиб ортди. Даромадимни маззаси йўқ. Ҳатто ўзим бирга ишлаган ишхонамдаги қадр-донларим олдига иш сўраб борсам, мендан ор қилдилар шекилли, иш ҳам беришмади. Бошим қотди. Қарз балоси ёмон экан. Хотиржамлигим йўқолди. Кечалари уйқум қочиб кетади. Шу сабабдан пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларида: “Эй Раббим, қарздор

бўлишимдан, душманга енгилишдан, душманлар хурсанд бўлиб, устимдан қуладиган ишни қилишимдан асра”, деб айтар эканлар. Шундай ҳолатда китоб ёзиши уддасидан чиқа олармидим.

Бобо Искандар Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сини ўқиб чиққанимдан янада кўнглим бузилди. Унинг бу сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди:

Энди Фаридунни васф этмоқ қайдা,
Захҳок тахтни олса, менга не фойда!
Кайқубод тожидан жонимга озор,
Ковус тахтидан ҳам қолмади осор.
Шоҳлардан ёзмайман энди мен асло,
Даргоҳи кўнглимга урди мутлақо.
Беҳуда гапларни айтмай энди ҳеч,
Ақл дер, беҳуда лоф урмоқдан кеч!
Бу достонлар бари қип-қизил ёлғон,
Бир сиқим тупроққа арзимас чунон.

- Ёлғизнинг ёри Худо. Сабр қил болам. Калтабинлик қилма. Биласан дунёдан қўлим очиқ кетди, мен қурган салтанатдан ном нишон қолмади. Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Шоҳ Ҳаким Холисларким мен ҳақимда сўз ёзиб қолдирмишлар, номлари барҳаётдир.

- Бобо Искандар! Яна ўзимни арзимас ташвишимларимдан сўз очдим. Биламан буларни бари Подшоҳ Искандар ҳақида китоб ёзмаслигимга асос бўлолмас. Нима қилай мен ҳам сиз жазоламоқчи бўлган кимсага ўхшайман. У сиздан қўрқиб қўрган билганларини, дарду аламларини ҳеч кимга айта олмай ахийри қудуққа айтиб енгил тортган экан. Мен излаган қудуқ кўмиб ташлангани боис ўзингизга айтдим қўйдим.

- Чумолини охини эшитган Аллоҳ сени ҳам эшитгусидир болам. Кўп ҳам ноумид бўлаверма. Ушбу ибратли ривоятни асло ёдингдан чиқарма.

Қадимда бир подшо ўз хизматкорига бир дона гавҳар бериб, уни асраб-авайлашни буюрибди. Аммо хизматкор гавҳарни ногаҳон синдириб қўйибди. Подшонинг ғазабидан қўрқиб, чора излаб, шайхнинг ҳузурига борибди. Шайх унга Ҳазрати Алиниңг ушбу байтини домий тақрорлашни буюрибди:

Неча ишлар борки, тонгда қайғудир,
Лекин оқшомда севинчдир кулгидир.
Қаҳрига олса сени даврон сели,
Ҳақ дегил, басдир сенга Фарди Али.

Кўп ўтмай шоҳ касалга чалинибди. Табиблар унга гавҳар янчиб, ичишни тавсия этибдилар. Шу-шу подшо хасталиқдан, хизматкор унинг қаҳру ғазабига учрашдан халос бўлибди.

- Бобо Искандар! Ҳуллас, китобни бугундан ёзишни бошлайман. Аввал Шоҳ Ҳаким Ҳолиснинг “Ибратнома” китобини тадбил қиласман. Шу баҳона ул бечорани ҳам руҳини шод этарман...”

“Танглик – “албатта, дуо қилиш вақти келди”, -деб хабар бериш учун Аллоҳ тарафидан бандага келган раббоний ишорадир”. Дарҳақиқат илмий ишимнинг ҳимоя қилиш муддати чўзилиб кетганидан анча сиқилиб қолгандим. 2022 йилнинг 16-17 август кунлари Қўшни Қирғизистонинг Баткент вилояти Қадамжой районидаги Ҳайдаркон қишлоғига Олтиариқ қишлоғидаги бир гурӯҳ ёши улуғ отахонлар билан бирга сафар қилдим. Ушбу оқсоқолларга гурӯҳига раҳбарлик қилаётган Ваҳобжон Азимовнинг ажойиб одати бор эди. Узокроқ ҳудудга сафарга боргудек бўлсалар телефон қилиб: “Нодирбек сизни ҳожи тоғалар сўрашмоқда. Сафарда ҳамроҳимиз бўлсангиз”, дер эди. Ушбу инсоннинг билан йиллар

давомида ижодий ҳамкор сифатида Олтиариқ тарихига доир китоблар чоп этгандик. Шу сабабдан фурсат топиши билан мени ҳам сафарларга бирга олиб кетарди. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганидек “Соянгда дам олганлар билан эмас, қалбингдан жой олганлар билан сафар қил” деган ҳикматига амал қиласарди.

Ҳайдаркондаги сафаримиз анча мароқли кечди. Айниқса, қадимги Селунқур ғорини томоша қилиш мен учун азалий орзуларимдан бири эди. Сафар ниҳоясида ҳамроҳларим “Йўлимиз яқин бўлган вақтдан фойдаланиб, Шоҳимардонни ҳам бориб зиёрат қилсак”, деган таклифни айтдилар. Шундан сўнг Ҳайдаркондан қайтища Шоҳимардонга йўл олдик. Шоҳимардонга етиб келиб хонадонлардан бирида жойлашдик. Барча йўлдан сўнг дам олаётган кезда мен Ҳазрат Али мозорини зиёрат қилдим. Мақбара олдида чўк тушиб Қуръон тиловат қилдим. Дуога кўл очган вақтимда ичимдан шундай бир йиғи келдики, ўзимни тўхта олмадим: “Бобожон сизни зиёрат қилгани келдим. Сиз Аллоҳнинг шерисиз Ҳайдари Каррорсиз” деб ушбу мисраларни қайта-қайта айтавердим:

Ло фато илло Али ло сайф илло зулфиқор,
Ҳар балойи пиш ояд даф кун парвардигор.

(Мазмуни: Алидан бўлак фато (мард) янглиқ мард киши йўқ, зулфиқордек қилич йўқ, Ҳар келган балони ўзинг қайтар Парвардигор).

Тарихдан маълумки, Мухаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларидан олинган ушбу ҳикматли сўз кейинчалик, шеърий мисраларга айланиб, Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди. Мазкур мисра қаландарларнинг кулоҳларига, дўппиларга ёзилган³⁴. Замбаракларга ўйиб битилган. Қилич ва пичоқларнинг тифига, хонадонлар эшигига осиб қўйилувчи

³⁴Сухарева О. А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. XXI. М.: Наука, 1954. С. 335.

панжаларга туширилган. Уни аёллар диний мактабларида қўшиқ қилиб қуйлаганлар. Касални даволаётган эшон ва муллалар ўз дуоларни шу мисралар билан якунлаганлар³⁵. Хуллас Аллоҳ таборак таолодан Ҳазрати Алидан номини васила қилиб, мушкулимни осон қилишини сўрадим.



Нодиржон Абдулаҳатов. Селунқур ғорида. 2022 йил.

24 август куни ҳамкасб қардонларим Иномжон Тешабоев ва Оллоберди Мамазияев мени йўқлаб уйимизга боришиди. Суҳбатимиз авжига чиққан вақтда диссертациямга илмий маслаҳатчи бўлган Икромиддин Остонакулов телефон қилиб “илмий ишингизни ҳимояси 12 сентябр кунига белгиланибди” деди. Мен бу сўзларни ҳазил деб қабул қилдим. Бироқ тез орада илмий котиба ҳам телефон қилиб, зудлик билан Тошкентга етиб қелишим кераклигини қатъий оҳанг билан мени огоҳлантириди. Ҳазрат Али мозорида йиғлаб қилган дуоларим ижобат бўлгани сира шубҳам қолмади. Бинобарин, бу масалада “Тарихи Муллозода” китобида шун-

³⁵Сухарева О. А. к вопросу о культе мусулманских святых в Средней Азии // Труды Инситиута истории и археологии. Том II. Т.: Издательство АН Уз, 1950. С.169.

дай дейилган: “Кашф ва аён аҳлидан бўлган баъзи кишилар айтишича, агар [зиёрат қилувчи] кишилар бирор бир азиз ёки улуг турбатига етишса ва ўша бузург шу жойда дағн этилган деб ишонч ҳосил қиласа ва у ҳақиқатда бундай бўлмаса-да, ўша бузургнинг файзи ва мадади унинг камол тариқига нуқсонсиз етказади, чунки руҳлар оламидда яқинлик ва узоқ бўлиш тушунчаси йўқдир... [Хожа Порсо] юқорида айтилганларни маъқулладилар. Бас, қайси бир мозор бирор-бир улуг номи билан шуҳрат топган бўлиб, аслида бошқа шахс кўмилган бўлса [ҳам], зиёратчи уни муazzам ва мукаррам туттмоги лозим, токи ул азиз руҳининг баракотидан баҳраманд бўлсин”³⁶.

Шундай қилиб 2022 йилнинг 12 сентябр куни “ХIX аср иккинчи ярми - ХХ аср бошлари Марғилон муҳитида диний ва агиографик манбалар тадқиқи” 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги бўйича тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертациясини ҳимоя қилдим.

Диссертация ҳимояси ўтказилаётган залга кўз ташлар эканман кўзим жиққа ёшга тўлди. Мен докторлик ҳимояси билан овора бўлган кунларим дадажоним Фарғона вилоят Онкология касалхонасида оғир ҳолатда ётганди. Дадамни даволаган врачлар “бемор саратоннинг охирги босқичини бошидан кечирмоқда” деган эдилар.

2008 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган вақтимда ота-онам, аммам ва амакимлар ёнимда эди. Қанчалик ўшанда уларни кўриб қувонгандим. Энди эса улар ёнимда эмас эдилар. Илмий кенгаш аъзолари олдида ўзимни зўрға қўлга олдим. Зўр-базўр “кўзимдаги ёшлар қувонч кўз ёшлари” дея олдим.

2022 йилда яна малака ошириш институтига, ҳозирда Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази деб аталаётган ишга қайтдим. Шу вақтга қадар мана шу марказнинг

³⁶Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Муъин ал-фуқаро”. Тарихи муллоҳозода(“Бухоро мозорлари зикри”). Сўзбоши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Б.Аминов. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2009-Б. 31-32.

“Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси” кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқдаман.

2022-2025 йиллар давомида шахсий ҳаётимдаги юз берган воқеалар ҳақида сўз юритгудек бўлсан, гоҳи шодлик гоҳи ғамли кунларим ҳақида айтмасам бўлмайди.

Шу уч йил ичида ота-онамдан жудо бўлдим. Халқ тилида айтганда “Ғирт етим” бўлиб қолдим. Шоир Асқар Маҳкам деганидек:

Ёнганларим, куйганим кетди,
Топгандарим, тутганим кетди.
Кўзим оқиб, кўру кар бўлиб
Кутмаганим, кутганим кетди.

Тарихий мавзуларда тадқиқот олиб бораётганлигимга ўттиз йилдан ошди. Шу вақт ичида тарих фани борасида хулосаларим ва тарихдан олган сабоқларим қуидагича бўлди. Агар сиз тарихни билсангиз:

- Хотиржам бўласиз, асабийлашмайсиз.
- Муаммони таг-туги билан ҳал қила оласиз.
- Танқидий фикрлай оласиз.
- Кенг кўламдаги ижодий ёндаша оласиз.
- Одамларни бошқара олиш қобилиятига эга бўласиз.
- Одамлар билан муомала қила оласиз.
- Ҳиссий интеллектга эга бўласиз.
- Ўз фикрингизга эга бўласиз.
- Инсонларнинг кўнглини топа оласиз.
- Музокара олиб боришга(ташқи сиёsat) қобилиятига эга бўласиз.
 - Хатолар қилишдан сақланасиз.
 - Ўтмиш ва келажакдан ташвишланмай **БУГУН** билан яшайсиз.

Агар инсон ўтмиш тарихни пухта билса эди, ҳаётда кўплаб хатоларга йўл қўймаган ва азият чекмаган бўлар эди. Тарихга назар ташлаш билан инсон йўл қўйган хатоларини

теранроқ англай бошлайди ва алал-оқибат ҳаётда түғри йўлни танлашга имкон топади. Шу сабабдан мактабларда тарих фани дарс соатлари қўпайтирилиши керак.

Таълим тизимида чет тили 2 гурӯҳга бўлиб ўтилганидек, тарих фани дарслари ҳам шундай ўтилиши зарур.

1990-2002 ЙИЛДАГИ КУНДАЛИК ХОТИРАЛАРИМДАН 01.02. 1990.

20 ёшга кирган инсон қандай фикрлайди. Унда қандай орзу-истаклар мужассам. Мен йигирма ёшимдаги ўй-фикрларим бошқаларнидан қанчалик фарқ қиласы? Эҳтимол мени ҳаёт ҳақидаги қарашларим жуда ҳам саёздир. Айтмоқчи бўлган сўзларим ҳам бошқаларга кулгили бўлиб туюлар. Бироқ нима бўлса ҳам йиллар ўтиб, шу 20 ёшда ёза бошлаган хотираларим ўзим учун қадрли бўлишини хисқилдим ва 1990 йилнинг 1 февралидан кундаликни тута бошладим.

Бу дунёдан яшаб ўтган ҳар бир инсондан бир нарса қолади. Кимдандир фарзанд, кимдандир ўлмас асар. Мендан бўлса ушбу кундалигим қолади. Токи бу кундалик китобимни ўқиган ҳар бир киши мени ёмон инсон эмаслигимни билишсин.

Мен ҳолимни айлайин баён,
Сизлар учун азизлар шу он.
Майли бўлсин барчаси аён,
Кунлар келиб йиллар ўтибон.

Одамизод ер юзидан пайдо бўлгандан бери у севги-муҳаббат нима эканлигини, ҳақиқат ва адолат нима эканлигини тушуниб етди. Кимлардир севги-муҳаббатсиз ҳаётни тасаввур қила олмайди. Яна кимлардир ҳақиқат учун курашишни ҳаётини мазмунини ташкил этади деб ўйлайдилар. Албатта шуларсиз яшашни ҳеч қизиғи қолмайди назаримда. Мен ҳам ўшандайин инсонлардан бўлишни истайман. Эркин Воҳидов таржима қилган Андрей Малишконинг ушбу шеърини доим тақорорлайман.

Айтар эди бир замон онам:
– Ўсиб катта бўлурсан, ўғлон.
Оқил бўлу мард бўл чинакам,

Бу икки иш эмасдир осон.
Оқил бўлгин. Сен бу ҳаётнинг
Кенг йўлию сўқмоғин ўрган.
Ҳам томчининг, ҳам коинотнинг
Чексизликда кезмоғин ўрган.
Ҳақиқат – бир, ҳақиқат – аччик,
Шундан доим балога дучор.
Сен мард бўлгин, сен унга очик
Ҳимоячи бўлгин устивор.
Керак бўлса ҳақиқат учун
Юрагингни парча-парча қил.
Керак бўлса ҳақиқат учун
Минг бор ўлиб, минг бора тирил.
Майли, сендан дўстларинг кечсин,
Сендан кечсин, майли, қондошлар.
Рози эдим мен берган жонни
Ҳақиқатга баҳш этсанг агар.
Оқил бўлу мард бўлгин, ўғлон,
Бу икки иш эмасдир осон.

Менга бойлик ҳам, айру-ишрат ҳам керакмас, агар одамда эзгу мақсад бўлмаса, у тубанлашиб кетади. Мени мақсадим нима? Албатта бу саволга жавоб бериш қийин. Лекин мени жавоб аниқ лўнда. Мақсадим халқимга хизмат қилиш. Одамлар қалбига озор етказмаслик. Шу сабабдан авваламбор ўқишимни тамомлаб, сўнгра яхши жойдан иш топиш. Доим одамлар билан яхши муомилада бўлиш. Имкон борича ёмонга ҳам яхшиликни дариф тутмаслик. Ростгўй ва ҳалол, пок инсон бўлиб мени мақсадим.

02.02.1990.

Қишини иккинчи ойи ҳам бошланди. Ҳозир мен ни-магадир бўшашиб боряпман. Назаримда томиримда оқаёт-ган хон совиб музлаб қолаётгандай. Лекин мен бундай бўлишини сира истамайман. Мен доим олов бўлиб ёнишни истардим. Олов бўлиб, музга айланган қалбларни эритсам. Мен учун ўлим бу қўрқитиш холос. Зеро, инсон 100 йил яшасин барибир ўлади. Гар шундай экан нима учун ўлимдан қўрқишим керак. Балким сўзларим жуда дабдали бўлиб туюлар, лекин мен учун бу сўзлар чин ҳақиқат.

Кўча куйда юрган ҳар бир одамга назар ташлар эканман, мен ўз-ўзимга савол бераман: “Нима учун мен одамлар тақдирига бефарқ қараб туришим керак?”.

Агар мен бу аҳволга тушсан, жонсиз ҳайкалдан фарқ қилимайман. Майли мени ёмон кўрсинлар, майли менга азоб берсинлар. Бироқ мен учун одам бўлиш ҳамма нарсадан юкори.

Кунлар ҳам гоҳи исиб, гоҳи совуқ, гоҳи туманли бўлмоқда худди инсонлар тақдирига ўхшаб. Ҳали олдимда не-не савдолар турибди. Бу фақат Тангirimни ўзига маълум. Балким мени эртага қандай савдолар кутишимни билмасамда, ўзимни “яхши кун бўлади”, деган умид билан уйқуга кетаман.

Нелар мени кутар эртага,
Не савдолар тушар бошимга,
Жумбоқ бўлиб туюлар менга,
Жавоби йўқ ушбу саволга.

04.02.1990.

Мен бугун бир фильм кўргандим. Фильм қаҳрамонини тақдири мени тақдиримга ўхшаб кетади. “Ҳаёт паст-баланд турли сўқмоқлардан иборат”, дейдилар. Шундай экан бу

сўқмоқ мени қайси манзилга олиб боради. Буни фақат вақт кўрсатади. Ўтган куни дўстим Андижондан қадрдоним Абдуғаффор келиб кетди. Адҳам учаламиз ярим тунгача сухбатлашиб ўтирдик. Дўстлар дийдорига етиш қанчалик яхши. Бир умр шу дўстларим билан бўлсан. Эй фалак дўстга зор, душманга хор қилмагин. Зеро, бундай холга тушгандан ўлмоқ афзалдур. Мени 6-мактабга таклиф қилишяпти. Она тили ва адабиётдан 24 соат дарс берамиз дейишиди. Мен ҳам бунга рози бўлдим. Ахир дарс бермоқ ёмонми? Ваҳоланки, устозларимдан дарс ўрганиб, тажрибамни оширадим. Кейин ўзимни совхозимиздаги мактабга қайтардим. Мен учун ҳозир дарс бериш оғир бўлсан ҳам, лекин чидайман. Ахир эр йигитта ишни оғири борми?

08.02.1990.

Одамзодни ҳоли шундай эканки, эртага нима бўлишини билмайди. Мен 6-мактабга ишга ўтиб кетаман деб ўйлагандим. Лекин буни иложи бўлмади. Яна совхозимдаги 31-мактабда, ўша кашшофлар етакчиси вазифамда қолдим. Ўзи мен орзу қилган ишлар амалга ошмаяпти. Сира ишларим юришмаяпти. Дадам 2 кун Тошкентда бўлиб келди. Машинамида бориб келди. Кеча анча кўнглим ғаш бўлганди. Нима қиласай ҳозирги ишим ишим менга ҳеч ёқмаяпти. Мендан яхши ишлашни талаб қилишади. Шу сабаб бўлса керак мактабга ҳеч боргим келмайди. Майли чидайман. Айтишларича, ишларим кейинроқ юришиб кетармиш. Лекин ҳозирги ҳолатимдан нолимайман. Худога шукр тинчмиз. Майли бой бўлмайлик. Лекин тинч бўлайлик. Шундай оғир замонда тинч туришни ўзи бир дунё.

Мен ҳеч нарсага тушунмайман. Одамларга нима бўлди. Нима учун қавми қариндошлар бир-бирига душман. Одамлар пул учун номусини, вижданларини сотмоқдалар ва иш билан ором олмоқдалар.

11.02.1991.

Кунлар совиб кетганилиги сабабли мени ҳам кайфиятим бузилиб, ўзимни руҳан эзилаётганимни сездим. Ўзимни ҳаётда тутган ўрнимни таҳлил қилиб чиқсан, мен худди кераксиз одамга ўхшаб қолаётгандекман. Агар мен кераксиз ортиқча одамдек бўлсан яшашни нима кераги бор, деб ўзимга савол бераман. Кеча туш кўрдим. Тушимга кўра мен 21 ёшда ҳаётдан кўз юмар эканман. Шуларни ўйлар эканман, ўзимга далда бераман. Ўлим албатта бошимда бор. У бир кун эшик қоқмасдан келади. Шундай экан нега мен доим қўрқиб яшашим керак. Инсонни қарори қатъий бўлса, у ўз мақсадига эришаркан. Шундай экан мен ҳам қатъий қарор билан иш юритаман. Ҳозир ишларимда сал бўлса ҳам олдига силжиётганини сезяпман. Тинчлик, саломатлик бўлаверса орзуимга албатта етаман. Расул Ҳамзатов айтганидек:

Барчамиз ўламиз, фониймиз охир,
Гарчи бу маълум гап, янгилик эмас.
Бироқ, яшамоқдан мақсадимиз бир:
Қолсин деймиз биздан уй, дарахт, сўз, сас.

Барча наволарни ўлдиролмас вақт,
Барча жилғалар ҳам қуриб қолмайди.
Жилғалар дарёга қўшар куч, тоқат,
Қўшиқлар биз ҳақда мангу куйлайди.

14.02.1991.

Кишининг чилласи чиқди энди қишиш бўлмайди, десам яна қор ёғди. Шу кунларда одамлар ваҳимада қолишган. Худди гўё қиёматга яқин қолганмиш. Бу миш-мишлардан ташқари ҳозирги пайтда ўзга сайёралик жонзотлар ҳақида кўплаб гапирилмоқда. Мен ҳам ўзга сайёраликларни кўргим келади

фақат яхшиларини. Агар ҳақиқатдан ҳам НУО (номаълум учар объектлар) бўлса. Яшаш борган сари қийинлашиб бормоқда. Қани энди одамлар меҳр-оқибатли бўлишса. Шу кун ичида 3 марта Қувага, туман марказига бордим. Ҳозир мен қандай одам бўлишим кераклиги ҳақида ўйлаяпман. Чунки бизни атеист руҳида тарбиялашган эди. Энди тушундимки, атеист бу ҳиссиз тошюрак экан. Ота-боболаримизни эътиқодига қарши чиқиб, қадриятларимизни поймол қилган кимсалар бу атеистлар экан. Мен бундай ҳиссиз юрак эгаси бўлишни сира истамайман.

19.02.1991.

Вақт ўтган сари инсонни кўзи очилиб, у ўзини нималарга қодир эканлигини тушуниб етади. Мен ҳам секин-аста тушуниб етаяпман. Лекин кўп ҳолларда қўлимдан ҳеч нарса келмайди деб ўйлайман. Балки бу менинг уқувсизлигим-дандир. Мен кабилар бу дунёда яна бормикан? Мен ҳар нарсага ишонавераман. Аммо ўзимни эзгу ниятларим орқали ўзимни баҳтиёр сезаман.

Бугун мактабда Навоийхонлик кечаси ўтказилди. Шу куннинг ўзида қадрдонларим Тўрамуродга, Нуралига, Фарҳодга хат ёздим.

Ҳозирги замон ҳақсизлик даврига айланмоқда. Севгимуҳаббат ҳозирги замон одамлари учун саробга айланмоқда.

22.02.1991.

Мен шу кунларда ўзимни анча баҳтиёр сезяпман. Чунки мен ўзимни нимага қодир эканлигимни аниқлай бошладим. Агар мен яхши ҳаракат қилсан мендан журналист албатта чиқади. Менда сал бўлса ҳам бу касбга қобилияти бор. Фақат ўз устимда ишлашим керак. Бугун ҳам туман газетасига бориб Ҳазрат Алишер Навоий ҳақида бир мақола

ташлаб келдим. “Мактаб ва ота-она” мавзуси ҳақида ёзган мақолам босилиб чиқди. Мен мақоламни чоп әтилишини сира кутмагандим. Ҳозир ҳам алланималар ҳақида ёзгим келади. Лекин ўзим билмайман нима ҳақда ёзишни. Энди ҳар ҳафтада бўлмагандан 2 та мақолани газетага ёзиб тураман.

Бугун мактабда 23-февралга бағишлиланган кечадик. Мен бундай кечаларда дўстларим билан бирга бўлсан дейман. Шу кунларда ҳаво исиб худди баҳор келганга ўхшайди. Тезроқ баҳор келса. Ҳудо хоҳласа олдимизда яхши кунлар турибди.

24.02.1991.

Шу кунларда дунёда ҳалокатли уруш ўчоги ана алангалай бошлади. АҚШ Ироққа қарши қуруқликдан урушни бошлади. Ҳозир Ғарбда, АҚШда Ироқ президенти Садам Ҳусайнни фаолиятини танқид қилмоқдалар. Мен учун Ҳусайн борган сари машҳур шахсга айланмоқда. Ўзи ёлғиз улкан давлатларга қарши турмоқда.

Бугун менда бир юксак ғоя пайдо бўлди. Мен Қувани ўтмиши ҳақида асар ёзмоқчиман. Мен бу ишим билан Қува она юртим олдида бурчимни бажарган бўламан. Бу асарни мен йиллаб ёзаман. Йиллаб материал йигаман. Агар шу айтган мақсадимни бажара олсан мен ўз орзуимга эришган бўламан. Мен учун ягона мақсад шудир. Шундагина келажак авлод Қувамиз тарихидан воқиф бўладилар.

27.02.1991.

Икки кун кетма-кет ёғингарчилик бўлди. Бугун эса кун исиб кетди. Баҳор келгани аниқ сезилмоқда. Бугун Қува тумани марказий кутубхонасига бориб Қува тарихига оид материалларни олмоқчи эдим. Лекин афсуски барча

китобларда Қува тарихига оид саҳифалар йиртиб олиниб, йўқ қилинган.

Кутубхонадан кейин шаҳар кино клубида “Рам ва Лакха” номли ҳинд кинофильмини кўрдим. Бу фильм менга ёқди. Қанийди ҳаётда ҳам кинодагидек бўлса. Мен энди ўзимда руҳан ўзгариш сезяпман. Бугун ҳарбий хизматдаги синф-дошим Бахтиёр Исмоиловдан хат олдим. Мана энди дунёдаги уруш ўчоғи бўлган Форс кўрфазида уруш тўхташ арафасида турибди. Қонли урушга барҳам берилди.

Мактабда анча иш кўпайиб қолди. 3-4 кун қаттиқ ишласам яна эркин қушман. Ҳозирда менинг асосий мақсадим кўпроқ ўқиши ўрганиш. Қолганлари кейин ҳам бўлаверади.

03.03.1991.

Баҳор фаслини бошланганига ҳам уч кун бўлди. Баҳор нақадар гўзал ажойиб фасл. Мен баҳорни жуда яхши кўраман. Ҳозир далаларда иш бошланди. Узум ишкомларини кўтардик. Дадам билан бугун тушдан кейин ҳовлини тозаладик. Дараҳтлардаги шоҳ-шаббаларни қирқиб сарамжонладик. Бугун кечаси ёмғир ёғди. 28 феврал куни эрталаб тобим қочиб қолди. Дадам билан шифохонага ҳам бориб келдик.

Менга энди иш шундай кўпайдики, дам олишга сира вақти бўлмайди. 20 нчи марта кейин баҳорги сессиялар бошланиб кетади. Ҳар кимни ўзига яраша иши кўпаяди. Кеча қадрдон дўстим Адҳам Мирзааҳмедов билан анча вақтгача гаплашиб ўтиредик. Уни фикрича иккаламизга ҳам омад кулиб боқсан эмиш. Бошқаларга қарагандა бизни фикримиз ҳам, тушунчаларимиз ҳам бошқача. Худо хоҳласа биз иккимиз ҳам халқимизга кўп фойда келтирмоқчимиз.

06.03.1991.

4 март куни институтга бордим. Диалектологиядан зачёт топширдим. Ҳеч ўйламагандим ўтаман деб. Дадам икка-ламиз институт проректори А.Мадғозиев олдига кириб мени кундузги бўлимга ўтказишимни сўрагандик. “Ёзда биринчи курсни тамомлаб кейин ўтишингиз мумкин”, деб айтди. Ҳозир шу сабабдан жуда хурсандман. Ҳудо хоҳласа кундузги бўлимга ўтиб олсан кўпроқ ўқийман, спорт билан шуғулланаман. Риштонлик курсдошим Маруф Ҳолиқназаров ҳам кундузги бўлимда ўқиш истаги борлигини айтди. Тезроқ ёз келсин...

Бугун Қалинпўстин қишлоғидаги Қумри энамни кўриб келдим. Энамни ахволи жуда оғир. Тез-тез хабар олиб туришимиз керак. Зеро, айтадиларки, қарилик – бу беморлик. Беморларни кўргани бориш – жаннатни йўлида юриш демакдир. Ахир Қумри энам бизни гўдаклигимииздан боқиб катта қилган. Бизлар уни ҳолидан хабар олмасак, одамлар орасида қайси юз билан юрамиз.

09.03.1991.

Кунлар қўз очиб юмгунча ўтиб бормоқда. 7 март куни мен ишлаётган 31-мактабда 8-мартга бағишлиланган тантанали кеча бўлди. Шу тадбирдан сўнг ўқитувчиларни ўзларини ҳам кечалари бўлди. Лекин мен бу кечанинг охиригача қатнашмадим. Уйдаги кўчатларни саралаб томирларини кўмдим. Яхши ҳамки ишни вақтида қилганим. Кечаси ёмғир ёғиб кундузи тушга яқин тинди. Ушбу мақол бекорга айтилмаган экан: “Бугунги ишни эртага қолдирма”. Шу куни совхозимизда тенгдошимизни никоҳ тўйи бўлди. Никоҳ тўйига йиғилганларни кўриб мен бу ёшларни аксариятида уят деган тушунча қолмаганидан изтиробга тушдим. Эртамиз шу ёшларни қўлига ўтса нима бўлади? Шунинг учун мен кўпроқ

ўқиб, тарбиявий аҳамиятга эга асарлар ёзишим керак. Худо хоҳласа мен албатта шундай асарлар ёзаман.

13.03.1991.

Баҳорни бир куни иссиқ келса, иккинчи куни ёмғир ёғади. Куни кеча роса ёмғир ёққан эди. Бугун бўлса кун исиб кетди. Ҳар куни мактабга бораман. Лекин ҳеч ишлагим келмайди. Бу мени ишёқмаслигимдан эмас. Шунчаки мактабдаги фаолиятим ўзимга ёқмайди. Туман газетасига почта орқали Наврӯз ҳақидаги мақоламни юбордим. Шу кунларда умрим мазмунсиз ўтаётгандек. Тайинли бир ишни қилмадим. Ўтган куни амакимнинг уйида сумалак қилишган эди. Бугун эса амаким bemor. Ҳозир ҳамманинг фикри-зикри фақат пулда. Сухбатлар ҳам фақат пул мавзусида. Мен одамларни маънавий жиҳатдан қолоқлашиб кетаётганигини кўриб ҳайрон бўламан. Ҳаёт шу тарзда давом этаверса охири нима бўларкин?

18.03.1991.

Баъзида ишлар билан банд бўлиб кундалик ёзишни унутиб қўяман. 16 март куни совхозимизда Наврӯз байрамини нишонладик. Наврӯз эзгулик тимсолидур. Мен Наврӯзни соҳибжамол қизга ўхшатаман. Совхозда бўлиб ўтган Наврӯз байрами ҳақида туман газетасига мақола ёзиб келдим. Якшанба куни далада қулпиной чопиқ қилдик. Аҳиллик билан ишлаганимиз сабабли бу ишни тугаллаб уйга қайтдик. Кечаси ёмғир ёғди. Бугун тумандаги “Ленин байроғи” газетасининг редакциясига мақоламни олиб бордим. Қанийди мен ҳам шу редакцияда муҳбир бўлиб ишласам. Ҳар куни турли тоифадаги одамлар билан учрашардим. Ҳалқнинг юрагидаги армонларини газетага

бериб борардим. Мени орзуларимдан бири шу. Ўқиши
битириб олай балки келажақда мухбир бўларман.

Қалам олсам қўлимга мен ҳам,
Шеърлар ёзсан шоирлар каби.
Халқим билан кўраман баҳам,
Шодлигимни, қайғуларимни.

Мени одамлар “Келажагингиз порлок”, дейишади. Худо
хоҳласа айтганлари бўлади.

22.03.1991.

Баъзан ишларим олдига силжий бошлаганида яна тўхтаб
қолади. Ҳеч илдам ҳаракат бўлмайди. Мана Наврӯз байрами
ҳам ўтди. Бу йил Наврӯз яхши бўлди. Наврӯз кунига ўтар
кечаси ёмғир ёғди. Бугун янги уйимизнинг чекида қулпиной
чопик қилдик. Бу ерда ҳам иш жуда кўп. Уйни девори ҳали
ўралмаган. Томини ҳам ёпиш керак. Бу йил Худо хоҳласа
куздан янги уйимизнинг чекига боғ қилиб кўчат экамиз.
Мевали боғсиз уй файзсиз бўлади. Ҳатто подшоҳлар ҳам боғ
барпо қилар эканлар “Келгуси авлодлар баҳраманд бўлсин”
деб. Кеча редакцияга хотира кунига бағишлиланган мақоламни
ташлаб келдим. Газета ходими, журналист Б.Холматов менга
анча маслаҳатлар берди. Мен келгусида кенг кўламда, турли
хил мазмунни акс эттирувчи мақолалар ёзаман. Шундай
қилсам тажрибам ортади. Эртага етти кунлик баҳорги
сессияга ўқишига кетаман.

28.03.1991.

Мана беш кундирки, мен баҳорги сессияда ўқишдаман.
Ўқиши яхшида. Яъниким, Фарғона олийгоҳида ўқиши мен-
деклар учун шарафли. Ҳозир Фарғона шаҳарининг вокзалига
яқин Янгичек масжиди олдидаги маҳаллада чол-кампир

хонадонида курсдошларим билан турибмиз. Ўқишлиарим яхши. Тиришқоқлигим туфайли дарсларни ўзлаштиришим яхши. Мен ҳозир ўқишда юрган вақтим одамлардаги ташвишларни кўриб, бу ҳаётда кимдир халқни ризқини еб, ҳузур ҳаловатда яшаётганлигини гувоҳи бўлдим. Айримлар оддий нарсаларни ҳам дўконлардан излаб тополмайдилар. Қани энди имконим бўлсаю, юлғич текинхўрларни жазолай олсам.

31.03.1991.

Мана баҳорни биринчи ойи ҳам ўтди. Олдинда апрел ойи. Қанийди апрел ойи шодликларга тўла бўлса. Уч кун мобайнида ўқишда ўзимни анча ўзимни енгил ҳис қилдим. Курсдошларим Маруф, Анвар, Қаҳрамон ва мен тўрт киши бўлиб юрамиз. Мен курсдошларим бирга бўлган ажойиб дамларни сира адo бўлмаслигини истардим. Кеча 30 март куни “Халқ оғзаки ижоди” фанидан тайинланган имтиҳондан “4” баҳо олдим. Ҳаракатим дуруст. Кейин бизга “Ўзбек адабиёти тарихи” фанидан амалий машғулот бўлди. Бу машғулотни Э.Иброҳимова олиб борди. Мен амалий машғулотда ўз билганларимни гапириб бердим. Бугун уйдаман. Эрталабдан далада бўлдим. Уйга келиб сингилларимни кўриб шодланиб кетаман. Туғишганлар даврасида бўлиш қанчалик яхши. Эртага яна ўқишга қайтаман. Эртанги ҳафтам яхши бўлишини Худодан сўрайман.

02.04.1991.

Кўз очиб юмгунча баҳорги сессия ҳам ўтиб кетди. Етти кун ичида мен ўзимни жуда хурсанд сездим. 1 апрел куни “Ўзбек тили практикаси” фанидан синов бўлди. Менга бу синовни топшириш анча оғир бўлди. Худо шукрлар бўлсинким, бирон бир фандан ўта олмай қарз бўлиб қолмадим. Бугун 3 соат дарс ўтдик. Ўқиши охирги куни бўлгани учун

дарслар ҳам яхши бўлмади. Кеча курсдошим шаҳрихонлик Қаҳрамон Мирзаев билан вақт алламаҳалгача гаплашиб ўтиридик. Унинг ахволига ачиндим. Негаки ўзи ҳақида очиқ сўзламайди. Демак, мен билмаган қандайдир муаммолари бор.

Ҳозир уйдаман. Бугун сурхондарёлик хизматдош дўстим Чориев Тўрамуроддан хат олдим. Эртага яна ишга. Энди астойдил эски ўзбек ёзувини ҳам ўрганишим керак. Худо хоҳласа мен албатта бу ишни уддасидан чиқаман.

04.04.1991.

Кунлар қаттиқ исиб кетди. Мактабда яна ишни бошлаб юбордим. Баъзан хонамга кириб олиб, нима иш қилишимни билмай ўтираман. Мактабдан кейин далага бориб иш қиласман, десам чарчаб ухлаб қоляпман. Туман газетасида “Сўлган чечаклар” номли мақолам чиқибди. Энди ёзадиган мақолам қадимги Қува тепалиги ҳақида бўлади. Менинг бу мақолам “Қува тарихи” китобимга кириш қисми бўлади. Бугун мактабга бормадим. Марғилон бозорида мева кўчатларини сотдим. Мен аввалига савдо қила олмасам керак, деб қўрқкан эдим. Ҳудога шукр, савдо қилиш ҳам қўлимдан келаркан. Кечга яқин аср намози вақтидан сўнг бозордан қайтдик. Шундан сўнг Қувасойдаги “Наргиз” деб аталган кафега кетдик. Бу ерда бир вақtlар вилоятда юқори ла-возимларда меҳнат қилган инсонлар йиғилган экан. Дадам улар билан анча вақтга қадар сухбатлашиб ўтиридик. Дадамнинг ажойиб одатларидан бири мени яхши инсонлар билан танишитириб, улардан менинг ҳақимга дуо олишидир.

Қувадаги тепалик ҳақида бир шеър ёзмоқчиман, бироқ сира илҳом келмайди. Қанийди Ҳудойим менга ҳам истеъдод берса. Бугун жуда чарчабман. Ҳозир кўзларимни зўрға очиб кундалики ёзмоқдаман.

07.04.1991.

Кунлар исиб кетганлиги учун бугун бир оз ёмғир ёғди. Бугун тонг саҳарда мен, дадам, Кимё амманинг иккинчи ўғли Ботир акам билан учовмиз Қирғизистоннинг Новқат райони бозорига мевали ва гул кўчатларини сотгани жўнаб кетдик. Пешинга қадар кўчатларини сотдик. Сотилмай қолган гул кўчатларини бир қисмини яна ўзимиз билан бирга олиб қайтдик. Шу сафаримизда Машрабжон исмли новқатлик бир инсоннинг уйида меҳмонда бўлдик. Бу инсон дадам билан кўп йиллар бурун танишиб ошно тутинишган экан. Бу инсоннинг отаси ҳақидаги хотиралари менда чуқур таассурот қолдирди. Новқатдан уйга қайтишда “Москвич-412” русумли машинамизни ўзим ҳайдаб келдим. Худога шукр эсон-омон уйга етиб келдик. Инсонни инсон қиласидиган фазилати бу унинг меҳр-муҳаббати. Агар кимда бошқаларга меҳр-муҳаббати зиёда бўлса, дўсти-биродарлари ҳам кўп бўлади. Буни дадамнинг ҳаёти мисолида кўриб турибман. Қаерга бормасин дўстлари уни қучоқ очиб кутиб олади.

Кундаликни ёзяпману кўзларим чарчоқдан юмилиб кетмоқда. Эртага яна янги иш ҳафтаси бошланади. Менг келаётган ҳафтада газетага мақола ёзишим ва Қумри энамни кўриб келишим керак. Агар имкон бўлса, кўпдан бери ўйлаб юрган ишимни, яъни энажонимни овози магнит тасмасига ёзиб олишим керак. Зеро, бу кунларимиз эртага фақат хотира бўлиб қолади.

11.04.1991.

Шу кунларда бошимда айланаётган бўлмағур хаёллар мени ўз оғушига олган. Шундай бўлсада, хаёлимда бир фикр бор. У ҳам бўлса одамларга фақат яхшилик қилиш. Меним ниятим холис, яъни бу дунёга келиб мендан яхши ном қолса. “Ўқитувчилар газетаси”га китоб ҳақида мақоламни юбордим. Кейин энажонимни кўргани бориб, унинг сўзларини магнит

лентасига ёзиб олдим. Вақти келиб энажонимнинг сўзларини эшитишга зор бўламиз. Ўшанда менинг яхши иш қилганимга амин бўлишади.

Бугун ҳам қўшни Янгичек қишлоғидаги почтальон ҳақида мақола ёздим. Бугун кун бўйи Пиримқул Қодировнинг “Авлодлар довони” романини ўқидим. Роман менга қаттиқ таъсир қилди. Бу асаддаги Хонзодабегим, Ҳумоюн, Гулбаданбек ва Ақбардек буюк зотлар қанчалик одил, адолатли бўлишга интилмасинлар барибир фалак уларни гарданига азобли кунларни солади.

14.04.1991.

Ширин хаёллар билан юрар эканман ўйланиб қоламан. Эртага мени асл ҳаётим қандай бўлади. Ахир мен доим ширин хаёллар билан юрмайманку? Кеча туман марказига бориб мақоламни редакцияга бериб келдим. Агар редакцияда иш бўлса, май ойидан кейин редакцияга ишга ўтсан дейман. Мен журналист бўлишни истайман. Агар редакцияда иш бўлмаса, мактабдан чиқиб кетаман. Ишсиз юрсам ҳам майли. Аммо мактабда ишлаганим етарли бўлди.

Бугун кўчат сотгани Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига бордик. У ердаги олибсотар чайқовчиларни кўриб сиқилиб кетдим. Дехқонга нон қолмабди, деб. Бугун тоҷикистонлик қадрдоним Нурали Ҳасановдан хат олдим. Кеча Адҳам билан узоқ сухбатлашдик. Эртага яна янги иш ҳафтаси бошланади. Шу келаётган ҳафта ҳаётимдаги унутилмас яхши воқеаларга бой бўлишини Ҳудойимдан сўраб қоламан.

18.04.1991.

Мана рўза ойи ҳам тугади. 16-март куни ҳайит бўлди. Ҳайит куни дадам билан эрталабдан азаси бор хонадонларга бордик. Тушлиқдан сўнг янги чекимиздаги ерга гилос кў-

чатларини әқдик. Худо хоҳласа бир кун келиб мевасидан баҳраманд бўламиз. Шу кунларда қаттиқ чарчаяпман шекилли. Кечки пайт эрта ухлаб кеч турмоқдаман. Мактабда ишларим жуда суст. Ҳеч ишлагим келмаяпти. Дадамга “редакцияга ишга кирсамикан”, деб айтсан майгача сабр қилигин, деди. Щунинг учун ҳозирча сабр қилиб турибман.

26.04.1991.

Кундалигимга кўпроқ қизиқ воқеа-ходисаларни ёзгим келади. Бироқ қизиқ воқеалар ахён-ахёнда бўлади. Ҳозир мактабда иш кўп. Совхозимизда янги барпо қилинган мактаб биноси учун янги ускуналар олиб келмоқдамиз. Ўқувчиларни совхознинг узумини бойлашга олиб чиқмоқдамиз. Кеча зерикиб кетиб қўшни Бўзахўр қишлоғига бордим. Синфдошим Икром Қирғизовнинг билан кўришиб сухбатлашдик. Икромни май ойидан сўнг ота-онаси уйлашмоқчи экан. Бўлғуси келин синфдош қиз ҳамқишлоғидир. Мактабда ўқиётган кезларида шу қизга кўнгил қўйган эди. Кеча қадрдоним тожикистонлик Нурали Ҳасановга хат ёздим. Қулпинойларни бегона ўтлардан тозалаб бўлдик. Мени мактабдан кетишим май ойини охираша аниқ бўлади. Балким редакциядан иш топарман, балким кундузги бўлимга ўтарман. Буларни оқибати бари Яратган Қодир Эгамни ўзига маълум. Садди Холамни қизи Махфират опамни ўғли Ёрқин ҳарбий хизматда эди. Ундан телеграмма келибди. Ҳозир Махфират опам укаси Муроджон акам билан бирга Ёрқин хизмат қилаётган жойга кетишибди. Ишқилиб тинчлик бўлсин.

29.04.1991.

Апрел ойи ҳам охирлаб қолди. 27 апрел куни Андижондаги қадрдоним Абдуғаффорнинг уйига бордим. Мен Абдуғаффорга ҳавас қиласман. У ўқишини тамомласа ўқитувчи

бўлади. Мақсади аниқ. Мени эса мақсадим аниқ эмас. Кеча кун бўйи кайфиятим ёмон бўлди. Бирон бир ишга қўлим бормади. Борган сари қўп сиқилиб қолмоқдаман. Май ойигача сабр қиласай кейин иш топарман. Бугун мактабда жуда бўғилиб кетдим. Ўқувчилар ўқитувчиларни ҳурмат қилимай қўймоқдалар.

02.05.1991.

Баҳор фаслини май ойи ҳам бошланди. 1-2 май кунлари байрам бўлди. Мен байрам қилиб ҳеч қаёққа бормай, далада дехқончилик билан шуғулландим. Байрам қилишни ҳам ўз вақти бор. Бугун дадам, онам ва барча сингилларим Фарғонага байрам қилгани боришиди. 2 май дадамнинг туғилган куни. Оиламиз анъанасига кўра шу куни Фарғонага борамиз. Шу кунларда амаким қаттиқ бетоб ётибди. Эртага албатта кўргани бораман. Кеча бир ўтиришда тенгдошларим фақат пул ҳақида сухбатлашдилар. Нимагадир менда пулга қизикиш йўқ. Эҳтимол бу ҳолатимнинг сабаби пул топишни сирини билмаганимдан бўлса керак.

Бу дунёдан яшашдан мақсад
Номим қолсин эл ичра абад.
Эзгу ишлар қилайин фақат,
Шунда умрим мангудир албат.

04.05.1991.

Бу фоний дунёда кимдир йиғласа, кимдир қулади. Бугун ҳам шундай бўлди. Қўшни Янгичек қишлоғида Набижон исмли ўқитувчи йигитнинг уйининг олдида мотоциклда уриб кетиб, бугун уни тупроққа топширдилар. Шу куннинг ўзида қўшни хонадонда тўй бўлмоқда. Кеча Олимжон амакимни шифохонага кетишиди. Қаттиқ шамоллабди. Бугун

кўргани бордик. Ишни деб соғлиқни эҳтиёт қилмабди. Туман газетасида “Одамлар хизматида” номли мақолам босилиб чиқди. Қўшнимиз Расул аканинг никоҳ тўйи бўлди. Тўй яхши ўтди. Ҳаммани ҳам шундай тўйларга етказсин.

Эрталаб жисмоний машқ қилмоқдаман. Бироқ кўз олдимдан марҳум ўқитувчи Наби акани отасини ҳолати сира кетмаяпти. Фарзандини не-не машаққатлар билан тарбиялаб, одамлар қаторига қўшсаю кутилмагандা фарзандидан жудо бўлса. Ота-она учун улкан мусибат шудир.

08.05.1991.

Май ойида биз учун иш жуда кўпаяди. Чунки май ойида қулпиной пишади. Асосий даромадимиз шундан. Бу мевани ўз вақтида сотиб қолмасанг, меҳнатларинг зое кетади. Тез айниб қолади, ўта нозик мева. Териш ҳам ўта майдада иш. Хуллас меваси ширин, аммо меҳнати оғир.

Кеча 7 май куни дадам билан биринчи ҳосилни олиб бозорга бордик. Шу куни қўшнимиз Абдумутал аканинг фарзанди Абдубанобнинг ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлди. Ўтган куни туман редакциясидан табрикнома келганди. Бу мени жуда хурсанд қилди. Бугун “Ёш ленинчи” газетасига чегарачилар кунига бағишлиб мақоламни ёзиб юбордим.

Мен учун ҳозир ёзмоқчи бўлганим биринчи асарим бу – Қува тарихидир. Аммо бу мавзуда маълумотлар жуда кам. Мени мақсадим Қувамиз тарихини астойдил ўрганиб халқимизга етказишидир.

11.05.1991.

Инсон учун энг керакли нарса бу – сиҳат-саломатликдир. Бир донишманд “агар одамлар касал бўлмасалар, соғлиқни қадрига етишмайди”, деган экан. 9 май куни ТВда афғон

урушидан ногирон бўлиб қайтганинг аҳволини кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Алпдек йигитлар мажруҳ бўлиб қолган, қўлсиз-оёқсиз яшамоқдалар. Шуларни кўриб нечун одамлар соғлиқнинг қадрига етишмайди?, деб ўйланиб қоламан. Икки-уч кундан бери бозорга бормоқдаман. Дадамга қулпиной сотишда ёрдам бермоқдаман.

14.05.1991.

Агар эртадан кечга қадар меҳнат қилинаверса, бора-бора одамлар вақтни нима эканлигини ҳам унутиб қўядилар. Бизда ҳам ҳолат ҳозир шундай. Эрта саҳар ва кечга яқин қулпиной териб кундузи билан бозорларда сотиш билан оварамиз. 12 май куни дадам билан Олтиарик бозорида қулпиной сотдик. Бу ерда бозоримиз яхши бўлди. Шу ерда қулпиной сатаётиб, курсдошим риштонлик Холиқназаров Маруфни учратиб қолдим. Шу куни уйимизга андижонлик қадрдоним Абдуғаффор келди. Ҳали йўл чарчоғи ёзилмай туриб иккимиз ҳам машинани юргиза олмай қора терга ботдик. Яхшиям баҳтимизга машина тилини тушунадиган Қўлдош тоғамнинг ўғли Дилшод учраб қолди. Акс ҳолда анча диққатимиз ошган бўларди. Эрталаб Абдуғаффорни кузатиб қўйдим. Сўнгра туман марказий касалхонасида ётган Олимжон амакимни оиласи кўргани бордик. Касалхонадан қайтишда Қалинпўстин қишлоғига тўхтаб ўтдик. Садди холамнинг набираси Ёрқин ҳарбий хизматдан қайтган экан. Шуни кўриб келдик.

17.05.1991.

Ўтган куни туманимиздаги редакцияга боргандим. Агарда иш бўлса, ишлайман деб. Бироқ бош муҳаррир билан учрашганимдан сўнг умидларим чиппакка чиқди. Редакцияда иш йўқ экан. Наилож ҳар ким истаган орзусига

етишавермайди. Эндиги мақсадим иккинчи курсдан кундузги бўлимда ўқиши ва билимимни чуқурлаштириш. Зора шунда ўзим орзу қилган режамни амалга ошира олсам. Ҳар куни ишдан сўнг бозорга қулпиной олиб бориб сотаман. Кеча бозордан қайтаётганимизда машинамиз ойнасига тош келиб тегиб, ойна чил-чил синди. Бугун эса янги ойна қўйдирдик. Бундай фалокат бўлишини кўпдан бери сезгандим. Шу куни уйимизга онамни курсдоши Одилжон aka Қурбонов оиласи билан меҳмонга келишди. Қулпиной пишган вақтда яқин танишларни меҳмонга келишига ўрганиб кетганмиз. Айниқса, онамнинг курсдошлари қулпиной пишган вақтда ойда бир бўладиган курсдошлар ўтиришларини бизни уйда ўтказиши режалаштирадилар. Бу ўтиришни биз ҳам соғинамиз. Чунки онамнинг курсдошлари бизга худди қариндошлардек бўлиб қолганлар. Китоб магазиндан Уилям Ствінсоннинг “Меросхўр” номли китобини сотиб олдим.

20.05.1991.

Одатда май ойида кунлар иссиқ бўлиши керак. Ваҳоланки ҳозир иссиқ эмас. Кун ора ҳаво айниб ёмғир ёғмоқда. 19 май куни Фарғона шаҳрининг Фрунзе массиви деб аталган жойнинг кичик бозорчасида қулпиной сотаётиб водиллик хизматдошим Дилшод Мўминовни учратиб қолдим. Хизматда ўтган дамларимизни эсладик. Ҳозирда ҳарбий хизматга бориши шунчаки қизиқишига ўхшаб қолди. Аслида йигитлардан ҳарбий хизматни шараф билан ўташ талаб қилинади. Ҳозир ҳарбий хизматга боришдан бўйин товлаётганлар кўпайиб бормоқда. Мана шундайларни кўрганимда беихтиёр чегара заставасидаги ва Афғонистондаги хизматдошларим кўз олдимга келади. Биз хизматга боришдан қўрқмадик. Йигитлик бурчини барча нарсадан устун қўйдик.

Мана мен кутган дақиқалар ҳам етиб келди. Мактабда ўқиши ҳам тугади. Бугун ўқув йилини якунига бағишлиланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уйимизга онамнинг курсдошлари келишиди. Уларнинг иноқликларини қўриб, қанийди менинг ҳам курсдошларим шундай иноқ бўлсалар деган ўйга келади. Далада қулпиной ҳам охирлаб қолди. Ўзимни эркин ҳис қила бошладим. Шу уч ичида учта бадиий адабиётнинг ўқиб чиқишига улгурдим.

Биринчи китоб Стендальнинг “Парма ибодатхонаси” романи бўлиб, бунда Фабрица исмли йигитни саргузаштлари ва унинг севгилиси ҳақида ҳикоя қилинади. Бу асарда Стендаль XIX асрдаги Италиядаги киборларни, Пармадаги зодагонларни ҳаёти тасвирилаган.

Иккинчи китоб Александр Дюманинг “Аскаино” романидир. Асарда машҳур италиялик ҳайкалтарош Бетвенто Челинини шогирди Аскаино билан биргаликда Франция қироли Франциск I саройида ўтган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Роман ғоят қизиқарли ва саргузаштларга бойдир.

Учинчи китоб Жек Лондонинг “Уч қалб сири” номли асаридир. Ушбу романда Франчес ҳамда Генри Моргандарнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади. Мен учала романни ўқиб, олам-олам таассурот олдим.

Янгиликлардан бири синфдошим Ботир Рўзиев ҳарбий хизматдан келди. Уни кўргани бордим.

Юрсам дейман дунё бўйлаб,
Борсам дейман юртлар сўраб.
Кўрсам эллар кўплаб, кўплаб
Шудир менга тотли ҳаёт.

28.05.1991.

Бугун чегарачилар куни. Чегарачиларнинг байрами, демак менинг ҳам байрамим. Чунки мен ҳам чегара қўшилари сафида хизмат қилганман. Неча марта чегара бўйлаб кеча ва кундуз “дозор” (назорат)да юрдим. Неча тунлар қаҳратон қишда чегара бўйлаб соқчилик қилдим. Булар ҳозир ўзим учун ҳам худди тушда кечгандек. Бироқ айни ҳақиқат. Шу сабабдан хизматда ўтган умримни сира унутмайман.

Бугун Қува туманимизнинг 17-мактабда мактаб бити-рувчилари ўртасида медалга даъвогарлар ўртасида имтихон бўлди. Бу даъвогарлар орасида синглим Муаттархон ҳам бор. Худодан илтижо қилиб сўрайманки, Худойим синглимни ҳам ноумид қилмагин.

31.05.1991.

Баҳор фасли ҳам тугаб юртимизга ёз фасли кириб келди. Кунлар қаттиқ исимоқда. Ҳозир мактабда ўқишлиар тугаб имтиҳонлар бошланган. Мактабимизнинг янги биноси учун жиҳозлар ташимоқдамиз. Синглим Муаттархон 5/4 баҳо олибди. Энди навбат математика фанига. Агар бундан ҳам аъло баҳо олса, бизни оиласиз учун катта хурсандчилик бўларди. Парвардигорим бизга шу хурсандчиликни ато этгин.

Кимё аммамнинг учинчи ўғил фарзанди, мендан бир ёш кичик Ибронали ҳарбий хизматдан келди. Соғ-саломат хизмат қилиб қайтиш ҳам ҳар бир йигит ва унинг ота-онаси учун бир давлат. Бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Кеча қадрдоним Адҳамнинг уйларига борига алламаҳалгача гаплашиб ўтиридик. Ваниҳоят Олимжон амаким ҳам касалхонадан соғайиб чиқди. Кеча қаттиқ шамол турди. Сўнгра ёмғир ёғди. Назаримда табиат инсонларнинг қилмишларидан ранжиган. Фақат одамизод қилмишларини тан

олмаяпти. Вақти келиб шундай ўч оладики, унда кеч бўлади деб қўрқаман.

03.06.1991.

Бу дунёда ҳар бир гўдакни ота-онаси бўлсин. Зеро, ота-она меҳридан бенасибларнинг дили вайрон, кўнгли доим яримтадир. Бундайларнинг ҳаётда армонлари ҳам кўп бўлади. Худога беадад шукурки ота-онам, бебаҳо бойлигим бор. Улар бизларга ўта меҳрибон. Мана бир мисолни айтсам. Дадам биз нимани хоҳласак, ўша нарсани муҳайё қилади. Онажоним бўлса айб иш қилиб қўйсак ҳам, бизни ёнимизни олади.

Онажонимнинг ажойиб фазилатларидан яна бири шу вақтгача яхши сўз билан тарбия қилганликлариdir. Юқорида айтганимдек, бирон бир айб ёки хато қилсак ҳам яхши сўз билан бизга тарбия бердилар, сўкиш ўрнига яхши сўз билан рағбатлантирадилар.

Бундай жаннати инсонларни бизга ота-она қилганинг учун Аллоҳим сенга беадад шукрлар айтаман.

Бугун синглим Муаттарнинг имтиҳони бўлди. Дадам эртадан кечгача шу синглимнинг ёнида бўлди. Шу куни уйда қолган онажоним хавотирда туз ҳам тотмади. Уларни боласи учун бу қадар қайғурганларини қўриб йиғлагим келди.

Кутубхонадан бадиий китоб олгандим. Шулардан бирини астойдил берилиб ўқиб чиқдим. Бу Майн Риднинг “Оқ танли сардор” романидир. Асарнинг бош қаҳрамонлари Карлос, Католина, Дон Хуан, Роситалар ҳақиқий соф муҳаббатли тоза қалб соҳибаларидир. Уларнинг таҳсинга лойик муҳаббатини кўра олмаган Вискарро Рабладо каби разил кимсалар севишганлар бошига турли мусибатлар ёғдирадилар. Аммо аср сўнгига Карлос душманларидан муносиб ўч олади.

06.06.1991.

Шу кунларда янгиликлар кўп бўлди. Синглим Муаттархон ваниҳоят медал оладиган бўлди. Катта синглим Андижон вилояти Бўз туманидаги Саида Зунунова номидаги педтехникумга бориб биринчи имтиҳонини топширди. Худо хоҳласа иккала синглим ҳам ўқув даргоҳларида таълим олишади. Кеча дадам билан туманимиздаги Пахтабод қишлоғидаги таниши Музafferхон акани уйига бордик. Дадам билан Музafferхон ўн беш йил муқаддам касалхонада бирга бир палатада даволанишган бўлиб, ўшандан буён қадрдан бўлиб қолишган. Музafferхон ака синглисини турмушга бераётган экан. Музafferхон ака дадамдан анча ёш бўлиб самимий инсонлигини сухбатимиз давомида билиб олдим.

Тўйдан қайтаётиб дадам менга “Юрагинда ётган меҳр ўтини одамларга сочгин. Меҳр берсангтина меҳр оласан. Шундай меҳр берки, одамлар сени бир умр ёдидан чиқармасинлар”, деди.

Бугун мактабимиз учун Фарғонага бориб янги жиҳозлар олиб келдик. Ҳозиргина ТВда мен хизмат қилган жой - ГБАО (Горно Бадахшанский Автономний област), яъни Помирда ўтган куни юз берган хатоликлар туфайли Афғон ҳарбий самолётидан ташланган бомбалар туфайли бир неча киши ҳалок бўлганлигини кўрдим. Афғон учувчиларининг уқувсизлиги бошқа мамлакат фуқаролари ҳаётдан кўз юмган. Ўша ерда йигитлик бурчини бажараётган чегарачиларни ҳам тинч аҳолини ҳам Худойим паноҳида сақласин.

12.06.1991.

Вақт шундай тез ўтмоқдаки, кечагина ўзини бола деб билганлар, кўз очиб юмгунча оила қуриб бугун ота бўлмоқдалар. Яна бир синфдошимиз Ҳошимов Ўткир уйланмоқда. Бугун унинг тўйига бордик. Кундузи бўлса мак-

табимизнинг хўжалик мудири Турди ака билан мактаб учун жиҳозга Марғилонга бориб бўш қайтиб келдик. Кўп йўл юрсанг қўпларни кўрасан, деб бежиз айтишмаган. Мен ҳам борган сари турли одамларни кўриб улардан ўзимга тегишли сабоқ олиб бормоқдаман. Кимдир ҳаром-хариш йўллар билан пул топиб хузурини кўради. Меҳнаткаш инсонлар фарзандларига озиқ-овқат, кийим-кечакка пул етказиб беролмай кеча-кундуз ташвишда. Дадам билан онам ҳам сингилларимни келажаги яхши бўлишларини ўйлаб ҳар доим қўллари ишдан бўшамайди.

Ҳозир мактабда ремонт ишларини бошлаб юбордик. Яна бир ҳафтадан кейин ўқишига кетаман. Курсдошларим Маруф, Анвар ва Қаҳрамоннинг доимгидек ҳазил-мутойибалари билан ўқишини ҳам қандай ўтиб кетиб қоганилигини билмай қолсам керак.

15.06.1991.

Июнь ойида ҳарбий хизматга кетувчилар ҳам келувчилар ҳам кўп бўлади. Кеча синфдошимиз Ҳакимов Ойбек хизматини тамомлаб қайтганди, уни қўргани бордик. Бугун эса Садди холамнинг қизи Махфират опамнинг иккинчи ўғли Тоҳирни ҳарбий хизматга кузатдик. Шу куннинг ўзида совхозимиздаги бригадир Умаров Мардонали аканинг ўғлини машина уриб кетди. Боланинг аҳволи оғир экан. Аллоҳим ўзин шифосини бергин. Ота-онасининг баҳтига омон бўлсин. Бундай мусибатларни эшитсам, инсон боласига яшаш осон эмаслигини англаб бормоқдаман. Далада қул-пинойни бегона ўтлардан тозалаш билан оворамиз.

18.06.1991.

Уйда ишлар бир мунча озайиб қолганидан фойдаланиб Қувага икки марта бориб келдим. Бугун 43-мактабда биринчи

синфда бирга ўқиган синфдошим Равшан Ҳожиматовнинг уйига бордим. Равшан билан болалик кезларимизни эслаб, юракдан гаплашдик. Синглим Дилафрўз билим юртига ўқишига кирди. Кеча ойлик маошимни олиб Қумри энамни кўргани бордик. Бир пайтлар бизни опичлаб катта қилган энажоним бугун бир жойда қимиirlамай ётиби. Уни қимиirlаб ҳаракат қилишга ҳам мадори қолмаган. Энамнинг бу аҳволини кўриб, қўлимдан хеч нарса келмаслигига афсусдаман.

Ўтган куни Кимё аммамларнинг уйига бордик. Учинчи ўғли Ибронали билан гаплашиб ўтиридик. У менга ягона орзуси учувчи бўлиш эканлигини айтди. Дарҳақиқат ким учишни хоҳламайди. Мен ҳам учувчилар ҳақидаги фильмларни мириқиб томоша қиласман.

21.06.1991.

Мана ёзги сессияларни ҳам бошлаб юбордик. 20 июндан ўқияпмиз. Яна ўша аввал турган хонадонда, яна ўша тўртовлон, мен Анвар, Маруф, Қаҳрамон ижарада турибмиз. Ҳозирча ўқища қийинчиликлар йўқ. Июн ойининг охирида синовлар бошланади. Дарслар тамом бўлгач Фарғона истироҳат боғини айланамиз. Одатда Қаҳрамон овқат тайёрлайди. Биз уч киши унга ёрдам берган бўламиз. Ҳазилмутойиба билан овқатланамиз. Хонадон эгаси Мамасиддиқ отанинг ёши саксондан ошган. У билан ҳам бўш вақтимизда сухбатлашиб ўтирамиз. Бугун курсдош қизларни кинога таклиф қиласган эдик. Улар таклифимизга рози бўлишмади. Ўзи гурухимизда ўттиздан ошиқ қиз-жувонлар бор. Бор йўғи тўрт нафар йигитмиз. Шундан хафа бўлдик ва орага совуқлик тушди.

23.06.1991.

Бугун эрталаб онамнинг онаси, яъни Қумри энам қазо қилди. Бу мудҳиши хабарни мен Фарғонадан келиб эшитдим. Минг афсуслар бўлсинким, энам билан видолаша олмай қолдим. Кеч соат олтилардагина мен етиб келдим. Гарчанд аҳволи оғир бўлсада, Қумри энамни яна беш-олти йил яшайди деб ўйлардим. Ҳар гал қўргани келганимда “Кейинги сафар келинингиз билан бирга келамиз сизни қўргани”, деб ҳазил қиласдим. Қариндош-уруғлар Қумри энамни саксонларга кириб ўтганилигини айтдилар. Қумри энамни кўчасининг бошида жойлашган Қалинпўстин қабристонига дафн қиласдилар. Шу куни қабристоннинг киришига битилган бу сўзларни ичимда кўп маротаба қайтариб ўтиредим.

Одамлар тирикларни аввайлаб асранг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг.

Ўлганида юз соат йиғлаб тургандан
Уни тириклика бир соат йўқланг.

27.06.1991.

Кеча Қумри энамнинг маъракасига боролмагандим. Бугун мен ва курсдошларим Маруф, Анвар учаламиз бориб келдик. Биз кетгач орқамиздан Қаҳрамон ҳам борибди. У қайтишда уйимизга тушибди. Уйимиздан дадам билан бирга биз турган хонадонга келди. Дадам Мамасиддиқ ота билан анча гаплашиб ўтирдилар. Мен Қаҳрамоннинг борганидан хурсанд бўлдим. Ҳозир бизга эски ўзбек ёзуви фани ҳам ўқитиляпти. Ўтилаётган дарслар ичида Чет эл адабиёти фани ўқитувчиси Т.Жўраев ҳамда Адабиёт тарихи фани ўқитувчиси Э.Иброҳимоваларнинг маърузаларини берилиб

тинглайман. Қанийди мен ҳам шу устозлардек дарс бера олсам.

29.06.1991.

Кунлар тез ўтмоқда. Имтиҳон ва синовлар топширадиган вақт ҳам яқинлашмоқда. Бугун рус тилидан назорат иши топширдик. Худога шукр ўтдим. Навбат Адабиёт тарихидан имтиҳонга. Бугун тўрт курсдош маслаҳатлашиб, гуруҳимизга староста қилиб Қаҳрамонни сайлаш керак деган қарорга келдик. Чунки Қаҳрамон уддабурон йигит. Қўлидан ҳамма иш келади. Айтишларича, имтиҳон ва синовлардан ўтишда старостанинг роли бўларкан. Бироқ мен бу гапларга ишонмайман. Аммо курсдошларимнинг фикрини ҳам рад этолмайман. Шуни деб хафалашиб қолишни истамайман.

30.06.1991.

Бугун ҳали тонг отмай туриб соат 3 ларда тўртинчи синглим Фотимахонни тоби қочиб қолди. Фотимани дадам иккаламиз касалхонага олиб бордик. У ерда керакли муолажалардан сўнг Фотима анча яхши бўлиб қолди. Тонг отгач касалхонадан Йўлдош тоғамларникига бордик. Уйга келиб ухламоқчи бўлдим. Аммо қўзимга уйқу келмади. Чунки ҳали ҳам хотиржам эмасдим.

03.07.1991.

Ёзниг иккинчи июль ойи ҳам бошлианди. Ўқишлиар бир маромда давом этмоқда. Бугун дарсдан сўнг Маруф ва Анвар курсдошларим билан бизнинг уйимизга келдик. Мен уларни совхозимиз боғларида айлантиридим. Кечки пайт учаламиз синфдошим Икром Қирғизовнинг никоҳ тўйига бордик. Аввалига куёв навкар бўлиб келин хонадонида меҳмонда кейин куёв томондаги тўйда бўлдик. Икром синфдошимиз

Умидага уйланди. Шу сабабдан келин томондагиларнинг барчаси синфдош қизларимиз эди. Тўйда барча синфдошлар яйрадик. Ширин кайфиятда уйга қайтдик. Одатда уйланнишни унча ўйламасам ҳам мана бугунги тўйдан қайтишда уйлангин келиб қоларкан. Айниқса, “Тўйлар муборак” қўшиғи янграганида ғоят тўлқинлаб кетасан киши.

06.07.1991.

Ёзги ўқишимиз ҳам бугун охирига етди. 2 та фандан синов топширдик. Кеча курсдошим Маруф Холиқна-заровнинг уйига Риштоннинг Сўхобод қишлоғига бордик. Кеча курсдош қизларимиз билан бир оз тортишиб қолдик. Биз йигитлар гуруҳимизга староста Қаҳрамон бўлсин десак, улар Дилором Маруповани номзодини қўллаб-қувватлашди. Натижада Шоҳимардонга қилмоқчи бўлган сафаримизни бекор қилдик. Қизларни ўзи Шоҳимардонга кетишди. Маруф иккимиз душанба куни ўқишимизни кундузга ўтказиш масаласида ҳаракат қилмоқдамиз. Иккимизнинг ҳам мақсадимиз чуқурроқ билим олиш ва етук мутахассис бўлиш. Натижаси фақат Худога аён.

09.07.1991.

Кеча курсдошимиз Мирзаев Қаҳрамон иккинчи курсдошимиз Анвар Мамасаидовга ёрдам қиласман деб аксини қилди. У биздан синов олаётган ўқитувчига Анварнинг яқинларидан бири ўтиб қолганлиги сабабдан синов топширгани келолмаганигини айтган. Ўқитувчи бу масалани чуқурроқ суриштириб воқеа бундай бўлмаганини аниқланган. Натижада Қаҳрамонни қаттиқ тергаган. Анвар ҳам “Тирик одамни ўлдига чиқариб қўйибсиз”, деб Қаҳрамондан хафа бўлиб қолди. Тушликдан сўнг Маруф иккимиз университет про-ректорини олдига кирдик “Биз кундузги бўлимга ўт-

моқчимиз” деб, мақсадимизни обдон туширдик. Лекин проректорда тайинли жавоб олмадик.

11.07.1991.

Имтиҳонларни ҳам топшириб биринчи курсни тамомладим. 2 та “4” баҳо ва 2 та “3” баҳо билан имтиҳонлардан ўтдим. Сиртдан ўқиётган талаба учун бу баҳолар яхши баҳо деб ўзимга тасалли бердим. Энди курсдошларим билан қишда учрашаман. Университетда деярли ҳеч нарса ўрганмай биринчи курсни тамомлаш менга жуда аълам қилди. Бугун шуларни ўйлаб хафа бўлиб кетдим. Шу алфозда яна беш йил ўқисам чаласавод бўлиб қолавераманми. Олти йил умримни шамолга совурган бўламанку?! дея сиқилиб қолдим. 22 июн куни ректор ҳузурига кирмоқчимиз. Шунда ҳам қабул қилишмаса, хужжатларимни ёқиб юборганим яхшироқ, деган фикрга келдим.

14.07.1991.

Уйга келдиму ўқиган қунларим ҳам эсдан чиқиб кетди. Баъзан дарсда ўтирган ҳолатларим кўз олдимга келади. Уйдаги мол-ҳолларга қарашиб, томорқани парвариш қилиш керак. Синглим Муаттархон ўқишига кириш учун ҳаракат қилмоқда. Онам бўлса синглим Дилафрўзхоннинг бўлажак тўйи масаласи билан овора. Фотима-Зухра сингилларим ўзлари билан овора. Оиласизни моддий жихатдан мустаҳкамлашимиз зарур. Чунки ҳозир Дилафрўзни турмушга бергудек бўлсак, анча маблағни излаб топишимизга тўғри келади. Олимжон амакимнинг тўнғич ўғли Ҳамид акам устачилик қилаётган вақтида ойна синиб, майдада синиқ парчалари қўлига кириб кетибди. Уйини қураётган айни дамда касалхонада ётиш жуда ёмон. Ҳозир Олимжон амаким Намангандаги сиҳатгоҳлардан бирида даволаняпти.

17.07.1991.

Кимки ичкиликка ружу қўйган экан, у албатта ўзлигини йўқотади. Садди холам фарзандларини ичиб юрган ҳолатидан жуда қўп маротаба хафа бўлганини гувоҳи бўлдим. Холамнинг фарзандларига нима етишмас экан ҳайронман. Олий маълумотли, зўр мутахассис бўлсалар. Ҳурматлари ҳам етарлича. Одамлар уларнинг ҳаётига ҳавас қиласилар. Кеча Ҳамид акамни кўргани дадам билан касалхонага бордик. Касалхонада Бўзахўр қишлоқлик синфдошим Сайфуллаев Исломни учратдим. Ислом мотоциклда кетаётиб автобусга урилибди. Онасининг ёлғиз фарзанди. Ҳудо бир сақлабди.

20.07.1991.

Шарқда бир мақол бор: “Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер”. Бу мақолга аждодларимиз ҳар доим амал қилиб келганлар. Афсуски ҳозирда унга амал қилмай қўймоқдалар. Масалан, 19 июль куни Бўзахўр қишлоғидаги синфдошим Йўлдошев Ҳусаннинг никоҳ тўйи бўлди. Тўйнинг охирида жанжал юз берди. Хуш кайфиятимиз расво бўлди. Муаттархон синглим университетга кириш имтиҳонини топшира бошлади. Тўнғич синглим Дилафрўзни қўшни маҳалладаги мендан бир ёш катта Дилшод Ҳакимовга унаштирмоқдалар. Август ойида тўй бўлади.

Кимё аммам учинчи ўғли Иброналининг тақдиди учун астойдил қайғурмоқда. Эшитишимга қараганда Ибронали биринчи имтиҳонни “3” баҳога топширган эмиш. Аммамнинг катта фарзандлари Ҳайдар акам ва Ботир акам рўзғор ташвишлари билан овора бўлиб қолиб улар учун олийгоҳга кириш армонга айланганди.

23.07.1991.

Ҳар сафар ҳам одамнинг айтгани бўлавермайди. 22 июль куни синглим Муаттархон билан иккинчи имтиҳонни топширгани борсак, биринчи имтиҳондан ўта олмагани маълум бўлди. Синглим имтиҳондан ўта олмагани учун анча йиғлаб олди. Мен ҳам йиғладим фақат ичимда. Синглимни ўқишга киришини жуда истаган эдим. Университетда курсдошим Маруф билан кўришдим. Бизни кундузги бўлимга ўтказиш масаласидаги сўровимиз 1 августда кўриб чиқилар экан. Шу куни Андижонга кетдим. Чунки Муаттарнинг ҳолатидан онам ҳам қаттиқ қайғураётган эди. Мен шундай вазиятда уйда яқинларимни ночор ҳолатини жимгина кузатиб туролмас эдим. Ўзимни бир оз чалғитмоқчи бўлдим. Андижонинг Избоскан районидаги Мичурин совхозида истиқомат қилувчи қадрдоним Абдуғаффор Зайнидиновнинг хонадонига бордим. У ерда Абдуғаффор ва унинг синфдошлари Аҳрор ҳамда Муроджонлар билан сухбатлашиб ўтиредик. Ҳарбий хизматга кетгунимга қадар синфдошим Бахтиёр Исмоилов туфайли мен бу йигитлар билан танишиб, дўстлашишга ҳам улгурган эдим. Абдуғаффор ҳам Андижондаги чет тиллар олийгоҳига ўқишга кирибди. Эрталаб яна уйга қайтдим. Келсам сигиримиз болалабди. Шуларни ёзар эканман кундалигим борган сари зерикарли бўлаётганлигини тушундим.

26.07.1991.

Ҳар бир инсон умри ўтган сайин ўзидағи камчиликларни, қилган хатоларини англаб бораркан. Мен ҳам тобора ўзимни ким эканлигимни билиб бормоқдаман. Яқинда “Ёш ленинчи” газетасида бир мақолани ўқиб қолдим. Бу мақолада ёзилишича, қадимги ҳинд донишмандларининг фикрига кўра одам ўлганидан сўнг унинг руҳи бирон бир ҳайвон

танаисига ўтиб қайта ўша ҳайвон қиёфасида дунёга қайта келаркан. Қизиқ ўғри, фирибгар ва муттаҳамлар қайси ҳайвон қиёфасини оларкан. Совхозимиздаги каттаю кичик ҳозир дәхқончилик билан машғул. Дадам “бу йил пудратчи бўлсак, кўпроқ ер олсак” деган фикрда. Албатта бу таклиф яхши. Аммо бизнинг оиласида ким эртаю кеч дәхқончилик билан шуғулланади. Барчамиз ишда бўлсак. Шу жихати муаммо бўлмоқда.

29.07.1991.

Яқинда Аллоҳнинг Ҳабиби Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ҳақида фильм кўрдим. Бу фильм менда жуда чуқур таассурот қолдириди. Пайғамбаримиз умрининг сўнгги лаҳзалиригача “Умматим”деб яшаб, бу дунёning хою ҳавасларидан юз ўтириб яшаган бўлсаю, унинг бугунги умматлари ул зотдан ибрат олишмасая...

Бугун дадам ва Кимё аммамни ўғли Ботир акам билан Қўқонга Пединститутга кетишди. Маълум бўлишича, Кимё аммамни ўғли Ибронали нимадир сабаб бўлиб, навбатдаги имтиҳонга етиб бормаган. Хуллас Иброналиниң тақдирида талаба бўлиш ёзилмаган шекилли.

01.08.1991.

Ёз фаслининг сўнги ойи бўлмиш августнинг биринчи куни бошланди. Бугун эрталаб Фарғонага кетдим. ФарДУга бориб курсдошим Маруф билан учрашдим. Иккимиз ўзбек тили ва адабиёти факультети деканатимизга бордик. Лекин у ерда ҳеч ким йўқ экан. Сўнгра проректор А.Мадғозиев билан учрашдик. У бизни кундузги бўлимга ўtkазишимизга розилигини ва зудлик билан ҳужжатларни тайёрлашимиз кераклигини айтди. Энди навбат ҳужжат тайёрлашга. Кундузги бўлимда жуда ўқигим келяпти. Ҳозир уйда Ботир акам билан

ремонт ишлари билан машғулмиз. Ботир акамга жуда ачинаман. Қанийди менда имконият бўлсаю Ботир акамни бирон бир олийгоҳга киргизиб қўйсам.

Бугун Қумри энамнинг маъракаси. Онам маърака бўлаётган жой, яъни Қалинпўстин қишлоғидаги Йўлдош тоғамникига кетди. Бир неча кун олдин яшаб турган инсон бугун йўқ бўлиши қанчалик аъламли ҳолат. Бу дунёда яшашни ўзи катта баҳт.

Эй биродар бўлма ношукр,
Яшамоқни ўзи катта баҳт.
Қайси киши тўйибди ахир
Бу дунёда яшамоқдан айт.

04.08.1991.

Август оии биз учун меҳнат ойидир. Ҳозир қулпиной кўчатларини ўтқазяпмиз. Ўтган куни онажоним қаттиқ оғриб қолди. Тез ёрдам ҳам чақирдик. Яхшиям қўшнимиз Муборак опанинг борлиги. Муборак опа керакли дориларни тайёрлаб ичқазди. Шундай сўнг онам ўзига келди. Ён қўшни жон қўшни деб бежиз айтмаган эканлар. Шу куни курсдошим Анвар Мамасаидов тўйга айтиб кетди. Анвар Куванинг Гумхона қишлоғидан. Тўй 6 нчи август куни экан.

Кеча бир хабар эшийтдим. Яхши кўрган йигитига турмушга чиқаётган қиз тўйдан бир кун олдин йўлдан ўтаётган чоғида машина уриб кетибди. Ҳозир қиз оғир аҳволда касалхона экан.

Муҳаббатнинг йўллари олис,
Етолмайман қанча юрмайин.
У кўқдаги порлаган юлдуз,
Етмас қўлим ҳарчанд чўзмайин.

07.08.1991.

5 август куни университетга боргандим. Маруф иккимиз кундузга бўлимга ўтказишга оид ҳужжатларимизни тўғрилаб топширдик. Шу куни Маруфни ҳам мени ҳам кайфиятимиз кўтарилиди. Декан ўринбосари М.Мирзаев аризамизга қўл қўйиб берди. Энди 12 августни кутмоқдамиз. Ўша куни ҳаммаси аниқ бўлади. Анварнинг тўйига курсдошлардан ёлғиз ўзим бордим. Тўйда янги танишларни орттиридим. Тўйдан сўнг Анварнинг синфдошларининг бирини уйида ётиб қолдим. Эртаси куни уйга қайтиб келдим. Ёшлар баҳтли бўлишсин.

Кулпинойни экиб бўлдик. Энди навбат уйни ремонт қилишга.

10.08.1991.

Ҳадиси шарифда “Ғазаби келганда ғазабини боса олган энг кучли одам энг кучли одамдир” дейилади. Мен ҳар доим ҳам ғазабимни боса олмай қоламан. Арзимаган ишни деб жаҳлим чиқиб кетаверади. Кўча-кўйда кетаётганимда ҳам ўслириналарнинг беъмани гап-сўзларидан хуноб бўламан. 8-август куни совхозимизда Абдурашид исмли йигит уйланди. Тўй яхши, энг муҳими жанжалсиз ўтди. Тўйдан қайтгач Адҳам билан хитойлик шарқ якка кураши усталари ҳақидаги фильмни томоша қилдик. Фильмни кўриб жуда таъсирландим. Қанийди мана шундай моҳир жангчи бўлсам. Куч-кудратимни фақат эзгулик йўлида сарфлар эдим.

Адолатли бўлади ҳар жанг
Рақибларга бераман зарба.
Ёвузларни ҳолин этиб танг,
Ожизлари қилгум ҳимоя.

13.08.1991.

“Юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин” деб бежиз айтилмаган экан. Шанба куни андижонлик қадрдоним Абдуғаффор келди. Якшанба куни Абдуғаффор менга бозорда пиёз сотишга ёрдам берди. Ҳар кимда ҳам менинг дўстларимдек дўстлар бўлмаса керак. Шуни куни кечки вақт Адҳам, Абдуғаффор ва мен ярим тунгача сухбатлашиб ўтиридик.

Синглим Дилафрўзниң тўй сарф-харажатлари учун кўп пул керак бўлганилиги сабабдан шу куни катта новвосимизни ҳам сотдик.

Кеча Абдуғаффор билан ФарДУга бордик. Абдуғаффорга ўзим таҳсил олаётган илм масканини кўрсатдим. Сўнгра мен Маруф билан Абдуғаффорни вокзалдан Андижонга кузатиб қўйдик.

Маруф билан менинг ишим яна ҳал бўлмади. 15 август куни келинглар дейишиди.

16.08.1991.

Бугун тўнгич синглим Дилафрўзни никоҳдан ўтадиган куни. Вақт жуда тез ўтаркан. Кечагина қизалоқ эди. Бугун эса турмуш қурмоқда. Мен синглим Дилафрўзни никоҳ куни кийган келинлик оқ либосига бир умр доғ туширмай юришини, ҳаёти шундай нурли бўлсин. Бир умр турмушига садоқатли бўлсин. Кеча яна ФарДУга боргандим ишларим ҳал бўлмади. Кеча қўшни совхоздаги шофёр Қобил aka оғриб қолгани учун дадам билан “Тез ёрдам”га олиб бордик. “Тез ёрдам”да синфдошим Ҳакимани учратдим. Аллоҳ шу синфдошимни умрини узоқ қилсин. Синфдошлиқ ҳаққи ҳурмати шуни айтишим керакки, синфдошларим ичида энг ҳурматга лойик инсонлардан бири айни шу синфдошимдир.

19.08.1991.

Бу кун, яъни 19 август мен учун энг ёмон кунлардан бири сифатида хотирамда мухрланиб қолди. Чунки мени кундузги бўлимга ўтиш ҳақидаги орзуим чиппакка чиқди. Синов дафтарчамида “3” баҳоимиз бўлгани учун Маруфни ҳам, мени ҳам кундузги бўлимга ўтказиш борасидаги аризамиз комиссия томонидан батамом рад этилди. Начора пешонамда сиртқи бўлимда ўқиш ёзилган экан. Бу ҳолат Маруфга шу қадар ёмон таъсир қилди, яхшиси гапирмаганим маъқул.

Кеча мамлакат президенти М.Горбачев ҳам ўзининг мартабасидан кетди. ТВдан шундай хабар эълон қилинди. Мамлакат фавқулодда ҳолатда. Янаев президент ўрнида турибди. Энди халқнинг аҳволи қандай кечади. Бу фақат Худога аён.

Ўтган куни мен ишлаётган мактаб директори О. Усмоналиев мактабга келишимни сўраб хабар юборганида “Бундан кейин мактабда ишламайман”, деб айтгандим. Энди бўлса яна мактабга ишга қайтмоқдаман. Бошқа ишни қидириб кўриш керак бўлмоқда. Кеча уйимизга тўй масаласида қишлоқ оқсоқоллари келишди. Синглим Дилафрўзни тўй куни ҳам яқинлашмоқда.

22.08.1991.

19-22 август кунлари тарих сахифаларида қоладиган бўлди. Чунки мамлакатда тузилган янги ҳукумат аслида давлат тўнтариши натижасида давлат тепасига келган экан. Бу янги ҳукумат фақат 3 кун яшади, холос. М.Горбачев яна президентлик курсига ўтирди. Москвада тантана қилинмоқда. Янги ҳукумат вакиллари қамоқقا олинди. Агар бу ишларга ўзимни нуқтаи назарим билан сиёсий баҳо

берадиган бўлсам мамлакат гражданлар уруши остонасида турибди.

Эртага синглим Дилафрўзниг тўйи. Шу сабабдан бугун сира дам олмай ишладим.

25.08.1991.

Синглим Дилафрўзни тўйини ҳам ўтказдик. Мана энди тинчгина ухляяпман. Тўй баҳонасида мен дўстларимни асл кимлигини билиб олдим. Тўй куни дўстим Адҳам ҳам андижонлик қадрдоним Абдуғаффор ҳам арзимаган баҳона билан куёв томондаги тўйга мен билан бирга боришмади. Мен бундан муносабатни сира улардан кутмагандим. Аслида уларнинг ёнимда бўлишларини тўй шодиёнасини бирга баҳам кўришни жуда истаган эдим. Наилож эҳтимол бу ҳолатни содир бўлишига балки ўзим айбордирман. Майли ҳали ҳаёт олдинда уларни кечираман.

Ҳозир далада дехқончилик ишлари билан овораман. Тўй билан овора бўлиб дала ишлари қолиб кетганди. Кеча совхозимиизда синфдошим Нодира Толипованинг ҳам тўйи бўлди. Эртага яна бир синфдошим Раҳматнинг тўйи бўлади. Барча синфдошларига баҳт тилайман. Тинчлик ва тотувлиқда умр кечиришсин.

31.08.1991.

Мана ёз фаслининг охирги куни ҳам ниҳоясига етди. Бу ёз фасли ичида менинг ҳаётимда қандай ўзгаришлар бўлди? Ўйлаб кўрсам ҳеч қизиқарли ёки ёдда қоладиган бирон бир воқеа бўлгани йўқ. Умид қиласманки кириб келаётган шу куз фаслида ҳаётимда ижобий ўзгаришлар бўлиб қолар.

Энди уч ичида бўлиб ўтган ишлар ҳакида гапирсам. Дадам ўз хохиши билан ишдан бўшади. Чунки дадамнинг фидойилиги, эртадан кеч давлатнинг иши деб юрганлиги,

ҳалол меҳнатини қадрига етишмади. Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан бири шу эканки, “Ишлаган нон тишлилайди, ишламаган нон тишилайди”. Дадамнинг ўрнида бошқаси бўлганида, қўлидаги имкониятларидан шахсий манфаати йўлида фойдаланган бўларди. Дадам бўлса бундай қинғир ишларга қўл урмади.

03.09.1991.

Куз ойи ҳам бошланди. Куз ойининг 1-сентябр куни ўзбек халқи учун унтуилмас байрам, яъни мустақилликка эришган кун сифатида тарих саҳифасига кирди. Ўзбекистон ўз эркига ўзи ҳоким бўлди. Узоқ ўтмишда эришган тамаддуnlари, муваффақиятлари яна Ўзбекистонга қайтиб келса.

Бугун Янгичек қишлоғидаги синфдошим Мамадали Умрзоковнинг никоҳ тўйи бўлди. Тўйда шу қишлоқлик синфдошим Шерали Омонов билан бирга астойдил хизмат қилдик. Шу куни лоторея сотиб олдим. Қанийди лотореяга ютуқ чиқиб бизни оила ҳам бойиб кетса.

06.09.1991.

Бўш қолдим дегунча бадиий китоб ўқишга берилиб кетаман. Юрагим тубида яширин ётган сирларни асар қаҳрамонларига айтиб дардлашаман. Бугун ҳам “Қилич ва қалқон” романини ўқиб чиқдим. Бу асар буюк совет разведкачиси Иоган Вайс лақабидаги Александр Беловни уруш вақтида фашистлар орасида олиб борган фаолияти ҳақида ҳикоя қиласи. Бу асар ва шу номдаги фильмни ҳам яхши кўраман. Асар қаҳрамони уддалаб бўлмас топшириқларни ҳам маҳорат билан бажарди. Узоқни кўра оловчи, ўта ҳушёр қаҳрамон. Душманнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатади ва кескин чоралар кўра билади. Александр Белов Она Ватани тақдири учун ўзини ҳаётини доим хавф остига қўйиб яшаган.

Бугунга келиб бундайларнинг хизматлари арзимасдек туюляпти.

09.09.1991.

Мактабда энди сира ишламасам керак деб ўйлагандим. Аммо тақдир мени янги синовлар билан сийлади. Мен совхозимизга қўшни бўлган Бўрдоқчилик базасидаги 37-мактабга 37-мактабга ишга киряпман. Бу мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераман. Бу фандан ўзи ишлаган 31-мактабда ҳам иш бор эди. Бироқ аввал 37-мактабда иш ўргани сўнг ўзимизни мактабга қайтишни қарор қилдим. Ҳозирда ўзимизнинг мактабда ишлар анча оғир. Чунки янги мактаб биносига кўчиб ўтиш керак ва билан боғлиқ бир қанча муаммолар бор. Аслида бундай вактда мактаб жамоасини ташлаб бошқа мактабга кетиш номарднинг иши бўлади. Лекин мени кетишдан бошқа чорам қолмаганди. Ахир ўз касбимни яхши билишим учун тажрибали устозларнинг ишини ўрганмасам бўлмас экан. Шуларни ўйлаб 37-мактабга ишга ўтмоқдаман. Бугун хизматдошим Равшан Назиржонов уйимизга келди. Унга пайванд учун куртак керак экан. Анча гаплашдик.

Онам 31-мактабга илмий мудир этиб тайинланди. Аслида дарс бергани яхшироқ эди. Чунки илмий мудирнинг вазифаси эртадан то кечгача мактабдаги ўқув жараёнига жавоб беришдир. Бундай иш одамни ғоят чарчатиб, асабларига ҳам салбий таъсир қиласди. Онамнинг соғлиғи биз учун жуда муҳим.

12.09.1991.

Шундай қилиб ўқитувчи деган мақомга ҳам эга бўлдим. Ўқитувчи бўлиш юксак шараф. Энди бу шарафли номга доғ туширмаслигим керак. Менга иккита 6-синфнинг дарсини беришди. Дарс соатларим ҳафтада 18 соат. Бугун 6 “а” –

синфга дарсга кирдим. Дарс берар эканман ўкувчилар билан жиддий муносабатда бўлишим керак экан деган холосага келдим. Мактаб директори Обиджон Фофуров “Нодирбек сиз энди бизнинг ишонган ўқитувчимиз бўласиз”, деди. Демак бундай юксак ишончни оқлашим керак. Мактабдаги ўқитувчилар жамоаси жуда аҳил. Энди қўпроқ ўз устимда ишлашимга тўғри келади. Мактабда уч нафар аёл ўзбек тилидан дарс беришар экан. Мен шулардан иш тажри-баларини эринмасдан ўрганишим зарур. Ҳозир мактабга пиёда бориб келяпман. Биринчи маошимдан велосипед оламан. Бугундан бошлаб зерикишга сира вақтим бўлмайди. Чунки ҳар куни ишдаман.

19.09.1991.

Кундалигим орада уч кун ёзилмай ҳам қолди. Ёзгани вақтим бўлмади. Шундай қилиб 37-ўрта мактабда ишлаёт-ганимга бир хафтадан ошди. Бир ҳафталик фаолиятим давомида кўп нарсани тушуна бошладим. Ўқитувчи касбини эгаллаган инсон ҳар томонлама етук бўлиши керак экан. Ҳозир 5-синфларга ҳам дарс бера бошладим. Ушбу синфларга дарс берадиган ўқитувчининг фарзанди оғриб, касалхонага тушиб қолди. Шу сабабли вақтинча 5-синфларга дарсга кира бошладим. Ўқувчилар бу синфларда анча тўполончироқ экан. Ўзим ҳам уларга дарс ўтишда қониқмаяпман. Бир соатлик яхши бир дарс, бир яхши асар билан тенгdir. Шундай экан мен ўтаётган дарсларимни юксак савияда бўлишини истардим. Баъзан мендан яхши ўқитувчи чиқишига шубҳа билан қарайман. Баъзан эса бошқа ўқитувчилардан қайтим кам. Ахир мактабда яхши ўқиган бўлсам, ҳарбий хизматда – Афғонистон диёрида синовлардан ҳам ўтган эканман, демак яхши ўқитувчи бўлишга муносибман деган ўйга ҳам бораман.

Орадан ўн кун вақт ўтса ҳамки, кундаликни ёзишга қўл урмадим. Шу ўн кун ичида нималар бўлди. Мактабдаги ишларим ёмон эмас. Ўтган куни дарсимга таҳлилга кирган немис тили ўқитувчиси Ҳамидахон Усмоналиева “Дарс ўтишингиз яхши”, деб мени мақтади. Бу мақтовни мени рухлантириш учун айтилган мақтов деб тушундим. Кеча биринчи марта 130 сўм ойлик маошимни олдим. Ўзинг ишлаган пулни ота-онангта бериш жуда завқли бўларкан. Кеча совхозимизда мендан бир ёш катта Мўсо Ҳайдаровнинг никоҳ тўйи бўлди. Шу куни қўшни Бўзахўр қишлоғида Нурали ака деган киши Даврон исмли 18 ёшли ўғлини тупроққа топшириди.

Шу куни ҳаво айниб ёмғир ёға бошлади. Мен ёмғирни яхши кўраман. Ёмғир инсон қалбидаги ғуборларни юваётгандай. Қолаверса, ёмғир вақтида йиғлаб олсанг одамлар кўз ёшини сезмай қоладилар. Бундай пайларда шоир Чўлпоннинг ушбу шеърини ёдга оламан.

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман,
Эрк эртакларини эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман.
Бошқада қанот бор, кўкка учадир,
Шохларга қўнадир, боғда яйрайдир-
Сўзлари садафдек, товуши найдек-
Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.
Менда-да, қанот бор, лекин боғланган...
Боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор:
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Куйим бор... уни-да деворлар тинглар...
Эркин бошқалардир, қамалган менман,
Ҳайвон қаторида саналган менман..

03.10.1991.

Кузнинг иккинчи октябр ойи ҳам кириб келди. Кунларни қандай ўтаётганини сезмай қолмоқдаман. Мактабда ҳар куни 4-5 соат дарс ўтаман. 2 та 6-синф, ҳамда битта 7-синфга дарс бераман. Баъзан хулқи ёмон ўқувчиларга қаттиқ тегиш керак бўлади. Менга ёши катта ўқитувчилар “қаттиқроқ бўлинг” дейишлирага қарамай ўқувчиларга нисбатан қаттиқ қўл бўлолмаяпман. Эҳтимол йиллар ўтиб ҳаётни ўзи мени қаттиқ қўл қилиб қўяр. Ўйлаб кўрсам ҳали анча ёшман. Мен уч-тўрт йил ичида билимим ошиб, тажриба ва малакам ортиб яхши устоз деган номни оларман. Ҳозир дадам янги ташкил қилинган совхозга ишга ўтиб кетди. Дадамнинг ҳам асаблари чарчаган. Шу сабабдан тинчроқ, ташвиши камроқ жойда ишламоқчи. Ахир умрини ярми у ташкилотда бу ташкилотга бориш келиш билан ўтди. Совхозимиздаги ободончилик ва қурилишлар учун оиласизнинг топган даромади сарф бўлинди. Аммо ҳеч ким бунинг учун дадамга лоақал раҳмат ҳам демади.

22.10.1991.

Орадан 20 кун ўтди. Шу 20 кун ичида бирон марта кундалигимни қўлимга олмадим. Сабаби ўтган кунларимда маъно йўқдек ва ёзишга арзигулик иш бўлмагандек. Совхозимизда синфдошим Ислом Тожибоевнинг никоҳ тўйи бўлди. Келин қўшни Янгичек қишлоғидан. Синфдошимиз Ёрқиной Ўринбоевнинг синглиси экан. Эртаси куни бузоғимиз ўлиб қолди. Уйдаги ягона бузоғимиз эди. Шу бузоқни сотсак рўзғордаги камчиликларни тўлдирамиз деган ниятда эдик. Мактабда дарс ўтятману хаёлим ўлиб қолган бузоғимизда.

25.10.1991.

Машхур одамлар ҳар вақт ўзларининг оламшумул ишлари билан барчани ҳайратда қолдирғанлар. Шу ёшимга кириб мен бирон кимсани ҳайратда қолдирадиган иш қилиганим йўқ. Лекин қилаётган ишларимдан кимдир ҳайратланмаса ҳам ҳеч бўлмаса хурсанд бўлиши керакку?! Кеча дарслардан чарчаб, уйга нохуш ҳолатда қайтгандим. Бугун эса кайфиятим яхши. 23 октябр куни синфдошларим билан бизнинг уйда ўтиридик. Не-не давралар ва зиёфатларда ўтирган бўлсамда, синфдошлар билан бирга ўтирган кечалар ёқади. Чунки болалик ва ўсмирилик даврим билан боғлиқ гўзал хотираларим синфдошлар билан ўтган.

Хозир вақтинча 6 “а”- синфга раҳбарлик қилмоқдаман. Ушбу синфдаги Мамазияева Рўзихон, Фаниева Гулмира ҳамда Ниёзова Камола исмли аълочи ўқувчилар мени дарсларимда фаол қатнашадилар. Бу синф ўзи бошқача. Шу синфга кирганимда кайфиятим кўтарилади. Ёмон ўзлаштирадиган ўқувчининг ўзи йўқ. Барчасида ўзига хос ажойиб фазилатлар бор. Дарс қандай тугаб қолди билмай қоламан ва чарчамайман ҳам.

4.11.1991.

Мана куз фаслини сўнгги ноябр ойи ҳам кириб келди. Октябр ойи мен учун қандай ой бўлди десам, ўтган ой кўпроқ яхши кунларга бой бўлган экан. Ноябр ойини ҳам файзли кунларга бой бўлишини жуда истардим. Элу юрт тинч бўлсин, оиласиздагиларнинг ҳам барчаси тинч ва саломат юришсин. Хозир ўқувчилар учун кузги таътил. Бизга эса иш. Кува туман марказига бордим. Йўлда синфдошим Шерали Омоновни учратдик. Иккимиз бирга редакцияга ўтиб, мақоламни ташлаб қайтдик. Бугун кеч пайт Олимжон амакимнинг уйига бордим. Учинчи ўғли Набижон ҳарбий

хизматдан қайтгандан сўнг бу иккинчи боришим. Уйда амакимнинг ўзи экан. Амаким билан анча вақтгача гаплашиб ўтиридик. У менга бобом Абдулаҳад охунд қандай қилиб илм олиб, мулла бўлгани ва нега бир муддат Тожикистон томонларда сургунда яшаганлигини айтиб берди.

Ноябрда синфдош дўстим Баҳтиёр Исломов ҳарбий хизматдан келади. Адҳам ҳам ўқишида. Абдуғаффор ҳам ўқишига киргач келмай қўйди. Дўстона оқибатларимиз шу билан хотимасини топганга ўхшайди. Бугун кечаси билан ёмғир ёғди. Қишининг совуқ нафаси сезилиб қолди. Бугун Қувада онамнинг синфдоши Мушаррафхон холанинг ўғли, болаликдаги ўртоғим Авазхонни учратдим.

18.11.1991.

Кунлар жуда тез ўтмоқда. Шу кунлар ичида нималар бўлди. Мактабда баъзан сиқилиб қолиб ишлагим келмай қолади. Баъзан аксинча жуда ишлагим келади. Яқинда мактабимизнинг ўқитувчилари норозилик сифатида “иш ташлаш” қилмоқчи бўлдилар. Чунки бундай ҳолатлар бошқа мактабларда ҳам юз бермоқда. Асосий сабаб ўқитувчининг ойлиги жуда оз, бундай маош билан кун кечириб бўлмайди. Қолаверса, кундан кунга нархлар ўсиб қимматлашиб бормоқда. Бу эса айнан ўқитувчиларнинг ҳамёнига таъсир қилмоқда. Иш ташлаш юзасидан мактабда йиғилиш бўлди. Йиғилишда маслаҳатлашиб, шароитни ўрганиб кейин иш ташлашга қарор қилдилар. Бу вақтда мактаб директори О.Фофуров Чимён сиҳатгоҳида эди. Уни кўрганим ҳам бордик. 13 ноябр куни синглим Дилафрўзнинг турмуш ўртоғи куёвимиз Дишодбек аварияга учраб оёғи синибди. Ҳозир касалхонада ётибди. “Қува ҳаёти” (аввалги “Ленин байроғи”) газетасида мақолаларим босилиб турибди. Ҳозир “жамоатчи мухбир”ман. Кеча Бўзахўр қишлоғидаги синфдошим Ислом

Сайфуллаевнинг никоҳ тўйи бўлди. Келин қувалик қадр-
донимиз Аҳмадалининг синглиси экан.

Бугун ажойиб хосиятли туш кўрдим. Тушимда баланд
чўққига чиққан эмишман.

05.03.1992.

Қарийийиб тўрт ой ичида кундалик ёзишга қўл урмадим.
Ёзиш учун менда сира хошиш бўлмади. Бугун кундаликни
варақлар эканман, ёзиш керак деб тушундим. Шу ўтган тўрт
ой ичида нималар бўлди.

2 феврал куни риштонлик курсдошим Маруф Ҳолик-
назаров уйланди. Совхозимиздаги 31-мактаб директори
бўлган Одилжон Усмоналиев ҳозир мен ишлаётган 37-
мактабга директор этиб тайинланди. Садди холамнинг ик-
кинчи ўғли Мурод акам машинасида авария содир қилди.
Д.М. Смелянский билан яна учрашдим. Қува тарихи ҳақида
материал тўплай бошладим. Мактабда ишим кўп. Ҳар куни
5-6 соатдан дарс бераман. Акбаробод қишлоғидан тажрибали
устоз Раҳмонали Ҳакимовни 37-мактабга она тили ва ада-
биётдан дарс бериш учун олиб келишганди. У ҳам малака
оширишга кетиб қолди. Унинг дарсларини ўтиш менга
қолди. Баъзан жуда чарчаб кетаман. Наилож чидашим керак.
Мактабда дарсларни тугашига ҳали яна уч ой вақт бор. Бугун
рўза ойининг биринчи куни бошланди. Бу йилги баҳор
фаслини ажойиб, унутилмас кунларга бой бўлишига умид
қиласман.

09.03.1992.

Баҳор келишини қанчалик орзиқиб кутган эдим. Ҳозир
бўлса баҳорни қандай ўтиб кетаётганини ҳам сезмай қоляп-
ман. Кеча чекимиздаги томорқани кўчат экишга тайёладим.

Бугун ёмғир ёғди. Икки кундан бери дадам уйда касал ётибди. Худойим ўзин шифосини бергин.

Баҳорда ишлар кўпаяди. Шу билан бирга одамлардаги орзу-умидлар ҳам қайта тирилади. Менинг орзуим харобага айланган Қува тепалигини тарихини ёзиш.

Қаршимда тепалик, кўхна тепалик,
Асрлар қаърида сукутга чўмган.
Аччиқ қисматини айтолмай шўрлиқ,
Наҳот жим турмоққа маҳкум этилган.

Бу тепалик не-не буюк зотларга, азиз-авлиёлар, алломаларга бешик бўлган. Лекин биз бундан бехабармиз. Ҳеч ким уларни тарихини билмайди. Натижада ҳеч ким уларни яхши ном билан эсламайди.

Яхши сўз айтмоқлик марҳум ҳақига
Савобдир болажон ёдингда сақла.
Ҳаётдан узилган ёшми ё кекса,
Номларин унутмай бирма-бир эсла.

02.04.1992.

Кундалигимни ёзмай қўйганимга ҳам 24 кун бўлибди. Шу 24 кун ичида нималар бўлди. Мактабда учинчи чоракни тамомлаб, тўртинчи чоракни бошлаб юбордик. Бир ҳафта баҳорги сессияда бўлдим. Баҳорги сессия қизиқ бўлмади. Аслида бу сессияни жуда орзиқиб кутгандим. Чунки мактабдаги дарслардан зерикиб қолгандим. Шу ўқиш кунларини ўтиб кетишини сира истамагандим. Аммо қандай тамом бўлганини сезмай қолдим. Бинобарин ўқишга борган вақтимда ўзимни эркин ҳис қиласман. Ташибишлардан оз бўлсада, бир муддат холи қоласман. Мен, Маруф, Қахрамон учовимиз яна доимгидай аввал турган уйимизда бир ҳафта ижарада яшадик. Баҳорги сессияда 2 та назорат иши ва 2 та синов бўлди. Худога шукр қарзим йўқ. Ўқиш бошланган куннинг

Эртасига 24 март куни ўзбек тили филология факультетини 5-курс талабаси, истеъдодли қаламкаш Ғайратжон Мелибоевни фожиали ҳалок бўлганини эшитдик. Маълум бўлишича, бу йигит талабалар ётоқхонасига келган безорилардан университет қизларини мардларча ҳимоя қилган. Бироқ безорилар номардларча унинг танасига пичоқ урганлар. Оғир жароҳатдан кўп қон йўқотган Ғайратжон Мелибоев охир оқибатда касалхонада вафот этган. Унинг курсдошлари университет ҳовлисида Ғайратжон Мелибоевни хотиралаб йигин ўтказдилар. 5-курс талабаси Абдулла Асроновнинг Ғайратжон Мелибоев ҳақидаги оташ сўзлари бизни ҳам ҳаяжонлантириб юборди. Марҳумнинг ёлғиз онасида жуда ачиниб кетдик. Назаримда бу йифиндан университет маъмурияти қўрқиб кетди. Чунки сўзга чиқсан айрим ўқитувчиларнинг аҳволини кўриб шу хулосага келдим.

28.04.1992.

Уч ҳафта кундалигимни қўлга олмадим. Доимгидек дарсларимни кўплиги ва кунларимни маъносиз, зерикарли ўтаётганлиги сабабли кундаликка сўз ёзгим келмади. Ҳар ўтган кунимдан маъно излайман. Аммо самарасиз. Кунларни бундай зерикарли ўтаётганлигига мени хулқим ҳам сабабчи бўлса керак. Атрофимдагиларни қадрлай олмаганим учун улар ҳам менга кам эътибор берсалар керак. Натижада ёлғиз қолиб зерикаман.

Апрел ойида уч марта ФарДуга бордим. Иккита синов топширдим. Ўзбек тилидан имтиҳон бўлди ва мен имтиҳондан “4” баҳо олдим. Хайрият ёзги сессия оралиғигача фанлар бўйича қарзим қолмади.

Синфдош дўстим Баҳтиёр Исмоилов Фарғона шаҳрида жойлашган тўқимачилик комбинатига, яъни текстилга ишга кирганди. Ўша иш жойидан бўшаб кетибди. Одатда қишлоғимизда бирон бир йигит уйланиш учун ўзига муносиб қиз

тополмаса, яъни тенгти чиқмаса шундайларга “Текстилга киргин. У ерда қизлар кўп. Бахтинг албатта очилади”, деган гапни айтишади. Чиндан текстилда турмуш қурмоқчи бўлган қизлар кўп. Ишга кирган йигитлар тез орада ўзи билан бирга ишлаётган қизга уйланиб оила қуришганлигини кўп марта гувоҳи бўлганмиз. Бахтиёр совхозимизда очилган концерва цехига ишга кирди. Синфдошим Янгичек қишлоқлик Фофуров Маруф уйланди Совхозимиздаги тенгдошим ва қадр-доним Ортиқов Таваккал ҳам уйланди. Таваккални жуда ҳурмат қиласман. Содда ва самимий, қўли очиқ йигит. Мендан бир ёш кичик. Афсуски мана шундай покиза инсонлар бошқаларни ҳам ўзларига ўхшатадилар. Шу сабабдан алданадилар, азобланадилар.

11.06.1992.

Вақт шу қадар тез ўтмоқдаки, баъзан гўё тўхтаб қолгандек туюлади. Кундаликни яна ёзишга икки ой ўтибина жазм қилдим. Бугун 11 июн. Мактабдаги дарслар тамом бўлганига 2 ҳафтадан ошди. Ҳозир ремонт билан бандмиз. Сарҳисоб қилиб қўрсам салкам бир йил давомида ўқувчиларга дарс берибман. Мана шу вақт мобайнида ўзим ҳам болалардан катта сабоқ олдим. Айниқса 37-мактаб жамоаси орасида ишлаш мен учун осон кечди. Аҳаджон Полвонов, Эгамберди Намдамов, Одилжон Фофуров сингари устозларнинг доимо қўллови натижасида ўзимни анча эркин ҳис қилдим. Мен дарс берган 6 “а” ва 6 “б”-синфларда ҳам мени тушуна оладиган ўқувчилар топганимдан баҳтиёрман. Авваллари сал нарсага сиқилган бўлсам, кейинчалик сиқилмасликнинг йўлларини, қийинчиликлар ва муаммоларни бартараф этишнинг чораларини излай бошладим. Мактаб мен учун ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилди.

Мен кундалигимда юрагимдаги барча гап-сўзларни ҳам ёзаётганим йўқ. Вақти келиб қандай одамлар кундалигимни

ўқийди, бу менга қоронғу. Шу сабабдан барча ўқиши мумкин бўлган нарсаларнигина қоғозга туширмоқдаман.

19.06.1992.

Кимки яхши бир холис ният қилса, албатта ниятига етишади. Мен мана бир йилдирки, Қувамиз тарихига қизиқиб қолиб, Қува тарихига оид маълумотларни излаётган вақтимда мени Фарғона вилоят ўлкашунослик музейига ишга таклиф қилишди. Мен бу таклифнинг ҳеч иккиланмай таклиф қилдим. Чунки айнан шундай жойда ишлашни орзу қилгандим. Ваниҳоят кўнгилимдаги ишни топдим. Бунинг учун Худойимга беадад шукрлар айтаман. Шу тариқа мен мактаб билан хайрлашдим.

Ҳозир ўқишимда ёзги сессия бошланган пайт. Шу сабабдан Мен, Маруф, Қаҳрамон, Анвар тўртовимиз яна доимгидай аввал турган уйимида ижарада яшамоқдамиз.

12июл куни синфдошим Алишер Холдоровнинг никоҳ тўйи бўлди. Совхозимиздаги Малоҳат исмли қизга уйланди.

22.06.1992.

Ёзги сессия ҳам ниҳоясига етмоқда. Энди имтиҳон ва синовлар бошланади. Ўтган куни “Диалектология” фанидан “4” баҳо олдим. Имтиҳонни Тўйчи Турғоновга топширдик. Бугун “Ўзбек тили тарихи” фанидан М.Раҳмоновга синов топширишим керак эди. Аммо топшира олмадим. Уч марта кирдим. Аммо натижа бўлмади. Ўта олмадим. Ўқища ҳозирча янгиликлар йўқ. Курсдошим Мирзаев Қаҳрамон билан Алишер Навоий кинотеатрида намойиш этилаётган “Мен ҳукм қилинган жиноятчи” номли ҳинҷ киносини томоша қилдик.

Совхозимизда мевалар пишмоқда. Қулпинойни бегона ўтлардан тозалаяпмиз. 1 июлдан бошлаб Фарғона ўлка-

шунослик музейига ишга бораман. Энди мени ҳаётимда кескин бурилиш бўлади, деган умиддаман. Мен халқимизга маълум бўлмаган шу кунгача номаълум бўлиб қолаётган аждодларимиз тарихини юзага чиқариш борасида астойдил меҳнат қилишим керак. Мен бу ишим билан боболаримиз, момоларимиз рухини шод этишни ният қилганман. Бу қилмоқчи бўлган хайрли ишим осонликча амалга ошмайди. Агар йўлимдаги тўсиқларни енгиб ўта олмасам вақти келиб бу ҳаракатларимни келажак авлод тўғри баҳо беради, деган умиддаман.

27.06.1992.

Кеча ёзги сессиямиз ҳам тамом бўлди. Худо хоҳласа З-курс талабаси бўлдим. Бу сафарги сессия жуда зерикарли бўлди. Ёзнинг жазирама иссиғида ҳеч кимнинг ўқигиси келмайди. Шундай бўлсада, ёзнинг биринчи ойи унутилмас воқеаларга бой бўлди. Авваламбор орзуимдаги ишни топдим. Синглим Муаттархон Бўз туманидаги билим юртига ўқишга кирди. Бундан дадам ҳам онам ҳам синглимни ўқишга кирганидан кўнгиллари хотиржам бўлади энди.

Ҳар куни тушимга менга худди дўстимдек бўлиб қолган итим Бўйноқ киради. Яқинда Бўйноқни машина уриб кетди. Мен у билан одамлар билан гаплашгандек гаплашардим. Бўйноқ ҳам мени тинглаётгандек қулоқ соларди. Мана бир ойдирки у мен билан бирга эмас. Кечаси келсам ҳам Бўйноқ мени кутиб турарди. Менга эркалаб вовулларди. Балки бу сўзларим кимгадир кулгили туюлар. Бироқ Бўйноқ ҳайвон бўлсан ҳам чиндан ҳам менга дўстимдек эди. Шундай экан хафа бўлишимга сабаблар бор.

Итлардаги меҳрибонлик ҳозирда айrim инсонларда йўқолиб бормоқда. Шу сабабдан машҳур адаб инглиз драмматуруги Бернард Шоу “Инсонларни қанчалик билганим сари итларга бўлган ҳурматим шунчалик ошди. Мен

хиёнатни одамлардан, садоқатни итларни ўргандим” деган Эди.

01.07.1992.

Ёзнинг иккинчи ойи ҳам бошланди. 1 июл куни ёмғир ёғди. Шу куни Фарғона вилоят ўлкашунослик музейига ишга бордим. Мени илмий ходим қилиб, тарих бўлимига ишга олишди. Ойлик маошим 1088 сўм. Албатта олти ойлик синов билан. Мени ишга киришимга музейни илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Генаддий Петрович Иванов сабабчи бўлди. Бу одам ҳаётимда учраган энг яхши инсонлардан биридир. Унинг менга қилган яхшилигини бир умр ёдимдан чиқармайман. Шундай қилиб мен музейдаги иш фаолиятимни бошладим. Дастлаб Фарғона шаҳар тарихини ўрганишга эътиборимни қаратдим. Қўқон хонлиги тарихини ҳам ўқимоқдаман. Музей кутубхонаси нодир китобларга бой экан. Иш тугагунга қадар кутубхонадан чиқмайман. Кутубхонада археологик тадқиқотларнинг ҳисоблари, фотоальбомларининг архиви ҳам сақланар экан. Айнан шу архив маълумотлари асосида Қуванинг қадимги тарихини тадқиқ этаман. Музей кутубхонасида китобларни кўздан кечирар эканман, ҳаётда ўз ўрнимни топганилигимга амин бўлдим. Энди иккинланмай олға қадам ташлаш керак. Танланган йўлимдан четга чиқишини хаёлимга келтирмаслигим керак. Кеча Бўзахўр қишлоғидаги синфдошим Ойбек Ҳакимовни никоҳ тўйи бўлди. Шу қишлоқлик Робия исмли қизга уйланди. Мен тўйга боролмадим, атайин эмас. Шунчаки хохишим бўлмади.

11.07.1992.

Музейда иш фаолиятимни бошлаганига ҳам ўн кун бўлди. Шу қисқа муддат ичида оз бўлсада, музей ҳаёти билан танишдим.

Музейнинг ташкил бўлганига салкам 100 бўлибди. Ўзбекистондаги кекса музейлардан бири ҳисобланади. Музейда бешта бўлим бор. Булар тарих, табиат, санъат, илмий-оқартув ва фонд бўлими. Уларда жами ўндан ортиқ илмий ходим ишлайди ва буларнинг барчаси Фарғона шаҳридан.

Тарих бўлим мудири Л.Гулияниң исмли армани аёл. Мен билан тарих бўлимида бир кабинетда Сайёра Мирзаева исмли мендан уч ёш катта қиз ишлайди. У Фарғона пединститутнинг тарих факультетини тамомлаган. Музейга ишга келганига уч йил бўлибди. Фарғона шаҳрида яшайди. Бир оз бетоб экан. Нафас олганда қийналиб нафас олади. Аллоҳим ўзинг шу опага шифо бергин. Илмий-оқартув бўлими мудири Эътиборхон Ҳайдарова. Табиат бўлимида Каримахон Мелиева ва Шоирахон Юнусова ишлайди. Санъат бўлимида Лена Ладик. Бу музейга мени ишга қабул қилган Г.П.Ивановнинг турмуш ўртоғи. Фонд бўлими мудири В.Никитина. Фон бўлими ходимлари М. Тошматова, Ш. Маҳмудова, И.Марушак. Кутубхоначи Л.Долбинец исмли аёл.

Музейнинг қўлёзмалар фонида араб имлосидаги қўлёзмаларни кўриб чиқдим. Бу қўлёзмаларни тавсиф қилиш керак экан. Аллоҳим ўзинг менга бу қўлёзмаларни ўқиб, маъносини билишим учун керакли илмни бергин. Мендаги бор илмимни зиёд қилгин.

Ҳозир мисгарлик буюмлари кўргазмасини ташкил қилишга ҳаракат қиляпмиз. Аммо асосий ишим бу кутубхонада ўтириб олиб тарихий китобларни мутола қилиш.

8 июн куни онамнинг Қалинпўстин қишлоғидаги тоғаси Зокиржон Шералиев 63 ёшида юрак хуружидан бандаликни бажо келтирди. Эшитишимга қараганда тоғам Қува туманидаги Москва колхозининг ферма мудири вазифасида ишлаган. Колхозни фермасидаги қўйлар сел вақтида оқиб кетган ва шу сабабдан колхоз раиси Зокир тоғамни қаттиқ ранжитган. Зокир тоғам гарчанд фермага мудирлик қилгани

билинг бирорнинг ҳақига хиёнат қилувчи, очкўз кимсалардан эмасди. Чунки опаси, яъни Қумри энамни қўргани келганида сұхбатларини эшитганман, ҳаромдан ҳазар қилган инсон эди. Илоҳим жаннатнинг эшиги унга очиқ бўлсин, билиб-бilmай қилган гуноҳларини Аллоҳим махфират қилсин. Дунёнинг ишлари шу. Бугун борсан, эртага изинг ҳам қолмайди.

Уйдаги дехқончилик ишлари ҳам қалашиб ётибди. Қайси бирини қилишни билмайман. Аввало саломатчилик. Соғ бўлсам аста-секин барчасини улдалайман.

17.07.1992.

Мен кунларни қандай ўтаётганини сезмай қоляпман. Музейда ишлаш мени дунёқарашимни ҳам ўзгартира бошлиди. Энди ҳар куни ётиш олдидан тезроқ тонг отсаю ишга борсам деган хаёл билан уйқуга кетяпман. Бу ҳафта ҳам мисгарлик қўргазмасини ташкил қилмадик. Марғилон музейидан қўргазма учун ойнаванд жавонлар олиб келинмади. Устоз Г.П.Иванов менга археология сирларини ўргатишини айтди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Чунки у киши мени ўзига шогирддек қабул қилди. Музейда яхши инсонлар кўп экан. Улардан ҳар куни ўзим учун ниманидир ўрганмоқдаман.

Дунё нотинч. Қўшни Тожикистонда аҳвол жуда ҳам ёмон. У ерда фуқаролар уруши бошланмоқда. Бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. ТВда бу аянчли ҳолатни қўриб юрагимда оғриқ пайдо бўлди. Бу юртда қариндош-урӯфларимиз яшайди. Уларнинг ҳам аҳволи танг эканлиги хис қилдим. Наҳотки бир юртнинг боласи бир-бирини ўлдирса, шундан завқ олса. Ахир бу даҳшатку. Аллоҳим қўшни Тожикистонни бу балодан ўзинг сақла.

Синфдош дўстим Баҳтиёр Исмоилов совхозимиздаги концерва цехида ишлаётган эди. У ердан ҳам ишдан чиқиб кетибди. Чоршанба куни синфдошим Алишер Холдоровнинг

куёв чақирди маросими бўлди. Барча синфдошлар билан чақирдига бордик.

23.07.1992.

Инсон боласи дунё келганидан сўнг, бу дунёниг ташвишларига кўмилиб қолиб, умрини қандай ўтганини сезмай қолади, яъни инсон туғилади, яшайди ва ўлади. Музейда ишлаш давомида ҳар куни йўлимда турли одамларни кўраман. Баъзан бозордаги одамларнинг жанжалига дуч келаман. Уларни кўриб бу бозор дунёда энг арzon нарса бу одамийлик деган тушунчага келмоқдаман. Одатда арzon нарсалар қадрсиз бўлади.

Бу ҳафтада ҳамхонам Сайёра опа касал бўлиб қолди. Ҳозир даволаняпти. 18 июн куни Кимё аммамнинг иккинчи ўғли Ботир акамнинг янги уйининг чекида ҳашар бўлди. Барча қариндош-уруғлар ҳашарда қатнашдик. Ҳашардаги хушкайфият билан ишлаб чарчамадик. Шу куни синфдошим Ислом Тожибоевнинг “Куёв чақирди” маросими эди. Ҳашарда бўлганим учун бора олмадим.

25.07.1992.

Ўтган куни ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Хўжанд қалъаси” номли асарини ўқиб чиқдим. Асар 13-асрда мўғул босқинчиларига қарши мардона курашган Темур Малик ҳақидадир. Афсонавий саркарда Темур Малик она юртини ёвуз душман босқинидан сўнгти имконияти қолгунча ҳимоя қилади. Асада Темур Маликнинг дўсти Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳам сўз юритилади. Аср қаҳрамонлари Шомурод Кўҳистоний, Коракўзбегим, Нигина хоним, Мунший каби инсонларнинг ҳаёти таъсирлантириди. Тарихда шундай одамлар чиндан ҳам яшаб ўтганлар. Улар Она Ватани озодлиги йўлида жонларини

қурбон қилганлар. Бироқ бундай улуғ зотларни тарихини кўплар билмайди. Мен ишонаманки, кўхна Қубода ҳам яшаб ўтган шундай мард инсонлар қисмати вақти келиб тарих саҳифаларида ёзилади. Аллоҳим менга шундай билим ато қилгинки, жонажон Фарғонамни, шу жумладан Қуванинг тарихини ёзишга мен қодир бўлай.

30.07.1992.

“Олим бўлиш осон. Одам бўлиш қийин”. Мен ушбу мақолни тез-тез тилга олиб тураман ва “Аллоҳим мени ўзингга маъкул келадиган одамлардан қил”, деб илтижо қиласман. Одамлар орасида имкон қадар ўзимни сўзимда ва ҳаракатларимда хатоликка йўл қўймаслик учун назорат қиласман. Кимдир мени мақтаб қолса “Ўзимга ўзим эй гумроҳ Нодир сен ким бўлингу, сени мақташсин. Кўзини оч”, дейман.

“Ҳаёт саҳна. Бу ҳаётда яшаётган ҳар бир инсон ўзига тақдир томонидан берилган ролини бажаради. Кимнинг қандай роль бажариши олган тарбияси, билимига боғлиқ. Кимнинг роли лаҳзалик, кимники абадий”, деган эди Уильям Шекспир. Мен ҳам ҳаётда қилган солиҳ ва хайрли ишларим билан мангу қолишни истайман.

Бу ҳафта ҳам музейда режалаштирилган Мисгарлик кўргазмаси тайёрлаш ишлари охирига етмади. Сайёра опам касалхонада. Мен кабинетда Туркистон тарихини ўқиши билан овораман.

Садди холамнинг катта ўғли Тўлқин ака ўғил кўрди. Аммо чақалоқ икки кун яшаб ўтиб қолди. Бу ҳолат Тўлқин акамда учинчи марта юз бермоқда. Буни қандай тушуниш керак. Ҳаётдан барвақт кўз юмаётган фарзандларини бундай қисматини кўриб мен Тўлқин акамга жуда ачинаман. Яхши инсон. Жуда ҳам яқинларига меҳрибон. Аммо...

13.08.1992

Мен ўйлаган фикримни ўзимга ўзим айтаман. Кейин бошқаларга айтай дейман. Аммо бошқалар мени тушунмайди. Тўрт ой аввал дадам оиламизни камбағаллик ботқоғидан чиқариш учун кичик корхона очди. Мен дадамнинг бу ҳаракатига бир оз қарши бўлдим. Чунки кичик корхона очиб тез орада инқирозга юз тутгандар ҳақида қўп эшитмоқдамиз. Агар қўшимча етарли маблағ бўлмаса, бундай инқироздан чиқиб кетиш жуда мушкул. Бизни оилада ҳам шундай бўлди. Дадам очган “Соҳибкор” кичик корхонаси қарзга кириб қолди. Ҳали ишлаб чиқаришга киришмаган корхона солиқлар ёмғири остида қолди. Агар ишларим юришиб кетса, дадамни рўзгор ташвишларидан қутқардим. Бечора дадам унинг ҳолига жуда ачинаман. Молиявий қийинчиликлар дадамни тез-тез тушкунликка тушишига сабаб бўлмоқда.

Дадамнинг аҳволини кўриб онам ҳам ўзи ёлғиз қолганда йиғлаб қўяди. Бир томонда фарзандлар ташвиши. Бир томондан мактаб. Шундай бўлсада, дадам ҳам, онам ҳам бу ҳолатни бизга билдирамасликка ҳаракат қилишади. Агар уйда ейишга арзигулик бирон нарса қолмаса “бугун “Чучивала” пиширдим, дейди онам. Бу нон ва пиёзни ёғда қўғирилгани. Онамни бу таоми ҳам жуда ширин. Дадам ҳам бу таом номини эшитганида кулиб қўяди.

16.08.1992.

Яхши туш кўрган куни кун бўйи кайфиятим яхши бўлади. Бугун тушимда министр мансабида ўтирганмишман. Албатта бу шунчаки туш холос. Агар фалакнинг гардиши билан министр бўлиб қолсам, ёки бошқа бир катта лавозимни эгалласам, хизмат вазифамдан қонундан четга чиқмаган ҳолда одамларга яхшилик қилишга интиламан.

Ёз фасли ҳам ўз ниҳоясига етди. Ёз фасли ҳаётимда энг ажойиб хотираларга бой бўлди. Чунки мен севимли ишим билан бандман. Ўзим орзу қилган ишни топдим. Аммо баъзи соҳаларда бой бердим. Кундалигим ички кечинмаларим билан тўлиб қолмоқда. Кундалик ҳаётидаги воқеаларга кам тўхталмоқдаман. Ўтган ҳафта бўлган воқеалар ҳақида ёzsам. Олимжон амакимнинг иккинчи фарзанди Ҳаким акам Россияга ишлагани кетиб қолди. Уни шу кунларда уйлашмоқчи эди. Олимжон амакимнинг иккинчи қизи Ойша опам ўтган ҳафтада касалхонага тушиб қолди. Бўзахўр қишлоғидаги Фахриддин Холиқовга турмушга чиққан. Турмуш қурганига олти йил бўлди. Аммо ҳали фарзанд кўришмади. Шу опамнинг ҳам тақдирига ачинаман. Қариндошларимиз ичida Олимжон амакимнинг қизи Ойша опамга ва Кимё аммамнинг ўғли Ботир акамга Аллоҳдан фарзанд сўрайман. Чунки уларнинг кўзларидаги маъюсликни кўриб эзиламан.

29 июл шанба куни Қалинпўстин қишлоғидаги Махфират опамни катта ўғли Ёрқин, яъни Садди холамнинг набираси шу қишлоқдаги Зарифа исмли қизга уйланди. Тўй жуда чиройли бўлди. Бироқ менда бир қанча саволлар пайдо бўлди. Ёрқин ота-онасининг қистови билан уйландими? Ёки шу қизни ёқтиргани учун тезроқ уйландими?

Ўтган куни синглим Дилафрўзнинг турмуш ўртоғи Дишодбек уйимизга келиб мен билан анча суҳбатлашиб ўтириди. Барчанинг оиласида бўлгани каби тушунмовчиликлар туфайли уларнинг ҳам оиласида ҳам нотинчилклар бўлиб ўтди. Бу ҳолат дадамни ҳам онамни ҳам анча ташвишга солди. Мен синглим Дилафрўзни оиласи келажакда энг яхши оилалардан бўлиб қолишини Худодан сўрайман.

30 нчи август куни музейда мустақиллик кунига бағишланган байрам кечаси бўлиб ўтди. Шу кундан бошлаб

тариҳчи В.П. Наливкиннинг “Қўқон хонлигининг қисқача тарихи” номли китобини ўқишига шўнғиб кетдим. Бир неча варақларини рус тилидан таржима ҳам қилдим. Г.П. Иванов “Агар таржимангиз яхши чиқса, китобни ўзбек тилида ҳам чоп этиш мумкин”, деди. Қодир Эгам мени ниятим холис. Менга сабр-тоқат, фойдали илм бергин. Г.П. Иванов билан ФарДУга тарих факультетига бордик. Агар имкон бўлса, мени филологиядан тарих факультетига ўтказиш масаласида. Бироқ бу масала анча хом иш. Мендан тарихчи чиқиши ишонмайдилар. Тарихчи бўлиш учун тарих факультетидага ўқиши шарт эмаслигини вақти келиб уларга ўзимнинг ёзган тарихий асарларим билан исботлаб бераман.

30 август куни музейда 1500 сўм мукофот пули олдим. Яна бир хушхабар. Кимё аммамнинг катта ўғли Ҳайдар aka Ҳасан-Ҳусан эгизаклар кўрди. Бу эгизаклар улғайиб ота-онасига фақат яхши ном, ҳурмат олиб берсинлар. Кимё аммамнинг хурсандчилигини кўриб биз ҳам жуда хурсанд бўлдик. Мен яқинларимни кўзидан фақат хурсандчилик кўз ёшлини кўришини истайман. Касалхонага ҳам фақат, фақат битта туғруқхонага – янги туғилган чақалоқни йўқлаб боришлирини хоҳлайман.

Ёзниг сўнгти кунида ҳаво айниб совиб кетди. Ҳозир бир оз тобим қочиб турибди. Кеча синфдош дўстим Бахтиёр Исмоилов билан ҳаёт синовлари ҳақида гаплашдик. Мен унга яшаш қанчалик оғир бўлмасин, инсон ҳалол бўлиши кераклигини айтдим.

06.09.1992.

Сентябрнинг биринчи ҳафтаси ҳам ўтиб кетди. Бу ҳафта мен учун хотирамда қолиши мумкин бўлган яхши воқеалар бўлмади. В.П. Наливкиннинг “Қўқон хонлигининг қисқача тарихи” китобини ўқиши билан машғул бўлдим. Бу ҳафтада оиласизда дадам ҳам онам ҳам оғриб қолди. Онам ҳатто

хушидан кетиб қолди. Фарзандлари билан боғлиқ муаммolar ота-онани адо қиларкан.

Кеча синфдошим Ботир Рўзиевнинг никоҳ тўйи бўлди. Бўрдоқчилик базасидаги Омина исмли қизга уйланди. Тўйни олиб борувчи мен бўлдим. Бироқ бу вазифа ғирт бош оғриғи бўлди. Тўйни олиб борувчи ҳаммага ҳам ёқавермайди. Битта сўз билан дилингизни хуфтон қилишлари аниқ.

Кеча ТВ-1 да японияликлар томонидан суратга олинган “Хумоюн қуш” номли мултфильмни кўрдим. Инсониятнинг ақлсизлиги туфайли Она ернинг ҳалокатга учраши ҳақида ҳикоя қиласди. Бу болалар учун мултфильм эмас, аслида барча учун. Чунки инсон жоҳиллиги туфайли табиат билан ҳисоблашмай амалга ошираётган ишларнинг оқибати ўта ҳалокатлидир. Ери, сувни, ҳавони заҳарлаб бўлдик. Оролни қуритиб бўлдик. Энди Орол ҳақида афсуснамо шеърлар ёзамиз, қўшиқлар айтамиз.

13.09.1992.

Бир ҳафта қандай ўтганини ҳам билмай қолдим. Музейдаги ишларим бир маромда кетмоқда. Г.П.Иванов таътилга чиқди. Фотограф Саид aka ҳам таътилга чиқди. Саид aka асли Шоҳимардондан. Ажойиб инсон. Иккимиз тушликни одатда бирга қиласмиз. Шу ҳафта ФарДуга бордим. У ерда курсдошим Муяссарни учратиб қолдим. Суҳбатимиз чоғида билдимки, онаси 50 ёшида вафот этибди. Яқинда юбилейини ҳам нишонлашган экан. Муяссарга онасининг ўлими жуда каттиқ таъсир қилибди.

04.10.1992.

Мен яна кундаликни ёзишни ташлаб қўйдим. Мана куз фаслиниң биринчи оий ҳам тамом бўлди. Мен қарийиб 20 кун кундакни ёзишга қўл урмадим. Ўйлаб кўрсам умримнинг

мана шу йигирма куни қандай ўтиб кетганини билмай қолибман. Шу 20 кун ичида нималар бўлди.

Олимжон амакимнинг катта ўғли бўлмиш Ҳамид акамни ўғли Мирзоҳид кислота ичиб қўйибди. Ҳозир касалхонада. Илоҳим соғайиб кетсин. Йўлдош тоғамни учинчи ўғли Улугбек акам қўшниси Раҳмат ака билан ишхонасидан икки-уч дона чойшаб ва кирза этик ўғирлашган деган айб билан учун бир неча йилга қамалиб кетишиди. Тасаввур қиляпсизми. Атиги икки-уч жуфт кирза этик учун. Улугбек ака ажойиб меҳрибон инсон эди. Одам ўлдирмади, наркотик сотмади, пора олмади, давлат сирини ошкор қилмади. Шунчаки ўзи кийиш учун ишхонасидан кирза этикни сўрамай олиб келган. Мана сизгаadolat. Устига-устак аёли ҳам қаттиқ касал, икки нафар ёш боласи бор. Аллоҳим Улугбек акамни мушкулларини осон қилгин.

Октябр ойи келиши билан совук тушиб қолди. Бир марта ёмғир ҳам ёғиб ўтди. Уйдаги дехқончилик ишларини астасекин тутатяпмиз. Музейдаги ишларим бир маромда кетмоқда. Музейдаги Нигора исмли кассир қизни никоҳ тўйи бўлди. Коллектив билан тўйга бордик. Тўйда сўзга чиқиб келин-куёвга самимий тилакларимизни билдиридик. Жумладан мен ҳам.

01.11.1992.

Яна 20 кун вақт ўтиб кетди. Шу вақт ичида кундалик сахифалари бўш қолди. Мен учун ўтган 20 кун қандай хотиралар қолдириди?

Ҳамид акамни ўғли Мирзоҳид ҳамон касалхонада. Аҳволи оғир. Кеча 23 октябр куни операция қилишиди. Илоҳим тузалиб кетсин. Дардлари унутилиб кетсин.

Музейдаги ишларим яхши. Мисгарлик қўргазмасини тайёрламоқдаман. Қўргазма ишлари охирига етиб қолди. Бир ҳафта аввал 37-мактаб мактабда мен билан бирга иш-

лаган Аҳаджон Полвонов ва шу мактабга ишга ўтган Янгичек қишлоқлик Абулла тоғанинг ўғли Шухрат ака билан уйимизга келишди. Анча вақт сұхбатлашиб ўтиридик. Мен ҳозирда эришаётган ютуқларимда 37-мактаб жамоасининг алоҳида ўрни ва сезиларли ҳиссалари бор.

Мен шу кунларда Ўзбекистон тарихини ўқимоқдаман. Сўнгра Фарғона тарихига доир адабиётларни ўқиши режа қилдим. Фарғона тарихини астойдил ўрганиб бўлгач, Қува тарихини ўрганишга киришаман.

Музейдаги устозим Г.П.Иванов Фарғона археологияси тарихини жуда яхши билади. Бўш вақтим бўлсаёқ у билан Фарғона тарихи юзасидан мени қийнаётган ўнлаб саволларга жавоб топиш мақсадида сұхбатлашишга ҳаракат қиласман. Бундай фурсатлар ҳадеб бўлавермаслигини англаб етмоқдаман. Акс ҳолда тарих борасида кўп йўқотишларга деч келишим мумкин.

Музейда ўзига хос бюрократизм бор. Ишга озгина кеч қолсанг раҳбардан огоҳлантириш ёки танбех эшитасан. Вақтида ишга келиб кечга қадар ҳеч нарса қилмай ўтирсанг ҳам ҳеч кимни иши йўқ. Бундай ҳолатга чидай олмаган Г.П. Иванов ишдан бўшаб кетди. Шундай ноёб мутахассиснинг қадрига етмадилар.

10.11.1992.

Мана ўн кун ҳам ўтиб кетди. Шу ўн кун ичида нималар бўлди. Музейда ишларим бир маромда кетмоқда. Мисгарлик кўргазмасини тайёрлаб қўйдим. Якшанба куни уйда иш қилаётсам синфдошим Ботир Рўзиев келиб “Куёв чақирди”га айтиб кетди. Шу куни совхоздаги синфдошлар билан “Куёв чақирди” зиёфатига бордик. Мен шундай ўтиришларда бўлган кезларим одамларни сохта муносабатларини кўриб жаҳлим чиқиб кетади. Чунки самимилик қолмаяпти. Дастурхон

атрофида ўтириб олиб бир-бирини ғийбат қиласилар. Дилозорлик одатий ҳолга айланиб бормоқда.

06.08.1993.

Бугун олтинчи август 1993 йил. Кундаликни ёзмай қўйганимга саккиз ой бўлди. Саккиз ой бу жуда узоқ вақт. Шу вақт ичида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ёзиб ўтмоқчиман.

Дадам Қуванинг Акбарообод қишлоғидаги мебел комбинатига ишга кирди. Ҳозир шу ерда инженер бўлиб ишламоқда. Шу йилнинг апрел ойида Йўлдош тоғамнинг мен билан тенг бўлган бешинчи ўғли Жаҳонгир уйланди. Онам ва холам бу тўйга бир оз қарши бўлдилар. Чунки Жаҳонгирдан икки ёш катта бўлган тоғамнинг тўртинчи ўғил фарзанди Давлат акамни уйланиши кераклигини айтдилар. Акадан олдин укани уйланиши яхши эмас дедилар. Олимжон амакимнинг катта ўғли Ҳамид акам яна бир ўғил фарзанд қўрди. Исмини Миркомил деб қўйди. Катта ўғли Мирзоҳид ҳозирда соғ-саломат.

Олимжон амакимнинг иккинчи қизи Ойша опам ваниҳоят ўғил фарзандли бўлди. Исмини Авазбек деб атадилар. Аллоҳим Кимё аммамнинг ўғли Ботир акамга ҳам фарзанд бергин. Синглим Дилафрўзнинг фарзанди бўлмади. Аллоҳим синглимга ҳам фарзанд бергин. Фарзандини бағрига босиб, оналик баҳтига мұяссар бўлсин.

Энди ўзимга келсак, Фарғона вилоятининг “Олтин водий” деб аталмиш марказий газетасида учта мақолам чоп этилди. Вилоят радиосида Қува тарихи билан боғлиқ мақолам ўқиб эшиттирилди.

Музей илмий ходимлари музейга ташриф буюраётганлар учун ва мактабларда ўқувчилар учун турли мавзуларда маъruzalар ўқийдилар. Шунинг учун йиллик режасига айнан қайси маъruzalарни тайёрлашини ёзиб кўрсатади. Мен ҳам

1993 йилда Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек Мирзо Бобур ҳамда Пўлатхон қўзғолони тўғрисида маъruzалар ёздим. Ҳозирда Амир Темур тарихига оид маъруза ёзмоқдаман.

22.11.1993.

Кундалик ёзиш мен учун жуда бачканага ўхшаб кўринганди. Бироқ инсон юрагида тўпланиб қолган, бирорвга айта олмайдиган сўзларини айтмаса ёки ёзмаса бўлмас экан. Август ойидан кейин яна уч ой ўтиб кетди. Шу уч ой ичида нималар бўлди.

Кимё аммамнинг мендан бир ёш кичик учинчи ўғли Ибронали ўзлари яшайдиган Янгичек қишлоғидаги Мехринисо исмли қизга уйланди. Олимжон амакимнинг мендан икки ёш катта иккинчи ўғли Ҳаким билан мендан бир ёш кичик учинчи ўғли Набижон ҳам шу Янгичек қишлоғидаги Фотима-Зухра исмли қизларга уйланишиди. Кимё аммам ҳам, Олимжон амаким ҳам катта бир ташвишдан қутулдилар.

Садди холамнинг набираси, Махфират холамнинг мендан бир ёш кичик ўғли Ёрқин ҳам ўғил фарзанд кўрган эди. Аммо чақалоқ тўрт кун яшади холос.

Онам бир ҳафта касалхонада даволаниб чиқди. Худога шукр ҳозир оиласиздагиларнинг барчаси соғ-саломат. Музейдаги ишларим яхши. Амир Темур ҳақидаги маърузамни ёзиб тугатдим. Ҳозир устозим Генаддий Петрович ҳам мен билан бирга илмий ходим лавозимида ишламоқда. Шунингдек тарих бўлимига Ҳошимов Баҳодир исмли қувалик йигит ҳам ишга олинди. Баҳодир ҳам тарихга жуда қизиқади. Шу сабабдан ФарДУни тарих факультетида сиртдан иккинчи курсда ўқир экан.

Ҳозир Ўзбекистон ўзининг пулига ўтмоқда. Шунинг учун одамлар ваҳимада қолганлар. Бундан кейин қандай яшаймиз? деган савол жавобсиз қолиб кетмоқда. Ачинарли томони ўз нафсидан бошқа нарсани билмайдиган кимсалар

ҳокимятни қўлга олмоқдалар. Илғор фикрли кишилар тазийиққа учраб, ўзга юртларга бош олиб кетмоқдалар. Агар мамлакатда мана шундай ҳолат давом этаверса, халқнинг турмуши оғирлашаверади, келажакка бўлган умид ва ишонч йўқолиб бораверади.

25.11.1993.

Бугун биринчи қор ёғди. Ярим тунда ёғиши бошланган қор то кечгача давом этди. Бугун музейда тушгача ишладик. Хоналар иситилмаётганлиги боис директор ходимларга эртароқ кетишга рухсат берди. Кеча вилоят радиосига бориб “Пўлатхон қўзғалони” номли мақоламни ўқиб эшилтиридим. Пўлатхон қўзғалони шунчаки юз бермаган. Қўқон хони Худоёрхон солиқларни кўпайтирди. Халқнинг турмуши оғирлашди. Юрт босқинчилар қўлига ўта бошлади. Оқибатда қўзғалон юз берди. Тарихда бундай воқеалар кўп маротаба содир бўлган. Аммо фаросатсиз, жоҳил хукмдорлар бундан ибрат олмайдилар. Кўзлари очилмайди. Минг афсус.

Ўтган ҳафта Олтиариқдаги 19-мактабга бориб келдим. Мактабда музей қилишмоқчи экан. Йиғилган экспонатлар қайси асрларга мансуб эканлигини бирма-бир кўрсатиб бердим. Тарих ўқитувчисига ачиндим. Унинг қилган меҳнатлари муносиб тақдирланса яхши бўларди. Бизда одатда фидойи инсонларнинг ўрнига лаганбардорлар рағбатлантирилади.

04.12.1993.

Мана декабр ойи ҳам бошланди. Кунлар анча совуқ бўлиб қолди. Музейда ишлар бир маромда кетмоқда. 30-ноябр куни вилоят радиосида “Пўлатхон қўзғолони” номли мақолам эшилтирилди. Шу куни намангандик курсдошим Шоира Файзулаева телефон орқали тўйига таклиф қилди. Бугун

мана шу курсдошимнинг никоҳ тўйи. Курсдошимга оилавий ҳаётида самимий тилакларимни тилайман.

Ҳозир Мовароуннахр тарихига илмий адабиётларни ўқимоқдаман. Баъзи кунлар мактабларга бориб темурийлар тарихига оид маъruzalarни ўқиши давомида, нега темурийлар салтанатининг умри узоққа чўзилмаганигини ўқувчилар тушунтироқдаман. Чунки шаҳзодаларнинг манмалиги ўзларини бошини еди. Қаттиққўл ягона хукмдор остида бирлашиш ўрнига ҳар ким ўзича худудларни бошқарди. Айримлари уқувсизликлари туфайли давлат идорасини бошқаришни аёнларига бериб қўйди. Қисқаси Амир Темурнинг йўлидан бормадилар.

Декабр ойида “Пўлатхон қўзғалони”, “Марғилонлик вазир” номли мақолаларимни газетага бермоқчиман. “Марғилонлик вазир” номли мақолам Чифатой улусининг хукмдори Есун Мунка (1246-1251) даврида унга вазирлик қилган Баҳовауддин Марғинонийнинг қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Илм-фан аҳлининг ҳомийси бўлган Баҳовауддин Марғилонийдек буюк зот тўғрисида халқимиз бехабардир.

07.12.1993.

Бугун музейда тушгача ишладик. Эртага Конституция куни бўлгани учун директор А. Ҳасанов ходимларни хонасига чақириб байрам билан табриклади. Эртага дам олиш куни. Бугун уйга кетаётиб ўзимни ўзим танқидларга олдим. Ўйлаб кўрсам камчиликларим анча кўп экан.

1. Сергапман.
2. Бирон бир гапни оқибатини ўйламасдан айтиб юбораман.
3. Сир сақлашни билмайман.
4. Бир ишни охирига етмай, иккинчисини бошлаб юбораман.
5. Беъмани ҳаёларга бериламан.

Уйга келгач ана шу камчиликларимни бартараф этишга қарор қилдим. Бу ҳақда ўзимга сўз бердим.

Ҳозир Баҳодир Ҳошимов билан Фарғона вилоят ўқи-түвчиларни малака ошириш институтинг профилакториясидан ётиш учун бир хона олдик. 31 декабргача 10 минг сўмдан пул тўладик. Бинонинг 51-номеридаги хонасида турибмиз. Хона совуқ экан. Аммо бошқа жой бўлмагани учун чидашга мажбурмиз. 4 декабр куни музейда ўтказилган шанбаликка келмаганим учун директор мендан тушунтириш ёзишимни талаб қилди. Аммо мен қайсарлик қилиб ёзмадим. Мен ҳам борган сари қайсар бўлиб кетмоқдаман. Ҳаёт шунга мажбур қилмоқда.

10.12.1993.

8 декабр куни Фарғонага қайтиб кетдим. Музейда ишлар бир маромда кетмоқда. Йиллик иш ҳисоботимни бугун ёзиб бўлдим.

Музейда экскурсиялар ўтишдан ташқари 85 та экспонатни тавсиф қилдим. 9 та маъруза ёздим. 8 та мақола ёздим. 16 марта маъруза ўқибман. 1993 йилни қолган уч ҳафтасини тарихий мавзудаги илмий адабиётларни ўқиш билан ўтказмоқчиман. Тарих борасидаги билимларим жуда саёз. Билимларим доирасини кенгайтиришим ва мустаҳкамлашим зарур. Келаси йилда сомонийлар, қораҳонийлар сулоласи тарихига доир мақолалар ёзмоқчиман. Ўтган куни Садди холам қаттиқ бетоб бўлиб қолибди. Илоҳим соғайиб кетсин. Холам узоқ умр кўрсин.

8.12.1993.

Кўз очиб юмгунча бир ҳафта ўтиб кетди. Шу ҳафта ичида нималар бўлди. Душанба куни “Фарғона ҳақиқати” газетасининг мухбири Ҳафиза Саляхова музейимизга келиб

кетди. Музей ҳақида мақола ёзмоқчи экан. Шу сабабдан уни музейимиз билан яқиндан таништиридим. Кетар ҷоғида Ҳафиза опага мақоламни ҳам бериб юбордим. Шу ҳафта ичида Фарғона шаҳар судида ҳам судя Баҳтиёр Мамадовга маслаҳатчи бўлиб қатнашим. Мен суд жараёнларида иштирок этиб шуни яхши англадимки, қонунларни яхши билмаган ҳар қандай фуқаронинг ҳаёти осон кечмас экан. Кейин судга маслаҳатчи сифатида музейдан Баҳодир Ҳошимов юборилди. Чунки мен музейдаги илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишим кераклигини маъқул кўрдим. Баҳодир билан яқиндан танишганим сари ички дунёси гўзал эканлигини билдим. Ўзининг мустақил фикрига эга. Баҳодирдан кўп нарса ўргансам бўлади. Шу тарзда ўзимдаги қусурларни йўқотишим керак.

25.12.1993.

Шу ҳафтада музейнинг Баҳодир Ҳошимов, Сайёра Мирзаева, Генаддий Петрович Иванов, Лариса Ивановна Гулиянц ва мен, яъни тарих бўлимининг илмий ходимлари келаси 1994 йилдаги иш режаларимиз юзасидан кенгашиб олдик. 1994 йилда музейнинг иккинчи қаватида археология ва тарих бўлимларини очмоқчимиз. Режага кўра янги очиладиган экспозиция бўйича Генаддий Петрович Иванов тош давридан то VII асргача бўлган даврни, мен бўлсам VII асрдан то Қўқон хонлигигача бўлган даврни, Сайёра Мирзаев билан Баҳодир Ҳошимов Қўқон хонлиги даврини, Лариса Ивановна Гулиянц Чор Россияси империяси давридаги Фарғона шаҳар тарихи билан шуғулланади. Шу режадан келиб чиқиб Баҳодир Ҳошимов билан Ўзбекистон Давлат архивида экспозиция мавзусига доир маълумотларни излаб топиш учун хизмат сафарига боришимиз кераклигини айтдик. У фикримиз раҳбариятга етказилди.

Бу ҳафтада профсоюз ишлари билан ҳам шуғулланишга тўғри келди. Янги йилга ҳам бир ҳафта қолди. Мен 1993 йилнинг сўнгги ҳафтасини хурсандчиликларга бой ҳафта бўлишини истардим. Қизиқ менга ўз кундалигимни 20-30-40-50 йилдан кейин ҳам ёзиш насиб қиласмикин?

31.12.1993.

Мана 1993 йилнинг сўнгги куни ҳам етиб келди. Эртага янги йил киради. Мен кундаликни қўлга оларканман 1993 йил хотирамда қоладиган яхши ва ёмон кунларга турли воқеа ҳодисаларга бой бўлганлигини ёзиб ўтмоқчиман. Энг муҳими бу йилда мен ўзимни ўзим тушуна бошладим. Нима бўлганда ҳам мен бу йилдан розиман.

30 декабр иккинчи қаватдаги “Табиат бўлими” экспозициясини очмоқчи эдик. Аммо очилиш тадбири кейинги ҳафтага қолдирилди. Музейда янги йил тадбири бўлмади. Бироқ бир ойлик маошимизга teng миқдорда мукофот пули берилди. З январдан қишки сессия бошланади. Аммо борган сари ўқишга бўлган иштиёқим сусаймоқда. Чунки менга қизиқ бўлмаган фанларнинг кўплигидир. Шундай бўлсада, ўқишга муваффақиятли тамомлашим керак.

1994 йил мучал ҳисоби бўйича “Ит йили” ҳисобланади. Мен ҳам шу мучалда туғилганман. Ит инсонга ҳайвонлар ичида энг садоқатли ҳамда вафодор ҳайвон ҳисобланади. Афсуслар бўлсинки, инсонларда айнан мана шу фазилатлар камайиб кетмоқда.

08.01.1994.

Янги йилнинг биринчи ҳафтаси ҳам ўтиб кетди. Бу ҳафта ўқиша бўлдим. Ўқишлиар ҳар куни тўрт парадан давом этмоқда.

Ўқишлиар жуда зерикарли. Назаримда ўқитувчиларнинг билим савияси ҳам юқори даражада эмас. Бу ҳафта ўқиши билан овора бўлиб музейга ўтмагандим. Музейга бориб айрим янгиликлардан хабардор бўлдим.

1994 йил учун музейдаги иш режамиз тасдиқланибди. Демак, Баҳодир Ҳошимов билан Тошкентга, Марказий архивга боришимиз билан боғлиқ режаларимиз амалга ошадиган бўлди. Мени катта илмий ходим лавозимига тавсия қилишибди. 4 январ куни “Фарғона ҳақиқати” газетасида “Марғилонлик вазир” номли мақолам босилиб чиқди. Менинг мақсадим Фарғонанинг буюк алломалари ҳақида кўпроқ маълумотларни халқимизга тақдим этиш. Бу йил мен учун ишлар кўп бўлади.

15.01.1994.

13 январ куни қишки сессия ҳам тамом бўлди. Қишки сессияда ҳеч қандай имтиҳон ва синовлар топширмадик. 11 январ куни мен, Баҳодир, курсдошларим Маруф ва Анвар тўрталамиз ош қилиб едик. Анча вақтгача гаплашиб ўтиридик. Энди курсдошларим билан баҳорги сессияда қўришсам керак.

13 январ куни музейга ишга қайтдим. Тарих бўлимига ёзувчи Йўлдош Сулаймоннинг ўғли Ҳамдам Сулаймонов ишга келди. У бир муддат шу ерда ишлаб, сўнгра Мадинаға ўқишга кетар экан. Ҳамдам aka ФарПИнинг ўзбек тили ва адабиёт факультетини тамомлаган. Кейинроқ Саудия Арабистонида ҳам таҳсил олган. Ҳозир 26 ёшда. Икки нафар фарзанди бор. Жуда камтар инсон. Музейнинг “Табиат” бўлимида ишлаб келаётган Баҳром Мирзабоев ишдан бўшаб кетди. Бу кишининг билим доираси жуда кенг. Кўпни кўрган инсон. Сайиидлар авлодидан. Бу инсондан кўп нарсаларни ўрганишга умид қилгандим.

Ҳар бир инсон туғилган кунини санасини яхши билади. Аммо айнан нима учун туғилганини ҳар ким англаб етавермайди. Бугун мен ҳам йигирма түрт ёшга тўлдим. Ҳўш туғилган кунимни билар эканман, нима учун дунёга келганимни биламанми? Ахир бир одам боласини Аллоҳ таборак таоло бежиз дунёга келтирмайди. Ҳўш мен нима учун дунёга келганимни англаб етдими. Албатта аввало Аллоҳга бандалик қилиш. Шу билан бирга ўлкамиз тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш ва билганларимни халқимизга етказиш. Айнан шу орзу билан яшамоқдаман, нафас олмоқдаман.

Тарих бўлимида тўрт нафар ходимга жой торлик қилиб қолгани учун “Санъат” бўлимининг хонасига кўчиб ўтдик. Хона кенг, шинам ва жуда ёруғ. Бу хонада музейнинг барча илмий ходимлари йиғилиб, Лариса Ивановна Гулиянцнинг 55 ёшга тўлгани муносабати билан тадбир ўтказдик. Ундан олдин эртароқ ишга келиб Лариса Иванованинг хонасини Баҳодир билан очдик-да, ўзимиз олиб келган гулдастаси хонага қўйиб чиқдик. Ишга келиб, хонасини очган Лариса Иванова гулларни кўриб хурсанд бўлганидан йиғлаб юборди. Бечора ўзи ёлғиз яшайди. У 1939 йилда Туркманистонда туғилган. Айтишларича, 1948 йилдаги Ашхабоддаги юз берган даҳшатли зилзила вақтида оиласидаги барча яқинлар ҳалок бўлишган. Ўшанда қутқарувчилар Лариса Ивановани оғир ҳолатда топишган. Узоқ вақт даволанишига қарамай, синган суялари уни оқсоқ қилиб қўйган. Уни фарғоналиқ холаси олиб тарбия қилган. Шу тарзда Фарғонада яшаб қолган.

29.01.1994.

Нимагадир бу ҳафта мен учун зерикарли бўлди. Ваҳоланки бу ҳафта кўп одамлар билан учрашган бўлсам ҳам. Душанба куни Баҳодир Ҳошимов билан Фарғона вилояти ёзувчилар уюшмаси раиси ёзувчи Йўлдош Сулаймоннинг олдига борди. У бизга “Ҳозир фарғоналик истеъдодли, ижодкор ёшлар учун уй берилмоқда. Сизлар керакли хужжатларни тайёрлаб қўйинглар”, деди. Шундан сўнг мен ҳам яхши ният билан хужжатларни тайёрлашга киришдим.

Чоршанба куни Баҳодир билан Қувага бордик. Исмоил Шерматовга“ Афсонами ёки ҳақиқат” номли мақолани бердик. Кейин Қубо тепалигига чиқдик. Тепаликни айланар эканман, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Қадимда не-не Қубовий алломаларнинг Ватани бўлган улкан шаҳарнинг қолдиқлари хароба ҳолатда ётибди.

13.02.1994.

Инсон эртанги кунга умид билан қарайди. Мен ҳам ҳар янги ҳафтага умид кўзларимни тикаман. 5 феврал куни онажонимнинг туғилган куни бўлди. Бу йил 48 ёшга кирди. Бахтимизга яна юз йил умр кўрсин. Биз ва бизнинг фарзандларимизни баҳт-иқболини кўриш онажонимга насиб қиласин.

Душанба куни грипп касалига чалиндим. Иштаҳам ҳам йўқолди. Зўр-базўр ишга бордим. Шу ҳафта ижодкор ёшларга уй берилибди. Биз ҳам шу уйлардан олишни орзу қилгандик. Афсус орзуларимиз армонга айланди шекилли. Бу ҳафта кўп қор ёғди. Уйга келсам дадамдан бошқа оиласиздагиларни барчаси мен каби касал бўлибдилар. Хайрият барчаси тузалиб кетишибди. 10 февралдан рамазон ойи киради. Ҳозир кўпчилик рамазон ойини иштиёқ билан кутмоқдалар.

21.02.1994.

Бу ҳафта ҳам ишим юришмади чоги. Бу ҳақда ёзганим яхшироқ. Музейдаги ишларимда ўзгаришлар йўқ. Ҳозир фақат академик В.В. Бартольдинг китобларини ўқимоқдаман. Чунки келгусида ҳозирги олинган билимларим менга жуда асқотади. Шу сабабдан мақсадим фурсатдан фойдаланиб қўпроқ ўқишидир. Худога шукр оиласиздагиларнинг барчаси соғ-саломатдир. Бироқ қариндошларимиз орасида бетоблар бор. Аллоҳ ўзи уларга шифо берсин.

Шанба куни уйга бордим. Асосий ишим уйда ўтин қилиш бўлди. Кунлар жуда совиб кетди. Кечга яқин синдошим Бахтиёр Исмоилов билан сухбатлашиб ўтиридик.

01.03.1994.

Мен баҳор фаслини соғиниб кутган эдим. Ваниҳоят баҳорнинг биринчи куни ҳам кириб келди. Баҳор фаслини қувончили кунларга бой бўлишини жуда истардим. Худо хоҳласа шундай бўлади. Совхозимизда 31-мактабда иситиш тизимлари яхши иситмагани учун бир муддатга ўқувчиларга жавоб берилибди. Совхозимизда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Газлаштириш ишларига ҳаракат бошланди. Совхозни бошқарувида ҳам ўзгаришлар кутилмоқда.. Агар яхши тушунган раҳбар келса, совхозимизни ободонлаштириш борасидаги дадамнинг режалари катта.

Музейдаги ишларимдан сўз очсан, Тошкентга архивга бориш режамиз апрел ойига қолдирилди. Бу орада Наврӯз байрамига ҳам тайёргарлик кўришимиз керак. Биринчи мартдан ойлик маошим 50%га ошди. Энди ойлик иш ҳақим тахминан 32 минг сўм бўлади.

14.03.1994.

Кунлар тез ўтар экан. Икки ҳафта ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Шу ҳафта давомида нималар бўлди.

Дадам бир ҳафта касал бўлиб ётди. Ҳозирда яхши. Онам ва барча сингилларим соғ-саломат.

Музейдаги ишларимга келсак, 10-11 март кунлари вилоят маданият бошқармасининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон туманига хизмат сафарига бориб келдим. Тумандаги Наврӯз байрамига тайёргарлик бўйича хисобот қилдим. Сафарим чоғида Ўзбекистон туманидаги Яйпан тарихи музейи ва Кўқон шаҳар ўлкашунослик музейида бўлиб қайтдим. Шунингдек Кўқон шаҳрида жойлашган адабиёт музейининг директори Султонхон Сотволдиев билан учрашиб форс тилидаги қозилик ҳужжатларидаги таржималар бўйича сұхбатлашдим. Султонхон aka форс тили бўйича йирик мутахассис экан. Шунингдек адабиётшунос олим Абдулатиф Турдиалиев ҳамда қўқонлик таникли ўлкашунос Яхёхон Дадабоев билан кўришдим.

Бугун Рамазон ҳайити. Қаерга борманг барча сизга самимий тилаклар айтадилар. Ёзилган дастурхонида меҳмон бўлишингизни илтимос қиласидилар. Рамазон ҳайити шукухидан кўнглингиздаги ғуборлар йўқолади. Аллоҳим сен берган неъматларини шукронасини адо қилиш қийин. Мен ҳам ким билан кўришсам биринчи бўлиб шу сўзларни айтиб қолгим келади: “Иди рамазон муборак бўлсин азиз биродар”.

22.03.1994.

Кеча юртимизда наврӯз байрами кенг нишонланди. Байрам тантаналари ўлкамизда давом этмоқда. Мана шундай ажойиб кунда кундаликни қўлга олганимдан хурсандман.

Ўтган ҳафта ичида нималар бўлди. Шу ҳақда бир-икки оғиз сўз айтсам. Шанба қуни уйимизга келдим. Уйимизни олдидаги томорқамизга дадам билан бирга мевали қўчатлар ўтқаздик. Дадам билан баъзан худди ака-уқадек гаплашамиз. Кўчат экиш давомида дадам болалигини сўзлаб берди, анча кулишдик. Янги чекимиздаги кўчирилган гилос қўчатларини томирини кўмиб чиқдик. Астойдил меҳнат қилдик.

Энди қишлоғимиздаги хабарларга келсақ, айримлари кишини ранжитади. Бир кишини уйда пичоқлаб кетишган. Ҳозир ахволи жуда оғир. Синфдошим Шоир Йўлдошев ҳақида ҳам нохуш хабар эшигдим. Шу синфдошим мактабда энг зўр футболчи эди. Отасини исми Акбарали. Дадам шу инсонни жуда ҳурмат қиласди. Шоир оилада кенжа ўғил фарзанд тўрт нафар акалари бор. Шоирни уйларига борганимда, акаларини кўриб мени ҳам акаларим бўлсаю, деб орзу қиласдим. Шоирни мушкуллари осон бўлсин. Аллоҳдан шуни сўраб дуо қилдим.

24.05.1994.

Кунлар, ҳафталар эмас, балки икки ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Хўш шу икки ой ичида ҳаётимда нималар бўлди.

25 апрел куни Баҳодиржон Ҳошимов билан Тошкент шаҳрига жўнаб кетдик. Тўгри бориб талабалар шаҳар-часидаги аспирантлар уйига жойлашдик. Шу ерда икки ҳафтадан ортиқ вақт турган бўлсак, асосий вақтимиз Ўзбекистон Маркази Давлат архивида ўтди. Шу вақт давомида музейнинг янги экспозицияси учун материаллар тўпладик. XIX асрнинг охирида Фарғона водийсида Чор Россияси мустамлакаси даврида юз берган халқ қўзғолонлари ҳақидаги жуда қизиқарли архив ҳужжатларини ўргандик. Дам олиш кунлари бўлса Тошкент шаҳридаги музейларга ташриф буюрдик.

Аспирантлар уйида тураг эканмиз бир неча марта шу ердаги илмий ишлар билан банд бўлган аспирантларни

мехмони бўлдик. Улар билан тарихий мавзуларда қизғин сұхбатлар қурдик.

Шунингдек, асримизнинг 50-йилларида Қува шаҳриситонида қазишма ишларини олиб борган “Древняя Куба” китобининг муаллифи, қадимшунос олима Вера Андреевна Булатованинг ҳам хонадонида меҳмон бўлдик. Биз борган вақтимизда В.А.Булатова бемор ҳолатда, яъни суюк синиши оқибатида тўшакка михланиб қолган экан. Шундай бўлсада, бизни Қувадан эканимизни билиб жуда хурсанд бўлиб кетди. Биз билан анча вақтгача гаплашди. Унинг турмуш ўртоғи Митхат Сағадатдинович Булатов ҳам жуда одамшинаванда инсон экан. Биз билан яқин танишлариdek муносабатда бўлди. Унинг кутубхонасига кирганимизда Баҳодирнинг ҳам менинг ҳам оғзимиз очилиб қолди. Бу қадар катта ва бой кутубхонани биринчи кўришимиз эди. Мана шундагина англаб етдики, биз ташриф буюрган хонадон шунчаки оддий хонадон эмас, балки машҳур академик Митхат Сағадатдинович Булатовнинг хонадони экан. Академикнинг оддийлиги бизни лол қолдирди. Наҳотки шундай буюк дунёга машҳур меъморшунос олим ўта камтарин бўлса.

Вера Андреевна Булатова билан хайрлашар эканмиз Албатта Қува тарихини ўрганишда давом этишга ваъда бердик.

Тошкентдан қайтиб келгач музейнинг иккинчи қаватидаги тарих экспозициясининг археология бўлимини устида ишладик ва 17 май куни очилиши бўлиб ўтди. Бу бўлим Фарғона водийсидаги тош даврига оид экспонатлар ва ибтидоий одамларнинг турмуш тарзини акс эттирувчи топилмалардан ташқари VII асргача бўлган Фарғона тарихига оид турли нодир осори атиқалар ўрин олган. Бу бўлим Генаддий Петрович Иванов бошчилигида очилди.

23 майдан икки ҳафтага таътилга чиқдим. Таътилдан мақсад уйни ремонт қилиш. Шу орада Ўзбек тили фанидан курс иши ҳам топширдик. 16 май куни Фарғонадан уйимизга

келаётиб йўлда Янгичек қишлоғидаги синфдошим Шерали Омоновни учратиб қолдим. Шерали билан анча вақтдан буён гаплашмаган эдим. Йўлдан тўғри бизнинг уйимизга келдик. Шерали билан анча вақт сухбатлашиб ўтирдик. Шерали билан тўртинчи синфда ўқиб юрганимда дўстлашиб қолганман. Содда ва самимийлиги учун ҳурмат қиласман. Мактабда ҳам яхши ўқиган.

06.06.1994.

“Май оии қачон тугар экан?” деб ўзимга савол бергандим. Мана ёз фаслининг биринчи ҳафтаси ҳам ўтиб кетди. Таътил муддатим ҳам ниҳоясига етмоқда. Уйдаги таъмир ишлари бўлса тамом бўлмади ҳали. 31 май куни Янгичек қишлоғидаги синфдошларим Ҳасан ва Ҳусан Шариповларнинг Мавлудаҳон ҳамда Гулчехраҳон исмли қизлар билан никоҳ тўйлари бўлди. Тўй яхши бўлди. Мен сўзга чиқиб синфдошларимга самимий тилакларимни билдиридим. Тўйда синфдошлар “Энди уйланиш навбати сенга” дейишиди. Мен эса уларга “Аллоҳнинг ўзи айтган кунида уйланаман”, деб жавоб бердим. Ота-онам ҳам мени уйлантириш ташвишида юрибдилар.

Кунлар жуда исиб кетди. Шу сабабдан ишимда унум бўлмаётгандек кўринади. Нима бўлганда ҳам ёз фасли шодлик-қувончларга тўла бўлишини истардим.

27.06.1994.

Орадан 20 кун жуда тез ўтиб кетди. Мен эса кундаликка бирон бир сўз ёзишга улгурмадим. Бугун эса кундаликка ёзишни ният қилдим.

Хозир ёзги сессия ўқишлиари бошланди. Ҳам ўқиймиз, ҳам имтиҳон ва синовларни топширамиз. Тўғрисини айтганда бир-икки ой тоғу тошлар бағрига кетсан дейман.

Баъзан одам боласи ёлғизликини қўмсаб қоларкан. Нега азизавлиёлар тоғларда маскан курганларини тушуниб етмоқдаман. Улар фирибгар, номард, каззоб кимсалар ичида яшашдан кўра тоғларда хилватда умр кечириши афзал деб билганлар. Шунинг учун ўзларига девона, қаландар бўлиб юриши маъқул кўрганлар. Паҳлавон Маҳмуд айтганидек:

Неча йил зар-zewар пайида бўлдик,
Неча йил илм-хунар пайида бўлдик.
Оlam сирларидан бўлганда огоҳ,
Барчасидан кечиб қаландар бўлдик.

16.07.1994.

Кунлар оқар сувдек оқиб ўтмоқда. Ёзги сессияни та-
момлаб, ишга қайтганимга ҳам ўн кундан ошди. Худо хоҳласа
бешинчи курс талабаси бўлдим. Бу сафарги сессия бош-
қаларни билмадиму, мен учун оғир бўлди, ёки менга шундай
туюлди. Бу галги сессияда 6 та имтиҳон ва 9 та синов
топширдим. Баъзи бир курсдошларимга имтиҳон ва синов
топширишларида ёрдам ҳам бериб турдим.

Музейга ишга қайтиб янги очиладиган Тарих экспо-
зициясининг ўрта асрлар бўлими юзасидан ишлар олиб
боряпмиз. Мен бу кўргазмадан кўп нарсалар кутяпман.
Чунки, бунда менга ўрта асрлар Фарғона тарихини ўрганиш
учун кўп маълумотларни олишимга имкон беради. Йўлдош
тоғамнинг мендан тўрт ёш кичик олтинчи ўғил фарзанди
Ёнгин ҳам ФарДУнинг филология факультетига ўқишига
кирмоқчи. Ёнгиннинг шеърларини ўқиб жуда хурсанд бўл-
дим. Шеърларида дард бор. У маддоҳ шоирлар каби баланд-
парвоз бачкана сўзлардан иборат маънисиз шеър ёзмайди.

29.07.1994.

Кундалик менинг яқин дўстимга ўхшайди. Мен дилимдаги бор сўзларимни айттим келади. 13 кун бўлибди, мана шу дўстим билан сұхбатлашмай қўйганимга. Шу кунлар ичида нималар бўлди. Худойимга беадад шукрлар бўлсинки, оиласиз ва барча қариндош-уругларимиз соғ-саломат. Кимё аммамнинг ўғли Ибронали ва Олимжон амакимнинг ўғли Набижон ҳам фарзанд қўришди.

Йўлдош тоғамнинг бешинчи ўғли Жаҳонгир фарзандли бўлганда оиласида нотинчлик бўлибди. Яъни эр-хотин ажралишмоқчи эмиш. Мен бу хабарни эшитиб бўғилиб қолдим. Чунки Жаҳонгир билан болалиқдан бирга ўсганим учун уни яхши биламан. У ҳеч кимга озор бермайди. Ҳаётдан сира нолимайди. Борига шукр қилади. Энг муҳими доим хушчахчаҳ юради. Жаҳонгир билан сұхбатлашсангиз кайфиятингиз кўтарилади.

1 августдан бошлаб Ўзбекистонда янги пул бирлиги муомилага киритилмоқда. Янги пулни курси сўм купонга нисбатан мингта бир, яъни минг сўм купон – бир сўм бўлади. Одамлар янги пул чиқса, турмушимиз яхши бўлиб кетади деб умид қилишмоқда. Илоҳим бу умидлари рўёбга чиқсин. Чунки пул бирлигини ўзгаришига қадар одамлар ваҳимага тушиб қолгандилар. 1 августдан иш ҳаққи ҳам 40% га ошди. Энди мени ойлик маошим 280 сўм бўлади. Бу маош билан албатта оила тебратиб бўлмайди. Шунинг учун уйланишга шошилмаяпман. Моддий қийинчилик оқибатда ёш оиласар бузилмоқда. Бу ҳолат мен кабилар учун ибрат бўлиши керак албатта.

06.08.1994.

Кундалигим менинг овунчоғим. Аммо нимагадир ёзишга қўлим бормаяпти. Эҳтимол кайфиятим туфайлидир.

Бу ҳафта музейдаги ишларим бир маромда ўтди. 5 август куни ФарДУда кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Курсдошларимдан Ҳолиқназаров Маруф ҳамда Аминова Малоҳат укаларини имтиҳонга олиб келишган экан. Имтиҳондан сўнг музейга келишди. Улар билан сұхбатлашдик ва қовунхўрлик қилдик. Курсдошларимни укалари ҳам биз билан ўтириб сұхбатимизга қулоқ солишди. Мен уларга “Сизлар имтиҳон топширдингиз. Аммо талаба бўлиш осон эмас. Агар имтиҳондан ўта олмасангиз ҳам хафа бўлманг. Чунки бунда ҳам бир ҳикмат бор, деб қабул қилинг”, деб айтдим. Шу куни Йўлдош тоғамнинг ўғли Ёнғин ҳам имтиҳон топширди. Илоҳим омад ёр бўлсин.

28.08.1994.

Кундаликка ёзмай қўйганимга уч ҳафта бўлди. Шу вақт ичида нималар бўлди.

Соғлиғимдан шикоятлар йўқ. Аммо иш фаолиятимда кўнгилсизликлар юз берди. Музей директори билан санманга бориб қолдим. У мени интизомсизликда айблади. Яъни ишга вақтда келмас эмишман. Аслида мен доим ишга эрта келиб кеч қайтаман. Шунчаки, фикрларимиз турлича. Директорга аччиқ қилиб, ишдан кетай десам, ўзимга берган ваъдамга хиёнат қилган бўламан. Шукрлар бўлсинки, Аллоҳим сўраганимни вақтида эмас, вақти билан бераркан. Менга сўраганимни вақтида берди. Энди арзимаган кўнгилсизлик учун ўзим орзу қилган ишимдан воз кечиш номардлик бўларди. Ахир тарихни ўрганиб, халқимизни ҳам билганларимдан воқиф қилиш мен учун фарз ва қарзdir.

23 август куни ҳамкасбим қадрдоним Баҳодир Ҳошимов бетоб бўлиб қолиб уйига кетди. Ишқилиб тезроқ соғайиб ишга қайтсин. Мен Баҳодирга ўрганиб қолган эканман. Усиз ишда биринчи кундан зерика бошладим. Баҳодир билан мен

ҳам иккимиз бир-биrimizga керакмиз. Чунки мақсадимиз ва танлаган йўлимиз бирдир.

25 август куни Йўлдош тоғамнинг ўғли Ёнгин 170,8 балл билан 40 нафар талаба ичида 34-номер билан ФарДУнинг ўзбек филологияси факультетига қабул қилинибди. Ёнгин бу хушхабар билан музейга менинг олдимга келди. Биз иккимиз уйимизга бордик. Онажоним жиянини талаба бўлганини эшишиб жуда хурсанд бўлдик. Қанийди шундай хушхабарларни ҳар куни Онажонимга етказсам. Онажонимнинг кўзларида қувонч кўрсам ўзимни жуда баҳтли хис қиласман.

Шундан сўнг Йўлдош тоғамларни уйига бордик. Шу куннинг шукуҳи йилларга тенг бўлди десам тўғри бўларди. Шу ерда Жаҳонгир билан ҳам кўришдим. У ҳам ота уйига келмаганига анча бўлганди. Иккимиз анча вақтгача гаплашиб ўтиридик.

Ҳозир музейда Ҳамдам Сураймонов билан “Шарқ қўллёзмалари” номли кўргазмаси устида ишламоқдамиз.

11.09.1994.

Ёз фасли ҳам ўтиб куз фасли ҳам етиб келди. Шу ўтган икки ҳафта ичида нималар рўй берди. Одатда икки ҳафтада кўп воқеалар содир бўлди. Аммо буларни барчасини ёзишга қўлим бормади. Агар мен шу кунгача бўлиб ўтган воқеаларнинг барчасини ёзгудек бўлганимда, аллақачон кундалигимни ҳажми минг бетдан ошиб кетган бўларди. Аммо ёза олмайман. Ичим ҳасратга тўлиб кетди. Шоир Миртемир айтганидек:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қоврилмай то ғашлик алангасида.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Нафасимни ростлай кўланкасида.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қушлар овозига қулоқ солайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Хаёл оғушида ором олайин.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

3 сентябр қуни мен ишлаган 37-мактабдаги она тили адабиёти ўқитувчиси Муроджон Тожибоев тўй қилди. Шу тўйга борганимда 37-мактаб жамоаси билан кўришдим. Уларни сухбатларини соғингандим. Анча вақт сухбатлашиб ўтиридик.

Ҳозир музейда Баҳодир Ҳошимов билан иккимиз “Фарғона водийси халқлари тарихи” номли ўқитувчилар учун ўқув қўлланма ёзиш ҳаракатидамиз. Музейга келаётган тарих фани ўқитувчилари биздан шу мавзуда қўлланма ёзишимиз кераклигини илтимос қилгандилар. Шу сабабдан мавзуга доир адабиётлар устида ишламоқдамиз.

Сентябр ойидан бошлиб музейда рассом бўлиб ишлайдиган Люба Семизорованинг онасидан қолган Фарғона шаҳрининг Ломоновсов кўчасидаги биринчи қаватда жойлашган бир хонали уйида турибмиз. Ижара ҳаққи – 25 сўм.

Куз келиб мактабларда ўқиш бошланди. Аммо бу сафарги ўқиш мавсумида ўқувчилар кўп қийинчиликларга дуч келдилар. Ёзиш учун дафтарлар тугул оддий сиёҳ ҳам етишмайди. Сентябрдан нон нархи 1,5 баравар ошди. Бир буханка нон 2 сўм. Нон маҳсулотлари қимматлашгани боис, 100 сўмдан компензация тўлайдиган бўлди.

Бу ҳолатлар фуқароларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Айниқса, маориф тизимида, ўқитувчиларда тушкунлик ҳукмрон. Агар бу ҳолатга жиддий эътибор берилмаса, таълимда олдинга эмас, аксинча орқага кетиши мумкин. Давлат арбоби Отто фон Бисмаркга кўра “Мактаблардан иқтисодини қисган кимса охир оқибат

қамоқхоналар қуришга мажбур бўлади". Демак таълимга жиддий эътибор бериш керак.

25.09.1994.

Кундалигимни ёзмай қўйганимга ҳам икки ҳафта бўлибди. Шу икки ҳафта ичида нималар бўлди. Аввало янгиликларни оиласиздан бошласам

Иккинчи синглим Муаттар 19 сентябр куни 20 ёшга тўлди. Афсус синглиминг туғилган кунига совға бера олмадим. 18 сентябр якшанба куни эртадан то кечга қадар ёмғир ёғди. Шу ҳафта музейда "Шарқ қўлёзмалари" номли кўргазмани очдик. Бу кўргазмада Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг қаламига мансуб турли давларда кўчирилган нодир қўлёзмалар илк бор намойиш этилди. Кўргазма очилишидан олдин ФарДУдаги адабиётшунос олим Муҳаммаджон Мадғозиевни музейга таклиф қилиб, ундан кўргазма юзасидан қимматли маслаҳатлар олдик.

Шу ҳафта "Фарғона ҳақиқати" газетасига бориб Маҳфузахон Усмоновага Баҳодир иккимиз тайёрлаган Дилшоди Барно ва Худоёрхон тўғрисидаги мақолаларимизни бериб келдик.

23 сентябр куни Ҳамидахон исмли музейда фаррош бўлиб ишлайдиган аёлнинг Умида исмли тўнғич қизини никоҳ тўйи бўлди. Тўйдан бир кун олдин музей жамоаси учун тўй бўлаётган хонадонда зиёфат берилди.

02.10.1994.

Сентябр ойинниг сўнгги ҳафтаси ҳам тугади. Янги октябр ойи бошланди. Оиласизда пулга қийналиб қолгандик бузоғимизни 830 сўмга сотдик. Бу ҳафта музейдан 13 нафар ходим аэропорт олдидаги Бобур номли колхозни № 3 – бригадаси

қарашли Раҳмонали Сотволдиев исмли кишининг 3,5 гектарлик пахта майдонида пахта тердик. Бу группага мен бошчилик қилдим. Шанба куни Люба Семизорованинг уйидан музейимиздаги бўлим бошлиғи Эътиборхон Ҳайдарованинг Ватний деб аталган кварталдаги квартирасига кўчиб ўтишга мажбур бўлдик. Баҳодирга ҳам менга ҳам яна қўрпатўшакни кўтариб юриш жуда аълам қилди. Янги кўчиб ўтган квартирамиз тўртинчи қаватда бўлиб, шароити ҳавас қилгудек эмас. Чунки сув чиқиши қийин экан. Қолаверса, бир мунча нотинч ҳудуд экан.

08.10.1994.

Бу ҳафта тури воқеаларга бой бўлди. Аммо воқеаларнинг бири жуда ҳам ноҳушдир. Совхозимиздаги 31-мактабга директор этиб тайинланган Муқимжон Мўминов 8 октябр куни кундузи соат 15 ларда юрак хуружидан 47 ёшида вафот этди. Муқимжон Мўминов биз таълим олган Қува тумани Бўзахўр қишлоғида жойлашган Алишер Навоий номидаги 6-ўрта мактабда узок йиллар директор ўринбосари ва директор лавозимида меҳнат қилган эди. У кимё фанидан нафақат туманда балки вилоятда етук иқтидорли устозларидан бири бўлган. Афсус шундай устозни қадрига этишмади. Аллоҳ таоло устозни охиратини обод қилсин.

Шу ҳафта Сурхондарё вилоятидан эллик ёшлар чамаси Рустамжон Шокиров деган киши музейга келди. У Мирзо Бобурнинг Сўхдаги қадамжолари ва “Санги ойна” ҳақидаги ривоятни бизга сўзлаб берди.

“Ривоят қилишларича; Бобур мирзо Шайбонийхон билан бўлган жангларнинг бирида мағлубиятга учрагач, ҳамма нарсадан умидини узиб, бутун вилоятлардан воз кечиб, Сўх қишлоғи атрофларига келиб яшай бошлаган эмиш. Мирзо Бобур бу ернинг ажиб манзараларидан, мусаффо ҳавосидан ва қандайдир ғайри табиий ажойибтомуз бир хислати

борлигидан ҳайратга тушиб, умрининг қолган қисмини шу ғаройиб масканда ўтказишга аҳд қилибди. Ўша вақтларда Сўх қишлоғи атрофида яна бир неча Тул, Ҳушёр, Чўнғара сингари қишлоқлар бўлиб, бу ернинг одамлари жуда ҳам меҳмондўст, сахий ва одамшинавандада бўлиш билан бирга улар ўта жасур ва дўсту душманни ажрата оладиган ниҳоят даражада ҳушёр эканлар. Балки шу сабабли ҳам бу қишлоқларнинг бири “Ҳушёр” қишлоғи деб аталгандир.

Бобур мирзо бу ерга келиб, яшай бошлаган биринчи кунларидаёқ ўша қишлоқнинг одамлари унга яхши муносабатда бўлишиб, унинг бу ерларда яشاши учун ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай, балки Бобур мирзо билан топганинни бирга баҳам кўрган эканлар. Султон Бобур ҳам ўз навбатида улар билан дўстона алоқа ўрнатиш билан бирга унинг вақти фақат шоирлигу кўнгил хушлиги учун ов қилиш баҳонасида табиат яратиб қўйган гўзалликни томоша қилиш билан ўтар экан. Аммо унинг қалби изтиробга тўла экан. Ахир шундок буюк Соҳибқирон Темурнинг авлоди бўла туриб, тожу тахтдан маҳрум бўлиб юрса, наҳотки салтанатни бошқариш унга қайтиб насиб этмаса?! Бу саволлар Бобур мирзонинг хаёлини банд қилиб юрган кунларнинг бирида унинг тушига машҳур пирлардан бирининг сиймоси кириб, “Мирзо, сиз асло қайғурманг, илкингиздан кетган салтанат яна бир кун илкингизга келиб тушкусидир. Сиз яна зафар тожисини киорсиз, агар бунга бир карра ишонч ҳосил этиш истагида бўлсангиз, эрта тонгда туриб булоқ томон борингиз, ўша ерда пушталар орасида “Санги ойина” деб аталмуш тош бордур. Бу тошга назар соладиғон булсангиз, тошда келажагингиз бяшорат бўлғусидир”, — деб ғойиб бўлибди. Бобур мирзо уйқудан уйғонгач, пири кўрсатган йўлидан бориб, пушталар орасидан ўша мўъжизавий тошни топди. “Санги ойина” нинг ажойиб мўъжизаларидан бири шул эканки, бу ойна тошда фақат қалби пок кишиларнингни акси пайдо бўлар экан. Бобур мирзо “Санги ойина” олдига

келиб нигоҳини қаратган он тошда шоҳона лиboslar билан ёнида беҳисоб лашкарлар сурати пайдо бўлибди. Шундан сўнг Бобур мирзо Тангри таолога беҳисоб шукроналар айтиб, ортига қайтди ва бўлажак юришлар сари отланиб, Қобул сари равона бўлибди”.

Ушбу ривоятни тинглаб биз Баҳодир иккимиз Рустамжон Шокировга “Санги ойна” тўғрисида фильм ишлаш керак деган фикрни билдиридик. Пайшанба куни музейга келган ўшлиқ режиссёр Умаржон Олимов ҳам бу мавзуга қизиқиб қолди. Хуллас ҳозирда “Санги ойна” тўғрисида фильм олиш мавзуси бизни жуда қизиқтириб қўйди.

13.11.1994.

Кундаликни ёзмай қўйганимга бир ойдан ошди. Мен бундан жуда афсусдаман. Ҳўш шу бир ой ичида нималар рўй берди.

Пахта терими ҳам тамом бўлди. Баҳодир меҳнат таътилидан қайтди. Мен 7-10 ноябр куни Учқўприк туманидаги Катта кенагас қишлоғида ташкил қилинаётган Ҳазиний музейи юзасидан хизмат сафарига бориб келдим. Мен шоир Зиёвуддин Ҳазиний адабий мероси бўйича диплом иши олгандим. Хизмат сафари мен истаганимдек бўлди. Катта кенагас қишлоғида Насрулло Раҳматуллаев хонадонида уч кун турдим. Бу киши менда чуқур таассурот қолдириди. Насрулло ота Ҳазиний музейини очиш учун елиб югургаётган фидойи инсондир. Шунингдек Катта кенагасда Қошғар хони бўлган Бузрукхон тўра авлоди бўлмиш Исломилхон Маҳмудов билан ҳам танишдим.

Назаримда Катта кенагас қишлоғи китобларда тасвирланган афсонавий қишлоқقا ўхшайди. Одамлари содда, самимий. Кўзларида меҳр нури уфириб туради. Мен анчадан буён мана шундай фазилатларга эга инсонларни учратишни орзу қиласдим.

Сафаримни охирги куни Ҳазиний тўрани қабрини зиёрат қилдим. Шу аснода диплом ишим учун катта материал тўплаб қайтдим.

Худога шукр оиласиздагиларнинг барчаси соғ-саломат. Яхши бир янгилик. Тоғамни учинчи ўғли Улугбек акам озодликка чиқибди. Онажоним тоғамни фарзандларини қўтариб катта қилгани боис, уларни жуда яхши қўради. Бу хабар онамни жуда хурсанд қилди. Оиласизга янги рангли телевизор олдик.

Ҳозир музейда ишларим яхши. Мирзо Улуғбек ҳақида ёзган мақолам “Фарғона ҳақиқати” газетасида босилиб чиқди. Шунингдек ушбу мақоламни Вилоят радиосида ўқиб эшилтирдим. Бу мақоламни чоп этилишида “Фарғона ҳақиқати” газетасида ишлайдиган журналист Ҳафиза Салъхованинг ўрни бор. Ҳафиза опам ҳозир бетоб касалхонада ётибди. Кеча уни кўргани касалхонага бордим. Аллоҳим ўзинг дардига шифо бергин.

26.11.1994.

Кўз очиб юмгунча икки ҳафта ўтиб кетди. Бу икки ҳафта давомида мен Абулқосим Фирдавсийнинг минг йил аввал ёзилган шоҳлар ҳақидаги китоби, яъни “Шоҳнома” асарини ўқиб чиқдим. Асар менга жуда таъсир қилди. Чунки Фирдавсийнинг айтганлари мен учун ҳам жуда ибратлидир.

Кўп олий қасрлар бўлурлар хароб,
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.
Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.
Сухан тухимин экдим чекиб меҳнатим,
Мен ўлмам, асрлар яшайдир отим!

Аслида ҳар бир тарихчи ушбу асарни албатта ўқиши керак. “Шоҳнома”ни ўқиб бўлганимдан сўнг “Фарғона ҳақи-

қати” рўзномасига буюк шоир Абулқосим Фирдавсий ва “Шоҳнома”ни туркий таржимасининг муаллифи фарғоналиқ Мулла Ҳомушний ҳақидаги “Асрлар яшайдир отим” номли мақоламни бериб келдим. Ҳозир ўрта асрларга оид илмий адабиётларни ўқимоқдаман. Музейда ҳам оиласизда ҳам ҳозирча янгиликлар йўқ.

Тўғрисини айтганда Садди холамни, Кимё аммамни, Олимжон амакимни, Йўлдош тоғамнинг уйига қўргани бормаганимга анча бўлибди. Уларнинг олдида жуда уятдаман. Вақтим бўлганда бирма-бир барчасини кўнглини олишим керак.

02.12.1994.

1994 йилнинг сўнги декабр ойи ҳам кириб келди. Кунлар шундай тез ўтмоқдаки, уларни сархисоб қилишган улгурмай қолар экансан. Шундай бўлсада, ўтган ҳафта ичида нималар бўлди, шулар ҳақида икки оғиз сўз айтсам.

29-30 ноябр кунлари ҳамкасбим Баҳодиржон Ҳошимов билан Учқўприкка Ҳазиний уй музейи юзасидан хизмат сафарига бориб келдик.

Кеча ФарДУга кетаётиб йўлда водиллик хизматдошим Илҳом Мўминовни учратдим. У ҳам яқинда уйланибди. У билан хизматдаги ўтган кунларимизни эсладик.

Ҳозир совхозимизда табиий газ тушириш ишлари давом этяпти. Тезроқ хонадонларда табиий газ ёна бошласайди. Қиши келди дегунча катта-кичик ўтин қилиш билан овора бўлади. Уйлар кўмир ва ўтин тутунидан қорайиб кетади. Газ одамларни оғирини енгил қиласди деган умиддаман. Ҳар қалай яхши гумонда бўлишимиз керак. Ташқарида қаҳратон қиши. Ичарида газ ёниб турса, иссиқина уйда яхши бир китобни олиб ўқищдан завқлироқ яна нима бор?

11.12.1994.

Декабр ойининг илк ҳафтасиданоқ совуқ кучайди. Қорҳам ёғди. Музейда ишлар бир маромда кетмоқда.

6 декабр куни “Фарғона ҳақиқати” редакциясига музейда мен, Баҳодир ва Сайёра Мирзаева учаламиз бордик. Ҳафиза Салъахова опамиз ишга чиқибди. У билан хонасида анча вақт гаплашиб ўтиридан.

7 декабр куни директор хонасида йиғилиш бўлди. Йиғилишда кўрилган масала “Янги йил байрамини қандай нишонлаш”. Ҳар бир байрам мен учун бош оғриғи. Қайданам профком бўлган эканман. Одатда профсоюз ходимларни ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш учун тузилган. Лекин менинг хulosам шу бўлдики, музейдаги профсоюз қўмитаси фақат тадбирлар учун ишлайди.

Кеча синфдош дўстим Бахтиёр Исмоилов уйимизда гаплашиб ўтиридан. Бахтиёрнинг ҳам ўз орзулари бор. Мен дўстимни орзулари рўёбга чиқишини истардим.

18.12.1994.

Қишининг биринчи ойи ҳам ўтиб бормоқда. Негадир ўтган ҳафта мен учун маънисиз кунлардан иборат бўлди. Музейда ишларим бир маромда кетмоқда.

Кеча Кимё аммамни кўргани бордим. Анча вақттacha Кимё аммам билан гаплашиб ўтиридан. Бундай аммамни борлигига шукр. Мен аммамнинг ғайратига қойил қоламан. Сира чарчамайди. Кимё аммам нафақат қариндош-урұғлар балки, қишлоқдагилар қўни-қўшниларининг ғам-ташвиши билан яшайди. Мен бунга кўп марта гувоҳи бўлганман. Кимё аммамларнида дастурхон йиғилмайди. Чунки кун бўйи меҳмон узилмайди. Янгичек қишлоғи билан биз яшайдиган уйимиз орасида масофа 3-4 чақирим келади. Кимё аммам шунча масофани босиб уйимизга ягона укаси, яъни дадамни

ҳолидан хабар олгани қўлида ўзи пиширган палов ва ўзи ёпган ёғлиқ патирларни катта чорсига тутиб бошида кўтариб келади. Дадамни кўргач, хотиржам бўлиб яна уйга пиёда қайтиб кетади.

Йўлдош тоғамнинг хонадонида яна кўнгилсизлик бўлибди. Тоғамнинг тўртинчи ўғли Давлат акам ўғриларга шерик сифатида айбланиб, озодликдан маҳрум этилибди. Қумри энам Давлат акамнинг жуда яхши қўрарди. Давлат акамга муштлашишда бирор тенг келмаган. Шундай ажойиб акамни ҳали уйланмай туриб панжара ортида ўтиришига жуда ачинаман. Суриштириб қўрсам, қилмаган ишига жавобгар бўлибди. Жиноятни бошқалар қилгану, улар бу ҳақда Давлат акамга айтишмаган. Натижада емаган сомасига товон тўламоқда.

21.01.1995.

Кундаликни ёзмай қўйганимга ҳам бир ой бўлди. Шу вақт мобайнида бир неча марта кундаликни қўлга олдим. Аммо ёзгим келмади. Хўш бир ой ичида нималар содир бўлди.

Бу йил ҳам янги йил тадбирини музейда нишонлаш мен билан ҳамкасбим Баҳодир Ҳошимовга насиб қилмади. Раҳбарнинг муомиласидан ранжиб қолган Баҳодир уйга кетиб қолди. Мен ҳам ноилож унинг ортидан эргашдим. Шундай қилиб янги йил борасидаги барча режаларимиз орзу бўлиб қолаверди. Янги йилдан сўнг сессия бошланди. Бу сессия ҳаётимдаги энг ёмон хотираларни ўз ичига олган сессия сифатида муҳрланиб қолди. Ўзини авлиё қилиб кўрсатган айrim ўқитувчилар аслида қўй терисини ёпинган бўри эканликларини намоён этдилар.

Энди хушхабардан ёзсан. 14 январ куни Куба тумани Мозортаги қишлоғида яшовчи Зулфия исмли қиз билан танишдим. Зулфия 1977 йилнинг 26 январ куни таваллуд

топган. Отаси Мамиржон Ботиров узоқ йиллар мактабда фаолият қўрсатган. Шу сабабдан элу юрт орасида “Ботиров домла” номи билан танилган экан. Зулфиянинг онаси Лолаҳон ая бундан ўн йилларча муқаддам вафот этган экан. Зулфиянинг бешта акаси бўлиб, кенжа қиз фарзанд экан. Дадам ҳам онам ҳам бир вақтлар Мамиржон Ботировнинг қўлида сабоқ олишган, яъни Ботиров домланинг собиқ ўқувчилари экан. Дадам ҳам онам бу инсонни ўз ишига вижданан ёндашган устоз сифатида жуда хурмат қилишаркан. Қисқаси Ботиров домлани ўзи мен билан гаплашмоқчи бўлган экан. Шу сабабдан мен бу инсон билан кўришдим. Иккимиз бир муддат турли мавзуларда сухбат қурдик. Қисқаси сухбатда чоғида Ботиров домлада мен ҳақимда яхши таассурот қолган шекилли 16 январ куни отонамни уйига таклиф қилди. Уларга розилик аломати сифатида “Оқлик”ни берибди. Худо хоҳласа, шундай қилиб Зулфияхон Ботирова билан бир неча ойдан сўнг никоҳ тўйимиз бўлади. Илоҳим шу қиз билан турмуш қуриб, қўша қарийлик.

17 январ куни “Фарғона ҳақиқати” газетасида “Шоҳнома” асарининг ёзилганига минг йиллигига бағишлиб ёзган “Асрлар яшайдир отим” номли мақолам босилиб чиқди.

29.01.1995.

Бу ҳафта воқеаларга бой бўлди. 24 январ куни мен 25 ёшга тўлдим. Йигит киши 25 ёшда айни навқирон ёшда бўлади. Демак мен ҳам навқирон ёшдаман. Шу кун музейда ҳам уйимизда ҳам ўтириш қилиб бердим. 26 январ куни бўлғуси рафиқам Зулфияхон 18 ёшга киради. Илоҳим орзуларига етишсин. Бошқаларга саробга ва армонга айланган баҳт тушунчасига Зулфияхон ҳаётда том маънода эришсин.

Жума куни уйга келсан хурсандчилик. Ваниҳоят газ ёнибди. Нафақат бизнинг оила бутун совхозимиздагилар

учун катта хурсандчилик бўлибди. Кеча Бўзахўр қишлоғидаги синфдошим Тўлқин Сулаймоновнинг никоҳ тўйи бўлди. Шу қишлоқлик Фарида исмли қизга уйланди.

Музейда ишларим бир маромда кетмоқда. Бу йил музейнинг 100 йиллик юбилейини нишонлаш режа қилинган. Юбилейни 2 ноябрга белгилашди. Юбилей арафасида музейда илмий конференция ҳам ўтказилиши қўзда тутилган. Мен ушбу конференцияда буюк аллома Ахмад Фарғонийнинг илмий мероси тўғрисида маъруза қилишни режа қилдим.

12.02.1995.

Мана қиш фаслини сўнги феврал ойини биринчи ўн кунилиги ҳам ўтиб кетди. Хўш шу ўтиб кетган ўн кун ичида нималар бўлди. Шулар ҳақида ёзсан. Ҳозир рамазон ойи. Оиласиздагиларнинг барчаси рўза тутишган.

Музейда ишларим бир маромда кетмоқда. Сешанба куни ҳамкасбим Баҳодиржон Ҳошимов билан “Фарғона ҳақиқати” газетасининг редакциясига бориб Ҳафизаҳон Саляховага “Подшоҳ Искандар” номли мақоламизни бериб келдик. Редакциядан жуда хурсанд бўлиб чиқдим. Редакцияда менга раҳматнома эълон қилишибди. Редактор ўринbosари Аъзамжон Ортиқов билан анча вақт сухбатлашиб ўтирдик. У ҳам мен ёзган мақолалардан хурсанд эканлигини айтди.

Музейда бир қанча янгиликлар бор. Табиат бўлими мудири Мамлакатхон Ҳайдарова Марғилон шаҳрида янги очилаёттан Санъат ва адабиёт музейига мудир бўлиб ишга ўтмоқда. Вилоят музейига илмий ишлар бўйича раҳбар ўринbosари вазифасига Нури Акбаров исмли киши тайинланди. У ҳақда бирон бир фикр билдира олмайман. Вақт ўзи ҳакам.

7 феврал куни мен музей профкоми вазифасидан озод бўлдим. Ўрнимга табиат бўлими илмий ходими Шоирахон Юнусова сайланди.

Феврал ойи бўлишига қарамай кунлар исиб кетмоқда. Бу иил баҳор эрта келади шекилли.

21.03.1995.

Бугун баҳор фаслининг улуг байрами Наврӯзи айём куни. Кундаликни қўлга олмаганимга ҳам роса 40 кун бўлибди. Шу қирқ кун ичида нималар рўй берди.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, оиласиздаги-ларнинг барчаси соғ-саломат. Сингилларим ўқиш билан машғул, онам мактабда дарс ўтиш билан банд. Дадам мана уч кун бўлдики, Хоразмга кўчат олиб кетди. Илоҳим соғ-саломат уйга кириб келсин. Қариндошларимиз ҳам барчаси соғ-саломат.

Музейдаги ишларим ҳам бир маромда кетмоқда. “Темурийлар даврида Фарғона” номли мақоламни ёзиб тутатдим. Баҳорги сессиядан сўнг “Фарғонанинг буюк ўғлонлари” рукни остида туркум мақолалар ёзмоқчимиз.

Илмий-оқартув бўлими бошлиғи Эътиборхон Ҳайдарова қаттиқ оғриб қолиб касалхонага ётди. Аллоҳим шу опамизни дардига ўзинг шифо бергин. 16 март куни Фурқат туманига хизмат сафари бориб келдим. Сафардан мақсад тумандаги ёдгорликлар ҳолатини ўрганиш бўлди. 18 март куни Йўлдош тоғамнинг ўғли Жаҳонгир билан кўришдим. Жаҳонгирнинг файрати ва меҳнаткашлигини кўриб унга ҳавасим келди. Жаҳонгирдек мен ҳам меҳнаткаш бўла олармикинман. Шу куни “Фарғона ҳақиқати” газетасида “Маънавий ахлоқ гўзаллик” сарлавҳаси остида уюштирилган давра сухбатида менинг ҳам мақолам босилиб чиқди. Газетанинг айнан шу сонида Йўлдош тоғамнинг олтинчи ўғли Ёнғиннинг “Баҳор келди, сен келмасмисан” номли шеъри ҳам чоп этилди. Ёнғиннинг ушбу шеъри менга жуда ёқди.

09.12.1995.

Кундалигимни ёзмай қўйганимга 9 ой бўлди. Одатда нари борса икки ҳафта ўтказиб кундаликка айрим маълумотларни қайд этардим. Бу сафар нақд 270 кун кундаликка қарамадим. Шу 9 ой ичида нималар бўлди.

26 май куни Зулфияхон билан никоҳ тўйимиз бўлди. Тўй бўлиб ўтганига ҳам етти ойча вақт бўлди. Худога шукр турмушимиз осойишта.

5 май куни синглим Дилафрўз қиз фарзанд кўрди. Қизалоққа Дилнамо деб исм қўйиши. Ҳозир бу қизча шу қадар ширин бўлганки, барчамиз уни келишини кутамиз. Аллоҳ жияним Дилнамохонни умрини узун, ризқини улуғ қиласин.

24 ноябр куни синглим Муаттархон синфдоши Давронбек Мадалиевга турмушга чиқди. Синглим Муаттархон ва куёвимиз Давронбекка дунёдаги барча эзгу тилакларни тилаб қоламан.

Ҳозир ташқарида ёмғир аралаш қор ёғмоқда. Мен эса кундаликка нималар деб ёzsам экан деб ўйланиб ўтирибман. Аллоҳим Зулфия билан турмушимиз мустаҳкам бўлиши учун бизга ҳам фарзанд ато қилган. Биз ҳам фарзандларимизни бағримизга босиб, узун кечаларда эртаклар айтиб берайлик. Болаларимизнинг кулгиларидан қалбимиздаги губорлар қолмасин.

31.01.1998.

Уч йилдан бери кундалик ёзмай қўйганим учун, ҳозир кундаликни ёзиш менга эриш туюлмоқда. Афсус уч йиллик ўтган ҳаётим ҳақида икки оғиз сўз ёзиш малол келмоқда. Шундай бўлсада, қуидагиларни қайд этиб ўтмоқчиман.

1996 йилда ФарДУни ўзбек филологияси факультетини тамомладим. 1997 йилнинг 3 ноябрида фольклор йўналишида номзодлик диссертациямни мавзусини тасдиқ-

латдим. Мавзу номи “Ўзбек халқ йиғилари”. Илмий раҳбар профессор Баҳодиржон Саримсоқов.

1997 йилнинг 14 декабр куни қиз фарзанд кўрдим. Оғирлиги 4 кг. Исмини Муштарийбегим деб қўйдик. Муштарийбегим ҳозир бир ёшда, жуда ширин бўлган вақти. Зулфия иккимиз Муштарийнинг ёнидан сира кетгимиз келмайди.

01.11.2002.

2002 йилнинг 1 ноябр куни соат 19⁰⁰. Мен ўзимнинг музейдаги иш кабинетимда ўтирибман. Кундаликни варақлаб чиқдим. Ўйлаб кўрсам етти йилдан бери мен кундалигим билан сирлашмай қўйибман. Мен ўзимга берган ваъдамни унутибман. Ахир ўз-ўзимга кундаликни муентазам равишда ёзиб бораман деб ваъда бергандим. Минг афсуслар бўлсин ваъдага вафо қилмадим. Шундай бўлсада, баъзи нарсаларни ёзиб қўйгим келди.

Ҳозир мен Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқдаман. Ойлик маошим 24485 сўм. Бироқ бу катта маош дегани эмас. Аслида икки қоп уннинг пули демакдир. Чунки 50 кг. ун 10 минг сўм. Бир кг. мол гўшти 2200 сўм. Қўй гўшти 2500 сўм. Бир кг гуруч 600 сўм. 1 кг ёғ 1100 сўмга сотилмоқда. Шу сабабдан ойлик маошим йўлкирамдан ортмайди. Ҳозир Қувага Фарғона шаҳридан йўл кира ҳаққи 300 сўм. Бир порция лағмон 500 сўм. Энди ўйлаб кўринг. 22 кунлик иш ҳақим ўзимнинг қорнимни тўйғазишига етади холос. Нима учун бу қадар ҳисоб-китобни қилмоқдаман. Сабаби борган сари мен каби ишга қатнаб ишлайдиганлар учун ойлик маош билан яшаш қийин бўлмоқда.

Аммо мен ишимни жуда яхши кўраман. Ишим билан завқланаман. Агар ишимдан завқланмаганимда аллақачон бу ишни тарқ этиб, қўпроқ маоши бор жойга кетган бўлардим. Инсон ишидан завқланмас экан, у худди жонсиз жасад каби

бўлиб қолади. Шу сабабдан донишманд Софоклни сўзларини доим такрорлайман: “Қаерда завқ ўлса, у ерда инсон ҳам ўлади”.

Ҳозирда икки нафар қизим бор. Муштарийбегим 5 ёшда. Фарангисхон қизим 1 ёшда. Иккаласи ҳам бир-биридан ширин катта бўлишмоқда. Зулфия иккимиз буларни катта қилиш давомида бир неча марта оғир аҳволга тушдик. Фарзандларимиз оғриб қолиб ренамацияларда ётишган вақтда биз бир неча марта ўлиб-тирилдик. Шу сабабдан ойлик маошим оз бўлсада, тинч яшаётганимизга шукр қиласиз.

Шу кунга қадар учта китобим нашр қилинди. Мен музейда ишлаш жараёнида яна ўнлаб китобларни ёзишни режа қилмоқдаман. Худо хоҳласа мен бу олий мақсадимга эришаман.

НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВНИНГ 55 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЁЗИЛГАН ТАБРИК ХАТЛАРИ

ТҮЙХАТ

Манбашунос-тариҳчи, менинг назаримда, Фарғона водий-сининг давримиздаги энг сермаҳсул олимларидан бири Нодирбек Абдулаҳатов билан танишганимга ўн беш йиллар бўлди. Шу вақт орасида Нодирбек Фарғоний (биз уни шундай атаймиз) билан илмий мулоқот қилиб келамиз, тариҳий манбалар устида ҳамкорликда ишлаймиз, фойдали фикр алмашамиз.

Нодирбек Фарғонийнинг номи, ёзган асалари ва илмий тадқиқотлари нафақат юртимиз илмий жамоатчилигига, балким чет эл илм аҳлига ҳам яқиндан таниш. Зоро у ёзган қатор тариҳий монографик китоблар ва илмий-оммабоп мақолалари асл манбаларга асосланган.

Тарихчи олимнинг илмий тадқиқотлари замирида буюк тарихимизнинг ёзилмай қолган оқ саҳифаларини тўлдириш, улуғ қадриятимизнинг нотӯғри ёзилган қора доғларини ўчириш ҳамда манбалар асосида ҳақиқий тарихимизни тиклаш ётади.

Нодирбек Фарғонийнинг тарихшунослик фаолияти кенг қамроқли бўлиб, водий халқининг тарихи, урф-одатлари, расм-русларни, турли ривоятлари каби соҳаларни манбалар ва халқ оғзаки ижодиёти, дала тадқиқотлари орқали ўрганади, тадқиқ этади.

Олимнинг *Бурҳониддин Марғиноний, Шоҳимардон, Хазиний юрти, Тошлоқ тарихидан лавҳалар, Ёзёвон тарихи* каби (баъзиси ҳаммуаллифлик асосида) ёзган туркум китоблари, қатор илмий мақолаларининг кенг қисми хорижлик илм аҳлари таклифлари билан ҳамкорликкда ёзилган.

Нодирбек Фарғонийнинг илмий ишлари орасида *шажара шунослик, насаб шунослик* соҳасидаги тадқиқотлар катта аҳамият касб этиб келмоқда. Бу ишлар натижасида қанчадан-қанча авлодлар ўзларининг аждодларини қайта кашф этишди. Бу соҳани чет эллик олимлар ҳамкорлигида олиб борилиши ҳам юртимиз илмий салоҳиятини хорижликлар назарида кўтаради, албатта.



**Нодиржон Абдулаҳатов Комилхон Каттаев
хонадонида. Самарқанд. 2011 йил.**

Азиз биродаримиз, ҳамкоримиз Нодирбек Абдулаҳатов-Фарғонийнинг қуттулғ 55 ёшга тўлиши ҳамда илмий фаолиятининг 30 йиллиги билан Самарқандлик илм аҳллари номидан чин дилдан табриклайман ва яна 50 йил яшаб, илмий фаолият кўрсатишини тилайман. Юртимизнинг салоҳиятли олимларидан бири бўлмиш дўстимизга мустаҳкам соғлиқ, оиласига тинчлик ва омонлиқ, илмий ишларига эса ривожу баракалар тилаб қоламиз.

**Комилхон КАТТАЕВ, тарихчи-манбашунос
Самарқанд, 2025й., сентябрь.**

ҚАДАМЖОЛАР ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР МУҲАРРИХИ

Нодиржон Абдулаҳатов билан танишиб қолишимизга Тоҳир ҳожи Абдураимов сабабчи бўлган. Вилоят Маънавияттарғибот марказида Аҳмад Фарғонийнинг қувалик эканлигини исботлаш борасида тадқиқотлар, аниқроғи тортишувлар кетарди. Университетнинг бир битирувчи талабаси Аҳмад Фарғоний Қувадан эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб курс иши ёзган, натижада бу анча шов-шувларга сабабчи ҳам бўлди. Мен “Маънавият” газетасида муҳаррир ўринbosари бўлиб ишлардим. Тоҳир ака шу ишга жиддийроқ ёндашишга ундаdi. Унинг кабинетида вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари Нодиржон Абдулаҳатов ҳамда Баҳодиржон Ҳошимов билан кўришдик. Дастраси учрашувимиз у қадар яхши чиқмади. Музейчилар мени лўттивозлардан дея ўйлашди чоғим. Жумладан мен ҳам уларни калондимоғлиқда айблардим, ўзимча.

2000 йилда “Фарғона” нашриётида чоп этилган шу икки йигитнинг “Мўйи муборак” тўплами тасаввуримни мутлақо ўзгартириб юборди. Бу китоб Нодирбекнинг ilk тарихий-оммабоп асаларидан бири эди. У 96 бетдан иборат 6 босма табоқли, мундарижаси пухта ўйланган, танлаган мавзусини анча кенг ва муфассал ёритиб бера олган тадқиқот эди.

Ўшандан буён вилоят музейига тез-тез борадиган бўлиб қолдим. Фарғона Ўлкашунослик музейи энг кўхна, нуфузли, экспонат ва тарихий китобларга бой манзил эди. Б. Ҳошимов ҳамда Н. Абдулаҳатовлар “Маънавият” газетасида долзарб илмий мақолалари кетма-кет эълон қилина бошлади.

Нодиржон Абдулаҳатовнинг 2008 йилда тарих фанлари доктори Аширбек Мўминовнинг илмий раҳбарлигида Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари материаллари асосида) мавзусида тарих фанлари номзодлик диссертацияси ҳимоя-

сида қатнашиб, олимлик нақадар мاشаққатли касб экан-лигини ҳис қилдим.



**Нодиржон Абдулаҳатов ва Алишербек Тошқулов.
Урумчи шаҳрида. 2007 йилда олинган сурат.**

У танлаган мавзу мамлакатимиз озод бўлганидан сўнг илк олға сурилаётган бўлиб, катта мунозара ва тортишувларга сабабчи бўлди. Аслида овоз бераёт-ганлардан атиги бир киши қарши бўлгани яхши натижа ҳисоблансада, биз ўшанда унинг ҳимоясини қайтаришади деган хавфда қолгандик.

Н. Абдулаҳатов билан бир қатор китобларни бирга ёзганмиз: “Хожам подшоҳ зиёратгоҳи” (2009), “Бир умр достони” (2013), “Ёзёвонлик Суярхон тўра”, “Сармозор зиё-

ратгоҳи” (2014), айниқса 2019 йилда “Ўрмонбек тазкираси”, “Кўхна мозор тарихи”, “Файзобод файзлари”, “Ёзёвон: Туризми, тарихи, зиёратгоҳлари”, “Язъяван: История, туризм, сакральные места” (рус тилида), “Yazyavan: Tourism, history and sacred places” (инглиз тилида) саёҳатномалари шулар жумласидан. Нодирбек ҳаммуаллиф сифатида жуда меҳнаткаш, кенг тарихий манбалар заҳирасига эга олим, китоб ёзиш ва тайёрлаш тамойилларини яхши билувчи мутахассис.

2006-08 йиллари япониялик тадқиқотчилар билан Фарғона водийси ва Шинжон-Уйғур муҳтор туманидаги катта илмий экспедицияда Н. Абдулаҳатов фаол иштирок этиб, «Марказий Осиёдаги исломга оид муқаддас жойларни тадқиқ қилиш: Фарғона ва Қашғар» номли Фарғона водийсидаги зиёратгоҳларга доир мақолалар тўплами, ҳамда уч жилдик “Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле)” нашри чоп этилди. 2008 йили XXРсининг Урумчи шаҳрига экспедицияни якунлаш учун ўтказилган бир ҳафталик симпозиумда, жумладан камина ҳам иштирок этдим. Мени ҳайратга согани Нодиржоннинг китобга чанқоқлиги намунаси эди. Олти кун ялпи мажлислардан сўнг ўша ердаги китоб дўконларини айландик. Ўнлаб китобларни харид қилди. Тошкентда ҳам шу аҳвол – у китоб магазинларини тинтуб қилиб чиқади десам муболага бўлмас. Пули оз-кўплигига парво қилмайди, олгани-олган...

Айниқса “Олтин мерос” халқаро жамғармасида фаолият юритганда унинг муаллиф сифатидаги салоҳияти жуда кенг қамровли бўлди. Ўша йиллари Фарғона зиёратгоҳлари ҳақидаги ўнга яқин қитоблари эълон қилинди. Натижада 2014 йилда “Фарғона вилояти зиёратгоҳлари ва қадамжолари” I ҳамда “Андижон ва Наманган вилоятлари зиёратгоҳлари ва қадамжолари” II монументаль китоблари нашр этилди. 320 бетдан зиёд бу китобларнинг масъул

муҳаррирлари Шайх Абдулазиз Мансур, исломшунос, Иброҳим Йўлдошев, филология фанлари доктори, профессор, тақризчилари Акмал Сайдов, юридик фанлари доктори, профессор, Матлуба Қахҳорова, фалсафа фанлари докторлари бўлиши.

Биргалиқда “Фарғона тамаддуни” газетасини ташкил қилдик. У муҳаррир, мен ўринбосар. Шунда унинг тарихий-оммабоп билимлари заҳираси тўла бўй қўрсатди. Жуда ўқимишли, мазмунли газета сонларини чоп этдик.

Шундан сўнг вилоят халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам бирга ишладик. Мен “Фарғона зиёси” журналида ишлаб, соатбай институтда дарс берган бўлсам, у “Ижтимоий-иктисодий фанлар” кафедрасида доцент, ректор лавозимида фаолият кўрсатди. Журналимиизда жуда оммабоп мақолалари билан қатнашди.

Нодиржон Абдулаҳатовнинг бизнинг Ёзёвонда жуда обрўси баланд. Чунки у Ёзёвон, умуман Марказий Фарғона ҳудуди тарихини ўрганишда бекиёс ишлар қилди. Кўплаб ёзёвонлик ўлкашунос-тарихчилар ёзган китобларга муҳаррирлик қилган.

Ярим асрлик ҳаётининг чорак асрдан ортиқроғини илмга, ижодга бағишилаган бу тарихчи олимнинг тўла асарлар тўплами йиғилса, чамамда 10 жилдан ортса керак. Ҳали яна неча ўнлаб жилдлик китобларини ўқисак керак, иншаоллоҳ.

Алишер БЕК (Тошқулов).

ТОМИРИ БОР МУҲАРРИР

Хивадан Ҳазорасп йўналиши томон атроф-жавонибни томоша қилиб беш-олти чақирим юрилса, Саят қишлоғи бошланади. Йўлнинг ўнг томонида боғлар ўрами орасида ботли гужумзор кўринади; баҳор ўрталаридан то кеч кузгача

қалин гужумзор япроқлари ўч қаватли ҳайратомуз Чодра шийпонини пана қилиб турди; 150 йил муқаддам барпо этилган шоҳ ва шоир Ферузхон илҳомланиб ғазал ёзиб, мушоира уюштириб ўтирадиган ёзги боғ бор. Чодра рўпарасида йўл четида темирчи устахонаси, устахона орқасида олмазор билан гоҳ пахта, гоҳ шоли экиладиган отиз-далани чуқургина серсув зовур ажратиб турди.



**Ёзувчи Набижон Боқий ва Нодиржон Абулаҳатов.
Ижодий сафарда. Адана шаҳри. Туркия. 2024 йил.**

Чодра барпо этилган даврда кунчиқарда адоги кўринмайдиган сербалиқ кўл чайқалиб турган экан. Бу атроф ерлари унумдор бўлган. Унумдор ерлар мадраса ва масжидларга вақф этиб тақсимлаб берилган. Ҳозиргача одамлар оғзида ерлар ҳақида гап кетса, “Тошмасжид вақфи”, “Оқмасжид вақфи”, “Пир Полвон вақфи” каби атамалар қулоққа чалиниб қолади. Аллоҳ-Аллоҳ, Русия чор ҳукумати даври ўтиб кетди, Совет ҳукумати даври ўтиб кетди, лекин кул остида кўмилиб қолган қўр яна яллиғланиб чўғ бўлади ва атрофга шуъла таратади.

Асил тарих қақнус мисоли куйиб кул бўлса ҳам яна куллар орасидан бош кўтариб тирилиб парвоз этаверар экан.



Урайимжон ҳожи Абдулаҳатов. Набираси Бекмурод билан. 2012 йил.

Демак, тарихий кентни пиёда кезиб Саят қишлоғи бошланган ҳуддудан Янгиариқ тумани чегарасига етмасдан сўлга бурилиб, дала оралаб ўтган йўлдан қишлоқ маркази томон борамиз. Қишлоқ катта. Нариги боши Урганч томон ўтган йўлга туташади. Биз Фарғонадан келтирилган қўчатлардан боғ барпо этилган хўжалик ҳудуди устидан чиқамиз. Чамаси, йигирма йил олдин айнан Саят қишлоғида ўттиз

гектар майдонда Фарғонанинг Кува туманидаги Шредер қишлоғида етиштирилган қўчатлар олиб келиниб боғ яратилади. Фарғонадан усти ёпиқ ўн беш Камаз юк машинасида қўчат келтиришдан аввал ерлар ниҳол экишга тайёрланади.



**Ёзувчи Набижон Боқий ва Нодиржон Абдулаҳатов.
Ижодий мулоқот чоғида. Тошкент.**

2025 йил.

Ерга хоразмлик дәҳқонлар Қуванинг Шредер қишлоғидаги қўчатчилик хўжалиги раҳбарияти томонидан маҳсус юборилган тажрибали намозхон дәҳқон Урайимжон ҳожи бобо Абдулаҳатовнинг қатъий назорати остида ишлов берадилар.

Кўчатларнинг ўзаро масофаси, қўчат экиладиган чуқурча ўлчами, эгатга солинадиган маҳаллий ва минерал ўғит миқдори ва турлари Кўчатчи бобо кўрсатмалари асосида белгиланади. Суғориш, ниҳолча осларини юмшатиш каби агротехник тадбирлар ҳам икки йил давомида Кўчатчи бобо назорати остида амалга оширилади.



**Урайимжон ҳожи Абдулаҳатов.
Набираси Ҳожиакбар билан. 2012 йил.**

Кўчатлар икки йил давомида Хоразм шароитига мослашиб олганидан кейин Кўчатчи бобонинг елкасига янги чопон ёпилади, бошига дўппи кийдирилади ва қўпчиликнинг кўзлари намланиб хайр-хўш қиласидилар.

Хоразмнинг Саят қишлоғида Фарғонанинг Қува тумани Шредер қишлоғидан меҳмон бўлиб келган тетапоя болакайлар умрбод ўтроқлашиб қолади. Болакайлар падари бузруквори орқасидан япроқлари билан чапак чалиб кузатиб қолади.

Урганчда поездга чиқиб қупега кирган пайти Кўчатчи бобо кўзёшларини тия олмай қолади: у невараларидаёт

мехрини берган нихолчалар Хоразмда қолаётганиданми ё туғишганлариңидек азиз бўлиб қолган Саятлик дехқонлар билан узоқ муддатгами, балки умрбод хайрлашиб кетаётгани учунми ўзини босолмай йиғлаб юборади...



Урайимжон ҳожи Абдулаҳатов. 2010 йил

Кўчатчи бобо кўзёшларини тия олмаётган бўлса-да, бироқ кўнгли ҳам чеҳраси каби чароғон эди. Чароғонлик сабаби – у ислом оламида “Шаҳидлар шоҳи” деб улуғланадиган ҳазрат Нажмиддин Кубронинг Саятда мангум қўним топган онаизори Ҳожар момо мақбараси атрофини икки йил давомида муттасил супуриб-сириради, қабр ёнида саккиз асрдан буён замонлар суронига дош бўлиб эгри-буғри бўлиб синиб, синган жойидан янги новда чиқарип ўсиб ётган марвартак (марварид) тутларга янги ҳаёт берганидан ичида қувонар эди.

Ҳазрат Нажмиддин Кубронинг онаси Ҳожар момо Хива яқинидаги Саят қишлоғига дафн этилган бўлса, 1221 йилда босқинчи мўғулларнинг тиши-тироғигача қуролланган

навкарлари қаршиисига қилич кўтариб мардона чиққан 75 яшар Нажмиддин Кубро ҳам аслида Саят фарзанди бўладими, Нодирбек? Мўр-малаҳдай ёпирилиб келаётган мўғул навкарларининг илғордаги яловбардори қўлидан байроғини юлиб олган Кубро бобо шаҳид бўлади; шаҳид қўлидан ёв байроғини ажратиб ололмайди ва мажбур бўлади шаҳид бармоқлари кесилса ҳам босқинчининг жанговар байроғининг парчаси ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ қўлида қолади.



**Отажоним ва онажоним яқинлари даврасида.
2006 йил.**

Биз ҳам Ватани Нажмиддин Кубродек ҳимоя қила оламизми, Нодирбек?

Ҳазрат Нажмиддин Кубро Амударёning ўнг соҳилида кўхна Урганчга дафн этилган.

Фарғоналик Кўчатчи бобо тарихчи ўғли Нодирбек билан хаёлан савол-жавоб қиласди-ю, чехраси ўз-ўзидан ёришиб кетаверарди, юзларидан табассум аримасди ва айни чоғда юзларини тонг шудринги каби топ-тоза кўзёшлари тинмасдан ювиб тушаётганини шу тобда ўзи ҳам билмасди. У купедаги ҳамроҳлари гап-сўзларига ҳам парво қилмасдан иягини тутамлаганча деразадан кўзини узмасди.



**Отажоним ва онажоним яқинлари даврасида.
2010 йил.**

Амир Низомиддин Алишер Навоий билан шоҳ Ҳусайн Бойқаро умр бўйи дўстона муноқаша қилиб ўтган экан деган ривоятда жон борми, Нодирбек?

Эмишки: “Мен подшоҳ тож-тахтидан кечиб жон-жон деб Нажмиддин Кубро мозорида жўробкашлик қилган бўлардим”, деган экан Ҳусайн Бойқаро.

Ё бу қутлуғ ниятни Алишер Навоий дўсти Ҳусайн мирзодан тортиб олмоқчи бўлганмикан-а, Нодирбек?

Мен узоқ йиллар аввал Нодирбек билан Тошкентда Марказий Давлат архивининг қироатхонасида тасодифан танишганман.

Биз тасодифан танишганмиз деб юрадим. Тасодифан бўлмаса, нега Фарғонада учрашмадик? Нега Қувада учрашмадик? Ҳар хил сабаблар билан Фарғонага ҳам, Қувага ҳам кўп борганман.

Хомчўт қилиб кўрсам, Фарғонага ҳам, Қувага ҳам жиддий иш юзасидан эмас, аксарият бекорчи вақтимни бекорга

совуриш учун борар эканман. Мана, кейинги пайтларда бекорчи вақтим бўлмагани учун у томонларга умуман қадам босмай қўйдим. Ҳар ҳолда Қамчиқ довонининг нариги томонида итимни йўқотганим йўқ.



**Отажоним ва онажоним яқинлари даврасида.
2006 йил.**

Хулоса қилдимки, биз Нодирбек билан Марказий Давлат архиви қироатхонасидан бошқа жойда учрашмоғимиз даргумон экан. Учрашсак архив қироатхонасида учрашамиз ё умуман учрашмаймиз. Архив қироатхонасида ҳар куни ўз ўрнимизда бир ҳафта давомида бир-биримизга халақит бермасдан индамайгина ишлаб ўтирадик; эрталаб саломалик қиласдик, кетар чоғимиз хайр-хўшлашардик. Иккавимиз ҳам қироатхонага бекорчи вақтимизни совуриш учун келмаётган эдик. Тушликка ҳам буюртма бериб олган жилд тахламлар охиригача қўриб чиқилгач, янги буюртмалар ҳали сақламагоҳдан келмаган бўш пайтдан фойдаланиб бирров тушликка чиқиб келардик.

Бир куни мени Гулистондан устоз Тўра Сулаймоннинг ўғли Мирзобек йўқлаб келиб қолади. Одатдаги қоидаги хилоф равишда ишимни тўхтатиб тушликка чиқдим ва “Латифа” емакхонаси ҳовлисида Нодирбекни учратиб қолдим ва Мирзобек, жияни Убайдулла тўртовимиз тамадди қилдик. Танишув ҳам шунда содир бўлди.



Урайимжон ҳожи Абдулаҳатов. 2016 йил.

Нодирбекнинг дадаси Урайимжон Ҳожи бобо билан ғойибона учрашувимиз эса на Фарғонада, на Қувада, на Тошкентда бўлди. Тошкентдан ҳам бир минг бир юз километр нарида Хоразмда илоҳий учрашувимиз содир бўлади. Мен ўн йил бадалида Хоразмнинг сўнги хони Асфандиёрхон тўғрисида маълумот тўплайман. Ҳар йили Хоразмга бораман. Тасодифий заруриятни қарангки, мен Хоразмга бориб қўноқ бўладиган манзилга Ҳожи бобо ўн беш йил олдин Фарғонадан мева кўчатларини олиб бориб боғ яратиб келган экан. Саятда зиёли дўстларим мени Ҳожар момо мақ-

барасига олиб боришганидан сўнг Фарғонага қайтганимда Нодирбек билан Қувада анор сайлига бордик. Ҳожи бобо бизга ўзлари барпо этган анорзорларни кўрсатди. Хонадонларида яқинроқ танишиб, bemalol сухбатлашиб ўтирсақ, Аллоҳ-Аллоҳ, икковимиз ҳам ҳазрат Нажмиддин Кубро онаизори мозорини қайта-қайта тавоф қилган эканмиз. Биз интилган азиз маскан битта жой бўлса, кўнгил талпинган меҳроблар бир-биридан узоқ бўлиши мумкинми?

Архив қироатхонасида топганим Нодирбек шарофати билан “Роҳила” ҳикоям яратилди. Уни ўқиган зиёли дўстларим “ўзбек адабиётида муҳаббат мавзусида яратилган шоҳ асарлардан биттасидир” деб баҳолашяпти. Мен ўзим ёзган асарларнинг баҳосини яхши биламан; Вақт ҳукмига бардош берадиган асарларим қаторида “Роҳила” ҳам борлигига шубҳа қилмайман. Яхши ҳикоя яратилгани учун Нодирбекка қалам учидан патир сифатида қайта-қайта раҳмат айтиб қўйишим керак. Соғ бўлсин, саломат бўлсин.

Ҳали Нодирбекнинг қиладиган ишлари кўп. Менинг ҳисоб-китобларим бўйича, Аллоҳ марҳамат кўрсатиб, водийни учта буюк иқтидор соҳиби билан сийлади: булар Андижонда Искандар, Наманганде Тоҳиржон, Фарғонада Нодирбек. Улар миллий тарихшунослиқ, тарих фалсафаси, ижтимоий ва иқтисодий тарих сарҳадларини кенгайтириб, тарихни сиёсатга қарамлиқдан батамом тозалаб, сиёсат тарихини алоҳида ўрганиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида мисли кўрилмаган умр китобини яратиб беражаклар. Аллоҳ буюк ниятларимиз рўёбга чиқишида мададкор бўлсин. Омин.

Набижон Бокий
Чорвоқ, 2025 йил 8 март.

ИНСОНЛАРНИНГ НОДИРИ

Нодирбек билан 1998 йилларда танишганман. Ўшанда у вилоят ўлкашунослик музейида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатар эди. Мен эса Олтиариқ тумани ҳокимлигида “Маънавият ва маърифат” марказини раҳбари бўлиб, бу вазифани ойлик маоши йўқлиги сабабли “Олтиариқ тумани тарихий” музейи директори сифатида хам фаолият юритиб, маошни у ердан олар эдим.



Ваҳобжон Азимов, Тожиали Тоҷидавлатов ва Нодиржон Абулаҳатов. 2020 йил.

Музей фаолият юзасидан кўп янгиликларни Нодирбекдан олганман, ҳамкорликдаги ижодий ишларимиз ҳам шу даврда бошланган. У Олтиариқقا тез-тез ташриф буюрар ва турли мавзуларда сұхбатлар қиласар эдик. Сұхбатлар давомида кўпроқ тарихимизга тўхталар, айниқса юртимиздаги маданий мерослар, қадамжолар, тарихий аҳамиятга эга бўлган археологик тепаликларни ўрганиш ишлари охирида етказилмагани, бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган фикрларни ўртага ташлар эди. 2001 йили туманимизга Япониялик

аёл билан бирга келиб, “Ваҳобжон ҳожи ака танишинг бўлажак олима Токио шарқшунослик институти аспиранти, юртимиздаги муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларни ўрганганини ташриф буюрган, изланишларни Олтиариқдан бошламоқчи, Туркистон ўлкаси бўйича сафар қилмоқда, ўрганиш натижалари бўйича,” Туркистон зиёратгоҳлари” номли китобга маълумотлар тўплаб нашр қилмоқчи меҳмонга ёрдам беришимиз керак” деди.

Мен ҳайронлигимни яширолмай Нодирбекка қарадим: наҳотки узоқ Япониядан келиб бизни азиз авлиёларимиз макон топган зиёратгоҳларимизни ўрганса, биз зиёлилар нима қилиб турибмиз, бу менга қаттиқ таъсир қилди, “Нодирбекка Сиз тарихчи бўлсангиз, Мен шу юртда (туманда) катта бўлиб маънавият соҳасида фаолият юритаётган бўлсам, узоқ юртдан келиб бизни муқаддас жойларимизни ўрганса нокулай бўлар, сўрангчи ушбу ёзилажак китоби қачон чиқар экан, биз яъни Сиз билан мен туманимиздаги мавжуд тарихий жойларни биргаликда ўрганамиз ва китоб ҳолида тайёрлаймиз ва Яёига тақдим этамиз” дедим. Меҳмонимиз бизга соғ ўзбек тилида бу таклифдан хурсанд эканлигини ва розилигини билдириди. Шунда бу олимани кейинги учрашувларда нафақат тилимизни балки ўзбекона урф-одатларимизни миллий таомларимизни ва ислом динимизни яхши ўзлаштирган экан.

Шундан сўнг Нодирбек иккаламиз икки йил давомида туманимиздаги мавжуд 30 дан ортиқ зиёратгоҳларни, археологик манзилларни ва бошқа тарихий аҳамиятта молик масканларни ўрганишда, туб аҳолини фикрларини сўрадик, илмий тарихий манбааларга мурожаат этдик, мутахассис олимларни тавсияларига асосан 2005 йилда “Шарқ” нашриёт матбаа-компаниясида “Олтиариқ зиёратгоҳлари” номли китобини нашр эттиридик.

Билишимча ушбу китоб, Нодирбек Абдулаҳатовни зиёратгоҳларга бағишлиланган илк китоби бўлиб, кейинчалик у

бу китоб мени зиёратгоҳ ва қадамжоларни яна кўпроқ ўрганишга катта туртки бўлди деб таъкидлаганини эслайман. Бизнинг бу китобимиз китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Мактаб ўқувчилари учун ўзлари туғилиб ўсган жойининг тарихини ўрганишда яхша қўлланма сифатида қабул қилинди.

2005 йили Токио Шарқшунослик институти директори бошчилигида олим профессорлари Яёи Кавахара билан туманимизга ташриф буюришиб, туман ҳокими қабулида бўлишиди ва шу ерда “Олтиариқ зиёратгоҳлари” китобини тақдимотини ўтказдилар, тарихий обидалар, шу жумладан туманимиздаги зиёратгоҳлар билан батафсил танишдилар, натижада туманимиздаги 4 та маданий мерос объектлари Токио чоп этилди. “Туркистон зиёратгоҳлари” номли китобга туширилди ва Буюк Ипак Йўли зиёратгоҳлари” харитаси га ҳам киритилди. Бунда албатта Нодирбекни хизмати жуда катта бўлган.

Кейинчалик Нодирбек билан биргалиқда ижодимиз давом этиб туманимизни тарихини ёритувчи “Эл ва ер фарзанди”, “Аждодлар ёди” ва “Бўрбонлик ва Катпут қишлоқлари тарихи” номи китобларимиз турли нашриётларда чоп этилди. Шуни алоҳида таъкидлар эдимки хар доим туманимизда ўтказиладиган турли маънавий – маърифий тадбирларга таклифимни Нодирбек ҳеч қачон қайтармаган. Туманимиз аҳолисига ўзининг қимматли ва қизиқарли маъruzalарини тақдим этарди. Шу сабабдан кўпчилик Нодирбекни олтиариқлик деб билар эди. Менга Нодирбек янги китобларини биринчилардан бўлиб, менга тақдим этади. У билан йигирма йилдан ортиқ танишувимиз давомида шунга амин бўлдимки, у чин маънода тадқиқотчи, изланувчан, тарихни ёзилмаган саҳифаларини эринмай қидиравчи фидоий олим деб биламан. Шунингдек, унинг камтарлиги, камсуқумлиги ва бошқа кўплаб инсоний хислатлари кўпчиликка ибрат бўлиб келмоқда, бу хислатлар

унинг оилавий, яъни ажоддларидан мерос бўлиб келмоқда деб биламан.

Нодирбек шунга ютуқларга эришса ҳам, қимматли китоблари билан халқимизни манзур қиласа-да, ҳали қилиши керак бўлган мақсадлари олдинда, унинг вақтни қадрига этиши, вақтдан унумли фойдаланиши энг муҳим олим сифатида ўз халқини олдидағи теран масъулияти тарихимиз олдидағи бурчини тўла ҳис этиши қўплаб ютуқларга эришишида яна катта омил бўлади деб ўйлайман.

Вахобхожи Азимов Мингпўлатович
мехнат фахрийси,
Ўзбекистон ҳалқ таълими аълочиси.

СЕРМАҲСУЛ ИЖОД СОҲИБИ

Бундан бир неча йиллар аввал, “Фарғона вилоят ўлка-шунослик музейининг 100 йиллигига бағишлиланган илмий ишлар тўплами”даги бир мақола менинг диққатимни ўзига жалб этди. Тўплам 1996 йил чоп этилган бўлиб, унда, “Амир Темур ва унинг авлодлари даврида Фарғона”, деб номланувчи мақола эълон қилинган эди. Мақолани ўқигач, анчагина маълумотлар олдим. Мени таажжубга соглан жиҳат шу бўлдики, шу давргача “Бобурнома”даги воқеалар тафсилотини бу қадар мукаммал шарҳланган мақолани учратмаган эдим.

Алалоқибат, муаллиф билан учрашиш истаги пайдо бўлди. Орадан бироз вақт ўтиб, қадрдон акамиз ёзувчи Набижон Боқий билан бир сухбатда мен: “Нодирбек Абдулаҳатов, деган бобуршунос олимни танийсизми? Шу йигитни бир кўрсам эди. Ёзган мақоласидан мен жуда таъсирландим”, дедим. Набижон акам: “Ахир бу йигит менинг қадрдонимку!”, деб қолдилар. Биз Нодирбек билан Тошкентда учрашадиган бўлдик. 2017 йилнинг ёз фасли, Нодир-

бекни биз Тошкентда Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқ-шунослик институтидан топдик. Анча сұхбат қурдик. Мен хазина топғандек хурсанд бўлдим. Ва ниҳоят, 2018 йил мен Ахсикент дирекциясига раҳбар бўлганимдан сўнг, Нодирбекни дирекцияга катта илмий ходим сифатида ишга таклиф қилдим. Олим Ахсикент ва Наманган ҳудудидаги зиёратгоҳлар бўйича бир талай илмий маълумотлар тўплаб берди.



“Водийда ҳам икки буюк олим бор. Сұхбатини эшитиб шундай холосага келдим. Чапда Тоҳиржон Қозоқов, ўнгда Нодирбек Абдулаҳатов...” Набижон Боқий. 2017 йил.

Ўша пайтдан то ҳозиргача қанча вақт ўтган бўлса, мен бу инсондаги жуда кўп ижобий сифатларнинг гувоҳи бўлдим. Шу давр оралиғида Нодирбек сабаб бўлиб, бир талай яхши инсонлар билан ҳам танишдим.

Мен учун Нодирбек мукаммал ижобий сифатлар соҳиби. Уйда меҳрибон ота, таълим даргоҳида фидойи устоз, илмий даврада чинакам олим.

Инсоният ҳозирга қадар қандай ютуқларга эришган бўлса, табиийки, унинг замирида билим ва унга бўлган муҳаббат ётади. Шунинг учун ҳам Шарқнинг буюк мутафаккирларидан Ҳазрати Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ ҳазрати Ҳалил ибн Аҳмад роҳимаҳуллоҳдан нақл қилиб айтадилар: Кишилар тўрт хил бўлади: 1. Бир киши билади ва билишини ҳам билади, у олимдир, ундан сўранглар! 2. Бир киши билади, лекин билишини билмайди, у уннутувчи, унга эслатинглар! 3. Бир киши билмайди, билмаслигини ҳам билади, у жоҳилдир, унга ўргатинглар! 4. Бир киши билмайди, лекин билмаслигини ҳам билмайди, у аҳмоқдир, уни тарқ қилинглар. Нодирбек Абдулаҳатовни тўлиқ эътироф билан Имом Ғаззолий нақл қилган биринчи тоифадаги “НОДИР” инсонлар сирасига киради.

Олимларга ҳурмат ва эҳтиром, халқимиз менталитеидаги ажралмас қадриятлардан ҳисобланади. Бунга тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Нодирбек Абдулаҳатов ҳақиқат ваadolat учун курашда толмас курашчи, Бу борада Фарғона водийси тарихчи олимларининг **ЙўЛЧИ ЮЛДУЗИ**дир.

70 га яқин илмий асар, 150 дан ортиқ илмий мақола ёзган фидойи олим, тарихчилар “Нодири” Нодирбек Абдулаҳатовга дунёдаги барча эзгу тилакларни ва ижодий баркамолликни тилаб қоламан.

Тоҳиржон Қозоқов,

Тарих фанлари номзоди, Наманган Импулс тиббиёт институти доценти, Ахсикент халқаро илмий тадқиқот жамоат бирлашмаси раиси ўринбосари.

ФАН ҲАЁТГА АЙЛАНГАНДА...

Айтадиганимни бошида айтиб қўяй, Нодир акам ҳақиқий олим! Немис файласуфи Георг Вилгельм Фридрих Гегелнинг “Замонамизда фан докторлари кўп, лекин олимлар йўқ” – деган фикри ҳамма замонларда ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Айниқса, фан доктори унвони обрў, мансаб ва статус ўйинига айланган жамиятларда жуда долзарб. Бироқ, Нодиржон Абдулаҳатов айнан мана шу кинояга тушмайдиган кам сонли, том маънодаги олимдир.

Мен Нодир акамни таниганимдан буён фан ва тадқиқот иши бу инсоннинг ҳаёт мазмунига айланганилигининг тирик гувоҳиман. Нодир акам олиб бораётган тадқиқотлари, ёзаётган янги китоблари билан тириқдир.

Нодиржон Абдулаҳатовнинг фаолиятини кузатиш орқали ҳақиқий олим қандай бўлиши керак деган саволга bemalol жавоб топишимиз мумкин.

Чунки у фанни нафақат касб сифатида, балки ҳаёт тарзи сифатида қабул қиласан. Китоблар – унинг суҳбатдоши, илмий тадқиқот – унинг ҳаёт йўлдоши, ёзган асарлари эса унинг келажакка қолдирган меросидир. Унинг қаламида ҳисобот учун ёзилган мақолалар, буйруқ билан тайёрланган рисолалар йўқ. Илмий ижодининг ҳар бир сатри орқасида фидойилик, узлуксиз изланиш ва илмий ҳалоллик ётади.

Нодиржон Абдулаҳатовнинг ҳаёт услуби, турмуш тарзи – маънавий поклик ва илмий садоқат намунасиdir. Унинг меҳнаткашлиги, вазминлиги, доимий равища ўзига талабчанилиги ҳар қандай ёш тадқиқотчи учун ўрнак бўлади. У учун фан – манфаат воситаси эмас, балки инсоний камолотга олиб борувчи нурли йўлдир.



**Нодиржон Абдулаҳатов ва Иномжон Тешабоев.
2017 йил.**

Шунинг учун ҳам Нодир акамни шунчаки фан доктори сифатида эмас, балки замонамизнинг ҳақиқий олими сифатида эътироф этаман. Унинг шахсий фазилатлари ва илмий мероси ҳали узок йиллар давомида ёш авлод учун йўлчироқ бўлиб хизмат қиласиди. Чунки ҳақиқий олимлар ҳаёти сўнмасдир, уларнинг фидойилиги орқали фан абадий яшайди.

**И.А.Тешабоев
Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази
доценти, психология фанлари доктори.**

**НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВНИНГ
1998-2025 ЙИЛЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБ ВА
МАҚОЛАЛАРИ**

**1.Абдулаҳатов Н, Ҳошимов Б. Аҳмад ал - Фарғоний. –
Ф.: “Фарғона”, 1998. – 112 б. 3000 нусха.**

Ушбу китобда буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти, фаолияти унинг яқин Шарқ, Араб халифалиги илм-фани, маданиятига қўшган ҳиссаси ёритилган бўлиб, бу тадқиқотчилар томонидан атрофлича ёритиб берилган.

Масъул муҳаррир: Ғ.Мирзалиев, тарих фанлари номзоди. Тақризчилар: Т. Қўчқоров, Г.П.Иванов тарих фанлари номзодлари.

2. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б.Мўйи муборак (Илмий - оммабоп нашр). (Сўз боши муаллифи – М.Исломов). “Фарғона” нашриёти, 2000 й. – 94-б. 1000 нусхада.

Ушбу китобда шу кунларга қадар тилга олинмай келган «Мўйи Муборак» (Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг муборак соч толалари) мавзусида сўз юритилиб, унинг тарихи билан боғлиқ воқеалар атрофлича баён қилинган.

Масъул муҳаррир: Г. П. Иванов, тарих фанлари номзоди. Тақризчи: Г.Солижонова, тарих фанлари номзоди.

3. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. Бурҳониддин ал-Марғиноний даври ва унинг авлодлари. – Ф.: “Фарғона”, 2002. – 80 б. 1000 нусха.

Ушбу китоб Бурҳониддин Марғиноний даври ва унинг авлодлари фаолияти тўғрисида ҳикоя қиласи. Китоб тарихчилар, тарих фани ўқитувчилари, талabalар, ўқувчилар ва халқимизнинг бой тарихи билан қизиқсан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Р.Арслонзода, тарих фанлари номзоди.

Тақризчилар: А.Мансуров, Тошкент Ислом университети проректори. А.Жузжоний, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Г.П.Иванов, тарих фанлари номзоди. Р.Шарипов, Исломшунослик илмий тадқиқот маркази илмий ходими.

4. Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. Тошкент, “Шарқ”, 2005 йил. 3000 нусхада. (Сўзбоши муаллифи – Султонмурод Олим, адабиётшунос, республика “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари ўринбосари)

Мазкур китобда Олтиариқ туманидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва уларнинг тарихи, муқаддас жойлар билан боғлиқ халқона қарашлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўtkазиладиган турфа хил расм-руслар ва урф одатлар ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А.Мўминов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А.Аширов, тарих фанлари номзоди. Г.П.Иванов, тарих фанлари номзоди.

5. Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Ў. Марғилон ҳақида сўз. – Ф.: “Фарғона”, 2006. – 40 б. 1000 нусха

Мазкур рисола қадимий ва ҳамиша навқирон Марғилоннинг кўхна ўтмиши, инчунин, Истиқлол шарофати билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида муҳтасар ҳикоя қилади.

Масъул муҳаррир: Г. П. Иванов, тарих фанлари номзоди.

6. Абдулаҳатов Н. Эшонбобоев Ў. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2007.– 304 б. 1000 нусхада.

Мазкур Китоб Марғилон шаҳридаги кўхна муқаддас зиёратгоҳлар ва уларнинг тарихи, муқаддас жойлар билан боғлиқ халқона қарашлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўtkaziladigan turfa xil расм-руслар ва урф одатлар ҳақида ҳикоя қиласди.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов, тарих фанлари доктори. Такризчилар: А. Аширов, тарих фанлари номзоди. М. Комилов, тарих фанлари номзоди.

7. Мўминов А., Абдулаҳатов Н., Кавахара Я. Синъцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари. Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тилмаданияти тадқиқот институти. 2007. №3 200 нусхада.

Ушбу китобда Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсидаги зиёратгоҳлар билан боғлиқ мозор ҳужжатлари тадқиқотларининг аҳамияти инглиз ўзбек ва япон тилларида ёритиб берилган.

8. Абдулаҳатов Н., Азимов В. Эл ва ер фарзанди. Тошкент, “Шарқ”, 2009 йил. 1000 нусхада. – 96б. (Сўзбоши муаллифи – Анвар Обиджон, Ўзбекистон халқ шоири)

Мазкур китобда Олтиариқнинг машҳур миришкор дехқони, ярим асрдан ортиқ умрини миробликка бахшида этган заҳматкаш инсон Тожиали Тожидавлатовнинг машаққатли сермазмун ҳаёти ҳақида сўз юритилади. Ушбу китоб Катта Фарғона каналининг 70 йиллигига бағишлиланади.

9. Абдулаҳатов Н., Ғозиев Т., Тўхтабоев И. Садқак ота зиёратгоҳи. – Ф.: “Фарғона”, 2009. – 56 б. 1000 нусхада.

Мазкур рисола Фарғона туманидаги Садқак ота зиёратгоҳи ва унинг тарихи, муқаддас жойлар билан боғлиқ халқона қарашлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган турфа хил расм-руслар ва урф-одатлар ҳақида ҳикоя қиласди.

Масъул муҳарир: Г. П. Иванов, тарих фанлари номзоди.

10. Абдулаҳатов Н., Фозиев Т., Тўхтабоев И. Шоҳимардон зиёратгоҳи. – Ф.: “Фарғона”, 2009. – 96 б. 1000 нусхада.

Мазкур рисола Муҳаммад алайҳиссаломнинг амаки-ваччаси ва күёви, чаҳорёлардан бири Ҳазрат Али ибн Абу Талиб (600–661) каррамаллоҳу важҳаху (ул зотнинг юзини Аллоҳ мукаррам қилсин) билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар ва халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган турфа хил расм-руслар ва урф-одатлар ҳақида ҳикоя қиласди.

Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Аширбек Мўминов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А. Турдиалиев, тарих фанлари номзоди. Ш. Зиёдов, тарих фанлари номзоди.

11. Абдулаҳатов Н., А. Тошқулов. Ҳожам Подшоҳ зиёратгоҳи. зиёратгоҳи. – Ф.: “Фарғона”, 2009. – 56- б.

Мазкур рисола Аввал қишлоғидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва уларнинг тарихи, муқаддас жойлар билан боғлиқ халқона қарашлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган турфа хил расм-руслар ва урф-одатлар ҳақида ҳикоя қиласди.

Масъул муҳарир: Г. П. Иванов, тарих фанлари номзоди. Тақризчи: Яёи Кавахара, тарих фанлари доктори, Япония Илмий тараққиёт жамияти илмий ходим.

12.Абдулаҳатов Н., Ҳайдарова З, Азимов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. –Ф.: “Фарғона”, 2009. – 112 б.

Мазкур китоб Бувайда қишлоғи ва Бувайда туманига асос бўлган Биби Убайда ҳақидаги қисқача тарихий маълумотлар ҳосиласидир. Уни ўқир экансиз, тарихимизнинг яна бир чину ривоятларга йўғрилган саҳифасидан хабар дор бўласиз. Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А.Мўминов, тарих фанлари доктори, профессор. Такризчилар: М. Абдулаев, фалсафа фанлари доктори, профессор. Г.П.Иванов, тарих фанлари номзоди.

13.Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирам – Эрҳубби зиёратгоҳи. – Ф.: “Фарғона”, 2010. – 72 б. 1000 нусхада.

Мазкур рисола Фарғона водийсидаги машҳур Эр Ҳубби зиёратгоҳи ва унинг тарихи билан боғлиқ халқона қарашлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳда ўтказиладиган турфа хил расм-руслар ва урф-одатлар ҳақида ҳикоя қиласи.

Масъул муҳаррир: Р.Арслонзода, тарих фанлари номзоди.

14. Абдулаҳатов Н., Фозиев Т. Шоҳимардон. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. –568 б.

Мазкур китобда Муҳаммад алайҳиссаломнинг амаки-ваччиаси ва куёви, чаҳорёлардан бири ҳазрат Али бин Абу Талиб (600–661) каррамаллоҳу важҳаҳу (ул зотнинг юзини Аллоҳ мукаррам қилсин) билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар ва халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган турфа хил расм-руслар ва урф-одатлар ҳақида ҳикоя қиласи.

Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А.Мўминов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А. Турдиалиев, тарих фанлари номзоди. А. Аширов, тарих фанлари номзоди. Ш. Зиёдов, тарих фанлари номзоди.

15.Абдулаҳатов Н., С.Мастонов., И.Тўхтабоев. Ҳазиний юрти. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – 290 б.

Тарихий-маданий ва агиографик жанрда яратилган мазкур рисола машҳур шоир Зиёвуддинхон Ҳазиний (1867-1923)нинг ҳаёти ва у яшаб ўтган Кўқон яқинидаги Катта кенагас қишлоғи тарихи ҳамда Ҳазинийнинг аждод ва авлодлари ҳақида хикоя қиласи.

Масъул муҳаррир: О. Жўрабоев, филология фанлари номзоди Тақризчилар: И. Остонакулов, филология фанлари номзоди, доцент.Ш. Маҳмудов, тарих фанлари номзоди.

16. Абдулаҳатов Н., Фозиев Т. Бурҳониддин Марғиноний: тарихий ҳақиқат ва асотирлар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – 488 б.

Мазкур китоб буюк фиқҳшунос олим, улуг ватандошимиз Бурҳониддин Марғиноний яшаган давр тарихи ва авлодлари тақдирни баёнини ўз ичига олиб, унда халқимизнинг бой маданий мероси, ижтимоий-сиёсий аҳволи, турмуш-тарзига доир айrim саҳифалари ёритиб берилган.

Масъул муҳаррир: Д. Раҳимжонов, тарих фанлари номзоди, доцент. Тақризчилар: М. Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор. А. Мўминов, тарих фанлари доктори, профессор.

17. Абдулаҳатов Н., Тўхтабоев И. Тошлоқ тарихидан лавҳалар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – 320 б. 1000 нусхада.

Мазкур китобда Тошлоқ тумани қишлоқлари тарихи ва ундаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳамда улар билан боғлиқ халқона қарашлар ҳақида ҳикоя қилади.

Масъул муҳаррир: А.Салмонов, тарих фанлари номзоди. Тақризчи: Б. Усмонов тарих фанлари номзоди.

18. Абдулаҳатов Н., Жабборов А., Абдуллаев А. Фарғона азизлари тақдири. – Т.: “АВУ МАТВИОТ-KONSALT”, 2012. – 288 б. 300 нусхада.

Ушбу китобда XIX аср охири XX аср бошларидағи Марғилон адабий муҳитининг намояндаси қатағон қурбонларидан бири Ҳожа тахаллусли Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли ҳаёти ва ижоди ҳамда Марғилоннинг ўтган асрнинг биринчи ярмидаги маданий муҳитига доир қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Масъул муҳаррир: Қ. Ражабов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: И. Останақулов, тарих фанлари доктори. А.Салмонов, тарих фанлари номзоди.

19. Абдулаҳатов Н. Азимов В. Аждодлар ёди (Олтиариқлик қатағон қурбонлари тарихидан). – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2012.– 208 б. 1000 нусхада.

Мазкур китобда XX асрнинг 20-30 йилларида собиқ совет давлатининг қулоқлаштириш ва қатағон сиёсати қурбони бўлган олтиариқлик ватандошларимизнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Асар Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчиларга ва умуман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А.Мўминов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А. Салмонов, тарих фанлари номзоди. Қ. Расулов, филология фанлари номзоди.

20. Эшонбобоев й., Абдулаҳатов Н. Марғилон маҳаллалари тарихидан. (Машад даҳаси. Биринчи китоб). Андижон: “Андижон” нашриёти, 2012. – 82 б. 300 нусхада.

Мазкур рисола қадимги Марғилон шаҳридаги маҳаллалар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи.

Масъул муҳаррир: И. Останақулов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А.Салмонов, тарих фанлари номзоди. Т.Қурбонов, педагогика фанлари номзоди.

20.Абдулаҳатов Н., Тошпулатов И., Носирова У., Жўрабоева У. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқики. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – 88 б. 300 нусхада.

Ушбу қўлланмада Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарининг тарих ва адабиёт дарсларида ўрта асрлар даврини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган бўлиб, асарда ифодаланган лексик бирликлар ҳақида сўз боради. Қўлланма халқ таълими муассасалари ўқитувчилари ва талабалар учун қўшимча манба сифатида фойдаланишга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: С. Мўминов, филология фанлари доктори. Тақризчилар: М.Атаджанов, психология фанлари номзоди. Т.Қурбонов, педагогика фанлари номзоди.

21. Абдулаҳатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи(асотирлар, лавҳалар, изланишлар)– Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2012. – 368 б. 1000 нусхада.

Ушбу тарихий-хужжатли асарда Фарғона тумани қишлоқлари ўтмиши, улардаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳамда ана шу қадамжолар билан боғлиқ халқона қарашлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, собиқ мустабид тузумнинг қатағон сиёсати тифига дучор бўлган Фарғона туманидаги юртдошлиаримиз ҳақида маълумотлар берилади.

Китоб Ватанимиз тарихига қизиқувчи барча ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Б.Усмонов, тарих фанлари номзоди. Тақризчилар: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор. Р. Арслонзода, тарих фанлари номзоди. А.Салмонов, тарих фанлари номзоди.

22.Останақулов И., Абдулаҳатов Н., Тошқулов А. Бир умр достони (Суярхон тўра ҳаётномаси)– Т.: “Mumtoz soz” нашриёти, 2013. – 200 б. 500 нусхада.

Ушбу китобда Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида истиқомат қилган уламо, нақшбандия тариқати муҳиби, халқ табобати билимдони ва амалиётчиси, миллий-маданий меросимизни ўзига хос тарзда авайлаб сақлашга интилган беғубор ва самимий инсон Суярхон тўра Исохон тўра ўғлиниң (1927-2007) ҳаёти ва қудсий фазилатлари, илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Асар тарихчи, этнолог, маданиятшунос, диншунос-психолог мутахассислар ва халқ табобати муҳлисларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Д. Раҳимжонов, тарих фанлари номзоди, доцент. Тақризчилар: Д.Муротов, тарих фанлари номзоди. И.Бекмирзаев,тарих фанлари номзоди.

23. Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. – 544 б. 5000 нусхада.

Ушбу китоб XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб ўтган мутасаввиф шоир ва мударрис Муҳаммад Юсуфхон Ҳазин ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қиласиди. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли қўлёзмалар, архив ҳужжатлари ва кейинги даврда яшаган кишилар хотиралари асосида ўзига хос маноқиб яратишга муюссар бўлишган. Тарихий-агиографик жанрда ёзилган янги тад-

қиқотда XIX аср ва XX аср бошлари Марғилон маданий муҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини яна бир манба билан бойитганлиги билан диққатга сазовордир.

Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур.
Тақризчилар: Б. Бобоҷонов, тарих фанлари доктори. И. Остоңақулов, тарих фанлари доктори.

24. Буюклар ибрати / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Нодирбек Абдулаҳатов, Ниҳола Пўлатова. – Т.: “Tamaddun” нашриёти, 2013. – 112 б. 300 нусхада.

Ушбу китобда Ўрта Осиёning улуғ мутафаккирлари ҳаёти билан билан боғлиқ асотир ва ҳикоятлар ўрин олган бўлиб, халқ таълими муассасалари ўқитувчилари ва талабалар учун қўшимча манба сифатида фойдаланишга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Н. Темиров, педагогика фанлари доктори. **Тақризчилар:** Д.Йўлдошева, филология фанлари номзоди. Т.Курбонов, педагогика фанлари номзоди.

25. Абдулаҳатов Н., Раҳмонов А., Аҳмедов М. Бувайда зиёратгоҳлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – 432 б. 200 нусхада.

Мазкур китоб Фарғона вилоятининг Бувайда туманига асос бўлган Биби Убайдаги ҳақидаги адабий-тарихий маълумотлар ва Бувайда туманидаги зиёратгоҳлар ҳақида ҳикоя қиласи. Уни ўқир экансиз, тарихимизнинг ҳақиқат ва ғайриоддий ривоятларга йўғрилган кўхна сахифасидан хабардор бўласиз.

“Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилаётган ушбу китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И. Остоңақулов, тарих фанлари доктори. **Тақризчилар:** А. Салмонов, тарих фанлари номзоди. О.Мамазияев, филология фанлари номзоди.

26. Файзуллаев Р., Абдулахатов Н. Абдусаммад Охунд Қоил Марғилоний . – Т.: "Noshir", 2013. – 480 б. 2000 нусхада.

Ушбу китоб XIX аср охири ва XX аср иккинчи ярмида Марғилонда яшаб ўтган мутасаввиф шоир ва аллома Абдусамад охунд Қоил Марғилоний ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қиласи. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли қўл-ёзмалар, алломанинг издошлари ва замондошлари хотиралари асосида ўзига хос маноқиб-рисола яратишга муяссар бўлган. Тарихий-маноқиб жанрида ёзилган янги тадқиқотда XIX аср охири ва XX аср Марғилон маданий муҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини яна бир манба билан бойитганлиги билан диққатга сазовордир.

Китобнинг масъул муҳаррири: Шайх Абдулазиз Мансур.

Китобнинг тақризчилари: И. Остонақулов, тарих фанлар доктори.Ш. Зиёдов, тарих фанлари номзоди.

27. Остонақулов И, Н.Абдулахатов, А Тошқулов. Ёзёвонлик Суярхон тўра. Тошкент: "Turon Zamin Ziyo" нашриёти, 2014. – 184 б. 2000 нусхада.

Бу китоб Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги Хонобод қишлоғида истиқомат қилган уламо, нақшбандия тариқати муҳиби, ҳалқ табобати билимдони ва амалиётчиси, миллий-маданий урф-одатларимизни ўз хулқида авайлаб сақлашга интилган беғубор ва самимий инсон Суярхон тўра Иссохон тўра ўғлининг (1928–2007) ҳаёти ва фазилатлари, илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қиласи. Асадан тарихчи, этнолог, маданиятшунос, руҳшунос мутахассислари ва ҳалқ табобати муҳлислари фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур.
Тақризчилар: Г.Эшонова, фалсафа фанлари номзоди.
И.Тошматов, фалсафа фанлари номзоди.**

**28. Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н.
Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Фарғона
вилояти. Биринчи китоб. Тошкент: "Turon Zamin Ziyo"
нашриёти, 2014. – 320 б. 1000 нусхада.**

Ушбу китоб кўп жилдли "Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари" туркумидаги нашрларнинг биринчиси бўлиб, унда Фарғона вилоятида жойлашган тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар тарихи, пайдо бўлиши ва ижтимоий-маданий аҳамияти хусусида ҳикоя қилинади. Китоб ўлкашунослик, тарихнавислик, агиология, маданиятшунослик фани билан шуғулланувчилар ҳамда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун мўлжалланган.

**Китобнинг масъул муҳаррирлари: Шайх Абдулазиз
Мансур исломшунос. Иброҳим Йўлдошев, филология
фанлари доктори, профессор.**

**Китобнинг тақризчилари: Ақмал Саидов, юридик
фандар доктори, профессор. Матлуба Қаҳҳорова, фал-
сафа фанлари доктори.**

**29. Абдулаҳатов Н, Аброров С, Тошқулов А. Сармозор
зиёратгоҳи. Тошкент. "Баёз" нашриёти, 2014. – 196 . 500
нусхада.**

Мазкур китоб Марғилон депарасидаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Сармозор билан боғлиқ ҳалқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва у жойлашган манзил, авлодаждодлар тарихи ҳакида ҳикоя қиласиди. Қолаверса, мазкур асарда Туркистон ҳалқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз муҳлисларига муносиб тухфадир.

Китоб "Водий қадамжойлари" рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: Турсун Тоҳир ҳожи Эрбўтаев – Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили, вилоят бош имом хатиби, И. Останақулов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: Г. Мадраҳимова, тарих фанлари номзоди. Ў. Юсупов, фалсафа фанлари номзоди.

30. Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Андижон ва Намангандар вилоятлари. Иккинчи китоб. Тошкент: "Turon Zamin Ziyo" нашриёти, 2014. – 320 46. 1000 нусхада.

Ушбу китоб кўп жилдли "Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари" туркумидаги нашрларнинг иккинчиси бўлиб, унда Андижон ва Намангандар вилоятларида жойлашган тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар тарихи, пайдо бўлиши ва ижтимоий-маданий аҳамияти хусусида ҳикоя қилинади. Китоб ўлкашунослик, тарихнавислик, агиология, маданиятшунослик фани билан шуғулланувчилар ҳамда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун мўлжалланган.

Китобнинг масъул муҳаррирлари: Шайх Абдулазиз Мансур исломшунос. Ақмал Саидов юридика фанлари доктори, профессор. И. Йўлдошев, филология фанлари доктори, профессор.

31. Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри. Учинчи китоб. Тошкент: "Turon Zamin Ziyo" нашриёти, 2015. – 356 б. 1000 нусхада

Ушбу китоб кўп жилдли "Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари" туркумидаги асарларнинг учинчиси бўлиб, унда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган зиёратгоҳ мақомини олган тарихий обидалар ва меъморий

ёдгорликлар тарихи, пайдо бўлиши ва ижтимоий-маданий аҳамияти, шунингдек, зиёратгоҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган азиз инсонларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ҳикоя қилинади.

"Ўлкашунослик ва туризм", "Маданиятшунослик" фанлари учун янги ўқув адабиёти саналган мазкур китобдан тарих, география, фольклор, агиология (қудсиятшунослик), аксиология (қадриятшунослик), маданиятшунослик, адабиётшунослик, диншунослик фани билан шуғулланувчи ўқитувчилар, ўрта маҳсус ва олий таълим билим юрти ўқитувчилари, талабалар, мактаб ўқувчилари, шунингдек, тележурналистлар, киноижодкорлар, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар фойдаланишлари мумкин.

Китобнинг масъул муҳаррирлари: Шайх Абдулазиз Мансур исломшунос. Акмал Саидов юридика фанлари доктори, профессор. Тақризчилар: У.Уватов тарих фанлари доктори. Матлуба Қаҳҳорова, фалсафа фанлари доктори.

32. Абдулаҳатов Н. Файзи зоҳир хонақоҳ. – Т.: "Tamaddun", 2015. – 64 б. 300 нусхада

Мазкур китоб Фарғона вилоятидаги Ғавсул Аъзам авлодлари билар боғлиқ зиёратгоҳлар билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва у жойлашган манзил, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи. Қолаверса, мазкур асарда Туркистон халқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир. Китоб "Водий қадамжойлари" рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И. Останақулов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А. Салмонов, тарих фанлари номзоди, О. Мамазияев, филология фанлари номзоди.

33. Абдулаҳатов Н., Ҳудойназаров О. Қора ёзи тарихи.
– Т.: “*Tamaddun*”, 2015. – 164 б. 500 нусхада.

Мазкур китоб Қўқон депарасидаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Қораёзи бобо мозори билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва у жойлашган манзил, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи. Қолаверса, мазкур асарда Туркистон халқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир. Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И. Останақулов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: А. Салмонов, тарих фанлари номзоди, О. Мамазияев, филология фанлари номзоди.

34. Мадғозиев М., Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Ҳожажон Ҳожа Рожий Марғиноний. III. – Т.: “NOSHIR”, 2016. – 528б. 1000 нусхада.

Марғиноний алломалар” туркумида яратилган ушбу китоб XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб ўтган шоир, факиҳ ва жамоат арбоби Ҳожажон қози Низомиддин ўғли Рожий Марғиноний (1834 – 1918) ҳаёти, бадиий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қиласи. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли қўлёзмалар, архив ҳужжатлари ва кейинги даврда яшаган кишилар хотиралари асосида ўзига хос маноқиб – рисола яратишга муюссар бўлишган. Тарихий-агиографик жанрда ёзилган янги тадқиқотда XIX аср ва XX аср бошлари Марғилон маданий мухитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини янги манба билан бойитган.

Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. Тақризчилар: Ш. Воҳидов, тарих фанлари доктори. И. Останақулов, тарих фанлари доктори.

35. Абдулаҳатов Н., Ҳудойбердиев М., Ҳолматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: “ADABIYOT UCHQUNLARI”, 2016. – 60 б. 200 нусхада.

Мазкур китоб Наманган вилояти Косонсой туманидаги Юсуфхон эшон зиёратгоҳи билан боғлиқ ҳалқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва у жойлашган манзил, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласиди. Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И. Остонақулов, тарих фанлари доктори. Тақризчилар: Ш. Зиёдов, тарих фанлари номзоди. Ш. Маҳмудов, тарих фанлари номзоди.

36. Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Фозилжон Махдум Марғилоний. IV. – Т.: “NOSHIR”, 2017. – 336 б. 2000 нусхада

Ушбу китоб XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмида Марғилонда яшаб ўтган аллома, факиҳ ва шоир Фозилжон махдум Фазлий Марғилоний ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қиласиди. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли қўллётзмалар, алломанинг издошлари ва замондошлари хотиралари асосида ўзига хос маноқиб яратишга муюссар бўлганлар. Тарихий-маноқиб жанрида ёзилган янги тадқиқотда XIX аср охири ва XX аср Марғилон маданий мұҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини яна бир манба билан бойитганлиги билан диққатга сазовордир.

Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. Тақризчилар: И. Остонақулов, тарих фанлари доктори. Ш. Зиёдов, тарих фанлари номзоди.

37. Абдулаҳатов Н., Ҳожа Марғилоний. – Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2017. – 400 б. 100 нусхада.

Ушбу китобда XIX аср охири XX аср бошларидаги Марғилон адабий муҳитининг намояндаси, қатағон қурбонларидан бири Ҳожа Марғилоний тахаллуси билан ижод қилган Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган. Муаллифлар Ҳожа Марғилоний яшаган даврда ёзилган турли қўлёзмалар, архив ҳужжатлари ва кейинги даврда яшаган кишилар хотиралари асосида ўзига хос маноқиб – рисола яратишга муюссар бўлишган. Янги тадқиқотда XIX аср ва XX аср бошлари Марғилон маданий муҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигининг янги манбалари билан бойитилган.

Масъул муҳаррир: К. Ражабов, тарих фанлари доктори. **Тақризчилар:** И. Останақулов, тарих фанлари доктори. А.Салмонов, тарих фанлари номзоди.

38. Абдулаҳатов Н. Бўрбалиқ ва Катпут тарихидан. – Т.: “АВУ МАТВИОТ-КОНСАЛТ”, 2017. – 136 б. 100 нусхада.

Мазкур китоб Олтиариқ туманининг Бўрбалиқ ва Катпут қишлоқлари тарихи билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда ундаги зиёратгоҳлар ва уларнинг жойлашган манзиллари, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи. Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И. Останақулов, тарих фанлари доктори. **Тақризчилар:** А.Салмонов, тарих фанлари номзоди. Б. Усмонов, тарих фанлари номзоди.

39. Абдулаҳатов Н., Аҳмедова Н. Комиллик сари – Т.: “NOSHIR”, 2018. – 376 б. 1000 нусхада

Ушбу китобда тил, имло, жумла тузиш, хотира ва нутқ маданияти, мутолаа санъатига доир фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Китобдан таълим тизимидағи бошқарув ва ўқув жараёнида ҳамда малака ошириш курсининг тингловчилари,

шу билан бирга педагогика, психология, тарих, маданият-шунослик, адабиётшунослик соҳаларида, маънавий-маърифий ва ўқув-тарбиявий ишларни олиб боришда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир: М.Мирсадуллаев, медицина фанлари доктори, М.Атаджанов, психология фанлари номзоди. Тақризчилар: Т.Қозоқов, тарих фанлари номзоди. И. Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчи.

40. Абдулаҳатов Н., Тошқулов А., Қодиров В., Файзиобод Файзлари.– Т.: “Китобдор” нашриёти, 2019. – 160 б. 300 нусхада.

Мазкур китоб Наманган вилояти Тўракўрғон туманининг Файзиобод маҳалласи ва унда жойлашган Ҳазрати Сирёоний мозори тўғрисида маълумотлар бериш баробарида Файзиобод ва файзиободлик тўғрисида ҳақида ҳикоя қиласиди. Китоб “Водий қадамжойлари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А.Мўминов, тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчилар: И.Остонақулов тарих фанлари доктори, И. Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчи.

41.Абдулаҳатов Н., Тошқулов А., Жамолов Т. Мозори кўҳна тарихидан.– Т.: “Китобдор” нашриёти, 2019. – 140 б. 300 нусхада.

Мазкур китоб Наманган вилояти Тўракўрғон туманида жойлашган Мозори кўҳна қишлоғи ҳақида маълумотлар бериш баробарида қишлоқнинг қадимий тарихи ва у билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда ундаги зиёратгоҳлар ва уларнинг жойлашган манзиллари, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласиди. Китоб “Водий қадамжойлари”

рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И.Остонақулов тарих фанлари доктори. Тақризчилар: Т.Қозоқов, тарих фанлари номзоди. И. Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси.

42. Алишер Бек, Исломов А., Абдулаҳатов Н. Ёзёвон.Туризми, тарихи, зиёратгоҳлари. Туристик саёҳатнома. – Т.: “Oltin meros press” нашриёти, 2019. – 42 б. 100 нусхада.

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги жамоат фондининг давлат гранти бериш учун “Аҳолининг ижтимоий-маънавий, экологик, тиббий маданиятини оширишда, ижтимоий тадбиркорлик, туризмнинг инновацион турларини жорий этишда ННТлар фаолиятини кучайтириш” мавзусидаги танловининг “Туризмнинг тарихий-илмий, экологик, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш” йўналишида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Фарғона вилоят муассасаси ташабbusи билан “Ёзёвон туризми салоҳиятини хорижда оммалаштирамиз” мавзууси бўйича тайёрланган..

43. Абдулаҳатов Н., Асқаров Ж.,Рустамов А., Алишер Бек, Дармонов М. Ўрмонбек тазкираси (Қишлоқлари тарихи, одамлари, урф ва одатлари). Тошкент.: “нашриёти, 2019. – 132 б. 300 нусхада.

“Ўрмонбек тазкираси” 2 китоб ва тўрт фаслга бўлиб тартиб этилган бўлиб, қўлингиздаги 1-китоб ва биринчи фаслда Кўқон хонликлари асрида ҳозирги Андижон вилояти Балиқчи туманида қишлоқقا номи муҳрланган Ўрмонбекнинг шахсига мукаммал тўхталишга ҳаракат қилинган.

Тазкирадаги мазкур фаслда, шунингдек, Ўрмонбек қишлоғи қабристони ва масжиди тарихи, машхур маърифат ва дин уламолари, муборак ҳаж сафарига борган юртдошларимиз ҳақида ҳам маълумотлар берилмоқда. Иккинчи фаслда яқин ўтмишимиз бўлмиш XX асрда Ўрмонбек мавзесида юз берган воқеалар ўз аксини топади. Учинчи фаслда қишлоқ мактаби тарихи, Ўрмонбек арбоблари, олимлари ва бошқа таниқли кишилари ҳаёти ва фаолияти акс эттирилмоқда. Тўртинчи, якунловчи фасл 2-китобда акс этиб, бугунги Ўрмонбек – Истиқдол, ХХI аср, азалий урф-одатларимиз, дину-диёнатимизнинг тикланиши, тадбиркорлик, ёшларимиз ҳақида сўз юритилади.

Тақризчилар: И.Остонақулов тарих фанлари доктори. Т.Қозоқов, тарих фанлари номзоди.

44. Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Байъат ур-Ризвон ёки одамийлик силсиласи. Монография. / – Тошкент: «Qamar media» нашриёти. 2020. - 480 бет. 100 нусхада.

Ушбу китоб тасаввуф маънавий йўлиниң давомчилари бўлган нақшбандия тариқати пирлари ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи тазкира бўлиб, у жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад саллогоҳу алайҳи ва салламнинг зикрлари билан бошланиб, яқин ўтмишда умр кечирган пиру муршидлар маноқиби билан якунланади.

Китоб тарих, диншунослик, агиография, маданият ва тасаввуф адабиёти билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Мирзо Кенжабек, шоир ва таржимон , Ўзбекистон халқаро ислом цивилизацияси маркази етакчи илмий ходими. Тақризчилар: Сайфиддин Рафъиддинов, филология фанлари номзоди. Абдусаттор Жуманазаров, тарих фанлари номзоди.

45. Абдулаҳатов Н. Нон ва тарбия масаласи. - Тошкент : "Oltin meros press", 2020. - 162 б. 100 нусхада.

Ушбу китобда инсоният донолигининг буюк қашфиётларидан бири тирикликтининг манбаси бўлган улуг неъмат нон билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Китобдан педагогика, психология, фалсафа, тарих, маданиятшунослик, адабиётшунослик, диншунослик соҳаларида, мактабларда "Тарбия" дарсларини ўтишда, маънавий-маърифий ва ўқувтарбиявий ишларни олиб боришда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Адҳамжон Аширов, тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчилар: Сайдакбар Агзамходжаев, тарих фанлари доктори, профессор. Иномжон Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси. Шерзоджон Қорабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ ўқитувчиси.

46. Исабоев А., Абдулаҳатов Н. Жалабек азизлари. Андижон, 2020. - 242 б. 200 нусхада.

Мазкур китоб Андижон вилояти Олтинқўл туманининг Жалабек қишлоғи ва унда жойлашган Жалабек зиёратгоҳи тўғрисида маълумотлар бериш баробарида Жалабек ва жалабекликлар тўғрисида ҳикоя қиласи. Китоб "Водий қадамжойлари" рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: Икромиддин Остонақулов, тарих фанлари доктори. Муҳаммадюсуп Тўрақулов, Андижон вилояти Олтинқўл тумани бош имоми, Сайид Мухйиддин Махдум номидаги ўрта махсус ислом билим юрти мударриси. Тақризчилар: Тўланбой Ортиқов, фалсафа фанлари доктори, профессор. Иномжон Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси.

47. Абдулаҳатов Н., Жамолов Т. Мозор кўхна ва мозор кўхналиклар . – Тошкент: “Qamar media” нашриёти. 2020. – 390 бет. 500 нусхада.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур китоб Мозор кўхна қишлоғи ҳақида маълумотлар бериш баробарида, қишлоқнинг қадимий ва яқин ўтмиши билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда ундаги зиёратгоҳлар ва уларнинг жойлашган манзиллари, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи.

Масъул муҳаррир: И.Остонакулов тарих фанлари доктори. Тақризчилар: Т.Қозоқов, тарих фанлари номзоди. И. Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси.

48. Abdulakhatov. N.U. Great dynasty Burkhan ad-din al-Marginani. LAMBERT Academik Publishing, 2020. – 66 б.

The city of Margilan occupies a special place among the cities of Central Asia, which have made an invaluable contribution to the spiritual and cultural development of the world with their great children, scientists and scientists. Margilan is famous for its rich history, delicate people, scientists, artisans and unique artists. Although not very large geographically, this ancient city has educated hundreds of scholars and glorified them throughout the world as the "Great Marginani Dynasty", making it one of the largest historic cities in the world. One of such famous dynasties is, of course, the Burkhan ad-din al-Marginani dynasty. This book tells about Burkhan ad-din al-Marginani and his descendants, as well as about their role in the social and political life of Mavaraunnahr in the Middle Ages.

Responsible editor: Ashirbek Muminov, Doctor of Historical Sciences, Professor.Reviewer:Ikromiddin Ostonakulov, Doctor of Historical Sciences.

49. Абдулаҳатов Н., Муртазаев М. Марғилондаги Тиллохўжа эшон зиёратгоҳи. – Фарғона: “Classic” нашриёти, 2021. – 164 бет. Адади 100 нусха.

Мазкур китобда Марғилон шаҳрининг Жуфт терак маҳалласида жойлашган зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар бериш баробарида Марғилон шаҳрининг тарихи ва Жуфт терак маҳалласида истиқомат қилган табаррук хонадонларнинг ибратли ўтмиши ҳақида хикоя қиласи.

Монография тарих, диншунослик, манбашунослик, агиография, маданият ва тасаввуф билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчилар: И.Остонақулов тарих фанлари доктори. И Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси. Ш Қорабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ ўқитувчиси.

50. Абдулаҳатов Н. Марғилон олимларининг илмий-маърифий мероси (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). 1-китоб. Фарғона: “Classic” нашриёти, 2021. - 612 б. Адади 100 нусха.

Ушбу монографияда XIX аср иккинчи ярми ҳамда XX аср бошларидағи Марғилон диний-маърифий муҳитида фаолият олиб борган уламоларнинг минтақада ислом дини тараққиёти йўлидаги ўрни ва роли ҳамда улар томонидан яратилган асарлар исломшунослик, тарихшунослик ва манбашунослик жиҳатидан таҳлил этилган.

Монография материалларидан Ўзбекистон тарихи, диншунослик, исломшунослик ва манбашунослик бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда, шунингдек агиография, маданият ва тасаввуф адабиёти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. И.Остонақулов тарих фанлари доктори.

Тақризчилар: Н. Мухамедов, тарих фанлари доктори, доцент. И. Бекмирзаев, тарих фанлари доктори, доцент. Б. Усмонов, тарих фанлари доктори, доцент

51. Абдулаҳатов Н. Марғилон ҳокимлари. Қўқон хонлиги ва Чор Россия мустамлакаси даврида. 2-китоб. Фарғона: "Classic" нашриёти, 2021. - 610 б.

Мазкур китобда XVIII-XX аср бошларида Марғилонда ҳокимлик қилиган шахслар, жумладан Қўқон хонлигининг охирги ҳукмдори Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек ва Сайид Валихон тўраларнинг ҳаёти ва фаолиятлари тўғрисида сўз юритилади.

Монография тарих, исломшунослик, агиография, адабиёт, маданият билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. **Тақризчилар:** И.Остонақулов тарих фанлари доктори. И Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси. Ш Қорабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ ўқитувчиси.

52.Абдулаҳатов Н., Муртазаев М. Шоҳ Мансур зёратгоҳи. – Фарғона: "Classic"нашриёти, 2021. – 288 бет. Адади 100 нусха.

Ушбу китобда Фарғона водийсидаги машҳур зиёратгоҳлар ҳазрат Шоҳ Мансур ва Ошиқ Юсуф мозорлари билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва улар жойлашган манзил, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи. Қолаверса, мазкур асарда Туркистон халқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир

қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир.

Монография тарих, диншунослик, манбашунослик, агиография, маданият ва тасаввуф билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. **Тақризчилар:** И. Остонақулов тарих фанлари доктори. И. Тешабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ катта ўқитувчиси. Ш. Қорабоев, Фарғона ВХТҲҚТМОИ ўқитувчиси.

53. Абдулаҳатов Н., Қўлдошев Шерали. Мулла Шамсиддин Шавқий. Монография. “Ибрат медиа” нашриёти. 2022. Адади 100 нусха.

Ушбу китобда истеъодди тарихчи ва зуллисонайн шоир Мулла Шамсиддин Шавқий (1805-1887) ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўз юритилиши баробарида XIX аср ва XX аср бошларида Фарғона водийсида юз берган муҳим тарихий воқеалар ва уламолар фаолияти тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Китобда илк бор Мулла Шамсиддин Шавқийнинг қаламига мансуб тарихий асалар ва девонларининг тўлиқ нусхаси киритилган.

Монография тарих, манбашунослик, исломшунослик, агиография, тасаввуф, маданият ва адабиёт билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. **Тақризчилар:** Ҳамидулла Аминов, тарих фанлари номзоди, Тоҳиржон Қозоқов тарих фанлари номзоди, доцент.

54. Абдулаҳатов Н. Онам деб йиғлагим келди (Мотам маросим фольклори. – Фарғона: “Classic” нашриёти, 2022. – 338 б. Адади 100 нусха.

Ушбу китобда ўзбек мотам маросими фольклори тарихи фольклоршунослик нуқтаи назаридангина эмас балки, этнологик, археологик ва тарихийлик томонидан ёндошилиб улардаги маълумотлар ёрдамида ҳам тадқиқ этилган. Зоро, халқ йигиларида халқ оғзаки ижодига мансуб мотам қўшиқлардан ташқари мазкур жанр ўзида маълум бир халқнинг урф-одатларини, тарихий воқеаларни акс эттирган.

Монография тарих, этнология, адабиёт ўзбек фольклорига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И.Остонақулов тарих фанлари доктори. Тақризчилар Д.Йўлдошева филология фанлари номзоди, доцент, Махсума Дехқонова фалсафа фанлари доктори (pd).

55. Ирзаев Б., Абдулаҳатов Н. Сайид Носирхон тўра Косоний. – Т.: Азон, 2022. – 220 б. Адади 3000 нусха.

Ушбу китобда фавқулодда қобилият соҳиби, буюк қомусий олим, Туркистон Мухториятининг Маориф вазири, Туркистон озодлиги йўлида шаҳид кетган Сайид Носирхон тўра Косоний (1873-1930) ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўз юритилади.

Монография тарих, диншунослик, агиография ва тасаввуф адабиёти билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор.

56..Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Сенга етмагунча тўхтамайман (Мўминжон Ҳаким маноқиби). – Т.: “NOSHIR”, 2022. – 476 б. Адади 5000 нусха.

57. Абдулаҳатов Н. Ҳазрати Муоз зиёратгоҳи. – Фарғона: “Classic”нашриёти, 2023. – 370 б. Адади 100 нусха.

Ушбу китобда Фарғона водийсидаги машхур зиёратгоҳ ҳазрати Ҳазрати Муоз ибн Жабал (р.а.) мозори билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. Қолаверса, мазкур китобда Туркистон халқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир. Китобда илк бор Мулла Шамсиддин Шавқий “Жомеъул ҳаводис” деб аталувчи нодир қўлёзмаси илмий муомалага киритилди.

Монография тарих, манбашунослик, этнология, агиография, маданият ва тасаввуф, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчи: Ш. Зиёдов, тарих фанлари доктори, доцент.

58. Абдулаҳатов Н., Ҳожисолиев Қ., Эргашев А., Ҳожисолиев Ҳ. Қумтепа тарихидан. – Фарғона: “Classic”нашриёти, 2023. – 658 б. Адади 100 нусха.

Мазкур китоб Фарғона вилояти Қўштепа туманида жойлашган Қумтепа қишлоғи ҳақида маълумотлар бериш баробарида қишлоқнинг қадимий тарихи ва у билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда ундаги зиёратгоҳлар ва уларнинг жойлашган манзиллари, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи. Монография тарих, манбашунослик, элшунослик, ўлкашунослик, агиография, маданиятшунослик, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И.Остонакулов тарих фанлари доктори, доцент. Тақризчи: Т.Қозоқов тарих фанлари номзоди, доцент.

59. Abdulahatov N. From the ancient history of Arsif . LAP LAMBERT Academic Publishing, 2024. 66-б.

Олти тилда чоп этилган ушбу китоб Фарғона вилояти Қувасой шаҳрининг Арсиф қишлоғининг узоқ ўтмиши ва ундаги мавжуд археологик ёдгорликлари, арсифлик авлиёлар ҳақида ҳикоя қиласи. Қолаверса, мазкур китобда Туркистон халқларининг қадим тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир. Монография тарих, манбашунослик, археология, элшунослик, адабиёт, ўлкашунослик, агиография, маданиятшунослик, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

**60. Абдулаҳатов Н. Қадим Арсиф тарихидан. –
Фарғона: “Classic”нашриёти, 2024. – 518 б.**

Китоб Фарғона вилояти Қувасой шаҳрининг Арсиф қишлоғининг узоқ ўтмиши ва ундаги мавжуд археологик ёдгорликлари, арсифлик авлиёлар ҳақида ҳикоя қиласи. Қолаверса, мазкур китобда Туркистон халқларининг қадим тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир.

Монография тарих, манбашунослик, археология, элшунослик, адабиёт, ўлкашунослик, агиография, маданиятшунослик, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчи: Т.Қозоқов. тарих фанлари номзоди, доцент.

**61. Абдулаҳатов Н. Арсифлик авлиё Исқандар халифа.
– Фарғона: “Classic”нашриёти, 2024. – 478 б.**

Ушбу китобда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ҳаёт кечирган Нақшбандия-мужаддидия силсиласининг йирик намоёндаси Исқандар халифа Арсифий қуддиса сирруҳунинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўз юритилади.

Монография тарих, адабиёт, тасаввуф, ўлкашунослик, агиография, маданиятшунослик, билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчилар: Ш.Зиёдов тарих фанлари доктори. Икромиддин Остонақулов тарих фанлари доктори.

62. Абдулаҳатов Н. “Девону луготит турк” туркий халқлар мероси. – Фарғона: “Classic”нашриёти, 2025 – 604 б.

Ушбу ўқув қўлланма қомусий аллома Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарининг аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган бўлиб, тилшунослик, тарих, манбашунослик, география, элшунослик, адабиёт, ўлкашу-нослик, маданиятшунослик, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: А. Мўминов тарих фанлари доктори, профессор. Тақризчилар: Ш.Қўлдошев тарих фанлари доктори. Д.Йўлдошева филология фанлари доктори. Т.Қозоқов тарих фанлари номзоди.

63. .Нодиржон Абдулаҳатов. Фарғоналиклар иккинчи жаҳон уруши даврида [Биринчи китоб] Фарғона - “Classic”-нашриёти-2025. - 308-б.

Мазкур китобда Фарғона вилояти аҳлининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва фашизм устидан эришилган ғалабага кўштан ҳиссаси, уларнинг фронт ва фронт ортида кўрсатган каҳрамонликлари ёритилган.

Ушбу монография илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган изланувчиларга, олий ўқув юрти талабаларига, умумтаълим мактаблари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ш. Зиёдов, тарих фанлари доктори, профессор. **Тақризчилар:** Т. Қозоқов тарих фанлари номзоди, доцент, М. Расулов тарих фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент, И.Тешабоев психология фанлари фалсафа доктори (PhD), И. Тошпулатов фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

64. Нодиржон Абдулаҳатов. Фарғоналиклар иккинчи жаҳон уруши даврида [Иккинчи китоб] Фарғона - “Classic”-нашиёти-2025 - 348 б.

Мазкур китобда Фарғона вилояти аҳлининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва фашизм устидан эришилган ғалабага қўшган ҳиссаси, уларнинг фронт ва фронт ортида кўрсатган каҳрамонликлари ёритилган.

Ушбу монография илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган изланувчиларга, олий ўқув юрти талабаларига, умумтаълим мактаблари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ш. Зиёдов, тарих фанлари доктори, профессор. **Тақризчилар:** Т. Қозоқов тарих фанлари номзоди, доцент, М. Расулов тарих фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент, И.Тешабоев психология фанлари фалсафа доктори (PhD), И. Тошпулатов фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

65. Абдулаҳатов Н., Обилжонов Т. Юлғунзор тарихидан лавҳалар. [Биринчи китоб] -Т.: “GANJINA” нашриёти, 2025. - 558 б.

Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази илмий методик кенгашининг 31.10.2024 йилдаги №8 сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган. Ушбу китобда Фарғона вилояти Учқўприк туманида жойлашган Юлғунзор қишлоғи ҳақида маълумотлар бериш баробарида қишлоқнинг

қадимий тарихи ва у билан боғлиқ халқона қарашлар, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Монография “Водий қадамжолари” рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: И. Остонақулов, тарих фанлари доктори. Тақризчи: И. Тошпулатов, фалсафа фанлари доктори.

II

НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВНИНГ 1998-2025 ЙИЛЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАРИ

Хорижий нашрлар

1. Abdulahatov N. The Mazars of Women in the Ferghana Valley // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007. P. 103-121.

2. Muminov A. Abdulahatov N. Hujra during the Soviet Era: The Case of Suyar Khan IsakhanoThe Nineteenth Annual Central Eurasian Studies Conference. March 3, 2012. Indiana University Bloomington, Indiana, USA. P.27.

3. Abdulahatov N.The Importance of Studying the Mazar Dokuments of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang, 2008. P. 55-58.

4. Abdulahatov N. Diversity of womens mazaras // Muslim and Xinjiang Shinmen Yasushi, Sawada Minoru and Waite Librairie D'amerique Et D'orient Jean Maisonneu ve Successeur 3 Bis, Place la Sorbone, Paris. 2013. P. 158-173.

5. Dogueli J. Abdulahatov N.Ein Vogel ohne Flugel ein Garten ohne Schatten Trauerverse und Gedenken in zentralasien // Der Tod in kultur und Medizin. Berlin.2014. P. 245-259.

6. Абдулахатов Н.У. Раджи Маргинани // “Исламоведение в Казахстане: Состояние, проблемы перспективы”. Материалы международного “круглого стола”. г. Астана, 20 ноября 2014. – Б.59-61.

7. Abulahatov N. Die Geschichte des sozialen, kulturellen und religiösen Lebens in den Wohnvierteln von Marg'ilon im 19. und frühen 20. Jahrhundert The History of Social, Cultural, and Religious Life in Margilan's Residential Quarters in the 19th and Early 20th Centuries // Gerda Henkel Stiftung. Sonderprogramm Zentralasien Abschlusspublikation. Special programme Central Asia final publication. Berlin. p. 13.

8. Абдулахатов Н. Документ из мавзолея Ходжа Ахмада “Межрелигиозный диалог и наследие Кожа Ахмета Ясави” Материалы международной научной конференции, посвященной 550-летию Казахского ханства. Астана, 2015. – Б. 100-104.

9. Abulahatov N. Rahmonov A. HERITAGE OF XXth CENTURY SCHOLARS FROM MARGHILAN // Исламская духовность, рациональность и этнокультурные традиции как факторы противодействия религиозному экстремизму» Материалы международной научной конференции, посвященной празднованию 20-летия Евразийского национального университета им. Л.Н. Гумилева. Астана, 2016.– Б.38-39.

10. Abulahatov N. Sacred Sites Associated with Hazrat Ali in Central Asia // Mazar. Studies on Islamic Sacred Sites in Central Eurasia. Tokyo University of Foreign Studies Press Fuchu, Tokyo. MMXVI. 2016. P. 95-124.

11. Абдулахатов Н. Муминов А. Суйар-хан-тура // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II. Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – Б. 344.345.

12. Абдулахатов Н. Ханак-и Хазрат // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопеди-

ческий словарь. Том II.Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – Б.397.

13. Абдулахатов Н. Мазар Хазрат Шах Мансур // Materialły XV Międzynarodowej naukowi-praktycznej konferencji "Wykształcenie i nauka bez granic – 2019" , 07 - 15 grudnia 2019 roku.Poland.C.71-76.

14. Abdulahatov N. The civilization's trace of Iran and India in the history of ancient Quva [Qubo] // Proceedings of International Multidisciplinary Scientific- Remote Online Conference on Innovative Solutions and Advanced Experiments. Madisonwrights Organised by Samarkand Regional Center for Ret raining and Advanced Training of Publ ic Education Staff Samarkand, Uzbekistan. In Association wi th Novateur Publ ication India's. A Mul t idiscipl inary Peer Reviewed Journal journalnx.com June 18th & 19th, 2020. -Б. 962-967.

15. Абдулахатов Н. Теолог-ханафит Суйар-хан-тура Маргилани // I Международный форум “Богословское наследие мусульман России”: I том: сборник научных докладов конференций, г. Болгар, 13–19 октября 2019 г.Казань: ИД “МедДоК”, 2020. – Б.38-52.

16. Абдулахатов Н. Советлар даврида ислом (“Коммуна” газетаси материаллари асосида) // Ўзбекистонда Ислом-шунослик ютуқ ва истиқболлари 2019 йил июнь Тошкентда бўлиб ўтган халқаро семинар мақолалари тўплами.Истанбул. 2020.–Б.161-182.

17. Abdulahatov N.U. Margilan Intellectuals About the City of New Margilan // Euro Afro Studies International Journal, (EASIJ.COM), P, 154 – 159. DOI: www. doi.org/ 10.5281/ zenodo.4029519 , Special Issue, Issue: 2, Vol.: 2, Article: 18, Month: August, Year: 2020. Retrieved from <https://www.easij.com/all-issues>.

18. Абдулахатов Н.У. Неизвестные страницы истории русского города Скобелева конца XIX – начала XX в. (по материалам местных историков) // Политические, социально-

экономические и межэтнические процессы в пограничных регионах России в XVI – начале XX в. Материалы Международной научно-практической конференции (г. Уфа, 1-4 июня 2020 г.) Уфа, 2020. С.236-239.

19. Abdulakhatov 2020. Margilan Ruler Sultan Murad-Bek. International Journal on Integrated Education. 3, 9 (Sep. 2020), 245-249. DOI:<https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.639>.<http://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/639>.

20. Зиёдов Ш. Ю., Абдулахатов Н.У. Фарғона музейларининг қўлёзма коллекциялари // Ўзбекистондаги қўлёзма фонdlари. Муҳофаза қилиш, каталогглаштириш ва мутахассислар малакасини ошириш 2019 йил июнь Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуман мақолалари тўплами. Истанбул. 2020.–Б.117-121.

21. Abdulakhatov N. Rare manuscripts of Azerbaijan poets in the library of Khoja Margilani // IV International Scientific Conference Heydar Aliyev: The ideology of multiculturalism and tolerance dedicated to the 98th anniversary of the birth of National Leader 7 May 2021 – Bakı: Mütərcim, 2021.P.113-116.

22. Abdulakhatov N, Koraboev Sh. 2021. Some Characteristics of Marcia (Based on materials from the literary environment of Margilan in the 19th - early 20th centuries). *International Journal on Integrated Education.* 4, 3 (Apr. 2021), 410-415. DOI:<https://doi.org/10.31149/ijie.v4i3.1520>

23. Abdulahatov N.Sayyid Kamoliddinxoja Kasani //«International Journal of Intellectual and Cultural Heritage». Vol. 2 No. 2 (2022): IJICH. P.105-108.

24. Abdulakhatov N.U., Abdulakhatova F.U. A scientist recognized by Alisher Navoi // International Journal of Intellectual and Cultural Heritage Volume: 2 Issue: 03 | 2022. P.15-22.

25. Абдулахатов Н. Муминджон Ҳаким Маргилани – знаток восточной медицины // Azərbaycan dillər universiteti Elmi Xəbərlər. №1. Azərbaycan 2022. С. 159-163.

26. Abdulahatov N. Padnoma – Mulla Shamsiddin Shavki «Spanish Journal of Innovation and Integrity» (<http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/index>). 2022. P. 301-304.
27. Abdulahatov N. Rare archaeological finds of ancient QUVA [QUBO] // 2nd International archeology, art, history and cultural heritage congress. SEPTEMBER 09-11, 2022 / Sanliurfa / Turkey. The proceedings book P. 92-94.
28. Abdulahatov N. Strokes to the biography of kazi Roji Marginani // 12th InternationaL Istanbul congress on humanities and socialsciences. January 21-23, 2023. Online & In-person participation zoom& İstanbul, Turkiye. Congress proceedings book. P. 520-523.
29. Абдулаҳатов Н. Мўминжон Ҳаким Марғилоний хотиралари тарихий манба сифатида // EDUCATIONAL RESEARCH IN UNIVERSAL SCIENCES VOLUME 2, ISSUE 11, NOVEMBER, 2023. - Б.205-211.
30. Абдулаҳатов Н. Фарғона меъморий ёдгорликларда Амир Темур номи билан боғлиқ афсоналар // EDUCATIONAL RESEARCH IN UNIVERSAL SCIENCES VOLUME 2, ISSUE 11, NOVEMBER, 2023. - Б.302-309.
31. Абдулаҳатов Н. Туркистонликларнинг турк дунёсидаги жасорати. // “Туркий хақлар тарихида Туркистоннинг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари тўплами.– Т.: “Идеал пресс нашриёти”, 2024. – Б.363-372.
31. Abdulahatov N. Manuscript “RIlyozul muslimin” mullah of Shamsiddin Shawqi // Manuscript on the Art, Design and Culture Vol 1 Issue 1 (2024). P.12-24.
32. Абдулаҳатов Н., Шарафутдинов Р. XIX - XX аср бошларида Марғилонда яратилган агиографик асарлар.// SCIENTIFIC JOURNAL “GOLDEN BRAIN”, 2024. P.61-70.
33. Абдулаҳатов Н. О святых местах на великом шелковом пути (к вопросу об исследованиях мазаров Ферганской долины) Educational Research in Universal Sciences VOLUME 4,

ISSUE. 2025. № 1. P.138-144.<https://researchweb.uz/index.php/erus/article/view/272>

34. Абдулахатов Н. Мавзолей Бостон (Бастом) бува. // Elmi tədqiqat Beynəlxalq Elmi Jurnal. Elm və təhsilin əsaslari XII Beynəlxalq elmi konfrans. Bakı, 2025. C.12-15.<https://doi.org/10.36719/2789-6919/2025/XII>.

35. Абдулахатов Н., Мамазияев О. Захириддин Мухаммад Бобур ва Хожа \ ислом Абулмакорим. // Innovative Development in Educational Activities ISSN: 2181-3523 VOLUME 4 | ISSUE 1 | 2025. – Б.144-150. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14774025>

36. Абдулахатов Н. Иршодномалар нодир манба сифатида. Innovative development in educational activities, 4(1), 2025.- Б. 266–275. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14907838>

37. Абдулахатов, Н. (2025). Кошинкор Уста Абдулло. GOLDEN BRAIN, 3(8), 161–168. <https://doi.org/10.5281/zenodo.15353390>

38. Абдулахатов Н.У. Взгляды на четверостишие “Шаби Ялдо” Ходжа Ахмад Яссави в истории народов Туркестана. //Наследия Ясауи в диалоге времен и культур: гуманистические ориентиры и современные вызовы. Материалы международного симпозиума.(Республика Казахстан, город Туркестан, 15-16 мая, 2025 года) Туркистан, 2025. С.8-11.

39. Абдулахатов, Н. Музейлардаги құлғымалар коллекцияси. // Innovative development in educational acti-vities, 4(3), 2025. 102–110. <https://doi.org/10.5281/zenodo.15498434>

40. Абдулахатов Н. Эшон Калтатойи зиёратгоҳи. // Islamic civilization in Central Asia: Past and present. Toshkent.: “GRAND KONDOR PRINT”, 2025. - Б.334-340.

№ III

ОАК эътироф этган журнallарда чоп этилган мақолалар

1. Абдулаҳатов Н. Ўзбек халқ йиғиларининг жанр хусусиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 1998. № 4.
2. Абдулаҳатов Н. Ўзбек халқ йиғи маросимлари тарихидан // Фарғона Давлат университети илмий хабарлари. Фарғона, 1999. № 1.
3. Абдулаҳатов Н. Риштондан топилган бронза кўза // Ўзбекистон моддий маданий ёдгорликлар тарихи. Самарқанд, 2004. № 34. -Б. 131-137.
4. Абдулаҳатов Н. Мўйи Муборак // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 219-223.
5. Абдулаҳатов Н. Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. – № 1. – Б. 25-29.
6. Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. – № 2. – Б. 106-109.
7. Абдулаҳатов Н. Марғилон саййидлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 34-35.
8. Абдулаҳатов Н. Марғилондаги Ҳожа Порсо зиёратгоҳи // Мозийдан садо. Тошкент, 2007. – 2 (34). – Б. 5-8.
9. Абдулаҳатов Н. Ўқувчилар онгига миллий ғуурни шакллантиришида “Оила шажараси” технологиясидан фойдаланиш // Таълим технологиялари. Т., 2011. № 5. – 37-39.
10. Абдулаҳатов Н., Ҳошимова Н., Йўлдошев Ш. XIX – XX аср бошларида Фарғона водийсини иқтисодий ривожланиш тарихи ва унинг аҳамияти // Муғаллим ҳам Узликсиз билимлендриў Нокис – 2011. – Б.57-60.
11. Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий - XIX аср аср Марғилон маданий муҳитининг йирик сиймоси // ТИУ илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б.21-25.

12. Абдулаҳатов Н., Ҳошимова Н. Рожий ижодида таълим масаласи // Муғаллим ҳам узликсиз билимлэндриў Нокис – 2014. № 1. – Б.95-98.

13. Абдулаҳатов Н.У. XIX аср Марғилон уламолари фаолиятида соғлом бола тарбияси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2014. – № 2. – Б. 22.

14. Абдулаҳатов Н. XIX – XX аср бошларида Марғилонда аёллар мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2014. – № 3. – Б.72-73.

15. Абдулаҳатов Н. Мавлоно Мир Абдураҳим Марғиноний // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2017. – № 3. – Б.23-25.

16. Абдулаҳатов Н. Парвардигор ҳузурида ҳам айта оласизми // “HIDOVAT”, Тошкент, 2019. №4, - Б.28.

17. Абдулаҳатов Н. Бухорий домла – Мирхалил Марғиноний // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2019. – № 3. – Б.11-13.

18. Абдулаҳатов Н. Ҳажв ҳалқ хизматида // Тафаккур. Тошкент, 2019. – № 3. – Б. 122-124.

19. Абдулаҳатов Н.Бухоро амири табибининг хотиралари // “Ислом тафаккури”, (маҳсус сон) 2020. –Б.37-40.

20. Абдулаҳатов Н. Марғилон ёрлиқлари ва вакфлари муҳим манба сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2020. – № 2. – Б.58-60.

21. Абдулаҳатов Н Амир Олимхоннинг табиби // Тафаккур. Тошкент, 2020. – № 2. – Б. 91-95.

22. Абдулаҳатов Н. Мўминжон ҳаким хотираларида Абдурозиқ Марғиноний таърифи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2020. – № 4. – Б.19-20.

23. Абдулаҳатов Н. “Марсия” адабий-тарихий манбалирига оид айрим мулоҳазалар (XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида) // Meros. № 1/2020. –Б. 199-208.

24. Абдулахатов Н. Записки Маргиланских ученых о туризме // Ислом тафаккури. 2021. Махсус сон. -Б.76-78.
25. Абдулаҳатов Н. Марғилонийларнинг маноқиб асалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2021. Махсус сон. – Б.149-152.
26. Абдулаҳатов Н. Марғилондан топилган иршодномалар тасаввуф тарихига доир нодир манба сифатида. // Ўзбекистон - цивилизация маркази. 2021. №4. -Б.76-80.
27. Абдулаҳатов Н. Сайиид Камолиддинхожа Косонийга бағишиланган марсиялар тадқиқи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Самарқанд, 2022. №1. – Б.29-32.
28. Абдулаҳатов Н. Ҳўжа Маоз зиёратгоҳи // Мозийдан садо. 2022. № 2. - Б. 12-13.
29. Абдулаҳатов Н. Марғилон тарихи билан боғлиқ иноятномалар // Мотурудийлик. – Т., 2022. № 2. - Б. 43-50.
30. Абдулаҳатов Н. Мулла Мұхаммад Асака домла // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Самарқанд, 2023. №1. – Б.21-24.
31. Абдулаҳатов Н. Дукчи эшон қўзғолони ва Отабек бойвачча // Водийнома. 2023. № 6.- Б.2-12.
32. Абдулаҳатов Н. Мавлавий Чубин қисмати // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Самарқанд, 2024. №1. – Б.21-24
33. Абдулаҳатов Н. Марғилон маърифатпартлари // Тафаккур. Тошкент, 2024. -Б.124-125.
34. Абдулаҳатов Н. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг “Шаби Ялдо” муножоти. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Самарқанд, 2025. №1. – Б.46-49.

№IV

Илмий тўпламларда чоп этилган мақола ва тезислар

1. Абдулаҳатов Н. Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғона // Фарғона ўлкашунослиги. – Ф.: «Фарғона», 1996. – Б. 31-59.
2. Абдулаҳатов Н. Ўзбек халқ йигиларида қадимги урф-

одатларнинг акс этиши // «Ўзбекистон тарихининг айрим долзарб муаммолари» мавзуидаги вилоят илмий-назарий анжумани материаллари. Фарғона, 1999.

3. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. Ўқилмаган тарих // Ёрмазор зарварақлари. – Ф.: «Фарғона», 2002.- Б.3-5.

4. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. Фарғона шаҳри кўхна тарихидан // “Фарғона – кеча, бугун ва эртага” мавзусидаги республика илмий- амалий анжумани материаллари. Фарғона. 2003. Б. 14-17.

5. Абдулаҳатов Н. Қувадан топилган сопол парчасидаги тасвир // Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. Тошкент, 2003, 4-сони. – Б. 26-28

6. Абдулаҳатов Н. Фарғона зиёратгоҳлари // «Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2004. – Б. 53-57.

7. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. Қўқон хонлигига зиёратгоҳларга муносабат // «Қўқон асрлар силсиласида» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қўқон, 2004. – Б. 87-89.

8. Абдулаҳатов Н. Этник номлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. Тошкент, 2005. – Б. 156-161.

9. Абдулаҳатов Н. Марғилон зиёратгоҳлари // Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинари материаллари). Фарғона, 2005. – Б. 34-38.

10. Абдулаҳатов Н. Қўҳна Қубо зиёратгоҳлари // Қува асрлар нигоҳида (Республика илмий-амалий семинар материаллари). Фарғона, 2006. Б. 96-98.

11. Абдулаҳатов Н. Ёзма манбаларда Қубо тавсифи // Қува асрлар нигоҳида (Республика илмий-амалий семинар материаллари). Фарғона, 2006. Б. 62-64.

12. Абдулаҳатов Н. А.К.Писарчик Марғилон ҳақида // “Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси” мавзусидаги

Республика илмий семинар материаллари. Фарғона, 2007. – Б.147-150.

13. Абдулаҳатов Н. Этнограф А.К. Писарчик Марғилон ҳақида // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишлиланган ҳалқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2007. – Б. 187-190.

14. Абдулаҳатов Н., Исҳоқова З. Ўзбек ҳалқининг демонологик қараашлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент-Наманган, 2007.

15. Абдулаҳатов Н. Шоир Фурқат зиёраттоҳи // Фурқат ижоди муаммолари. Қўқон, 2010. – Б.32-36.

16. Абдулаҳатов Н. Ёш авлод онгига миллий қадриятларни сингдиришида муқаддас қадамжоларни ўрни // “Узлуксиз таълимни янги сифат босқичига кўтаришнинг ижтимоий-иктисодий ва педагогик муаммолари. Ҳалқаро тажриба” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясининг III шўъба материаллари. Т., 2011 – Б.63-66.

17. Абдулаҳатов Н. Мехмондўст ўзбек ҳалқи // Ворис. Фарғона, 2011. 4-сон (61). –Б 6-7.

18. Абдулаҳатов Н., Жўраев А. Мустақиллик дарслари // Фарғона зиёси. 2011. 4 (73). – Б.10-11.

19. Абдулаҳатов Н. Қирқизлар зиёраттоҳи // Водий гавҳари Андижон. 2011. июл. –Б.38-39.

20. Абдулаҳатов Н. Мирзо Бобур ва Сўх афсоналари // Водий гавҳари Андижон. 2011. август. –Б.46-47.

21. Абдулаҳатов Н. Ўқувчилар онгида миллий ғурурни шакллантиришида “Оила шажараси” технологиясидан фойдаланиш // Таълим технологиялари. Т., 2011. № 5. – 37-39.

22. Абдулаҳатов Н. Буюк аллома // Тил ва адабиёт таълими. 2011.№ 10. –Б.86-90

23. Абдулаҳатов Н., Тошпўлатов И. Баркамол авлод тарбиясида маданий меросимизнинг ўрни // “Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, муваффақиятлар ва эътирофлар”

мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Қарши “Насаф” нашриёти. 2012. – Б. 82-84.

24. Абдулаҳатов Н. Бешариқ фарзанди // Номим элимда қолди. – Т.: «Наврӯз» нашриёти, 2012.- Б.65-67.

25. Абдулаҳатов Н. Мұхаммад Юсуф Хонақохий - XIX аср аср Марғилон маданий муҳитининг йирик сиймоси // ТИУ илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б.21-25.

26. Буюклар ибрати / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Нодирбек Абдулаҳатов, Нихола Пўлатова. – Т.: “Tamaddun” нашриёти, 2013. – 112 б.

27. Абдулаҳатов Н., Тошпулатов И. Боланинг шахс-камолоти масаласи XIX аср охири XX аср бошларидағи Марғилон зиёлилари ижодида// “Бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2013. – Б.14-16.

28.Абдулаҳатов Н.Аҳмедова Н. Ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганишнинг аҳамияти (XIX аср охири XX аср бошларидағи Марғилон зиёлилари фаолияти тарихидан) // “Таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги Республика илмий амалий конференция мақолалари тўплами. Жиззах, 2013. – Б.23-24.

29. Абдулаҳатов Н. XIX аср охири XX аср бошларида Марғилон шаҳридаги оиласи кутубхоналар (Хожа Марғинонийнинг фаолияти мисолида) // XXI асрда болалар китобхонлиги: “Ахборот-кутубхона соҳасидаги янги ислоҳотлар” мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2013. –Б.26-28.

30. Абдулаҳатов Н. XIX аср охири XX аср бошларида Марғилонда шаҳридаги Талаб борон маросими // Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий

қадриялари(Илмий тўплам). Тошкент: “Наврӯз”, 2013. –Б.96-102.

31. Абдулаҳатов Н. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий мероснинг ўрни // “Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда амалий психологи психологиянинг ўрни” Республика илмий амалий анжумани. Фарғона, 2013.–Б.228-230.

32. Абдулаҳатов Н. Тоши оғир олим // Камтарлик тимсоли. – Ф.: “Фарғона” нашриёти, 2014.– Б.129-132.

33.Абдулаҳатов Н.. XIX аср охиридаги Марғилон шаҳри тарихига доир // Гармонично развитое поколение – условия стабильного развития республики Узбекистан.Сборник научно-методических статей. 7. Ташкент, 2014. – Б. 11-15.

34. .Abdulahatov N. Majzub Namangoniy va Marg'ilon ulamolari // Salohiyat mezon. Ilmiy maqolalar to'plami.5. Namangan. “Namangan” nashriyoti, 2014. – Б. 94-95.

35.Абдулаҳатов Н., Расулов Қ. XIX аср Марғилон шажараларининг оила институтини мустаҳкамлашдаги ўрни // “Иқтисодиётимизнинг ривожланишида янги инновацион технологияларнинг ўрни” мавзусидаги илмий – амалий конференция материаллари. Фарғона, 2014. – Б. 64-66

36. Абдулаҳатов Н., Абдураҳмонов Т. Яхшилар ёди // Отамни ёд этиб. – Н.: “Наманганд”, 2015. – Б. 3-6.

37. Абдулаҳатов Н. Соҳиқирон Амир Темур ҳаёт йўли // “Амир Темур - буюк давлат арбоби” мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция материаллари. – Ф.: “Фарғона”, 2016.- Б. 4-6.

38.Абдулаҳатов Н. Ҳожа Марғиноний кутубхонасида темурийлар даврига доир қўлёзмалар // “Амир Темур - буюк давлат арбоби” мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция материаллари. – Ф.: “Фарғона”, 2016.- Б.160-161.

39. Назиров М., Абдулаҳатов Н., Файзуллаев Р. Маҳбубий табобати // Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний. Тибб ул-

маҳбуб ҳубб ул-матлуб. – Т.: “Наврӯз” нашириёти, 2016. –Б. 3-11.

40. Абдулаҳатов Н. Ватандин яхши ёр бўлмас // Алишер Бек. Ватан ҳар нарсадан афзал. – Т.: “NOSHIR”, 2017. – Б.3-4.

41. Абдулаҳатов Н. Поянда Муҳаммад Ахсикатий // “Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсиқент шаҳрининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Наманган, 2018. – Б.17-21.

42. Абдулаҳатов Н. Рожий Марғиноний таърихлари // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XVI республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: “Фан”, 2019. – Б.140-141.

43. Абдулаҳатов Н. Ёшлар тарбиясида насабнома ва шажараларнинг аҳамияти // “Замонавий жамиятда инновацион тараққиёт ва ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси” республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2019. – Б.279-281.

44. Абдулаҳатов Н. Марғилон ҳокими Султон Муродбек // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019.-Б.187-193.

45. Абдулаҳатов Н. Мўминжон Ҳаким Марғилоний хотираларида Қарши таърифи // “Ўзбекистон тарихи фани ва илмий тадқиқотларидағи инновацияларни ўқув жараёнига жорий этишининг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференция материаллари. Қарши, 2019. – Б.222-223.

46. Абдулаҳатов Н. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий мероснинг ўрни (XIX аср Марғилон маданий муҳити мисолида) // “Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. Нёқис, 2019. – Б.135-137.

47. Абдулаҳатов Н. Ислом фундаментализмига қарши курашда Марғилон уламолари меросининг аҳамияти //

“Шарқ фалсафаси ва маданияти қадриятлари: Шарқ ва Ғарб цивилизацияларо мулоқоти контекстида” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2019. – Б.183-185.

48. Абдулаҳатов. “Равзат ул ансоб” маноқиби – муҳим тарихий манба // Ёш олимлар илмий тўплами. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – Б.62-69.

49. Абдулаҳатов Н. XIX - XX аср бошлари Марғилон маданий муҳитида Алишер Навоий меросининг ўрни // “Алишер Навоий ва учинчи мингийиллик: Навоий меросини ўрганишнинг янги уфқлари”. Илмий-амалий анжуман тўплами. – Т., 2019. – Б.105-109.

50. Устоз қаҳри ота меҳридан афзал //Аширбек Курбанович Муминов (библиографический указатель). – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.-Б.63-66.

51. Abdulakhatov N. U. Pilgrim tourism // Proceedings of the International Conference “Tourism and education: ways of their interaction and development”/ Samarkand, 2019.P. 248-250.

52. Абдулаҳатов Н. Мўминжон Ҳаким Марғилоний хотираларида Бухоро меъморий ёдгорликлари // Бухорода ислом маданиятини модэрнизациялаш ва туризмни барқарор ривожлантириш истиқболлари” Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро. 2020. - Б.300-303.

53. Абдулаҳатов Н. Hanakai Hazrat Marginani // “Ҳозирги Ўзбекистон шароитларида илм-фан ва инновациялар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II бўлим – Нукус: “Илим”. 2020. –Б.69-70.

54. Абдулаҳатов Н. Қўқон хонлиги тарихи манба-шунослигига ёрлиқлар масаласи // Ғарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари Республика илмий анжумани материаллари. Наманган, 2020. –Б. 255-260.

55. Абдулаҳатов Н., Раҳмонов А. Марғилон - хорижлик тадқиқотчилар нигоҳида // Ғарғона водийси тарихининг

долзарб муаммолари Республика илмий анжумани материаллари. Наманган, 2020. –Б. 317-319.

56. Абдулаҳатов Н. Ғолиб Марғилонийнинг “Насаб” асари // “Ислом – тинчлик ва бағрикенглик дини” республика илмий-амалий конференцияси материаллари.ошкент – 2020. – Б. 86-92.

57. Абдулаҳатов Н., Карабаев Ш. Марғиланские ученые о паломнический туризме // “SCIENTIFIC PROGRESS” markazi “O’zbekistonda ilm-fan va ta’lim masalalari: muammo va yechimlar” mavzusidagi 1-son konferensiya materiallari. 2020-yil 15-iyul. –Б.239-242.

58. Абдулаҳатов Н. Мажруҳнинг мажруҳлиги Исмоилов А., Бек А. Уста Маҳмуджон Домла. – Т.: “Наврӯз”, 2020. – Б. 170-177.

59. Абдулаҳатов Н.У.Косонсойнинг XII-XV асрга доир эпиграфик ёдгорликлари тадқиқи //“Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва ҳозирги замон” “Бухоро – ислом маданияти пойтахти” номли форуми доирасида ўtkazilgan xalqaro online конференция материаллари. 28-29 май 2020 йил II. “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” Нашриёт матбаа бирлашмаси Тошкент. 2020 - Б.289-299.

60. Абдулаҳатов Н. Миллий қадриятлар Марғилон мулоқот маданияти мисолида // “Глобал ахборот мұхитида миллий, маънавий ва диний қадриятлар тизимини шакллантириш ҳамда реабилитация қилишнинг долгарб муаммолари” Республика онлайн илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 26 июнь) Фарғона. 2020. – -Б.224-226.

61. Абдулаҳатов Н. Фаҳмий Марғинонийнинг нодир мероси // Шарқ алломалари ёзма меросининг илмий, фалсафий, маънавий тафаккурдаги ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.Тошкент, 2020. –Б. 82-88.

62. Абдулаҳатов Н. Шифокор Мўминжон Ҳаким қисмати // Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганигининг 28 йиллигига бағишиланган “Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи жасорати ва инсон-парварлиги – илмий кашфиётларда” номли халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2020.-Б.42-48.

63. Абдулаҳатов Н. Домлойи Марғилоний қисмати // Тарихнинг номаълум саҳифалари. Тўққизинчи китоб. –Т.: “Akademnashr”, 2020. -Б.100-113.

64. Абдулаҳатов Н. Абдуқодир Маҳдум Нозик меросининг тадқиқи //“Марказий Осиё халқлари маданияти, диний анъана ва урф-одатлари” Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 2021. – Б.222-226.

65. Абдулаҳатов Н. Хожа Марғилоний кутубхонасида Алишер Навоийнинг нодир қўлёзмалари // Навоийни англаш йўлида илмий-методик мақолалар тўплами. Тошкент, 2021. Б.99-103.

66. Абдулаҳатов Н. Марғилон алломалари илмий-адабий меросининг таҳлили // “Убайдулла Уватов – манбашунослик ва ҳадисшунослик дарғаси”. Ёш тадқиқотчилар Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Б.122-128.

67. Абдулаҳатов Н. Сайид Мубашширхон Косоний // Сайид Мубашир Косоний. Бир умр дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман. – Тошкент: “HIOL -NASHIR” нашриёти, 2021. – Б.3-16.

68. Абдулаҳатов Н. Марғилонлик саховатпеша аёллар тарихидан // “Миллий ва маънавий қадриятларнинг юксалишида аёлларнинг ўрни” номли конференция материаллари тўплами / тузувчи Р. Матибаева. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. –Б.171-173.

69. Абдулаҳатов Н. Марғилон вақфномалари тадқиқи // Ёш олимлар илмий-амалий анжуман тўплами II. – Тошкент: “Shafoat Nur Fayz”, 2021. –Б.162-169.

70. Абдулаҳатов Н. Марказий Осиёда Холидийлар хонадони // Ислом цивилизацияси ривожида алломалар меросининг ўрни. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021.-Б.164-171.

71. Абдулаҳатов Н. Абдуқаюм Ваҳмий Марғинонинг нодир мероси // “Марказий Осиёда ислом цивилизацияси: ўтмиш ва ҳозирги замон” II халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2021. – Б. 84-87.

72. Абдулаҳатов Н. Шахс тараққиётида илм-маърифатнинг ўрни // Тарбия ва таълим жараёнининг ижтимоий ҳамда педагогик-психологик муаммолари: таклиф ва ечимлар/ Мақолалар тўплами. Тошкент, 2022. – Б. 67-70.

73. Абдулаҳатов Н. Ҳожа Марғилоний кутубхонасининг нодир қўлёзмалари // “Таълим тизимида узлуксиз касбий ривожланиш жараёнининг ижтимоий ва педагогик-психологик асослари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалари тўплами. 1-қисм. Тошкент, 2022.-Б.107-112.

74. Абдулаҳатов Н. Турсунали Маҳдум Надимий Кубогий қисмати // Тарихнинг номаълум сахифалари. Ўнинчи китоб. – Т.: “Akademnashr”, 2022. -Б.154-166.

75. Абдулаҳатов Мўминжон Ҳаким Марғилоний ва Маҳмудхўжа Беҳбудий муносабатлари // “Jadidlarning ma’rifiy faoliyati: g’oyalari, maqsadlari, vazifalari va sohaga oid zamонавиј tadqiqotlar” // Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to’plami – Т.: O’zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022. - Б.10-14.

76. Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуфхон Ҳазинининг Марғилоннинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни // Сборник Международной онлайн-конференции на тему “Роль суфийских течений Центральной Азии

в общественной жизни". Самарқанд, 2022.- Б. 63-69.

77. Абдулаҳатов Н. Япония таълими тизими тажрибасидан // Xalq ta'limi xodimlarini uzluksiz kasbiy rivojlantirishning dolzarb masalalari: Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Farg'она, Farg'она viloyati PYMO' ММ, 2022. – Б. 220-225.

78. Абдулаҳатов Н. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Марғилон // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Фарғона, 2022. – Б. 68-75.

79. Абдулаҳатов Н. Мўғуллар даврида Ахсикент // Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишилаб ўтказилган "Бобур ва Ахсикент" мавзуидаги III республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Наманган, 2023. – Б. 123-133.

80. Абдулаҳатов Н. Бухоро амирининг табиби Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида // "Беҳбудий ўқишилари – 2023" жадидларнинг илмий-педагогик мероси: тарих ва замонавийлик республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2023. – Б. 421-427.

81. Абдулаҳатов Н. Тарих дарсларида таълим-тарбияга оид хотиралардан фойдаланиш // Халқ таълими ходимларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш масалалари: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2023. - Б.239-245.

82..Абдулаҳатов Н. Сингапур таълим мўъжизасининг сири нимада? // "PISA-2022 ҳалқаро баҳолаш тадқиқоти натижалари таҳлили ва таълим сифатини оширишнинг долзарб масалалари: муаммолар, изланишлар ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Фарғона 2024. –Б. 339-349.

83. Абдулаҳатов Н. Тарих фани дарсларида "шажара" методикасидан фойдаланиш/ // "PISA-2022 ҳалқаро баҳолаш тадқиқоти натижалари таҳлили ва таълим сифатини оширишнинг долзарб масалалари: муаммолар, изланишлар

ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Фарғона 2024. –Б. 349-352.

84. Абдулаҳатов Н., Ш.Қорабоев. Хорижий давлатларда мустақил таълим масаласи // “PISA-2022 ҳалқаро баҳолаш тадқиқоти натижалари таҳлили ва таълим сифатини оширишнинг долзарб масалалари: муаммолар, изланишлар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Фарғона 2024.-Б.352-355.

85. Абдулаҳатов Н. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Ҳожа Абулмакорим. // “Бобур ва Ахсикент” мавзуида республика олимлари иштирокида ўтказилган VI-Республика илмий-амалий анжумани мақолаларининг илмий тўплами. Наманган, 2025.- Б.3-9.

№V Интернетда чоп этилган мақолалар

1.Файзуллаев Р. Абдулаҳатов Н. Марғилон алломалари // **Qadriyat.uz. 20.03.2015.**

2.Абдулаҳатов Н. Тожиалиев Н. Туркияни йиғлатган Ҳожи Йўлдош Марғилоний ким эди? // **AZON.UZ. 17:00 25.04.2019.**

3.Абдулаҳатов Н. Мадаминбекни ёд этиб // <https://zamin.uz/jamiyat/72613-madaminbekni-ed-jetib.html>.

4.Абдулаҳатов Н. Бурхан ад-дин ал-Маргинани. <https://uchebana5.ru/cont/3204440.html>

ТАРИХ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Тарих грекча (history) сўз бўлиб, “тадқиқот”, “суриншириув”, шу йўл билан қўлга киритилган билим маъносини англатади. Тарих ёзма манбаларда қайд этилган ўтмиш ва унинг тадқиқидир. Шу боис ёзувгача бўлган ўтмиш Европада “тарихгача бўлган вақт” деб айтилади.

“Тарих” – ўтган воқеалар, хотиралар, бу воқеалар хақидаги маълумотларни излаш, топиш ва талқин қилиш борасидаги фаолиятни акс эттирувчи термин.

V асрда яшаган Геродотни “Тарих отаси” дейишади. Қадимги тарихчилар воқеаларни ёзма манбаларда ёхуд оғзаки фольклор тарзида қолдириб кетганлар. Тарихий билимнинг уч мабаи бор: ёзилган, айтилган, жисман сақланган нарсалар. Тарихчилар шу уч турфа манба (ка-тегория) асосида ишлайдилар.

Тарих инсоният ўтмишини унинг бор турфалигича ўрганади, таҳлил қиласи ва тадқиқ этади. Тарихчилар тарихий даврлар, ҳамжамиятлар, давлатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тикланиши ва инқирозга юз тутиши жараёнини ўрганадилар.

Воқеалар, фактлар, шахслар, шунингдек, моддий ва номоддий меросни тарихий англашга уринишларнинг ўз ҳам тарихий тадқиқот обьекти бўлиши мумкин.³⁷

Ўтмишни билиш бошқа ҳар қандай фанлардан кўра кишиларга тезроқ фойда келтириши мумкин, тарихдан ўрганиб олган сабоқлар эса маърифатга борадиган энг тўғри йўлдир

Юнон тарихчиси Полибий.

³⁷

[https://www.facebook.com/amirkul.karimov?__cft__\[0\]=AZWiG1oDfGMDGIIYtAeTWUMkE6bVHhEN_GhMjfDiBEGzqVn5gs_Bgmo8ugq3Hj3aFz1IAkNfaF4YEG1CmmL6Nh_DhQ7ulKCAX8vj6u9u0NsBneN6kZu0i2WfpSuO2ggt0Nhlc4VwWz3xrS3OF2QKc02CVGbxqgrIE89vSZZjCCxYw&__tn__=-UC%2CP-R](https://www.facebook.com/amirkul.karimov?__cft__[0]=AZWiG1oDfGMDGIIYtAeTWUMkE6bVHhEN_GhMjfDiBEGzqVn5gs_Bgmo8ugq3Hj3aFz1IAkNfaF4YEG1CmmL6Nh_DhQ7ulKCAX8vj6u9u0NsBneN6kZu0i2WfpSuO2ggt0Nhlc4VwWz3xrS3OF2QKc02CVGbxqgrIE89vSZZjCCxYw&__tn__=-UC%2CP-R)

Агар сен туғилганингдан олдин содир бўлган ҳодисалар тарихини билмасанг, ҳамиша чақалоқ бўлиб қолаверасан.

Тарихчининг биринчи вазифаси – ёлғондан ўзини тийиш, иккинчиси – ҳақиқатни яширмаслик, учинчиси – ўзини тарихий ҳодисага нисбатан шавқ ёки ғаразли душманлиқда эканлигига бирон-бир гумон бермаслик.

Ҳозирги даврда фахрланишга бирон-бир нарса бўлмаса, кечаги ютуқлар ҳакида лоф уришади.

Тарих – ўтмиш гувоҳи, ҳақиқат нури, жонли хотира, ҳаёт муаллими, мозий даракчиси.

“Империялар таназзули қанчалик яқинлашгани сайин қонунлари шунчалик ақлга сиғмайдиган бўлади” .

Цицерон. Қадимги Рим файласуфи (мил.ав. 106-43)

Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало, унинг тарихини уйғот.

Аврелий Августин.

Тарих ҳикоя қилиши зарур, исбот қилиши эмас.

Квинтилиян.

Авлодларнинг биринчи бурчи – ўз аждодларини унутилишидан сақлаб қолишидир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди.

**VIII асрда яшаб ўтган Билга хоқон
ва Култегин ёдномаларининг муаллифи
денишманд Йўллуқ тегин.**

Кўйилган мақсадга эришишнинг энг осон усули қадимги халқлар ривоятларини ҳамда ўтмиш авлодлар тўғрисидаги маълумотларни билишидир.

Абу Райхон Беруний.

Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон,
Юз йиллик бойликни қилмайлик пинҳон.
Кел, бунда ўтириб, бурайлик бир шод,
Тасаввур қилайлик узни Кайқубод.
Дунё роҳатидан талаб қилиб дод,
Кечаю эртани айламайлик ёд.

Низомий Ганжавий

Кимки тутмас қалбида тарихини,
У одам ҳам эмас, олим ҳам эмас.
Бироқ уқса ўтмишипи,
Кўн бойитар турмушини.

Шихобиддии Муҳам мад ан-Насавий.

Гузар қил ҳар неча илм ўлса ҳосил,
Чу дин илмиға етсанг айла манзил.

Шаҳ улдурким шиори илми диндур,
Нединким илми дин илм ул-яқиндур.
Улум ичра ўқусанг юз туман фасл,
Тамоми фаръу, дин илми эрур асл.
Бу дин илмики хомаи қилди таҳрир,
Эрур фиқху, ҳадису, сўнгра тафсирдур.
Чу такмил ўлди бу уч илм сен бил,
Яна ҳар илм майлин қилма ё қил.
Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб,
Ки сихҳатдур киши жисмида матлуб.
Қаю жисмеки онинг сихҳатга йўқ,
Қилурға Тенгра амрин қуввати йўқ.
Бирорким пахта бирла сув ютқай,
Ўзунг дедиким, не янглиғ рўза тутқай.
Нетиб қилғай сафодин саждае фош,
Тўшакдин улки олмас лаҳзае бош.
Ул уч дин илмию, бу бир бадандир,
Булар муҳтожи яхши, гар ёмондир.
Кўрардин бу улум ўлғоч калоли,
Муборак табъеинга етса малоли.
Равон тарих сори рағбат айла,
Салотин била азми сухбат айла.
Жаҳондин кўрки кимлар ком олибдур,
Бу эски дайр кимлардин қолибдур.

Насрий баёни:

“Барча илмларни ўрганиб ўтсанг ҳам, дин илмини
манзил қилиб олиб ол, яъни шариат илмига эътиборли бўл.
Шоҳни шиори дин илмини эгаллаш бўлиши керак. Чунки
дин илми барча нарсани аҳамиятини очиб берувчи илмдир.
Ҳар турли илмлардан юз минг фасл ўқисанг ҳам, барча
илмлар дарахтини шохи бўлса, дин илми дарахтни
танасидир. Қаламим таҳрир қилган бўлса бу дин илми аввало
фиқҳ (қонуншунослик), иккинчи ҳадис илми ва Қуръони

Каримни тафсиридир. Бу уч илмни эгаллаганингдан кейин қолган илмларни хоҳ эгалла, хоҳ эгаллама, у сенинг ихтиёриндадир. Лекин тиб ва ҳикмат илми ҳам яхши илм. Чунки саломатлик инсон жисми учун талаб этиладиган нарса. Қайси жисмни сиҳати йўқ бўлса, Тангрининг амрини бажаришга қуввати етмайди. Бирор сув билан пахта ютган бўлса, ўзинг айтчи, у қандай қилиб рўза тута олади. У киши қандай қилиб, соғ қўнгиллик билан сажда қилсин, чунки бошини тўшакдан бир лаҳза ҳам қўтаришга мажоли йўқ. Шу уч дин илми, яъни фикҳ, ҳадис, тафсир, бир тана, буларга муҳтожлиги сен учун хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин. Бу илмларни ўқищдан чарчаб, табиънга малоллик пайдо бўлса, дарҳол тарихга мурожаат қилиб ўтган сultonлар ҳолини ўрганишга жазм қилгин. Кўргинки ким мақсадига тўла эришибди-ю, бу кўҳна дунё кимлардан қолибди?".

Алишер Навоий. "Ҳайрат ул-аброр"дан.

Тарих – бу шундай илмки, уни ҳалқлар ва қабилалар бир-бирларидан ўрганиб, тарқатишга ҳаракат қиладилар, уни оддий фуқародан тортиб, тужжорларгача қизиқиб ўқишиади, уни эгаллашга ҳукмдорлар ва саркардалар беллашадилар, уни тушунишда олимлар ва жоҳиллар тенглашишга ҳаракат қиладилар.

Абдурраҳмон ибн Ҳалдун (1332-1406)

Ҳар бир киши, анинг ўтмиш тарихи ва саргузаштлари ўзи учун ибрат оларли дарсдир ва улуғ устоздир. Керакким киши ўтмишидин тажриба ўзиға лозим топқай. Вагарна ўтмиши анга дарс ўлмас, анинг чун ўзга устоз ҳожат эрмасдур. Ўтмишидин олмаса сабоқ ким агар, Йўқ эрур унга ҳеч ким устоз бил магар.

Муроджон ҳожи Собит.

Тарихга назар ташласак, онгизликка (ҳайвонот олами вакиллариға) нисбатан онглилик (одамзод) кўпроқ вахшийликлар содир қилганининг гувоҳи бўламиз. Одамзод меъёр қонунига риоя қилмас экан, унинг ҳалокати муқаррардир.

Одамзоддаги барча билимлар инсоният тарихининг мевасидир. Тарихни унитиш – Ватанга хоинлик қилиш демак, тарихни билишни истамаганлар ватангдолардир. Ўз тарихидан сабоқ ола билмаган миллат ўша нохуш ҳодисаларни қайтадан бошдан ўтказишга мажбур бўлади...

Туркийларнинг айблари шуки, ўз тарихларини билишмайди. Улар ўз шаҳарлари ҳақида жуда ҳам кам маълумотга эгалар.

Нажиб Кийлоний

Мен мактабда тарих фанидан дарс ўтганман, Ўзбекистонда, 2000- йиллардан кейин. Ва шундай хулосага келдим-ки, агар ўқувчи географияни билмаса, унга тарихни ўргатиб бўлмайди. Географияни ҳам, шунчаки қайси давлат хаританинг қаерида жойлашганини эмас, иқлими, дарёлари, кўл ва денгизлари, қайси давлатлар билан чегарадош экани, ҳайвонот ва наботот олами, иқтисодий аҳволи, табиий бойликлари ва ҳоказо, умуман, ҳамма ҳаммасини билиши керак. Бу маълумотларнинг ҳеч бўлмаганда ярмини билмайдиган ўқувчига тарихни ўргатиш бефойда. Дунё тарихини билмайдиганлар ўз ҳалқининг тарихини ҳам билмайди, ўз миллий тарихини билмайдиганлардан эса жудаям осонгина зомби ясаш мумкин.

Абдусалом Норматов

Тарих кафанларни юлқиб, ўликларни уйғотувчи, дилларга ҳаёт қонини қуювчи, тилларга сўз бахш этувчи, кунпаякун салтанатларни қайта яратувчи, ўтиб кетган асрлар силсиласини бутун ҳаяжонлари, атворлари билан кўз ўнгимизда намоён этиб, ҳаётимиз сарҳадларини кенгайтирувчи мўъжизадир. Унинг маънавий қудрати или билан барча кечмиш замонларнинг одамларига ҳамдаму ҳамнафас бўламиз, улар билан гоҳ суйиб, гоҳ куйиб, дилимизни рағбатлантурвчи, ҳисларимизга озуқа берувчи турли воқеалар, ажабтовур феъл-атворлар дунёсига шерик бўламиз ва буларнинг барчаси нақадар фойдали эканлигини ўйламасдан роҳатланамиз.

Тарихчи Н.М.Карамзин.

Қалбаки ва ўзгартирилган тарих миллатни ўлдиришда ўз ҳиссасини қўшади. Бизнинг ўзбек тарихи Иттифоқ даврида қалбакилаштирилган бўлиб, бу ҳолат ўзлигимизни англашда жуда катта тўсиқ бўлиб турибди. Бошқалар ёзиб берган тарих эса бизни ақлий ва виждоний тобеликка маҳкум қилди.³⁸

Душманга мағлуб миллатларда завқ ўлади, шавқ ўлади ва юксакларга интилишга рағбат сўнади. Одамлар заҳар билан асал ўртасини фарқламасликка одатланишиди. Ҳар бир шахс тобутини елкасига кўтариб, қабрини излаётган маййитга айланиб қолади. У кўринишидан тирикка ўхшайди, аммо аслида ўлик бўлади.

Муҳаммад Иқбол, ҳинд шоир, файласуф ва жамоат арбоби.

³⁸ <https://t.me/MubashshirAhmad/11607>

Тарих ўтмишнинг илми әмас. У бугуннинг ва эртанинг илмидир. У халқларга тўғри йўл қўрсатиб уларни етаклайди. У халқлар хотирасидир.

Тарих халқларнинг обрўсиdir!

Устоз Мустафо Аққод

Ўтмишни бугунги кундан келиб чиқиб муҳокама қилиш ёки изоҳлашдан қўра жоҳилона иш йўқ.

Луи Арагон

“Бир халқни йўқ қилмоқчи бўлсанг унинг тарихий хотирасидан бошла. Сўнг унинг маданияти ва тилини ўзгартири. Шундай қилгинки, ўз маданиятини ташлаб бошқа маданиятга тобе бўлсин. Сўнг унга бошқа тарихни ўргат. Ана шунда у халқ кимлигини, ўтмишда ким бўлганлигини унутади. Унинг маданияти белгилари йўқолади ва инқирозга юз тутган халқларга ўхшаб қолади”.

Корделл Халл.

Америка Қўшма Штатларининг 1933-1944 йиллардаги давлат секретари.

Тарихий фактларга ахлоқ қоидалари билан қарашиб катта тушунмовчиликдир.

Ҳамма халқлар тарихида шундай саҳифалар топиладики, агар улар чин бўлганида қандай ажойиб бўларди.

Дени Дидро.

Тарих – ўтганлар, яшаётганлар ва ҳали туғилмаганлар ўртасидаги иттифоқ.

Эдмунд Берк.

Дунё тарихи – буюк кишилар таржимаи ҳолидир.

Томас Карлейлъ.

Аждодларга нисбатан ҳурматсизлик – ахлоқсизликнинг биринчи белгисидир.

А.С.Пушкин.

Одил тарихчилар йўқ. Тарихчилар икки гурухга бўлинишади: биринчилари ярим ҳақиқатни айтишади, иккинчилари – ғирт ёлғонни.

Чарлъз Диккенс.

Фалсафа одамларнинг дунёқарашидаги хатоларни, тарих эса – уларнинг йўл қўйган хато хатти-ҳаракатларини ўрганади.

Филип Гедалла.

Тарих – ҳодисалар романидир, роман эса – ҳиссиётлар тарихи.

Клод Адриан Гельвеций

Тарих ҳеч нарсага ўргатмайди, фақат уни билмаганни жазолайди.

В.О. Ключевский.

Тарихий ҳақиқат жоҳилни қанчалик таҳқирласа, тарихий ёлғон ҳам фозилни шунчалик таҳқирлайди.

Адіб Ўлжас Сулаймон.

Сўзлар бўлсанг далилларинг келтиргил,
Ё бўлмаса оғзинг очмай ўлтиргил.

Алихонтўра Соғуний.

Тарих бу, албатта, инсонни инсонийлаштириш жараёнидир.

Л Фейербах.

Тарих бу ўтганлар, яшаётганлар ва дунёга келадиганлар ўртасидаги иттифоқдир.

Э.Бёрк.

Халқининг тарихини унуган одам унга асло муносиб эмас.

Г.Грас.

Тарих олдидағи масъулият, инсонлар олдидағи масъулиятдан озод қиласы. Унинг қулайлиги шунда.

А.Камью.

Пётр гача бўлган Россия тарихи ёппасига ўтганлар ҳақига дуо қилинадиган мотам маросимларидан, Пётрдан кейинги давр эса жиноий ишлардан иборат.

Ф.Тютчев.

Умуман олганда, тарих мавжуд эмас, таржимаи ҳолларгина бор холос.

Р. Эмерсон.

Тарихнинг ахлат ташлайдиган чиқиндиҳонаси йўқ.

И.Гёте.

Тарихга ҳурмат – мана, ваҳшийликдан маърифатни ажратадиган чегара. Ваҳшийлик, тубанлик ва жаҳолат ўтмишни ҳурмат қилмай, фақат бугуннинг олдида бош эгади.

А.С.Пушкин.

Қанчалик номувофиқ бўлмасин, айнан замонавийлик афсонавий, тарих эса реалроқдир.

Л. Гумилев.

Тарихни аёллар яратишади, аммо тарих фақат эркакларнинг номинигина эслаб қолади.

Г. Гейне.³⁹

³⁹[https://www.facebook.com/amirkul.karimov?__cft__\[0\]=AZVzvO8d65tlyBj_fuQvydGI4I7ijYz0o5RT3tpvCm10LF6imN7ojAh5brfjr0hPz1-TGGc7L5IZMCP7_qx0XshCGI7tIEmWiVylXtCYTwkFdDh2XaHMxvquxFIK1G-ZS7Hyg0E5VBwZ5dmuyyMWLtpQW22Yascy3SEJzB8UeRnkqw&__tn__=-UC%2CP-R](https://www.facebook.com/amirkul.karimov?__cft__[0]=AZVzvO8d65tlyBj_fuQvydGI4I7ijYz0o5RT3tpvCm10LF6imN7ojAh5brfjr0hPz1-TGGc7L5IZMCP7_qx0XshCGI7tIEmWiVylXtCYTwkFdDh2XaHMxvquxFIK1G-ZS7Hyg0E5VBwZ5dmuyyMWLtpQW22Yascy3SEJzB8UeRnkqw&__tn__=-UC%2CP-R)

Тарихни “қаҳрамонлар” эмас, халқ, бутун миллат яратади.

Плеханов Г.В.

Жаҳон тарихи бу – одамлар устидан одамларнинг галабаси тарихи.

Стефан Жеромский.

Тарих бу – гўшти паштетга ўхшаган нарса, унинг қандай тайёрланишини яхиси кўрмаслик керак.

Тарихдан олиш мумкин бўлган ягона сабоқ шуки, кишилар ундан ҳеч қандай сабоқ олишмайди.

Олдос Ҳаксли.

Ривоят – тарихнинг ўгай қизи.

Энрике Хардъель Посела.

Ҳар бир миллатчини ўтмишни ўзгартириш кераклиги фикри таъқиб этади.

Жорж Оруэлл.

Тарихчилар ўтмишни, мафкурачилар келажакни бузиб талқин қилишади.

Жарко Петан.

Археологиянинг келажаги харобалар қаърида ётибди.

Эрих фон Деникен.

Тарих – бу ҳақиқатда содир бўлганлар тўғрисида ўйлаб чиқарилган бир қатор воқеалар

Монтескье.

Дунёда ўз ўрнини бошқатдан белгилаш зарурати олдида турган, ўтмиш хотирасига эга бўлмаган, ўз халқи тарихий тажрибасидан мархум одам тарихий истиқболдан четга чиқиб қолади ва фақат бугунги кун билан яшайди.

Яхшими-ёмонми, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўтмиши бор. Шу боис инсониятдан ёмон томонларини яшириб, фақат яхши томонларини қўз-кўзлаб, ўз тарихини ҳар хил безак- бўёқлар билан жимжимадор қилиб, уни бир-бирига мос келмайдиган матоҳлар билан ямаб-ясқаб ўтириш ке-чириб бўлмайдиган ҳолдир. Ахир, ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб қўради ва таназзул сабабларини қидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўша хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қиласди.

Мустамлакачилар забт этилган ўлкаларнинг халқларини маънавий жиҳатдан узил-кесил қарам қилиб олиш учун тарихий синовлардан муваффақиятли ўтган уч хил усулдан унумли фойдаланадилар: ерлари босиб олинади, динни ўзгартирадилар, яъни ўзларининг динига киритадилар, тарихни ва тилни унутишга мажбур этадилар. Халқ тарихий хотирасидан маҳрум бўлиб қолиши учун шундай қиладилар.

Тарих қонунияти доимиий ҳаракатда бўлади. Тарих хотирасини назар-писанд қилмайдиган кимса охир оқибат манқуртга айланиб қолади.

Чингиз Айтматов.

Тарих фақат мутахассислар томонидан ва биргина мутахассислар учунгина ёзилмаслиги керак. Уни шундай

ёзиш ва ўрганиш керакки, токи бу жараёнда имкон қадар кўпроқ фуқаролар қатнашсин ва уни барча тушунсин.

Немис тадқиқотчиси Ф.Ульрих .

Тарих халқни тушуниш калитидир.

Рус мутафаккири П.Я.Чадаев (1794-1856).

Тарих олдидаги бизнинг ягона бурчимиз — уни доимо қайта ёзишимиздадир.

Оскар Уайлд.

Ҳамма халқлар тарихида шундай сахифалар топиладики, агар улар чин бўлганида қандай ажойиб бўларди.

Дидро.

Тарихий манба, у қанақа бўлишидан қатъий назар, тарихчи ундан нима олишни яхши билсагина фойдалидир.

Б.Греков.

Ҳар бир музофотнинг бошқа тасарруфлардан ажралиб турадиган ва қадам ранжида қилганларга мароқ билан айтиб бериладиган ўзига хос нақллари-ю, ғаройиб тарихи бўлади. Аслида бу табиий бир ҳол, чунки инсон ўзи яшаган жойида ўзининг тарихини яратади. Маълумки, тарихни ва одамлар яшаётган даврнинг манзарасини вақт, жамият, ўзаро ижтимоий муносабатлар ҳаммадан кўра яхшироқ ифодалай олади. Ўлка шуниси билан ажойиб, шуниси билан эсда қолади. Баъзан бу тарих ғайриоддий сиру саноатли бўлиб туюлади, негаки, эътиқод қилишингга – соф уйдирма, рад қилишингга эса далиллilar йўл қўймайди.

Адид Нафасий.

Инсоният тарихини англаш қийин. Кичик ўзгаришлар катта қутилмаган натижаларга олиб келган.

Тарихчиларнинг маълумотига кўра Македония шоҳи Филипп қўшни Спарта давлатига бундай мактуб юборган: “Агар, мен юртингизга кирсам, Спартани ер билан битта қилиб ташлайман!” Улар битта сўз билан жавоб қайтарғанлар:“Агар!” Бу инсоният тарихидаги энг қисқа жавоб хати ҳисобланади.

Айбек Азимов.

Фалсафа одамларнинг дунёқарашидаги хатоларни, тарих эса — уларнинг йўл қўйган хато хатти-ҳаракатларини ўрганади.

Филип Гедалла.

Одамдин нур олди ҳар лайлу нахор,
Тарихнинг ҳисобин топғон ҳар одам.

Дилшоди Барно шоира.

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди. Яхши одам ўзини ҳам ранжитмайди, ўзгани ҳам хафа қилмайди. Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

“Оталар сўзи” китобидан.

Дунё тарихи — бу буюк кишилар таржимаи ҳолидир.

Ҳар бир одам бир тарих ва у бошқа ҳеч бирига ўхшамаган тарих.

Томас Карлейль.

Ғарб иқтидорли, ақлли әмас!

Биз эса, нодон әмасмиз!

Улар фақат йиқилган, муваффақиятсизликка учраган кишини, то у муваффақиятга әришгунича қўллаб қувватлашади.

Биз эса, муваффақиятга әришган киши билан, то у йиқилиб муваффақиятсизликка учрагунича уришамиз.

Аҳмад Зувайл.

**Мисрлик кимёгар олим, Нобель мукофотининг
лауреати.**

Ер инсон қўлидан бутун тарихига нисбатан XX асрда кўпроқ азият чекди.

Жак Ив Кусто.

Тарихни омма билан шахс орасидаги мунтазам кураш яратади.

Тарих – муҳри бузилмаган хазина.

Тарихнинг меъмориидир исён: тақдирга, замонга, инсонга...

Ҳусейин Жемил Мерич турк адаби.

Буюк инсонлар тарихда ҳамиша бирор нуқсонлари билан ном қолдирган бўлишади.

Тарихчининг бурчи, ҳақиқатни ёлғондан, аниқликни ноаниқлиқдан, даргумонликни номақбулликдан фарқлай олишдир.

Тарихга қайтадиган бўлсак, биз унинг ҳамма ерида ўзимиз чиқишиб кета олишимиз ва албатта зиддиятларга ҳам дуч келишимиз мумкин бўлган шахсларни учратамиз.

Тарихий инсонийлик туйғуси дегани шундай бир маърифий туйғуки, у айни пайтдаги хизматлар ҳамда иззат-

хурматга сазовор бўлишикларга баҳо бераётганда ўтмишни ҳам ҳисобга олади.

Биз тариҳдан олган энг яхши нарса – у уйғотган завқ-шавқдир.

Йоҳанн Вольфганг Гёте.

Уйғонишлар тариҳидан маълумки, ақлий уйғониш доим сиёсий ва ижтимоий фаолиятлардан олдин турган.

Шайх Муҳаммад Ғаззолий.

Агар инсон ҳаракатга тушса жамият ва тарих ҳаракатланади. Агар тўхтаса жамият ва тарих ҳам тўхтайди.

Молик бин Набий.

Тарихни ўрганинг, жамиятдаги барча муаммоларнинг ечими тарихда мавжуд.

Мен кўрган ва ёзаётган аянчли тарихга чуқурроқ назар солиши инсониятни урушлардан сақлаб қолади.

Агар ортингта ҳам бир муддат қарай олганингда эди, и рол олдинроқни ҳам кўрган бўлар эдинг.

Уистон Черчилль.

Тарих ва сиёsat “ота ва болага” ўхшайди. Кечаги воқеалар тарих, бугунги воқеалар эса сиёsat. Тарих фарзандига насиҳат қиласи, “мен қилган хатоларни қилма”, деб. Ота насиҳатларига қулоқ тутган сиёsat фойдалидир. Акси бўлса ҳалокатли. Шундоқ экан биз ҳам тарихда бўлган хатоликлардан хулоса чиқариб, эртанги кунимизга ҳаракат қилишимиз зарур.

Фарруҳ Фахриддин.

Ўз маданияти, тарихи ва миллий қаҳрамонларини унитган давлат йўқ бўлишга маҳкумдир.

Лев Толстой

Ҳар бир одам – бир олам. Бу олам у билан туғилади ва ўлади. Ҳар бир қабрда бутун бир дунё тарихи ётибди.

Хейнрих Хейне

Мамлакатни олимлар, инженерлар, врачлар ва бошқа ақлий меҳнат соҳиблари тарк эта бошладими – демак миллат ва халқ ўзининг гултожларидан жудо бўлмоқда. Бундай мамлакатда “бизнесменлар” ҳокимиятга келади, таги пастлар ва кўчада тарбия топган қаллоблар сиёсатдон бўлади, бозордаги чайқовчилар, спортчилар ва артистлар депутатга айланади.

Харс Йенсен (1904-1971) Швеция социал-демократик ишчи партиясининг раисининг сиёсий маслаҳатчиси.

Тарих – ҳодисалар романидир, роман эса – ҳиссиётлар тарихи.

Клод Адриан Гельвеций (1715-1771).

Фалсафа одамларнинг дунёқарашидаги хатоларни, тарих эса – уларнинг йўл қўйган хато хатти-ҳаракатларини ўрганади.

Филип Гедалла.

Тарих такрорланиш хусусиятига эга.

Фуквидид.

Тарих — Одам Атодан атом бомбасигача ўтган дамларнинг толиқтирадиган саёҳати.

Леонард Левинсон.

Қаллоб тарихчиларни сохта пул ясовчилардек қатл этиш керак.

Сервантес.

Тарихни ўрганиш, ақлимизни нурлантиради, қалбимизни олижаноб фидойилик билан алангалантиради. У руҳимизни ахлоқий масалаларга пасткашлик ва бачканалик билан ёндошишдан сақлайди.

Фридрех Шиллер.

Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар дунё тарихига назар солсангиз дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиши сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир.

Фитрат.

Билмак керакким, ҳар бир мусулмон боласи, хоҳ эр, хоҳ хотун, хоҳ ёш, хоҳ қари, тубандаги тўрт нарсанинг тарихини билиши албатта лозимдур.

- I. Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) тарихлари.
- II. Қуръон карим тарихи.
- III. Ислом дини тарихи.
- IV. Каъбатуллоҳ тарихи”.

Алихонтўра Соғуний

Бизнинг тақрорланмас ҳаётимиизда ҳар бир кун тарихийдир.

Александр Кумор.

Фалсафа нарсалар асосини, санъат ҳақиқий гўзалликни излаганидай тарих инсон тақдиригининг суратини ҳаққоний, тўлиқ ва аниқ ёритишга ҳаракат қиласади.

В. Гумбольдт.

Аёллар тарихни ўзгартирдилар, аммо тарих аёл зотини ўзгартиrolмади!

Бернард Шоу.

Тарихий романнинг бир яхши хусусияти шундаки, у бир жиҳатдан бадиий асар сифатида китобхонга мароқ беради, иккинчи жиҳатдан ўқувчини бир қадар тарих билан ошно қиласади.

Абдулла Қодирий

Ҳар бир ҳалқнинг тарихи ундан етишиб чиқсан буюк кишиларга қараб баҳоланади.

Виктор Гюго.

Хотирангизни хафагарчиликлар билан асло ифлос-ламанг, акс ҳолда ажойиб дақиқалар учун жой қолмаслиги мумкин...

Фёдор Достоевский

Ўз шахсий ҳаётининг тарихини таъсирчан кўрсатиш учун ҳар ким унга озгина афсона қўшади.

Ж. Марсель.

Турклар — улкан ва кучли салоҳиятга эга миллат. Агар келажақда улар қайнаб, бошқа халқлар билан аралашиб кетса ҳам, қайси тилда гапиришларидан қатъи назар, тарихий жараёнларнинг катализатори бўлиб қолаверади.

Л.Н. Гумилёв.

Турклар — Геродот ва Тавротдан анча олдинданоқ машхур бўлган миллат. Турк халқининг қўп асрлик тарихида оддийликдаги қўриниш, сукунатдаги буюклиқ, зулмни қабул қилмайдиган жасорат, забт этишга муҳаббат, ўлкалар ва эътиқодларни ўзларига мослаштириш қобилияти — ўзларини эса бошқаларга мослаштирмаслик сингари хусусиятлар очик кўринади. Турклар мамлакатларни эмас, қитъаларни тебратиб, мислсиз империялар қурганлар ва даҳшатли ҳужумларнинг олдини олганлар. Қисқаси, тарих турклардан қўп нарса ўрганди.

Йозеф фон Хаммер, австриялик тарихчи.

Турклар қайси ишни қилмасин, албатта уddyalайди. Басра адабиёти, Юнон ҳикмати, Хитой санъати туркларга азалдан маълум. Турклар серғайрат, фаол, чақон ва ақлли. Уларда маънавий тавсифлар моддий қадриятлардан устун туради. Ер юзида фақатгина туркларгина урушдаги масъулият туйғусидан лаънатланмаган миллатdir. Туркларда ватан-парварлик туйғуси жуда кучли. Турклар хушомад, тиланчилик, алдов, иккиюзламачилик, ёлғон, бўхтон, манманлик ва дўстларга нисбатан адоватни билмайди. Туркларнинг қалби пок, уларда бехуда ва ғалати фикрлар йўқ. Турклар гапирадиган тил уларнинг танаси ва овозлари каби гўзал.

Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (IX аср), машҳур араб тарихчиси. “Туркларнинг фазилатлари” асаридан.⁴⁰

⁴⁰[https://www.facebook.com/groups/2060325227530486/user/100067010358603/?_cft__\[0\]=AZXn8oz42uzlFf9gGkCgNTqOKInMtekW5a0rMJvXIFlY6u4N6KuAeoXuNBM0TLp8U76fGqk6gqV494P8JJ6yOy-jbu-k0T6-8-l6G0v7ZoBjt-4IB_gwQ9j-9](https://www.facebook.com/groups/2060325227530486/user/100067010358603/?_cft__[0]=AZXn8oz42uzlFf9gGkCgNTqOKInMtekW5a0rMJvXIFlY6u4N6KuAeoXuNBM0TLp8U76fGqk6gqV494P8JJ6yOy-jbu-k0T6-8-l6G0v7ZoBjt-4IB_gwQ9j-9)

Агар халқ үз йўлида қаерда турганлиги ва уни қаерга олиб боришини билмоқчи бўлса, авваламбор у қаердан келганини билиши лозим. У нафақат үз халқи тарихини, балки, маданий ва маънавий илдизларини ҳам билмоғи даркор.

Франц Йозеф Штраус

Тарихдан мақтанадиган қурол сифатида фойдаланиш ярамайди – бу ўша миллатнинг келажагига урилган болта бўлади.

Ли Куан Ю. Сингапур бош вазири.

Мозий – истиқболнинг тарозисидир

Махмудхўжа Бехбудий.

Тарих миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўргатувчи фандир.

Тарих икки қисмдан иборат: умумий тарих ва хусусий тарих. Барча миллат ва жамиятларнинг ахволини баён қиладшан соҳа умумий тарих, деб аталади. Хусусий тарих биргина миллат ва биргина жамиятнинг тарихини ёритади. Ислом тарихи ҳам хусусий тарих жумласига киради; бинобарин, Ислом тарихи Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг дунёга келишларидан ва Ислом динининг дунёга тарқалишидан баҳс қилиб, Ислом оламининг тараққиётини тушунириб беради. Ислом тарихини билиш барча мусулмонлар учун фарздир.

Абдурауф Фитрат.

Бизларга миллий тарихни билмоқ йўлида биринчи қадам қўймоқ замони ҳануз келмағон бўлса ҳам ақалли ушбу йўлга чиқмоқ учун ҳозирлануб турмоғимиз лозимдур. Агар биз туркистонийлар ушбу кундин бошлаб миллий тарихимиз ҳақинда аҳамият бериб татаббуъ ва тафтишодга кириша бошласак табиий бора-бора ушбу ҳақда мунтазам асарлар майдонга чиқар. Ул вақтда бизлар ҳам миллий тарихимизни макотиби ибтидоия ва рушдияда ўз болаларимизга ўқитмоқ шарафига ноил бўлурмиз.

Ҳожи Муин Шукрулло ўғли.

Ўз тарихини билмай ва унга муайян муносабатда бўлмай, маданият ривожи ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Йил саноғи, агар у ўзлаштирилган бўлмаса, этногенез жараёни тарихи бошланганинги англатади, яъни ана шу санадан ўша халқнинг мавжудлиги бошланади; унгача бўлиб ўтган барча ҳодисалар мазкур халқучун тарихидан олдинги ҳисобланади.

Л.Н.Гумилёв.

Инсон табиати – инсон эҳтирослари ва ташвиш лари – бу маданият маҳсули; аслида, кишининг ўзи – шахс томонидан амалга оширилган узлуксиз саъйҳаракатларининг энг муҳим ютуғи бўлиб, ана шу саъйҳаракатларининг узун қайдини биз тарих, деб атаймиз.

Эрих Фромм.

Вақт – тўхтамай елаётган шамол. Олдиндаги тўлқинлар – авлодлар, орқадаги тўлқинлар – аждодлар. Уларнинг давомийлигида абадий ҳаёт яшайди.

Абай.

Халқнинг тарихидан маҳрум этсангиз, бир авлод ўтиб у оламонга, яна бир авлод ўтиб у осонгина бошқарса бўладиган подага айланади.

Йозеф Геббелс.

Ўтмишга тўппончадан ўқ узсанг, келажак сени тўпга тутади.

Расул Ҳамзатов.

Тарихни ўрган, унинг ажойибот, ғаройиботлари ҳақида фикр юрит, улардан ўзинг учун фойда олгин.

Ўтмишни эслаган пайтда тарихингнинг ёруғ кунларини ёдга ол, шодмон бўласан. Бугунингни эслагандан кулиб – битказган ишингни ёдга ол, хурсанд бўласан.

Эртани эслаган пайтда чироили орзуларингни ёдга ол, кунни яхши ният билан кутаётган бўласан.

Шайх Оиз Қарний.

Халқлар ўзларининг ҳақиқий тарихларини идрок қила олмас эканлар, улар ҳеч қачон тўғри йўлга туша олмайдилар.

Павел Бондаренко.

Тарих йўли ўзга-ю, тарихчилар йўли ўзгадир. Тарих ҳатто тарихчи назарида ёзиб қолдиришга ҳеч арзимайдиган воқеалар, жараёнлар юз берәётгандаям ўз вазифасига содик қолади. Тарихчи ёлгонни битаётган лаҳзада ҳам тарих тўғри йўлда давом этаверади. Ёлғон илгарилари ҳам битилган, ҳозир ҳам битилмоқда.

Хуршид Даврон.

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг ўтмиши ҳақидаги муқаддас хотирадир. Шу боисдан маданиятнинг юксак поғонасига қўтарилган халқлар ўз тарихига, ёдгорликлар ва

қўлёзмаларига меҳр-муҳаббат билан қарайдилар, авайлаб асрайдилар, доимо синчиклаб ўрганадилар. Негаким, уларнинг қадр-қимматини ҳар бир нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Амирдин Бердимуродов.

Хонликда аниқ ва табиий фанлар ўз ривожида давр талабларидан орқада қолиб кетган бўлсада, ижтимоий-гуманитар фанлардан тарих ва тарихнавислик, адабиёт кўпроқ ривож топди. Тарихнавислик Умархон даврида шаклланган илмий муҳитда алоҳида ўринни эгаллайди. Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб асарлар шеърий ёки қисман шеърий йўлда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳолат қўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билганликлари ва ҳаттоқи ўzlари ҳам шеъриятда қалам тебратганликларининг натижасидир.

Шодмон Воҳидов.

Тарих нафақат мозий, балки бугунимиз ва эртанги кунимиз ҳамдир. Тарих, айримлар ўйлаганидай, ўтган, ялтироқ ёки кераксиз буюм эмас, балки юраги уриб турган тирик вужуд.

Рахимжон Мирзо.

Тарихий буюк шахслар ҳаётини ўрганиш, асар ёзиш иштиёқи инсоннинг ўзи мансуб бўлган гомо сапиенс шунчалар қудратли ишлар қила олишини кўриб қувониш, чексиз фахрланишдан келиб чиқади.

Тарихий роман тарихий воқеаларни қўрсатиб, балки ўша воқеалар ичида ҳаракат қилган Шахснинг қалбини очиб беради.

Ҳалқнинг тарихи – ўтмиш. Ўтганларнинг яхши фазилатларини эслангизлар, дейилади муборак ҳадисда. Она

халқимиз тарихига ҳам ана шу нүқтаи назардан боқишимиз лозим. Тарихда ёмон нарсалар ёмон хотира бўлиб қолади, яхши нарсалар эса ҳозир ҳам халққа хизмат қилиб келмоқда. Тарихнинг ибрати ана шунда. Тарихга бир салом берган, келажакда юз эҳтиром топади.

Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Тарихда нима кечган бўлса – кечган, уни ўзгартириб ҳам, айнан такрорлаб бўлмайди Аммо билиб-билмасдан тарих воқеа-ҳодисаларини устидан бутунлай қора тортиш ақлдан әмаслигини ҳам унумаслик зарур.

Ўтмиш – инсон хотирасидан бутунлай ўчмайдиган ва маълум бир шаклларда инсон билан бирга яшашда давом қиласидиган бир ҳодисот жараёни эрур. Ўтмишдан ўзиб яшаш мумкин, аммо узилиб яшамоқ жуда қийин.

Инсон ўтмишга қайтолмайди, аммо ундан буткул узилиб қам кетолмайди. Мозийга боғланадиган йўллардан бири эса ҳис ва туйғудир.

Тарихга назар ташлаш – юракка игна санчишдай бир нарса дейишади. Агар кўзни каттароқ очиб, халқимиз ўтмишига қаралса, юракка найза санчилади. Чунки ғам, алам, кулфат ва тенгсизлик шу қадар кўп.

Тарих ҳамма вақт ҳам янги хатолар, янги-янги алданышлар билан одамларни қийнайвермайди. Балки ўзларининг бошига ўзлари кўп қийинчилик ва мусибат келтирган эски хатоларни такрорлаш билан одамларни синовдан ўтказади.

Тарих фақат зулм ва зулмат, хўрлик ва кулфатдан иборат эмас. Унинг ўзига хос нурли, ибратли, фахр ва ифтихорга молик томонлари ҳам бисёр. Лекин Ватан осмонида Мустақиллик байроғи ҳилпирагунча ҳалқимиз чеккан азобуқубатлар, ҳақсизлик ва мусибатлар бирма-бир саналса, тошлар эриб, тоғлар фарёд айлаши ҳеч гап эмасдир. Ана шуни унутмаслик зарур.

Тарих, бу – ҳақ ва ҳақсизлик, қувонч ва ғам-ғусса, қўрқув ва жасорат, кенглик ва мақдудлик тинимсиз ўрин алмашадиган улкан бир жараён. Одамларнинг кечаги ҳаётни келажакка боғлаш, истиқболдаги турмушни яхшилаш истаги-тарихни ҳаракатлантириб турувчи сирли куч мана шу. Лекин тарихсабоқлари ниҳоятда аччиқ ва оғриқли. Тарих шахсни – шахс, майда одамни -майда одам қиёфасида танишга чорлайди; тарих-дунёга ёлғиз манфаат, нуқул қорин кўзи билан қарайдиган кимсалар сонининг ортиши, миллат ва мамлакатга қандоқ зиен етказишини англашга ўргатади.

Атоқли тарихчи олимлардан бири “Тарих мавзуи та биий фанларнинг мавзуларига ўхшаб ўтлар, дарахтлар, тошлар эмасдир: унинг мавзуси жонли ва хилма-хил кайфият, майл, ҳис-туйғуларга молик инсон жамоасидир...”, - дейди. Дарҳақиқат, биз мозийга юзланганимизда, энг аввало, инсон ҳаётига, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ахволи бир-бирига ўхшамайдиган, баъзан эса ниҳоятда кескин фарклангувчи шарт-шароитларда умр ўтказган инсонлар қисматига қизиқамиз. Ана шу қизиқиши қанча кучайса, мушоҳада ўлароқ қанча чуқурлашса, фақат биз тарихни эмас, балки тарих ҳам бизни ўшанча яхши тушунади. Тарихни билиш – бу энг муҳим ва энг асосий тарихий воқеа-ҳодисаларни шакллантирган ва юзага чиқарган сабаб-

ларни билиш демак. Бунингучун эса хар бир халқ аа миллатўзининг реалистиктарихига соҳиб бўлмоғи лозим.

**Иброҳим Ҳаққул, филология фанлари доктори,
профессор.**

Архитектура – бу ҳам бир тарих, у қўшиқ ва афсоналар тўхтаганидан кейин сўзлайди.

Н.В.Гоголь.

Жаҳон тарихида бирорта халқ ва элатлар шон-шуҳрат ва жангавор фатҳлар бобида турклар билан беллаша олмайдилар.

Монтескьё.

Реал ва бевосита фойда ҳурмати ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилариiga ўқитиладиган тарих – демократик давлатдаги асосли таълимнинг энг муҳим фанларидан биридир.

Теодор Рузвельт.

Ўз тарихини қўшниларининг талқинида қабул қилувчи халқ ҳаётини давом эта олмайди.

Фридрих Ницше.

Миллатнинг тушиши ва ифлосланиши у, ўз баҳтига қарши, тарихини унуганида бошланади. Кимлигини, қаердан ва қаерга кетаётганини билмайдиган уйсиз дайдини ҳеч ким инсон демагандай, Худони ғазаблантирган, ўз тарихини унугтан миллат ҳам миллат деб аталишга ҳақли эмас.

Илья Чавчавадзе.

Тирик одамларнинг кечмиши бўлмаса, тарих жонсиз бўшлиқдан, ўлик факту рақамлар йифиндисидагина иборат бўлиб қоларди.

Бобожон Фофуров.

Тарих – бу сиёsatнинг ўтмиши, сиёsat эса –буғуннинг тарихи.

Эдвард Фриман.

Орангизда ҳеч бўлмаса бир маротаба тахта қипиғини арралаб кўрган борми? Йўқ, албатта. Қипик – арранинг тифига икки марта тегмайди. Ўтмиш ҳам худди шундай. Бўлиб ўтган ишга афсус-надомат чекаётганда сиз ҳам гўёки қипиқни арралашга уринаётгандек бўласиз.

Дейл Карнеги.

Тарихий илдизларини англамаган инсон шамолга ўхшайди. Аниқ ва равshan миллий, маҳаллий маданий ва оиласвий идентитетта эга бўлган инсон авваллари одамлар қандай, нима учун ҲАЁТ ва нимага асосланиб яшагани, нимага интилиб, нимага эришганини, аждодлари ер юзида қандай из қолдирганини билади. Бундай инсонлар аждодларининг ҳоки қаерда эканини билишади. Авлодлар давомийлиги жамиятнинг муҳим хусусиятидир. Ҳар бир ватандош уни асраб-авайлаш учун тинимсиз ғамхўрлик қилиши керак. Авлодлар давомийлиги жамият ҳамда Ватан равнақи учун жуда муҳим, уни юксак қадрлаш керак.

Юло Вооглайд.

Ўз тарихингни билмасанг, илдизи йўқ дарахтга ўхшайсан. Қуруқлик пайдо бўлиб, сувлар оқиб бошлаган давлардан бери дунё юзини кўрган хоҳ улуғ, хоҳ мўъжаз халқ бўлсин, баривир, ҳар бирининг асрлар қаъридан униб чиққан ўзига

хос қадимий тарихи бўлади. Бу тарих қоғозда қайд этилганми ёки Вақт деб аталмиш илоҳий ҳакамнинг оёқлари остида худди қумга тўкилган томчи каби топталиб йўқ бўлиб кетганми, бундан қатъи назар, унинг буюк сир-асрори, моҳияти сақланиб қолади.

Тарихий тадқиқот билан машғул бўлган айрим олимлар қадимий меросимизни тирноқлаб тўплайдилар-у, лекин меъёрни билмайдилар: улар ўзларига маъқул келиб қолган баъзи воқеалар аҳамиятини осмон қадар улуғлаб, ўзларига маъқул келмаган воқеаларни ер билан яксон этиб юборадилар. Афсуски, мана шундай енгил-елпи тарихий асарлар кўпайиб кетди. Боз устига, худди ёмғирдан сўнг бодроқдай кўпириб чиқсан қўзиқоринлар каби бирбирини қайтарадилар ёки бир-биридан ўғирланган маълумотлар, яъни кўчирмачилик ҳоллари нихоятда оммавий тус олди. Бошқа тоифадаги олимлар бўлса, халқ бошига мислсиз мусибат келтирган ва бегуноҳ одамларнинг қонини оқизган тарихий шахсларни халқ ҳимоячилари ва қаҳрамонлар мақомига кўтармоқдалар.

Ирқчилик назариясининг энг оғир мероси — бу тарих ҳақиқатини бузиб кўрсатиш, тарихий сохталаштиришdir. Муайян бир халқнинг иқтисодий аҳволини қўтариш, яхшилаш учун ўша халқ асоссиз равишда улуғланади, кўкларга қўтарилади. Айни замонда руҳан ва жисман қардош бўлмаган бошқа халқ онгли равишда ерга урилади, тарих саҳнасидан суриб чиқарилади. Сўнгги тарихий даврининг — сохта тарих яратиш даврининг асосий тамойиллари ана шулардан иборат.

Ҳозир биз империянинг зулм-залолатидан халос бўлдик дейишимиз мумкин. Бироқ, бунгача қанча авлод хўрланди, руҳан қашшоқлашди, тубанлашди.

Тарих — бу вақт ва бўлиб ўтган воқеаларнинг узвий-лигиdir. Тарихнинг эгаси — халқ. Шу боис тарихий воқеаларга ҳозирги кун нуқтаи назаридан баҳо беришимиз, замонавий нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда хукм чиқармоғимиз лозим. Айни чоғда ҳар бир ҳодисага ўша давр нуқтаи назаридан қарамоғимиз, ўтган даврлар изидан юрмоғимиз даркор. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз, тарихни тўғри баҳолай оламиз.

Мухтор Шохонов.

Халқлар ўзларининг ҳақиқий тарихларини идрок қила олмас эканлар, улар ҳеч қачон тўғри йўлга туша олмайдилар.

Павел Бондаренко.

Инсоният тарихи-урушлар тарихидан иборат. Эртакларда-уруш. Достонларда-уруш.

Китобларда-уруш. Киноларда-уруш... Табақалар уруши. Фуқаролар уруши. Мамлакатлар уруши. Жаҳон уруши.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, сўнгти олти минг йил ичида Ер куррасида 5700 марта уруш бўлган экан. (Майда-чуйда қабилалар жанжали бу ҳисобга кирмайди). Яна ўша олимларнинг айтишича, одамзот ўртacha олтмиш йил умр кўраркан. Бундан чиқди,

Инсон боласи ҳаёти давомида 57 йил уруш қилиб, уч йил “дам олар” экан. Астағфируллоҳ! Биз киммиз ўзи?!

Онасини бехурмат қилган одам қўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман.

Ўз халқининг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат

қилмаган одам бошқа халқларнинг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қиласман, деса ишонмайман.

Тарих “хатоси”

Тўққизинчи аср. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди.

Ўнинчи аср. Абу Наср Форобий Аристотелнинг “Метафизика” асарига эҳғ мукаммал шарҳ ёзиб, “иккинчи устоз” унвонини олди.

Он биринчи аср. Абу Райҳон Беруний Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчади. Ибн Сино медецина Қомуси-“Тиб қонунлари” ни яратди.

Ўн тўртинчи аср. Соҳибқирон Амир Темур Евроосиёning ямини тасарруфга олди. Аҳли илм бошини силаб, ўлмас обидалар яратди.

Ўн бешинчи аср. Улугбек 1019 юлдузнинг ҳаракат жадвалини тузди. Алишер Навоий ўлмас “Ҳамса” сини ёзди.

Ўн олтинчи аср. “Бобурнома” оламга тарқалди.

Ўн еттинчи аср. Шоҳ-Жаҳон дунёдаги ети мўжизанинг бири-“Тожмаҳал” ни бунёд етди.

Йигирманчи аср. Ўзбек-совет олимлари мисли кўрилмаган “ихтиро” қилдилар: тарих “хато” сини тузатиб, ўтмишда биз ёппасига “саводсиз” бўлганимизни исботлаб бердилар...

Ўткир Ҳошимов.

Тарих бағрин тилганлар -зулук,

Тарихга жим боқсанлар – қочқин.

Уни чаппа ўраган – ўлик,

Уни чаппа ўргатган – сотқин.

Анвар Обиджон.

Тарих китоб эмаски, унинг доғли саҳифасини йиртиб ташлаб қутулсанг, унутсанг. Тарих – давомли, мангу хоти-

радир. Хотиранинг ўша бўлаги кўксингда сирқираб турадиган мангу оғриқ, азобдир, мангу сабоқдир.

Ҳалима Худойбердиева.

Тарихни унудиши ҳар бир халқ учун фожиа ҳисобланади. Чунки тарихга эътибор бермаган халқ ўзининг маъданий ва маънавий мустақиллигини йўқотиб, “тараққиёт заминидан” жудо бўлади.

А. Рустамов.

Инсоний иқлимининг эҳтиёжлари аслга қайтиш, ўзликни топиш учун яралган. Мақсад шу экан, ҳамиша аслга интиламиз, аслдан жавоб сўраймиз, шу сабаб авлодлар тарихига мурожаат қиласидилар, қадим илдизларни излайдилар.

Рашид Зоҳид.

Халқни чин тарих уйғотади, чин тарих бирлаштиради.

Халқ, миллат қанчалик билимсиз, оми бўлса шунчалик тарқоқ бўлади.

Раҳимжон Раҳмат.

Ўтмишимида гап кўп, лекин биз ўтишимиз билан мақтаниши эмас, ўтмишимиши ҳозиримиздан ажратмай тушуна олсак, уни таржимаи ҳолимизнинг бир узвий қисми деб билиб, унга фақат фахрланиш манбаи сифатидагина ёндошмай, яхши ёмонни бирдай қабул қиласаккина, кела-жагимизга bemalol тикилардик.⁴¹

Ўрдабекли.

Ўтмишда ўтган воқеалар бугунги кунда тарих. Уни ўзгартириб бўлмайди. Аммо тарихнинг энг оғир саҳи-

⁴¹ Ўрдабекли. Қулдан чиқсан шоҳ қисмати. // Ёшлик. 1997. № 6. – Б.62.

фаларини тадқиқ қилиб, муҳим хулосалар чиқариш, бир сўз билан айтганда ўтмишга қараб, келажакни белгилаш ҳеч қачон зарар қилмайди.

Сирожиддин Аҳмад.

Биз тарихни ўқишига қаттиқ қизиқамиз. Биз шунақамиз: ёзилишида иштирок этмаган нарсаларимизни ўқишини яхши кўрамиз.

Тарих саҳифаларида қолганлар ва ундан атайлаб ёки ғоғиллик туфайли тушиб қолганлар...

Уларнинг географик насибалари 2 метр тупроқ бўлди.

Инсон чегарасидан ташқари нарсалар ичида тарих деб номланувчи нарса йўқ.

Тарих — инсоният ясаган ўзгарувчан нарсадир. У билан ер юзида хатосидан ўрганмайдиган ягона жонзот эканликларини тъкидлаб турадилар.

Тарих остонасида, худди, етимлардек тўхтаб қолишимиз табиий эди. Зеро, география “маърака”сида улкан йўқотиш қилдик.

Адҳам Шарқовий

Тарихдан бехабар халқ мазлум, тарихи ёлғон халқ маҳкум, тарихини асраран ва билган халқ қудратли.

Нурали Қобул

Миллий тарихимизни унутишга даъват қилиш, ўтмизимиздаги тарихий шахсларни унутишга чақириш бу ҳайвонлик йўлига чақириш билан баробар. Ҳайвонда фикр ва ақл бўлмайди. Фақат шартли ва шартсиз рефлекслардан иборат ҳайвоний инстинктлар бўлади.

Одамнинг ҳайвондан фарқи айнан ўз тарихини билишдан бошланади. Тарих кенг қамровли илм. Кечаги яшаган бир кунинг ва ундан олдинги кунинг ҳам тарих, аслида.

Ўтмиш билан бугунги кунимиз ҳақидаги фикримиз келажакни белгилайди. Ўтмишини билмаганинг келажаги йўқ.

Нафақат давлат ва миллат, балки ҳар бир оила, ҳаттоқи ҳар бир инсон ҳам ўтмишини билиши шарт. Агар тарихини билмаса ва тарихдан тегишли хулоса чиқара олмаса, унда инқирозга юз тутиши муқаррар.

Миллий тарихимиз ҳақида гапирсак, баъзи бир "ақл-иллар" тарихни сиёсийлаштириш керак эмас деб чириллаб қолишади.

Билмадим, балки Математика, Химия, Биология ва Физика фанлари сиёсатсиз ўқитилиши мумкиндири. Лекин Тарих фани айнан сиёсатнинг ўзи ва сиёсат ҳақидаги фан.

Битта-иккита тарихдаги воқеаларни билиш билан ёки бир нечта тарихий мавзуларни ёдлаб олиш билан тарихни сиёсатсиз тушунтираман деб ҳаракат қиласиганлар бўлса, бундайлар умуман тарих ҳақида гапирмагани яхши.

Тарих айнан сиёсат илмининг пойдевори ва сиёсатнинг методик қўлланмаси.

Яъни, Тарих бу Сиёсатнинг негизидир. Агар кимда ким сиёсатни гапиришдан қўрқса жимгина Химия, Биология, Математика, Физика фани ҳақида гапираверсин.

Шуҳрат Барлос.⁴²

Ўз тарихимиз ҳақида қизиққанимиз, мулоҳаза юритиб, фикр билдирганимиз яхши албатта. Лекин тарихга холисона (объектив) қарашни ҳам ўрганишимиз, ўтмишимизга ўз-

⁴²[https://www.facebook.com/profile.php?id=100081790042134&_cft_\[0\]=AZXLMsFMfe1e96oFxkBvL_x_qSEQVlaso_i5gQMos-eJrmgrZJvBgMtUTlwZ8FOFJaSZ5GgNwBM-G7NwIIhbvtVvc7U28yoWrj_1_xlFGGHytIQNPUMxCZS2q_aKaANwe7Tk_jLdRdaBOAvzUeqBrWklsqYzdq0Ah8S9X-SS-BEmw&_tn_=-UC%2CP-R](https://www.facebook.com/profile.php?id=100081790042134&_cft_[0]=AZXLMsFMfe1e96oFxkBvL_x_qSEQVlaso_i5gQMos-eJrmgrZJvBgMtUTlwZ8FOFJaSZ5GgNwBM-G7NwIIhbvtVvc7U28yoWrj_1_xlFGGHytIQNPUMxCZS2q_aKaANwe7Tk_jLdRdaBOAvzUeqBrWklsqYzdq0Ah8S9X-SS-BEmw&_tn_=-UC%2CP-R)

галар, айниқса, биз учун етти ёт бегона бўлганлар кўзи билан қарашни бас қилишимиз керак. Зеро, тарихда ўтган ҳар қандай шахс ёки ғирт расво ёки фариштадек оппоқ бўлмайди (Бизда ҳар қандай нарса ёки шахсни фақат оқ ва қорага ажратиш одати йиллар давомида шаклланиб қолган). Ҳар қандай кишининг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлади. Тарихий шахс ёки воқеаларга баҳо бераётганда ёки хулоса чиқараётганда шуни унтиб қўймасак бўлгани.

Зиёвуддин Раҳим.

Тарих турли ҳалқлар қандай яшаб, ривожланганлигини, бунда қандай ҳодисалар содир бўлганлигини, кишиларнинг ҳаёти қай тариқа ва нима учун ўзгариб, ҳозирги аҳволига келиб қолганлигини ўрганади.

Тарихни билиш кишиларга ўтмишни билиб, инсоният барча даврларда азоб-уқубат ва муҳтожликда кун кечирганини, бироқ шундай бўлсада, ҳаёт барибир давом этаверганини, қайғули ва баҳтсиз кунлар ўрнига албатта рўшнолик кунлар келганини англаб етишга ёрдам беради.

Тарих бизга адолатни ўргатади, атроф муҳитга янгича назар ташлашга кўмаклашади.

Тарих — замон йўлидир. У асрлар қаърига, қадимиятга кириб борадида, бизни ҳозирги замонга олиб чиқади. Ва бизни шу йўлдан олиб кетаверади.

Зиёўз.⁴³

⁴³ [https://www.facebook.com/profile.php?id=100040237512317&__cft__\[0\]=AZWUmT9RBkB0PEbvO8azB-AEPIR_wAgGMcpWQ2FKfPQcTp5EtXVMR79Aq2adV2wz4k6U669i-Hsedb_PUu6moF70VNlh_I2EYKJ9TcMbQbo74hsSZQwrgNdsPpxzcDy5Uy5Ia_pYK1eiroz5enFQOfEPt1Mir128iydbH4VenqZCYvij3xf8p_CJx8mjjcEMZGP2tY0HmD44fV4PCRfhxn-&__tn__=-UC%2CP-R](https://www.facebook.com/profile.php?id=100040237512317&__cft__[0]=AZWUmT9RBkB0PEbvO8azB-AEPIR_wAgGMcpWQ2FKfPQcTp5EtXVMR79Aq2adV2wz4k6U669i-Hsedb_PUu6moF70VNlh_I2EYKJ9TcMbQbo74hsSZQwrgNdsPpxzcDy5Uy5Ia_pYK1eiroz5enFQOfEPt1Mir128iydbH4VenqZCYvij3xf8p_CJx8mjjcEMZGP2tY0HmD44fV4PCRfhxn-&__tn__=-UC%2CP-R)

Нодиржон Абдулаҳатов

ТАРИХДАН ОЛГАН САБОҚЛАРИМ

Техник мұхаррир : Камолитдин Камалов.

Компьютер сақиғаловчи: Мафтуна Узақова.

Дизайнер: Ангелина Полуэктова.

Мусахъих: Шаҳноза Боборажабова.

Тасдиқнома № 495679. 21.11.2024.

Босишига 2025-йил 15-апрелда рухсат этилди:

Бичими 60x84 1/8. Офсет коғоз

“Times new Roman” гарнитурасида оғсет усулида босилди
Нашр табоғи -22,625. Шартли босма табоғи – 11,3125.

Адади 100 нұсха. Шартнома № .

Буюртма№

Оригинал макет «Classic» нашриётида тайёрланди.

150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,

Авиасозлар күчаси 2-үй.

Телефон: (93) 507-52-72

“Poligraf Super Servis” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,

Авиасозлар күчаси 2-үй.